

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент ирригация ва мелиорация институти**

Ў. Умурзоқов, А. Тошбоев А.,

А. Тошбоев

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишилари ва коллеж талабалари ҳамда бизнес мактаблари тингловчилари ва фермерлар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

**Тошкент
"IQTISOD-MOLIYA"
2007**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ**

Ў. Умурзоков

А. Тошбоев

А. Тошбоев

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
ИҚТИСОДИЁТИ**

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

“IQTISOD-MOLIYA”

2007

O‘quv qo‘llanmada fermer xo‘jaligida erkin ishlab chiqarish munosabatlarini shakllantirishning nazariy, huquqiy va iqtisodiy asoslari yoritilgan bo‘lib, qo‘llanma Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi talablariga to‘la mos keladi. Fermer xo‘jaliklarini tashkil etish va rivojlantirishda amalga oshirilayotgan tashkiliy, huquqiy va iqtisodiy islohotlar, avvalo Respublika Prezidenti tomonidan qabul qilingan Farmonlar, Vazirlar Mahkamasi qarorlari va tegishli me’yoriy hujjatlar asosida yozilgan. Shuningdek, o‘quv qo‘llanmada fermer xo‘jaliklarining moddiy-texnika ta’minoti, mehnat resurslari, xizmat ko‘rsatish infratuzilmasi, mahsulot ishlab chiqarish samaradorligi, ishlab chiqarish faoliyatini tashkil etish, mahsulot yetishtirishning ilg‘or texnologiyasi, bozor subyektlari bilan iqtisodiy munosabatlari va kelgusidagi istiqbollari ko‘rsatib o‘tilgan.

Mazkur o‘quv qo‘llanma 5340100 - “Iqtisodiyot” (qishloq xo‘jaligi; suv xo‘jaligi) bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari talabalari uchun tayyorlangan, shuningdek 600000 - “Qishloq va suv xo‘jaligi” bilim sohasi tarkibiga kiruvchi barcha ta’lim yo‘nalishlari talabalari uchun ham qo‘shimcha adabiyot sifatida tavsiya etiladi.

Масул муҳаррир:

и.ф.д. Муродов Ч. М.

Тақризчилар:

и.ф.д. Фармонов Т. Х.

и.ф.н. доцент Файзулаева Т. Р.

Ў. Умурзоков, А. Тошбоев, А. Тошбоев

«Фермер хўжалиги иқтисодиёти» (ўкув қўлланма). Т.:ТИМИ, 2006 й. 222 бет

Fermerlar – agrar islohot tizimining birinchi qaldirg‘ochlari. Ularning qanotini sindirmaylik. Ularni asrash, avaylash, parvarish qilish kerak. Fermerlarimizga ko‘rsatilgan bir yaxshilikka ming yaxshilik bilan javob qaytishiga imonim komil.

И.Каримов

КИРИШ

Mustaqillik sharofati bilan O‘zbekiston Respublikasi xalq xo‘jaligining asosiy tarmog‘i bo‘lgan agrar sohani rivojlantirishda qator iqtisodiy islohotlar olib borildi. Qishloq xo‘jaligida mulkchilikka asoslangan erkin tovar ishlab chiqaruvchi subyektlar shakllandi. Agrar sohadagi xo‘jalik yuritishning bu turli shakllari kooperativ(shirkat), fermer, dehqon xo‘jaliklari bo‘lib, respublika qonunchilik organlari tomonidan ularning huquqiy asoslari yaratilib, xalq muhokamasidan so‘ng qonuniy asos sifatida amaliyotda o‘z ijobjiy natijalarini bermoqda.

Muhtaram Prezidentimiz I. Karimov tomonidan ishlab chiqilgan davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi dasturlarining asosi bo‘lgan bozor va bozor munosabatlari asosida har bir tarmoqni rivojlantirish orqali yuqori samarali natijalarga erishish ko‘zda tutilgan. Ayniqsa, agrar tarmoqni rivojlantirishda bu dasturning bajarilishi o‘z samarasini berib kelmoqda. Avvalo, dehqonning ishlab chiqarishga va mulkka egalik hissining ortishi, erkin iqtisodiy faoliyat yuritishi, daromad olishi, uni o‘z imkoniyatlarida erkin taqsimlashi hamda tasarruf etish imkoniyati yaratildi. Respublika agrar sohasida faoliyat yuritayotgan fermer xo‘jaliklari boshqa subyektlarga nisbatan, amaliyotda o‘zining bir qancha ijobjiy hamda iqtisodiy ustunliklarini ko‘rsatdi. Bu esa bozor munosabatlarida qishloq xo‘jalik mahsulotlari yetishtirishni ko‘paytirish va uning samaradorligini oshirishdagi afzalliklari bilan bugungi istiqbolli xalq xo‘jalik yo‘nalishiga mos kelishini inobatga olib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003 yil 24 martdagи «Qishloq xo‘jaligida islohotlarni chuqurlashtirishning asosiy yo‘nalishlari to‘g‘risida»gi PF-3226-sonli Farmoni qabul qilinib, unda fermer xo‘jaliklarini rivojlantirish ustuvor yo‘nalish qilib belgilandi. Farmonni amliyotga tatbiq qilish bo‘yicha fermer xo‘jaliklarini rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqish ko‘zda tutildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003 yil 27 oktabrdagi PF-3342-sonli «2004-2006 yillarda fermer xo‘jaliklarini rivojlantirish konsepsiysi to‘g‘risida»gi Farmoniga asosan, Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 30 oktabrdagi 476-sonli «2004-2006 yillarda fermer xo‘jaliklarini rivojlantirish konsepsiyasinin amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi va 2004 yil 24 dekabrdagi 607-sonli «2005-2007 yillarda fermer xo‘jaliklarini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qarorlari qabul qilindi. Ushbu qarorlar bilan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtiruvchilarning asosiy shakli sifatida fermer xo‘jaliklarini tashkil etish va ularning faoliyati

uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, shuningdek, qishloqda bozor infratuzilmasini kompleks rivojlantirish asosiy masala qilib belgilandi.

Fermer xo‘jaliklarini rivojlantirishning aniq chora-tadbirlari ishlab chiqilib va uni bosqichma-bosqich amalga oshirish to‘g‘risida istiqbolli yo‘nalishlar ishlab chiqildi. Mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda fermer xo‘jaliklarining mahsulot ishlab chiqarish faoliyatini tashkil etish, unga huquqiy asos yaratish, tayyorlov, ta’milot va servis xizmati ko‘rsatuvchi korxonalar o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlarni yaxshilash ishlari amalga oshirilmoqda. Sir emaski, ayrim tayyorlov, ta’milot va servis xizmatlari korxonalarini oldiga qo‘ygan vazifalarni yetarli darajada bajara olmay kelmoqda. Endilikda ushbu infratuzilmalarni rivojlantirish orqali fermer xo‘jaliklari faoliyatini yaxshilash asosiy vazifamiz bo‘lib qoldi. O‘zbekiston Respublikasi agrar sohasida 2005 yilda 3646 ming hektar ekin maydoniga dehqonchilik qilingan bo‘lsa, unda fermerlar hissasi 2139,7 ming hektarni yoki 58,7 % ni tashkil etdi. Fermer xo‘jaliklarining salmog‘i ortib borayotganligi bois, ularning iqtisodchi kadrlarini o‘qitish va malakasini muntazam oshirib borishda ushbu o‘quv qo‘llanma samarali xizmat qiladi. Ma’lumki, fermer xo‘jaliklari tashkil etishning huquqiy-iqtisodiy asoslari, ishlab chiqarish infratuzilmalari bilan shartnoma munosabatlari, yerdan foydalanish va ekinlarni joylashtirish, suv va melioratsiya ishlari, mol-mulk, mehnat resurslaridan foydalanish, xo‘jalikni boshqarishda marketing va menejment, xo‘jalikning iqtisodiy faoliyatini tashkil etish, investitsiyalash, ta’milot va servis xizmatlari, infratuzilma, investitsiya, mahsulot yetishtirish va uni sotish mexanizmlari, kooperatsiyalashuv jarayonlarini tashkil etish, fermer daromadini ko‘paytirish hisobiga ish o‘rindarini ochish, yangi zamonaviy texnologiyalar kiritish hamda dehqonchilikda ilg‘or agrotexnologiyalardan foydalanishda yetarli bilimga ega bo‘lish orqali xo‘jalikni barqaror rivojlantirish mumkin.

Ushbu o‘quv qo‘llanma orqali aynan fermer xo‘jaligini tashkil etish bilan bog‘liq masalalar iqtisodiyotini hamda istiqbolli ishlab chiqarish faoliyatini tashkil etishning ustuvor yo‘nalishlarini o‘rganish mumkin.

И-БОБ. “ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ

1.1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳияти

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғи бўлиб, аҳолини озиқовқат маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз агросаноат мажмуасининг етакчи тармоғи бўлиб, дехқончилик, чорвачилик ва мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жарёнларини ўз ичига олади.

Республика қишлоқ хўжалигига асосий эътибор мамлакатнинг иқлими, ер-суви ва моддий ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўпланган дехқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишга қаратилган. Дехқончиликда ғаллачилик, пахтачилик, шоликорлик, мевачилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик соҳалари, чорвачиликда эса қорамолчилик, қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, асаларичилик, пиллачилик тармоклари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон жаҳонда ялпи пахта хосилини етишириш бўйича 4-ўринда, пахта толасининг экспорти бўйича 2-ўринда (АҚШдан кейин) туради. Шунингдек, республикада етишириладиган мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотларининг асосий қисми қўшни давлатларга чиқарилади. Ўзбекистон ўзининг сифатли пилласи ва қоракўли билан ҳам дунёга машҳурдир. Республика тўлиқ дон мустақиллигига эришиб, четга экспорт ҳам қилмоқда.

Республика қишлоқ хўжалигига: кооператив (жамоа хўжаликлари), хўжаликларо корхоналар, ширкатлар уюшмалари, давлат хўжаликлари негизида ташкил этилган хўжаликлар, жамоа мулкига айлантирилган фермалар ва бошқалар); давлат хўжаликлари, наслчилик заводлари, ўкув-тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари); хусусий (дехқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар) ҳамда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари (шахсий эҳтиёжлар учун айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш) мавжуд. Республика қишлоқ хўжалигига пахта якка ҳокимлиги (якка зироатчилиги)нинг қарор топиши оқибатида 1987 йилга келиб, 2107,7 минг гектар ёки жами суғориладиган экин майдонининг 60 %дан кўпроғига пахта экилди. Натижада илмий асосланган алмашлаб экиш тизими издан чиқди, минерал ўғитлар, гербецидлар, айниқса инсон саломатлигига зарарли бўлган пестицидлар меъёридан ортиқча ишлатилиши натижасида дехқончилик қилинадиган жойларда экологик шароитлар бузилди, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигига атрофлича ислоҳотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, дехқон, фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга эътибор берилди. Республика парламенти қишлоқ хўжалигига туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қонунларни қабул қилди.

Республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартағи «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа қарорлари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор тамойилларининг эркин ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш, хўжаликларни нодавлат шаклларига айлантириш, маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага мулк қилиб бериш йўли билан қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, дехқон ва фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес ишини йўлга кўйишга кенг имкониятлар очиб берди.

Дехқончиликда картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорвачиликда сут, гўшт, тухум, тери ва жун маҳсулотларини эркин (келишилган) нархларда сотиш жорий этилди. Бу эса хўжаликларга ўзлари етиштирган маҳсулотлардан ихтиёрий фойдаланишга имконият яратди. Давлат буюртмаси фақат пахта, дон, шолига нисбатан сақланиб қолди.

Олиб борилган тадбирлар хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини яхшилашга ҳамда хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ривожлантиришга кенг йўл очиб беради.

Ердан самарали фойдаланишда Республика Президенти И. Каримов «Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, дехқонда сохиблик хиссини уйғотиш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларнинг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуки билан умрбод фойдаланишга бериб кўйиш орқали, шунингдек, дехқон, фермер ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим¹» деб кўрсатиб ўтди.

Дехқон, фермер ўзи ҳосил тўплаб, уни йиғиши билан шуғулланмаса, иш унуми ва самараси бўлмайди. Уларга ўз вақтида банк сервис хизмати, таъминот, истеъмолчи ва қайта ишлаш корхоналари ёрдам берса, улар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради ва истеъмол бозорини бойитади.

Бозор муносабатлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган қишлоқ хўжалик субъектларида иқтисодий тадбирлар зарурлигини ҳисобга олиб, Президентимиз И. Каримовнинг «Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида жамиятимизнинг янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан аграр соҳадаги ислоҳотларнинг нечоғли самарали қишлоқ ҳаётига кириб боришига боғлиқлиги таъкидланди.

Республика аграр тармоғи ялпи ички маҳсулотнинг 41,7 фоизини, мамлакатга валюта тушумларининг 33,2 фоиздан ортигини ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз халқ хўжалигига банд бўлган аҳолининг 40 фоизга яқини ва барча аҳолининг 60 фоизидан ортиғи қишлоқларда яшайди. Уларнинг моддий аҳволи, турмуш даражаси ва моддий фаравонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг ҳолатига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». –Т.: «Ўзбекистон», 1995, -246 б.

Республика аграр соҳасида мулкий муносабатларни шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш аграр ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидир.

Ислоҳотларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди.

Аграр соҳада мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият берилди, 1066 та давлат хўжаликлари (совхозлар) тугатилиб, улар негизида жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Чорвачилик фермалари, боғ ва токзорлар, кичик ер майдонлари ҳамда иссиқхоналар хусусийлаштирилди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва тегишли ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундай ҳукуқий пойдеворнинг яратилиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга замин яратди. Қишлоқ хўжалигига хўжалик юритишининг бозор муносабатларига мос келадиган ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари устуворлиги белгиланди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланган бўлиб, у қишлоқ хўжалигига товар ишлаб чиқарувчилар ҳақ-ҳукуқларини химоя қилиш устуворлиги; товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлигини янада кенгайтириш ва давлат буюртмаси бўйича етиштирилаётган маҳсулотларга баҳо белгилашда дунё бозори нархларига мос келувчи тизимни шакллантириш; биринчи навбатда паст рентабелли ва зарап кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш асосида қайта ташкил этиш механизми жорий этилиши; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи замонавий инфратузилма тизимининг барпо этилиши билан характерланади.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги муҳим вазифаси – ерга бўлган мулкчилик муносабатини ҳал қилишдир. Ерга мулкчилик ҳукуки ортиқча расмиятчиликка, қоғозбозликка берилган шаклда эмас, балки замонавийлашган ва бозор муносабатларига асосланган тартибда жорий этилиши лозим. Бунда ерларни узоқ муддатга ижарага бериш асосида фермер ва дехқон хўжаликларини янада ривожлантириш устувор йўналиш бўлиб қолади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириб бориш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи корхона ҳамда ташкилотлар акцияларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида тақсимлаш орқали уларни акциядорлаштириш; ўзаро кредитлаш борасидаги имкониятларни кенгайтириш; қишлоқ хўжалиги бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва давлат харид нархларини ҳамда бутун нарх-навонинг шаклланиш тизимини ўзгартириш; фаннинг инновациясини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан узвий алоқаларини тиклаш ва ривожлантириш; соҳа ходимларига ҳукуқий ва касбий таълим беришга доир тадбирлар тизимини ишлаб чиқариш республикада аграр сиёсатнинг муҳим йўналишлари хисобланади.

Иқтисодий ислоҳотлар нафақат қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи тармоқлар, маҳсулотни қайта ишловчи соҳалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраузилма бўғинлари ва ташки савдо соҳаларини ислоҳ қилишни ҳам ўз ичига олади.

1.2. Халқ хўжалиги иқтисодиётида фермер хўжаликларининг ўрни ва вазифалари

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, капитал қуриш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга моддий-техника маблағларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар яратилиши ва фискалъ ўзгаришларнинг мувофиқлаштирилиши ЯИМнинг ўсиш тенденциясини сақлашни таъминлайди. Иқтисодиётнинг янада ўсишида экспорт учун қулай бозор конъюктураси, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг рағбатлантирилиши, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг кўпайишига таъсири, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа секторларини барқарор ишлаши каби омиллар таъсир кўрсатди.

2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ўсади. Давлат бюджети кутилаётган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди. Эндиликда бизни ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръатининг 4-4,5 фоизда бўлиши қониқтирумайди. Шу боисдан келажакда, яъни 2010 йилга келиб, ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръатини 6-8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 7-8 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. 2010 йилгача ЯИМнинг таркиби ҳам ўзгариб, унинг даромадлар таркибидаги иш ҳақининг улуши ҳозирги 35 фоиздан 60-65 фоизга ўсиши оқибатида аҳоли турмуш даражасининг анча яхшиланиши кўзда тутилмоқда. Шу даврда саноат маҳсулотлари 2,3-2,5 баробарга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса 1,82 баробарга кўпаяди. Республика ЯИМнинг ўсиш динамикаси қўйидаги жадвалда келтирилган.

1.2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ЯИМнинг ўсиш динамикаси

Давр	ЯИМ		ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби, %				
	Мос даврларда жорий баҳоларда, млрд.сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % (таққослама баҳоларда)	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Курилиш	Хизмат кўрсатиш соҳаси	Соф солиқлар
2000	3255,6	103,8	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2001	4925,3	104,2	14,2	30,2	5,8	28,2	11,9
2002	7450,2	104,2	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6

2003	9837,8	104,4	15,8	28,6	4,5	37,4	13,7
2004	12189,5	107,7	17,1	26,8	4,5	37,6	14,0
2005	15923,4	107,0	21,2	25,3	4,8	38,1	10,6
2006	20759,3	107,0	22,1	25,0	5,1	36,7	11,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006 йилда ЯИМнинг 7,0 %га, саноатнинг улуши 22,1 %, қишлоқ хўжалиги – 25 %, қурилиш 5,1 %, хизматлар соҳаси – 36,7 % ўсди. Республика иқтисодиётининг барқарор ривожланишида аграр тармоқнинг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Мазкур соҳада мулкчилик муносабатлари шаклланиб, энг устувор йўналишлардан фермер хўжаликлари бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлади.

Фермер хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тежамкор технологияларни амалиётга жорий этиш, атроф-мухит экологияни яхшилашдан иборат. Ҳозирги кунда ҳукумат томонидан шу соҳани ривожлантиришга асосий эътибор берилиб, қатор қонун ва қонун ости хужжатлари қабул қилиниб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

1.2.2-жадвал. Фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий қўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.
Фермер хўжаликлари сони, дона	87552	103921	125668	189235
Уларга бириктирилган ер майдони, минг га	2148,1	2935,4	3775,3	4953,2
Фермер хўжаликларида иш билан банд бўлғанлар сони, минг киши	603,0	765,3	954,2	1381,1
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларида фермер хўжаликларининг улуши, %	14,1	24,1	38,1	55,0
Битта фермерга тўғри келади, га	24,5	28,2	30,0	26,2

Республикамизда, 2004-2006 йилларда фермер хўжалирини ривожлантириш концепциясига асосан, 2007 йилга келиб фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларининг умумий қишлоқ хўжалиги ерларидаги салмоғи 17,5 фоиздан 63,3 фоизгача, суғориладиган майдонлардаги салмоғи 72,1 фоизгача етади. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улушини 25 фоизгача етказиш ёки фермер

хўжаликларида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини уч йил ичидаги 2 баробарга кўпайтириш белгиланди. Фермер хўжаликларининг умумий сони 189,2 мингтага, уларга бириктирилган ер 4,9 млн.га етди. Фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши 2003 йилда 14,8 %дан, 2006 йилда 32,3 %га, жами экин майдонлари 36,9 %дан 74,5 %га ортди. Пахта етиштириш 37,9 %дан 86,3 %га, буғдой 35,8 %дан 71,0 %га ортди. Экспертлар хulosасига кўра, фермер хўжаликларида ширкат хўжаликларига қараганда, пахта ва буғдойни етиштириш унумдорлиги юқори бўлди. Республика халқ хўжалиги иқтисодиётида фермер хўжаликларининг салмоғи ортиб бориши, аввало, фермерлар сонининг ортиб бориши, уларга бириктирилган ер майдонлари ва маҳсулот ҳажмининг ортиб боришидир. Ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалиётга кенг жорий қилиш орқали фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш имконияти яратилади.

1.3. Фаннинг мақсади, вазифаси, предмети, фанлар билан алоқаси ва усуслари

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг барча тармоқлари бир–бирлари билан узвий боғланган ҳолатда фаолият кўрсатади. Тармоқни ривожлантириш ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар ва иқтисодий ислоҳотлардан кенг фойдаланишини тақозо этади. Шу мақсадда “Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унинг иқтисоди” фани аграр соҳани ривожлантиришда самарали хизмат қиласи. Бу фан иқтисодий фан бўлиб, фермер хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг самарали йўллари, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқарувчи кучлар; объектив иқтисодий қонунларни амалиётга татбиқ қилиш; хўжаликни бизнес режа асосида юритиш; фермер хўжалигига раҳбарлик қилиш; ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини ва илгор тажрибаларни жорий этиш; пул-кредит муносабатлари; арzon ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлларини кўрсатади.

«Фермер хўжалиги иқтисодиёти» фани қуйидаги иқтисодий фанлар «Иқтисодий география», «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди», «Бизнес режа», «Тадбиркорлик», «Иқтисодий статистика», «Менежмент», «Маркетинг», «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Техника иқтисодиёти» ва бошқа фанлар билан узвий алоқададир.

«Фермер хўжалиги иқтисодиёти» фани қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари тўғрисида қабул қилинган иқтисодий қонунларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш ва маҳсулот етиштиришдан иборатdir.

Фаннинг предмети – фермер хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқукий-иктисодий асосини, ишлаб чиқариш фаолияти ва унга хизмат қилувчи инфратузилма, иқтисодий қонунларни татбиқ қилиш, моддий таъминот ва корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари ва иш юритиша меҳнат унумдорлигини оширишни ўрганишдан иборатdir. «Фермер хўжалиги иқтисодиёти» фани қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий самарадорликни, қонунлар ўзгаришини ва жамият ривожланишини ўрганиб синтез қилиб туради. Фермер хўжалиги тўғрисидаги иқтисодий қонунлар хўжаликни ижобий ривожлантириш учун хизмат қиласи.

Фаннинг объекти – фермер хўжаликлари ва унинг ишлаб чиқаришига бевосита ўз ҳиссасини қўшадиган барча корхоналар фаолиятидир.

«Фермер хўжалиги иқтисодиёти» фанинг мақсади қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унга хизмат қилувчи тармоқлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш; меҳнат жараёнларини бозор муносабатларида ривожлантириш; меҳнат унумдорлигини ошириш; ер-сув ҳамда асосий воситаларидан самарали фойдаланишдан иборатdir. Фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришини, ижтимоий-иктисодий фаолиятини ўрганишда қилинадиган таҳлиллар қуидаги усуллар орқали ифодаланади. Ушбу усуллар ёрдамида ишлаб чиқаришда рўй берадиган ҳодисаларни иқтисодий баҳолайди.

1. Статистик гурухлаш усули - ер фондидан рационал фойдаланиши, маҳсулот таннархи, меҳнат ресурслари, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, техникалардан рационал фойдаланиши ва бошқа кўрсаткичларни ўрганади. Бу усул ёрдамида кўрсаткичларнинг маркиби, бир-бирига боғлиқлиги, кўп йиллик ўсиши даражаси, фермер хўжалигини янада ривожлантириши истиқболлари аниқланади.

2. Монографик усул - тажриба алмасиши мақсадида хўжаликларнинг умумий ва айрим тармоқларининг фаолиятини, ишлаб чиқариши жараёнларини, ривожланиши истиқболларини аниқлаб беришдан иборат.

3. Аналитик ҳисоб усули – фермерлар фаолиятини таҳлил қилиши, фермер хўжаликларининг барча тармоқларини ривожлантириши йўлларини белгилайди.

4. Иқтисодий математик усул математик рақамлардир. Фермер хўжалигининг барча ишлаб чиқариши соҳалари бўйича кўрсаткичларини таҳлил қилишида математик рақамлар З манбадан олинади:

1. бизнес режадан;
2. хўжаликнинг йиллик ҳисоботидан;
3. меъёрий маълумотлар, технологик карта ва маълумотномалардан.

Иқтисодий математик усул бир қанча босқичларга бўлинади. Тайёрлаш, иқтисодий таҳлил, абстрак рақамлар, маълумотлар йиғиши ва уни ўрганиши.

5. Лойиҳа конструкторлик ишлари усули – лойиҳалашибирилган объектлар ва жамлаб бўлмайдиган ҳар хил кўрсаткичларни таҳлил қилишидан иборатdir.

Юқоридаги усуллар ёрдамида фермер хўжаликлари ва инвестиция лойиҳалари, хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилиниб, келгусида ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинади.

Фермер хўжаликлари мустакил субъект сифатида тенг ҳукуқли қишлоқ хўжалик корхонаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда ўз ечимини топмаган кўплаб масалалар мавжуддир. Шу мақсадда фермер хўжаликлари бошлиқларининг маълумоти, мутахассислиги ҳамда тадбиркорлик фаолияти таҳлил қилинганда, уларнинг асосий қисми ўрта маълумотли, турли касб эгалари, тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаганлардир. Шу сабабли, фанинг фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги аҳамияти, аввало, фермер хўжаликларини ташкил этишнинг иқтисодий, ҳукукий ишлаб чиқариш асосларини ўрганиш; ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлар; фермер хўжаликларининг халқ хўжалигидаги ўрни ва истиқболлари; ер-сув ресурсларидан; асосий фондлардан фойдаланиш; фермер хўжалигини бошқариш ва меҳнат

унумдорлигини ошириш; моддий-техника ресурслари; инвестиция ва уни амалиётга жалб этиш; маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари, маҳсулот етишириш агротехникаси; инфратузилма ва сервис хизматлари кўрсатиш; тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини ўргатишдан иборатdir.

1.4. Фермер хўжалигини ривожлантириш йўллари

Республикада фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналаридан фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти ва олинган иқтисодий самараси билан ажралиб турмоқда. Шунинг учун фермер хўжалигини ривожлантиришга мамлакат Президенти жуда катта эътиборни қаратди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ишлари, асосан, 4 босқичда амалга оширилмоқда. **I – босқич.** Фермер хўжалигини ташкил қилиш жараёнининг бошланиши (1998-2001 йиллар). **II-босқич.** Фермер хўжалигини ривожлантириш бўйича хуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши (1992-1996 йиллар). **III-босқич.** Фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалигига устувор хўжалик юритувчи шакл сифатида ривожланиши (1997-2000 йиллар). **IV босқич.** Фермер хўжаликларининг ривожлантирилиши (2001 йилдан бошлаб). Бу кейинги даврни ўз ичига олиб, бу давр фермер хўжаликларини истиқболда устувор ривожлантириш дастурларининг қабул қилиниши билан характерланади. Бу босқичда республика Президентининг 2003 йил 24 мартағаги №ПФ-3226 сонли «Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» ва 2003 йил 27 октябрида №ПФ-3342 сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда №8 сонли «Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 30 октябрида №476 сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2004 йил 24 декабрида №607 сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Фермер хўжалигини ривожлантириш Концепциясининг асосий вазифалари: қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш асосида ер майдонларидан фойдаланишни тартибга солиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларидан мақсадли фойдаланишнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; маҳсулот етиширишда, моддий-техника ресурслари билан таъминлашда фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллигини лизинг ва сервис хизматларидан самарали фойдаланиш; фермер хўжаликларига кредит бериш ва унинг тартибини соддалаштириш; маҳсулот етиширишни ўз вақтида молиялаш ва кредитлашни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш; хўжаликда маҳсулот етишириш, уни қайта ишлаш, сотиш ва ижтимоий инфратузилмани кенг кўламда ривожлантириш; фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ташкил қилиш; фермерларга фан-техника тараққиёти, янги агротехникалар ва илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш; истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда бўшаб қоладиган ишчи ходимларни фермер хўжаликларига жойлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ундан самарали фойдаланишдан иборатdir. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда ҳукумат томонидан қуйидаги имтиёзлар берилди: фермер

хўжаликлари ташкил этилган пайтдан бошлаб, икки йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилди; фермер лойиҳа асосида ўз хисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди: Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг руҳсатисиз фермерлар фаолиятини текширишга чек қўйилди; хорижий технологияларни олиб кирган дехқон ва фермер хўжаликлари божхона тўловларидан озод қилинди; янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармояларни бериш йўлга қўйилди; фермер хўжаликларига лизинг асосида техникалар берила бошланди; давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилмоқда; Уюшма томонидан ташкил этилган ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни ташкил этилган вақтдан бошлаб, беш йил муддатга даромаддан олинадиган солиқдан озод этилди.

Қисқача хуносалар

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришида олиб борилаётган ислоҳотлар асосида мулкчилик муносабатлари шаклланиб, барча тармоқлар бозор муносабатларида фаолият кўрсатмоқда. Республика аграр соҳасининг барча тармоқларида маҳсулот етиштириши имкониятлари кенгайиб, хукуқий асослар яратилди. Ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигини учта босқичда ривожлантириши дастурлари ишлаб чиқилиб, самарали жорий этилди. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектлар орасида фермер хўжалиги ўзининг иқтисодий ва маҳсулот ишлаб чиқарииш салоҳияти билан устуворлигини кўрсатди. Фермер хўжалигини келгусида ривожлантириши тўгерисида барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ҳазорат ხа мухомама үгуни саволлар

1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришида ислоҳотлафрининг зағуриятини айтиб беринг.
2. Мулкчилик муносабатлафини шакллантириши тушунгаси нима?
3. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотлафни чуқуқларни ўзлаштириши ўйлари нималардан иборат?
4. Ҳифз мер хўжалиги нима үгуни устувор беъд таш олиниди?
5. Ҳифз мер хўжалигини ривожлантиришида фанинг вазифаси нималардан иборат?
6. Ҳифз мер хўжалигини ривожлантириши босқицлафини айтиб беринг.
7. Ҳифз мер хўжалигини ривожлантириши концепциясининг можияти ҳа матижаларни нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. «Дехқончилик тараққиёт – фаровонлик манбаи». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йигилишида сўзланган нутқ. 1994 йил, 18 феврал. –Т., «Ўзбекистон», 1994, 23 б.
2. Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т., «Ўзбекистон», 1998 й.
3. Каримов И. А. «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида». –Т., «Ўзбекистон», 1995 й.
4. «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонун. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил, 30 апрел.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалигини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил, 27 октябр.
6. Петранева Г. А. «Экономика и управление в сельском хозяйстве». Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди». –Т.: «ТДИУ», 2004 й.
8. Олимжонов О. ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг хуқуқий ва молиявий асослари». – Т.: «Ўзбекистон», 2005 й. 212 б.
9. Умурзоков Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. «Фермер хўжалигини ташкил этишнинг хуқуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари». –Т.: «ТИҚҲМИИ», 2004 й. 141 б.
10. Уральские выставки. www.uv2000.ru <http://www.uv2000.ru/>

II-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Фермер хўжалиги тушунчаси, мақсади, вазифаси, фаолияти ва унинг йўналишлари

Фермер хўжалиги – танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигининг мақсади – қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондиришдир.

Фермер хўжалигининг вазифалари – ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш; тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш; мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш; ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда, чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишдан иборатдир.

Фермер хўжалигининг фаолиятига – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек, бозорларда, шу жумладан ўз савдо шаҳобчалари орқали сотиш; тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш; юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш; фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш киради.

Фермер хўжаликларининг асосий йўналишлари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 марта «Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган: фермер хўжаликлари зарап билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади; фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан, хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади; ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатга, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади; фермер хўжаликларига бериладиган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади; етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларнинг ўzlари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш ишлари кўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Мехнат ресурслари етарли бўлмаган ва янги сугориладиган ерлар ҳамда захира ерларда фермер хўжаликлари ташкил этилади.

2. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг ерларида фермер хўжалиги тузилиш учун берилган аризага биноан, умумий мажлиснинг қарори билан ажратиладиган ерларда фермер хўжаликлари тузилади.

3. Сурункасига зарар кўриб ишилаётган истиқболсиз ёки паст рентабелли хўжаликлар Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида қайта ташкил этилиб, тўлигича фермер хўжаликларига айлантирилади.

Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва худудларда ташкил этилди.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганде Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидағи сұғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, вилоятлар ва Қорақалпогистон Республикасидаги сұғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, сұғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳкончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртacha йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишли алоқадор мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган, деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олингандан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб вараги ва бошқа хил ҳисоб вараклари очиб, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

2.2. Фермер хўжалигини ташкил этиш

Фермер хўжалигини юритиш истагини билдирган фуқаролар биринчи навбатда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратишни сўраб қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви номига ариза берадилар. Бунда аризаларни бериш ва кўриб чиқиши қишлоқ хўжалиги экинларини йиғиб олиш тугаган вақтга тўғри келиши мақсадга мувофиқдир.

Фуқаронинг аризаси ва умумий мажлис қарори фермер хўжалигининг бизнес-режаси билан бирга туман ҳокимига юборилади. Ушбу ҳужжатлар туман ҳокими томонидан беш кун муддатда ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига хulosса бериш учун топширилади. Комиссия ўн беш кун муддатда ҳужжатлар билан танишиб чиқади ва бўлажак фермер билан сухбат ўтказади ҳамда ижарага ер бериш мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хulosасини тайёрлайди. Хulosани юқоридаги ҳужжатлар билан бирга туман ҳокимига тақдим этади.

Туман ҳокими ўн беш кун муддатда тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқиб, фермер хўжалиги юритиш учун фуқарога ер участкаси бериш тўғрисида қарор тайёрлайди. Туман ҳокимининг тавсияси билан вилоят ҳокимиятида тузилган комиссияга юборилади. Комиссия хulosасига асосан, туман ҳокими қарор чиқаради. Туман ҳокими қарор қабул қилингандан сўнг, ўн кун муддат ичида ҳокимиятнинг ер тузиш ва ердан фойдаланиш хизмати билан фермер хўжалиги бошлиғи ўртасида ер ижараси шартномаси тайёрланиб, имзоланиши лозим.

Шартнома имзолангандан сўнг, ўн кун муддатда туман бош ер тузувчиси ва ширкат хўжалиги вакили фермер учун ажратилган ерни кўрсатади ва уч нусхадаги далолатнома билан тасдиқлади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигига давлат рўйхатидан ўтади. Бунинг учун Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 авгуустдаги қарорига мувофик, ушбу тоифадаги хўжаликлар туман ҳокимлигига қўйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ариза.

2. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йигилишининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси олий бошқарув органи ёки иш берувчи (маъмурияти) нинг фермер хўжалигини ташкил этиши тўғрисидаги қарори.

3. Нотариал тасдиқланган Низомнинг иккита асл нусхаси.

4. Давлат божи ёки рўйхатдан ўтиши тўлови тўланганлиги тўғрисида банк тўлов хужжати (энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида).

5. Ваколатли шаҳар (туман) ҳокимияти органлари томонидан берилган хўжалик номини тасдиқловчи хужжат.

6. Ҳокимият қарори билан ташкил этилган танлов комиссиясининг ер участкаси берииш ҳақидаги қарори, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг бизнес-режаси нусхалари.

7. Мухр ва штампнинг уч нусхадаги эскизи.

Фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур хужжатлар бўлажак фермернинг ўзи ёки шартнома асосида туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори ариза берувчи ариза берган кундан бошлаб (етти) иш кунида, туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қарори билан бир пайтда қабул қилинади. Шундан сўнг, туман ҳокимлиги янги ташкил этилган фермерга «Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида»ги гувоҳнома ва туман ҳокимияти муҳри билан тасдиқланган «рўйхатга олинган» белгисига эга таъсис хужжатларини ҳамда муҳр ва штамп тайёрлашга рұхсатномани топширади.

Фермер хўжалиги ташкил этишнинг ушбу Конунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофик бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек, рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

2.3. Фермер хўжалигининг ташкилий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш асослари

Республика халқ хўжалигида бозор муносабатлари шаклланган бир пайтда қишлоқ хўжалигига хўжалик юритишнинг турли шакллари синовдан ўтказилди ва доимий равища

такомиллаштириб борилди. Фермерга бўлган хукуматнинг эътибори тез орада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Мамлакатимизга четдан олиб келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори кескин камайиб, унинг ўрнини маҳаллий маҳсулотлар эгаллади. Чунки Давлат мулкини хусусийлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ер муносабатларини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди. Ер ҳалқимизнинг асосий миллий бойлиги бўлиб, ҳалқни озиқ-овқат ва саноатни хом-ашё билан таъминлашда муҳим хизмат қилмоқда. Республикаиз иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш самарадорлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси «Конститутцияси» ва «Ер кодекси»га биноан, ер Давлат мулки бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлатнинг чиқарган қонунлари асосида ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ердан фойдаланиш хуқуқига эга. Бозор муносабатларини эркинлаштириш жараёнида ердан фойдаланишининг қуйидаги тизимлари қабул қилинди:

- 1. Ширкат хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ерлари доимий фойдаланиши учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадларида берилади;*
- 2. Дехқон хўжаликлари ердан мерос қилиб қолдириши хуқуқи билан умрбод фойдаланадилар;*
- 3. Фермер хўжаликларига ер 50 йилгача муддатга ижарага берилади.*

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнини муваффақиятли охирига етказиш мақсадида 1998 йил 30 апрелда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши аграр ислоҳотларни жадаллаштириш учун хуқукий негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу тизимда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишда истиқболли субъектлардан бири бўлган фермер хўжалиги ўзига узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс хуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжалигини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар мазкур қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Фермер хўжалиги юридик шахснинг барча хуқуқларига эга бўлади. Фермер тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва бошқа шакллардаги хўжалик юритувчи корхоналар билан тенг хуқуқларга эга.

Фермер хўжалиги фаолияти қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиб, улар: фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ер учаскаси тўғрисидаги низомга асосан, ташкил этиш; етиширилаётган маҳсулотга мустақил баҳо белгилаш; етиширган маҳсулотини истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш; харид этилган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш; тадбиркорликни қонун хужжатларида белгиланган тартибда юритиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириш, сотиш ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш; кредитлар олиш, суғурта ва бошқа ҳолларни таъминлаган ҳолда, имтиёзли кредитлашга жалб этиш; ижарага берилган ер учаскасини кредит олиш учун гаровга қўйиш; ўрта ва кичик корхоналар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш; ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш хуқуқларига эга.

Қонун хужжатларида фермер хўжалигининг бошқа хуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий мажлисининг қарори билан белгиланган ихтисослашувга мувофиқ, ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай турли қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан ҳам шуғулланади. Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотини сифатли, меъёрий стандартларга мос, экология, санитария қоидалари асосида ишлаб чиқишдан иборат. Фермер хўжалиги фаолиятининг хуқуқий асослари унинг низомида белгилаб кўйилади (1-илова).

2.4. Фермер хўжаликлари фаолиятида қонун хужжатларидан фойдаланиш тартиби

Фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ости хужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида фермер хўжалиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Ер билан боғлиқ бўлган барча муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»дан фойдаланилади. «Ер кодекси»нинг асосий принциплари қуйидагилар: энг муҳим табиий ресурс, қишлоқ хўжалигининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш; ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш; қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало, суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб боришнинг ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш; қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда кўллаб-куватлаш; ерга ва табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш; ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг хуқуқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш; ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

Умуман, «Ер кодекси»да юкоридаги принциплардан келиб чиқсан ҳолда, фермер хўжалигининг ер билан бўладиган барча муносабатлари аниқ кўрсатиб берилган.

Фермер ўз фаолиятида «Ер кодекси»дан ва меъёрий хужжатлар тўпламидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бу хужжатлардан фойдаланиш тартиблари Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Фермер ўзининг иш фаолиятини, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун бўйича амалга оширади.

Қонуннинг 8-моддаси фермер хўжалигининг Низоми тўғрисида бўлиб, уставнинг моҳияти, мазмуни, фермер хўжалигини бошқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фермернинг ҳуқук ва мажбуриятлари, хўжаликни қайта ташкил этиш ёки тугатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан «Фермер хўжалигининг намунавий Низоми» тасдиқланган. Ушбу ҳужжат орқали ҳар бир фермер ўзининг шароити, ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалигининг Низомини қабул қиласди.


Қонуннинг 23-моддасида Ишловчиларни меҳнатга жалб қилиш, ҳақ тўлаш, суғурта бадалларини тўлаш каби умумий қоидалар белгиланган. Уларни қандай расмийлаштириш ва амалга ошириш бўйича «Мехнат кодекси»дан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан «Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисидаги намунавий шартнома» тасдиқланган ҳужжатдан фойдаланилади.

Фермер хўжалиги томонидан этиштирилган маҳсулотларни сотиш, моддий таъминот ва сервис хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган иқтисодий муносабатлари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда белгиланган бўлиб, уни ташкил этиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган «Намунавий контрактация шартномаси», «Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома», «Хизматлар кўрсатишига (Ишларни бажаришга) намунавий шартнома» ҳужжатларида акс эттирилган.

Фермер хўжалиги фаолиятини юритиши жараёнида қўлланадиган меъёрий ҳужжатлардан фойдаланишида биринчи навбатда қонунларни ҳаётга татбиқ этиши бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган ёки Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган қонун ости ҳужжатларини ўрганиб чиқишилари ва тегишили модданинг асл моҳиятини билиб олиши лозим. Ундан кейин ўзининг ҳуқук ва мажбуриятларини талааб қилишилари мумкин.

1-расм. Фермер хўжалигига қонун ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби

1-чизма. Фермер хўжалигига қонун ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби



Қисқача хulosалар

Фермер хўжалиги ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалигининг устувор субъекти ҳисобланади. Республика қишлоқ хўжалигига

фаолият кўрсатаётган субъектлар орасида хар томонлама устувор бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида ҳукуматнинг қўплаб қарорлари қабул қилинди. Унда фермер хўжалигининг ҳуқуқий асослари, хўжаликни тузиш тартиби, ишлаб чиқариш фаолияти, ер участкасидан фойдаланиш тартиблари, Президент, Олий Мажлис ва Сенат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларидан фойдаланиш тартиблари, фермернинг ҳақ-ҳукуқлари тўғрисидаги барча қонуний асослар яратилиб, кенг жорий этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Жазорат ва муҳоммада учун сабоимлар

1. *Фермер хўжалигининг маълумати ва вазифасини тушунтиринг.*
2. *Фермер хўжалиги қандай ташкил этилади?*
3. *Ташкилий-хуқуқий иш ва ишлаб чиқарни асослафи нима?*
4. *Жалунавий Жизомининг вазифасини тушунтиринг.*
5. *Қандай хўжжатлафидан қандай фойдаланилади?*

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари (“Ер кодекси”, “Ширкат хўжалиги”, “Фермер хўжалиги”, “Дехқон хўжалиги”, “Ер кадастри тўғрисида”ги Қонунлар). –Т.: “Адолат”, 1999, -446 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари” тўғрисидаги Фармони. “Халқ сўзи газетаси”, -Т.: 24 март 2003 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларининг ривожланиш концепцияси тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи газетаси”, -Т.: 2003 йил, 27 октябр.
4. Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004
<http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
6. Олимжонов О. ва бошқалар. “Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари”. – Т.: Ўзбекистон, 2005,. 212 б.
7. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишининг ҳуқуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари”. –Т.: ТИҚҲМИИ, 2004, -141 б.
8. Фермер узаконенъ наконеъ то. www.agronews.ru
9. Фармонов Т. Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”. –Т.: “Янги авлод”, 2004, 143 б.

Ш-Боб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЕР ВА СУВ РЕСУСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИ

3.1. Ер ресурслари ва ундан самарали фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигига ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, кишиларнинг ерга ишлов бериши йўли билан ишлаб чиқариш шаклланади. Ер бир пайтда меҳнат предмети (меҳнат йўналтирадиган объект сифатида) ва меҳнат қуроли (ерда зарур биологик шароитларни туғдириш натижасида ўсимликлар ривожланади) сифатида қишлоқ хўжалигига юзага келади. Ер ҳар бир халқнинг асосий бойлигидир.

Ўзбекистон Республикаси 447,4 млн. гектар ер майдонига эга. Республика қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 81 фоизи ёки 26,6 млн. гектари яйлов ва пичанзорларни ташкил этади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 16 фоизи ҳайдаладиган ерларни ташкил этади. Шундан 3,0-3,2 млн. гектари ҳайдалади ва лалми дехқончилик билан шугулланилади. Қолган қисмидан намлик жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди.

Республика ерининг бир қисми шаҳарлар ва аҳоли пунктлари, бир қисми транспорт ва коммуникациялари, дарё ва сув ҳавзалари билан банд ерлар, ўрмон хўжалиги ерлари, ҳарбий мақсадлар учун ажратилган ерлар ва давлат захира фондидан иборат. Биз учун энг муҳими, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобланади. Республиканинг ер манбалари чекланган ва у қишлоқ хўжалиги тармоғида фойдаланиладиган ресурс сифатида камайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигига ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қўйидаги хусусиятларга эга:

1). Ер табиатда чегараланган. Уни инсон хоҳлаганча кўпайтириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун, мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш даркор. Бундан ташқари, саноатнинг, коммуникациянинг ўсиши, аҳолининг кўпайиши табиий ҳолда бир кишига тўғри келадиган ер майдонининг қисқаришига олиб келади. Қолаверса, инсониятнинг ердан тўғри фойдаланмаслиги сабабли, уларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Тупроқ эрозияси, шўр босиш, касалликларга чалиниш каби тараққиётнинг салбий оқибатларини камайтириш ҳар бир давлатнинг, ердан фойдаланувчиларнинг асосий вазифасидир.

2). Ер – табиат маҳсули.

3). Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир.

4). Турли жойларда мавжуд ер майдонлари турли сифатга, яъни унумдорликка эга. Ернинг табиий ва сунъий унумдорлиги бир-биридан фарқланади. Табиий унумдорлик бу инсон аралашувисиз табиат томонидан вужудга келган ернинг ҳосил бера олиш қобилиятидир. Инсон аралашуви натижасида вужудга келган унумдорлик сунъий унумдорликдир. Бу унумдорликни ошириш имкониятлари катта.

5). Ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эмас. Мавжуд ерларда экин турларини жойлаштириш, техникадан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмига бўлган талабларни келтириб чиқаради.

6). Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Ердан тўғри фойдаланиб, иқтисодий унумдорликни оширишга эътибор берилса, алмашлаб экиш, экинларни тўғри жойлаштириш,

тармокларни бир-бири билан ихтисослаштирилганда, унинг физик структураси бузилмай, тупроқ унумдорлиги ошади.

Ердан фойдаланиш унумдорлиги уч хил бўлади:

1. Тупроқ унумдорлиги – намлик сизими, сув ўтказувчанлиги, механик, физик, химиявий, биологик таркиби, озуқа мoddаларининг умумий захираси билан ўлчанади.

2. Тупроқнинг таркибий унумдорлиги – ерга вақтинча дам бериш, дараҳт барглари, ёввойи ўтлар таналари, илдиз чириши, дуккакли экинлар экши билан тупроқ озуқаси бойитилади.

3. Тупроқнинг сунъий унумдорлиги – кишиларнинг ўз меҳнати ва қўшимча капитал сарфлаши йўли билан озуқани кўпайтириши тушунилади.

Ернинг унумдорлигини ошириш органик, минерал ўғитлар, алмашлаб экиш, прогрессив технологияларни қўллаш, агротехника, меҳнат воситалари, ишлаб чиқариш воситаларидан, режаларни тўғри, реал тузиш, шўрланишга йўл қўймаслик каби омилларга боғлиқ бўлади.

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари майдони кейинги жадвалда келтирилган.

3.1.1-жадвал. Қишлоқ хўжалиги экинларининг майдонлари динамикаси

Экин турлари	1980 й.	1990 й.	2000 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2006 йилда 1980 йилга нисбатан %
Донли экинлар	1173,8	1008,1	1614,0	1666,5	1615,2	1616,5	137,7
Техника экинлари	1912,1	1876,3	1512,5	1516,8	1517,7	1476,9	77,2
шундан:							
<i>пахта</i>	<i>1877,1</i>	<i>1830,1</i>	<i>1444,5</i>	<i>1455,7</i>	<i>1472,0</i>	<i>1447,5</i>	<i>77,1</i>
<i>сабзовот,</i>	<i>104,3</i>	<i>140,2</i>	<i>129,9</i>	<i>137,6</i>	<i>137,4</i>	<i>154,2</i>	<i>147,8</i>
<i>картошка,</i>	<i>23,3</i>	<i>41,8</i>	<i>52,2</i>	<i>52,4</i>	<i>49,6</i>	<i>52,6</i>	<i>225,4</i>
<i>полиз экинлари</i>	<i>52,1</i>	<i>79,8</i>	<i>36,9</i>	<i>35,0</i>	<i>33,8</i>	<i>37,0</i>	<i>71,0</i>
Жами:	3994,6	4194,2	3778,3	3691,5	3646,0	3633,6	90,9


Жадвал маълумотларидан кўриниб турубдики, республиканинг экин майдонлари 1980 йилни, 2006 йилга нисбатан солиширилганда 90,9 фоизга камайган бўлса, донли экинлар 37,7%, сабзавот 147,8% картошка 212,8 фоизга ошди. Пахта экин майдонлари қарийб 429,6 минг гектарга камайди.

Республикадаги мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланишни бозор муносабатларида ташкил этиш мулкчилик муносабатлари асосида ерга ва унинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилгандир. Ҳукумат томонидан қабул қилинган “Ер кодекси” ердан самарали фойдаланишнинг ҳукукий асосларини яратиб берган. Ҳар бир

ердан фойдаланувчи фермер қонунда белгиланган тартиб асосида ердан фойдаланишда тупроқ унумдорлигини ва бонитетт балини оширмоқда.

Бу тадбирларни бажаришда фермер хўжаликларининг хиссаси катта бўлиб, улар ердан самарали фойдаланиб келмоқда. Шунинг учун фермер хўжаликлари сони ва уларга бириктирилган экин майдонлари ортиб бормоқда. Бу ҳолат қуидаги диаграммада акс этган.

**3.1.1-диаграмма. Фермер хўжаликлирида ер майдонининг ўсиши
(гектар ҳисобида)**



1992 йилда фермер хўжаликлири 201 506 гектар ерга дехкончилик қилган бўлса, 2006 йилга келиб, бу кўрсаткич 495 3179 гектарга ёки 25 бараварга ошди. Чунки ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланиб, юқори ҳосил олишга ва тупроқ унумдорлигини кўтаришига ҳаракат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланиши қуидаги иқтисодий кўрсатгичлар билан тавсифланади:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ер фондидан фойдаланиш даражаси (қишлоқ хўжалик ерларининг умумий ер майдонига нисбати).
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси (100 га қишлоқ хўжалик ерига этиштирилган маҳсулот, пул ва натура кўринишида).
3. Ердан самарали фойдаланиш, ҳар бир гектар ердан олинган ҳосил, бир гектар ерга тўғри келадиган соф даромад, рентабеллиги ва хоказо.

3.2. Ерни иқтисодий баҳолаш ва унинг мониторинги

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг киймат баҳоси (меъёрий нархи) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги 120-сонли «1998-2000 йилларда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ аниқланади. Қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қиймат баҳоси мавжуд меъёрий маълумотлар асосида аниқлаш учун мўлжалланган.

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳолари, банклардан ипотека қарзлари беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ер ажратиб бериш ва дехқон хўжаликларига меъёрдан ортиқча ер ажратиб беришда, ер солиги ставкалари миқдорини аниқлаш, аукцион орқали ер участкаларини сотиш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда шу ернинг дастлабки баҳосини белгилаш учун қўлланилади. Демак, ерларнинг меъёрий баҳоси қуидагича ҳисобланади:

- ✓ *хўжаликнинг ички миқёсида; тупроқ сифати (бонитети) бир хилда тенг бўлган экин ерлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алоҳида участкалари: бу ҳолда ернинг меъёрий баҳоси хўжалик ичидаги масалаларни ечиши, дехқон ва фермер хўжаликларига, қурилишга, сугориладиган ерларни реконструкциялашга ва бошқа мақсадларга ер ажратилиши учун аниқланади.*
- ✓ *умумий миқёсида: қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхоналарнинг ер майдони ёки қишлоқ хўжалик ерларининг асосий турлари. Бу ҳолда, ернинг меъёрий баҳоси, ерга солик солиши ставкаси миқдорини ҳисоблаб чиқши, банклардан ер участкаларини гаровга қўйиб кредит олиши учун аниқланади. Давлат режсаларини тузилиши мақсадида ернинг меъёрий баҳосини ҳисоблашнинг ҳудудий бирлиги туман миқёсида ер участкалари, вилоят миқёсида эса маъмурӣ туманлар ҳисобланади.*

Ер участкаси – ўз чегаралangan белгиси, майдони, жойлашиш жойи, ҳукукий структурасига (ер эгаси, ердан фойдаланувчиси ва бошқалар) эга бўлган ер сатхининг қисми.

Шартли кадастри гектар – ҳосилдорлиги пахта бўйича гектарига 8 центнерни ташкил қилувчи, бонитети 20 балли, паст сифат ернинг маҳсулдорлик меъёри.

Тупроқ бонитировкаси – қишлоқ хўжалик экинлари ўсишини ва балл бонитетларда (100 балли тизим бўйича) ифодаланиш учун, уларни аҳамиятлироқ табиий хусусиятлари бўйича классификациялаш.

Ялпи маҳсулот – майдон бирлигидан чиққан жами дехқончилик маҳсулотларининг қийматда ифодаланиши.

Соф даромад – ялпи маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар ўртасидаги фарқ.

Кадастри ҳисобланган ҳосилдорлик – 100 баллик баҳолаш шкаласи бўйича 1 балл баҳога қабул қилинган ц/га ҳосилдан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳисобланган ҳосилдорлиги.

3.2.1-жадвал. Балл бонитетлари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларининг кадастри ҳисобланган ҳосилдорлиги, ц/га

Балл бонитетлари	Пахта	Дон	Беда	Дон учун маккажӯҳори	Бир йиллик ўтлар	Илдиз мевалилар
10	4	6	20	7,5	30	90
20	8	12	40	15	60	180
30	12	18	60	22,5	90	270

40	16	24	80	30	120	360
50	20	30	100	37,5	150	450
60	24	36	120	45	180	540
70	28	42	140	52,5	210	630
80	32	48	160	60	240	720
90	36	54	180	67,5	270	810
100	40	60	200	75	300	900
1 баллнинг баҳоси	0,4	0,6	2,0	0,75	3,0	9,0

1 гектар суғориладиган ердан олинадиган соф даромад қўйидагича аниқланади:

$$\mathcal{C}_{ДН} = \frac{ВПН \cdot РН}{100};$$

Бунда: ЧДН – 1 га сугориладиган ернинг меъёрий соф даромади;

ВПН – 1 га сугориладиган ернинг меъёрий ялпи маҳсулоти;

РН – ҳар хил сифатли ерлар фоизидан ҳосил бўлган қишлоқ хўжалик ишилаб чиқарилишинг ҳисобланган даромади меъёри.

Асосий экинларни бирга қўшиш бўйича меъёрий ялпи ҳосилни ҳисоблаш қўйидагича амалга оширилиши мумкин:

- ерни баҳолаётган обьектнинг экин майдонлари таркиби ва шу экинларни сотиши баҳолари бўйича ўртачасини қўллаб;

- умумий экин майдонидаги экинлар бўйича баҳолар ҳисоблаб чиқилиб, қўйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\frac{X \cdot P + 3 - P + K \cdot P}{(X + 3 + K)};$$

Бунда: X – 1 гектардаги пахта хом-ашёсининг қиймати;

3 – 1 гектардаги дон маҳсулотининг қиймати;

K – 1 гектардаги озука экинининг қиймати;

P – экинларнинг фоиз (%) ҳисобидаги солиштирма миқдори.

Суғориладиган 1 гектар ернинг меъёрий баҳоси қўйидагича аниқланади:

$$ЦН = \frac{\mathcal{C}_{ДН} \cdot K}{П};$$

Бунда: ЦН – суғориладиган ернинг 1 гектарининг меъёрий баҳоси;

ЧДН – суғориладиган ернинг 1 гектаридан олинадиган меъёрий соф фойда;

П – капиталга банк қўядиган ссуда фоизи;

K – қишлоқ хўжалик ишилаб чиқаришида, хўжалик юритиш мавқеи ва интенсивлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент.

Республикадаги барча ерлар халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосидир. Ундан фақат бугунни эмас, келажак авлодларнинг манфаатини кўзлаб, илмий асосланган ҳолда оқилона, самарали фойдаланиш, уни муҳофаза этиш умуммиллий долзарб масала ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 23 декабря «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади. Ер мониторинги республика ер фондидаги барча ўзгаришларни ўз вақтида илмий асосланган ҳолда аниқлаш, ерларга баҳо бериш (сифат ҳамда иқтисодий жиҳатдан), уларга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини изчил тугатиш мақсадида ернинг ҳолатини кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган ахборотлар тизимидан иборатdir. Республиkaning барча ерлари мониторинг обьекти ҳисобланади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республикадаги бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг бевосита иштироқида амалга оширилади.

Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига вазирликлар ва идоралар фаолиятини ва ер мониторинги маълумотларини умумлаштиришдек муҳим вазифа юқлатилган. «Ўздаверлойиха» институтининг Ер кадастри шўъба корхонаси ер мониторинги амалга оширилишини таъминлаш бўйича қишлоқ хўжалик ерлари тупроқ мониторингини амалга ошириш учун тупроқшунослик тадқиқотларига оид тўпланган барча маълумотларни умумлаштириб, мониторинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида республика, вилоятлар ҳамда туманлар ҳудудида асосий майдонларни танлаш ва уларни асослаш; вақт ўтиши билан тупроқларнинг асосий хусусиятлари ўзгарганлигини исботловчи маълумотларни теран ва тўлиқ таҳлил этиш; тадқиқот олиб бориладиган асосий ҳамда экологик майдонларда тупроқларнинг ҳолатини исботловчи кўрсаткичлар мажмуасини асослаш, ташкил этиш ҳамда юритиш; тупроқнинг ҳолатини кузатиш, унга оид маълумотларни сифатли тўплаш ҳамда уларга ўзгаришилар киритиш ишларини олиб боради. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини сув ва шамол эрозияси таъсири оқибатида ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари шўрланганлик даражасининг ўзгариш жараёни мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари оғир металлар билан заҳарланганлик ҳамда заҳарланганлик даражасининг ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг техноген ўзгариши мониторинги; нефть маҳсулотлари салбий таъсири натижасида тупроқларнинг ифлюслини мониторинги; барча ўсимликларнинг оғир металлар билан заҳарланиш даражаси мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг гербицид в пестицидлар билан заҳарланиш даражаси мониторинги; минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида тупроқлар таркибидаги ўзгаришилар мониторинги амалга оширилади.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларининг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ер кодексига биноан ер умуммиллий бойлик бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ердан давлатнинг чиқарган қонунлари асосида ҳар бир фуқаро ва корхона фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида ширкат хўжаликлариға доимий фойдаланиш учун, дехқон хўжаликлари ердан мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш, фермер хўжаликлари узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектлар, ҳар бир гектар ердан қонун ҳужжатлари асосида самарали фойдаланиши лозим.

3.3. Фермер хўжаликлариға ер участкалари бериш тартиби ва ундан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, фермерларга ер участкалари узоқ муддатли ижарага бериш тартиби бўйича берилади.

Ер участкалари фермер хўжаликлариға танлов асосида ижарага берилиб, ижара муддати қонун ҳужжатлариға мувофиқ белгиланади.

Фермер хўжаликлариға қўйидаги ерлардан ижарага берилади:

- захира ерларидан;
- юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан;
- қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан;
- қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан берилади.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейларига, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув-тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликлариға берилмайди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес режасида назарда тутилган камидаги 30 шартли бош чорва молларини боқиши шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қўйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: корхоналар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига бокиладиган новвослар) ва отлар учун 1 га, ёш қорамоллар учун – 0,6, кўй ва эчкilar учун – 0,1, чўчқалар учун 0,3 ҳамда паррандалар учун – 0,025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига хисобланади;

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги сугориладиган ерларда – камидаги 0,30 гектарни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлардаги сугориладиган ерларда камидаги 0,45 гектарни:

- сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда – камидаги 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашашётган фермер хўжаликлариға ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

- пахтачилик ва ғаллачилик учун – камида 10 гектарни;
- боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар этиштириш учун – камида 1 гектарни ташкил қиласи.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун нокулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан қатъий, мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш обьекти бўлиши мумкин эмас.

Фермер хўжаликларига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган, белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши, амалдаги конун хужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг қўпол равища бузилиши ҳисобланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилганда бўлинниши мумкин, агар уни бўлиш вақтида янги ташкил этилган ер участкалари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу Низомда назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш бўйича материаллар ер тузиш хизмати органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тайёрланади.

Ер участкалари бериш қоидага кўра, фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага олиш тўғрисидаги барча хужжатлар қишлоқ хўжалиги экинлари ийғишишириб бўлинган муддатда расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерларда ва захирадаги ерлардан ер участкалари бериш тартиби – бунда туман ҳокими юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек, ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Ҳокимнинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қилинган вақтдан бошлаб, бир ой мобайннида ўтказилиши керак.

Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда танлов эълон қилингандан бошлаб бир ой мобайннида туман ҳокимига берилади. Ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда–боқилиши мўлжалланаётган

молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Фуқароларнинг аризаси маҳсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

Туман ҳокими аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиши бўйича комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказади.

Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига берилади. Туман ҳокими комиссия қарори асосида, уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиласидаги ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади.

Вилоят ҳокими бошчилик қиласидаги комиссия тақдим этилган хўжжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (ёки тасдиқлашни рад этиш) ҳақида қарор қабул қиласиди.

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланишдаги хукуқ ва мажбуриятлари қонун хўжжатларида белгиланади. Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиллади. Улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлиш обьекти бўлиши ва иккиласми ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш хукуки кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилади. Фермер хўжалиги бошлифи вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш хукуки қонун хўжжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш хукуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлифи вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш хукуқига унинг меросхўри эга бўлади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафлар ўртасидан низолар чиқсанда, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қоннун хўжжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдалангандик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини инобатта олган ҳолда белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида, фермер хўжалиги ер участкасидан фойдалангандик учун ижара ҳақи тўлашдан озод этилади.

Фермер хўжалиги лойиҳа асосида ерни ўзлаштирса, беш йил давомида ўзлаштирилган ер учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

3.4. Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш йўллари

Ўзбекистон Республикаси қурғоқчилик зонасида жойлашган бўлиб, ёз ойлари ҳавоси ҳаддан ташқари иссиқ бўлади. Тупроқдаги сув намлари парланиб тупроқ таркибидан чиқиб кетади. Экилган экинлар сувсизликдан қуриб, нобуд бўлади. Бу эса суғориб дехқончилик қилиш усулидан фойдаланишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси териториясидан икки дарё – Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади. Бу дарёларнинг йиллик сув ўтказиш қуввати 121690 млн м³ ни ташкил этиб, уларнинг сувларидан Ўзбекистон (63020 млн м³), Қирғизистон (5140 млн м³), Тожикистон (13230 млн м³), Қозогистон (25010 млн м³) истеъмол қиладилар. Бу сув захиралари қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга (85,6 %) саноат ва маиший хизматларга 14,4 % фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида йилига 72,4 км³ сув фойдаланилиб, 61 км³ оқова сувлар, 11,3 км³ ер ости сувларини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида йиллик об-ҳаво ҳароратига қараб, сув захиралари ҳам ўзгаради. Энг кам сувли йиллари сув захираси сувга бўлган талабнинг 67 %ни қоплай олади, ҳолос. Натижада қишлоқ хўжалиги экинларининг сув билан етарли таъминланмаслиги оқибатида ҳосилдорлиги пасаяди, ҳар хил касалликлар билан касалланиш даражаси ортади, маҳсулот сифати ёмонлашади. Келажакда Ўзбекистонда сувга бўлган талаб орта бориб, талабни қондириш муаммолари кўпаяди.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, сувга доир муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалик эҳтиёjlари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни буғланиш, ифлосланиб кетиш ва камайиб кетишдан саклаш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сув таъминоти корхоналари билан сув истеъмолчилари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

Суғорища магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан сувларни ички ва умумий тизим режалари асосида амалга оширилади.

Икки томонлама ишловчи заҳ қочириш тармоқларида сувдан фойдаланиш мелиорация қилинган ерлардаги сув режимини тартибга солиш, ички хўжалик ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилади.

Фермерлар сувдан лимит бўйича фойдаланишади. Фойдаланиш тартиби маъмурий, ҳудудий сув тақсимлаш қоидасига биноан амалга оширилади.

Сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

Сувдан фойдаланишда ҳақ тўлашни жорий этиш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, назорат қилиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади.

Муллати белгиланмаган сувлан фойдаланиш – доимий фойдаланиш лейилали.

Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа – уч йилгача ва йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Сув олиш ва унинг ҳисоб-китобини қилиш сув хўжалиги орагани билан тузилган шартномага асосан, амалга оширилади. Сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ер солиғидан озод қилинган.

Хўжалиқда суғориш ички сув йўллари орқали ёки дренаж, сув чиқариш қудуклари ёрдамида амалга оширилади.

Кишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган сувни мониторинг қилиш орқали салбий оқибатлар ўрганилиб, сувларнинг самарадорлиги оширилади.

Сувдан фойдаланувчилар қонунларда белгиланган тартибда ирригация-мелиорация ишларини амалга оширади.

Фермер хўжаликлари сув олишни кўпайтириши ёки камайтириши, каналлардаги ва сув омборларидаги гидротехника иншоотларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиши ёки насос станциялари ва бошқа иншоотлар қуришлари тақиқланади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сувни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, истеъмолчига келадиган сув ўлчаш қурилмаси ва гидропостларни қуриш ташкил этилади.

Хўжалик ички ариқларини тозалашда хўжалик билан фермерлар ўртасида келишмовчиликлар бўлиб туриши сабабли, ички ариқлари тозаланмасдан, сув сарфи ва исрофгарчилиги ортиб боради. Натижада хўжалик раҳбарлари ва фермер хўжаликлари бошлиқлари ирригация ишларини ўзлари билганича бажармоқда. Оқибатда сув таъминотининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Сув тақсимоти эски усулда тахминий кўз билан чамалаб бўлинмоқда. Натижада бош мироб хўжалик ичидан сувни тўғри тақсимот қилолмай, туман сув хўжалиги бўлимларидан кўшимиша сув сўраб, сув сарфини кўпайтирмоқда.

Сув таъминоти корхоналарининг асосий вазифаси сув истеъмолчиларига сувни ўз вақтида шартнома асосида етказиб беришdir. Истеъмолчилар эса сув учун сарф – харажатларни ўз вақтида тўлаб боришлари керак.

3.5. Фермер хўжалигига СФУлар фаолиятидан фойдаланиш

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида республика фермер хўжаликларига ўз вақтида сув билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бажарилиши таъминланмоқда. Масалан 2000 йилда 141 та СФУ ташкил қилинган бўлса, 2006 йилда 406 та СФУ ташкил қилиниб, республикада жами бўлиб 1502 та уюшма фаолият кўрсатмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 476 сонли қарорида белгиланган 255 та СФУнинг ўрнига 223 та (87,4%) ташкил этилиб, уларнинг балансига 4702 миллион сўм маблағ ўтказилди ҳамда кўплаб мол-мулк ва техника воситалари берилди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги асосий вазифалар:

- СФУлар сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимитлар доирасида сув етказиб беради;
- уюшма таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув хўжалиги ташкилотлари билан ички сув хўжалик обектларини таъмирлаш ва ишлатиш бўйича шартномалар тузишади ва унинг бажарилишини таъминлайди;
- уюшма хўжалиги ҳудудидаги сув хўжалиги объектларини тозалаш ва таъмирлаш, реконструкция қилиши ишларини ташкил этади;
- сув ўлчаш асбобларини қуришини ташкил этади ва уларни белгиланган тартибда паспортларини тузади, шаҳодатлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишни таъминлайди;
- ер эгаларига сугориладиган ерларнинг шўрини ювиши, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;
- сувни иқтисод қилувчи илгор тажрибаларни ҳамда технологияларни жорий этишини ташкил этади;

- уюшма балансидаги асосий воситаларни техник кўрикдан ўтказиб боради, таъмиrlаши ва янгилаши, ресурсларни иқтисод қилувчи техника ва технологияларни жорий қилиши ва истиқболли режсаларни ишлаб чиқиши ҳамда ҳар бир сувдан фойдаланувчининг бадалларини ҳисоб-китоб қилиб, белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий иигилишида тасдиқлайди.

Ўтказилган мониторинг натижаларига қўра, СФУлар фермер хўжаликларига сув етказиб бериш ишларини амалга оширмоқда. Республика дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Фарғона шаҳри вакиллиги қошида «Водий-шаршара» сувдан фойдаланувчилар маркази 120 дан ортиқ фермер хўжаликларига сув етказиб бериш юзасидан шартнома тузган.

Сувдан фойдаланувчилар маркази шартномага асосан, сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимит доирасида сув етказиб бериш, ички сув хўжалик обьектларини таъмиrlаш, тозалаш ва реконструкция қилиш ишларини ташкил этган бўлиб, бу соҳада бир қанча муаммолар мавжуд. СФУ томонидан шартномага асосан, ички сув хўжалик обьектларини таъмиrlаш, тозалаш ва реконструкция қилиш ишлари талаб даражасида бажарилмаяпти. 2004 йилда СФУлари 35 мингдан ортиқ фермер хўжаликлар билан 4848 млн.сўмлик шартнома тузган бўлиб, 2402 млн.сўмлик ёки 49,5 фоиз хизматлар кўrsатилган, холос. Тузилган шартномаларнинг бажармаслигига сабаб, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базаси шаклланмаганлигидир. Қашқадарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг 476-сонли қарорига асосан, тугатилган ширкат хўжалиги ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликларига 25 та СФУлар ташкил этилган. Лекин СФУ балансида бирорта техника йўқ. СФУлар фермер хўжаликлари билан сув лимити асосида шартнома тузмаган. СФУнинг 2005 йил учун харажатлар сметаси тузилган. Фермер хўжаликларига ер тақсимлаб берилган. Харажатлар сметасида йиллик иш ҳақи фонди 5379 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 1562 минг сўмни, маъмурий харажатлар 608 минг сўмни, жами 2005 йил учун харажат 7549 минг сўмни ташкил қилган. Харажатлар сметасида сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг моддий-техника базасини шакллантириш учун маблағ ажратиш кўзда тутилмаган. СФУлар хизмат кўrsataётган 121 та фермер хўжаликлида суғориладиган ер майдони 2649 гектарни ташкил этади. Шундан ҳар бир гектарга 2850 сўм сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ўтказилган таҳлил натижалари ва Республика дехқон фермер хўжаликлари уюшмасидан олинган маълумотларга қўра, Республикаизнинг Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида ташкил этилган айrim Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари номигагина фаолият кўrsатмоқда. Моддий-техника базаси ва маблағига эга бўлмаган сувдан фойдаланувчилар уюшмалари илғор тажрибаларни, ресурсларни, техника ва технологияларни жорий қилиш ҳамда асосий воситаларни янгилаш каби ишларни олиб боришлари керак.

3.6. СФУдан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатлар

Бутун дунёда бўлганидек, мамлакатимизда ҳам сув ресурсларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Сув хўжалигини бошқариш тизимида ҳам ислохотлар

амалга оширилди. Мавжуд сув ресурслардан фойдаланиш Ҳавза бошқарув тизимиға ўтказилди.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида сувдан фойдаланиш тизими Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

СФУдан фойдаланиш тизимининг йўлга қўйилиши 2000 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари тарқатилиб фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида ташкил этила бошланди. Фермер хўжаликларини сув билан таъминлашда асосий корхона бўлинма СФУлар ҳисобланади.


СФУлар нима? Улар бугунги кунда қандай вазифаларни бажаради ва унинг бошқарув тизими қандай тартибда амалга оширилади?

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) бир ёки ундан ортиқ сувдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш истаги билан тузиладиган нодавлат-нотижорат ташкилотdir. СФУга кишлоқ хўжалигига ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари кириб, уларга бериладиган сувларниadolатли тақсимлаб, ирригация ва мелиорация тармоқларини, магистрал каналлар ва сув йўлларини таъмирлаш учун тақсимлаш ва ундан ўз вақтида фойдаланишдан иборатdir.

СФУ аъзолигига ерга эгалик ҳуқуқини кўлга киритган юридик ёки жисмоний шахслар киради.

Уюшма аъзоларининг бевосита ўзлари ёки уларнинг ваколатлари СФУ фаолиятини демократик тамойиллар ва унинг Низоми асосида бошқарадилар. СФУнинг бошқарув ташкилий тузилмаси қуйида акс эттирилган.

Расм-1. СФУнинг ташкилий тузилмаси



СФУнинг олий бошқарув органи умумий йиғилиш қарори бўлиб, унда барча уюшма аъзолари ёки сувдан фойдаланувчилар вакиллари қатнашади. Уларнинг ҳар бири бир овозга эга ҳисобланади. Умумий йиғилиш ваколатига СФУ фаолиятига боғлик бўлган ички хужжатларни тасдиқлаш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларини белгилаш, бадал тўловлари ҳамда жорий ва узоқ муддатли иш режаларини тасдиқлаш киради.

Умумий йиғилишда кенгаш ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари эшитилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

СФУ кенгаш аъзолари эса ____киши (жамоатчилик) асосида (иш хақисиз) фаолият юритади ва ҳар ойда ўз йиғилишларини ўтказади.

Тафтиш комиссияси Уюшма ва кенгашнинг молиявий ҳамда хўжалик фаолиятини (тахълил) назорат қиласи ва бу тўғрисида умумий йиғилишга ҳисобот беради.

Ижро органи ва бошқарувчи СФУнинг қундалик фаолиятини амалга оширади. СФУнинг молиявий манбалари, уюшма аъзоларининг бадаллари, шартнома асосида кўрсатилган бошқа хизматлар учун тўловлардан ташкил топади.

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Фермер хўжалиги қўйидаги ҳукуқларга эга:

- берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;
 - ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш;
 - харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;
 - етиштирган маҳсулотини, шу жумладан, бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳукуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;
 - етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш;
 - электр энергияси, ёқилғи–мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;
 - тадбиркорлик фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солик солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад олиш;
 - олган даромадларни, банк муассасасидаги ўзининг ҳисоб варакларида бўлган пул маблағларини тасарруф этиш;
 - акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш;
 - кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳамда мол-мулкларини шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилиш;
 - кредитлар олиш учун ўз мол-мулкини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳукуқини гаровга қўйиш;
 - кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш;
 - зарур асбоб – ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;
 - ўз ҳукуқлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожат этиш.
- Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.7 Дехқончиликда сугориш усуллари ва илғор технологиялар

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг III босқичи давом эттирилмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг қайта тузилиши жараёни интенсив равиша амалга оширилмоқда. Истиқболсиз ширкат хўжаликлари асосида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. 2005 йилда фермер хўжаликлари сони 140 мингга етди. Ушбу фермер хўжаликларини сув билан мунтазам таъминлашда 268 та СФУлар ташкил этилди. Иккинчидан, сув ресурсларини бошқариш гидрографик асосда ўтказилди. Учинчидан, қишлоқ хўжалик объектларини, иншоотларини модернизация қилишни амалга оширишга киришилди. Дехқончилик маҳсулотларини етиштиришда сугоришнинг қўйидаги усуллари, турлари мавжуд:

- 1. Ер устидан, юзасидан сугории.*
- 2. Ёмғирлатиб сугории.*
- 3. Тупроқ остидан, ичидан сугории.*
- 4. Томчилатиб сугории.*
- 5. Пуркаб, майдо дисперсли, аэроздол, туманлатиб сугории.*

Сугориш усули сугориш тартибига, меҳнат унумдорлигига, ернинг мелиоратив ҳолатига, текислаш ишларига, сув тармоқлари жойлашишига, конструкциясига, қурилиш ва эксплуатация харажатларига, маҳсулот унумдорлигига таъсир килади. Унинг турини тўғри танлаш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ва маҳсулдорлигини белгилайди.

Сугориш усули ва турини белгилашда қўйидаги омиллар хисобга олинади:

1. **Табиий шароитлар** (майдон рельефи, тупроқ қалинлиги, унумдорлиги, сув сифими, сув ўтказувчанлиги, сувга таъсири, туз микдори, сифати ва бошқалар, табиий намланганлик, шамол тезлиги ва йўналиши, тупроқ ва ҳаво, сув танқислиги ва буғланиш майдонининг зовурланганлиги, грунт сувларининг чукурлиги ва минерализация, сув манбаи тури ва режими, массивининг сув билан таъминланганлиги ва бошқалар).
2. **Хўжалик шароитлари** – меҳнат ресурслари, дала ишларини механизациялаш даражаси, қурилиш, электр энергия, сугориш механизмлари мавжудлиги.
3. **Дехқончилик тизими** – қишлоқ хўжалик экинлари таркиби, алмашлаб экиш, агротехник тадбирлар.
4. **Экинларнинг сугориш тартиби** – экиннинг талаби бўйича сугоришлар.
5. **Сугоришнинг иқтисолий афзалликлари** – капитал ва эксплуатацион харажатлар, ҳосил, фойда, қоплаш муддати.
6. **Тупрокла сув эрозиясига йўл қўймаслик** – сугоришнинг тупроқ сув физик, химик, микробиологик хоссаларига таъсири.
7. **Сугоришнинг юксак унумдорлиги** – механизациялаш ва автоматлаштириш дала ишларини максимал механизациялаш ва бошқалар. Сугориш техникаси, сугоришни ўтказиш технологияси параметрлари (эгат, пол узунлиги, оралиғи, сув сарфлари. Ёмғир учиш узунлиги ва бошқалар). Суғорувчи техника, сугориш ўтказиш учун техник мосламалар (машиналар, механизмлар, куроллар ва бошқалар).

Хозир ҳар хил сугориш турига алмаштирадиган мосламалар, машиналар ҳам яратилмоқда.

Сугориш усуллари қўллашнинг асосий мақсадлари ва қўлланиш шарт-шароитлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

3.7.1-жадвал. Суғориш усулларини қўллашнинг асосий мақсадлари:

Суғориш усуллари	Тупрокни намлаш	Ҳавони намлаш	Тупроқда нам йиғиши	Шўр ювиш	Тупрок емири- лишининг олди-ни олиш	Ўғит бериш	Чикинди сув билан суғориш	Ўсимликни намлаш	Белона ўтларни олдиндан ўлдириш(привокация)
Ер устидан	Қ	-	Қ	Қ	-	x	x	-	Қ
Ёиғирлатиб	Қ	Қ	x	-	X	x	x	Қ	Қ
Тупроқ ичидан	Қ	-	Қ	--	Қ	Қ	Қ	-	-
Томчилатиб	Қ	-	x	-	Қ	Қ	-	-	-
Субирригация	Қ	-	Қ	-	Қ	-	-	-	-
Туман ҳосил қилиб	x	Қ	-	-	Қ	x	-	Қ	x

Эслатма: «Қ» - мумкин. «-» - мумкин эмас. «x» - қисман мумкин.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ҳар бир экин тури бўйича ишлаб чиқилган технологик карта асосида ва туман ҳокими томонидан қабул қилинган қарорлар асосида олиб борилади. Тоғли худудларда суғориш меъёрлари чўл ва яйлов ерларига нисбатан кам белгиланади. Лекин об-ҳавонинг ноқулай келиши сабабли суғориш меъёрлари талабдан ортиқча берилиши мумкин.

3.7.2-жадвал. Ноқулай табиий шароитларда суғориш усуллари ва ундан фойдаланиш

Суғориш усуллари	Шўр тупроқларда	Ёнгил күмок тупроқларда	Оғир тупроқларда	Мураккаб ер тузилишида	Кагта нишабликда	Шўр сизот суви якин жойлашганда	Сув захиралари етишмаганда	Шўр сув билан суғорганда	Куччи шамолда
Ер устидан	Қ	x	Қ	x	x	x	x	x	Қ
Ёмғирлатиб	-	Қ	x	Қ	Қ	Қ	Қ	-	x
Тупроқ ичидан	-	x	x	x	Қ	-	Қ	-	Қ

Томчилатиб	-	x	Қ	Қ	Қ	-	Қ	-	Қ
Субирригация	-	x	Қ	-	-	-	-	-	Қ
Туман ҳосил қилиб	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	Қ	-	Қ

Экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг тури ёппасига экиладиган экинларга ва қаторлаб экиладиган экинларга бўлиниб, уларнинг ҳар қайсиси ўзига мос суғориш ва сув бериш усуllibарини талаб қиласди. Суғориш техникаси қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- талаб қилинадиган суғориш режимини минимал сув ҳаражати билан амалга оширишга, тупроқнинг зарур намлигини яратишга;
- суғориш тизимининг юқори фойдали иш коэффициенти билан ишлашга;
- тупроқнинг чуқур қатламларига сувни бекор фильтрация бўлмаслигига, буғланишга ва ташлашга;
- юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга суғориш, механизациялаш ва автоматлаштиришга, дала ишларини механизациялаштиришга халақит бермасликка;
- тупроқ ҳосилдорлигини оширишга, тупроқнинг ғоваклик тузилиши таъминлашга;
- эрозиянинг бўлмаслигига.

Ўрта Осиё илмий тадқикотлар ўсимликчилик институти (ЎОИТЎИ) олимлари томонидан Тошкент вилояти Паркент туманининг катта нишабликли ерларида (0,09 – 0,11) жуяклар бўйича қишки буғдой, маккажўхори, қовунни суғориш, Т-9 полимери билан ишланган эгатлар, қишки буғдой ва маккажўхорини суғориш, полиэтилен шланглар билан қишки буғдой, маккажўхорини суғориш, ППЛ-50-ийғма кўчувчан полиэтилен лотоклар, картошка, қишки буғдойни суғориш, контурли эгатлар билан қишки буғдой, маккажўхорини суғориш, тешикли полиэтилен плёнкалар билан экранлаштирилган эгатларда пахта, маккажўхори ва лавлагини суғориш синааб кўрилган ва бу тажрибаларда 900 м3/га сувни тежашга, тупроқ ирригацион эрозиясини бартараф этишга, ҳосилдорликнинг 1,5-2,0 баробар ошишига, сувчилар меҳнат унумдорлигининг 2 – 2,5 марта ошишига эришилган.

Узумзорларни ва полиз экинларини (қовун, тарвуз, помидор, патисон, картошка, бодринг, булғор қалампири) катта нишабликли ерларда (0,1 – 0,15) томчилатиб ва томчинайча усулида суғориш технологиясини қўллаш натижасида 40-60% сувни тежашга эришилган.

Суғориша маргинал (коллектор-ташлама) сувларини ишлатиш натижасида картошка, маккажўхори, олмадан юқори ҳосил олинган Сирдарё вилояти, Ш. Рашидов тумани фермер тўхўжаликларида «Байнинлих» (Германия) ёмғирлатиш машинаси билан ғўзани суғорища икки марта сув тежалишига эришилган. Фарғона вилояти, Бешарик тумани «Дўстлик» фермер хўжалигига ўрмон қаторларини (қайрағоч, терак, лоҳ, тол, тут, анжир, апор), зовур ташлама сувлари билан суғориш мумкинлиги синаалган.

Тошкент вилояти, Паркент туманида полиэтилен плёнка билан қопланган эгат орқали суғориш технологияси яхши натижга беряпти. Бунда ирригацион эрозияни бартараф этиш,

буғланувчи сувнинг камайиши, тупрокнинг биологик активлиги, ҳосилдорлик ошиши кузатилган. Ўзбекистон Республикаси Пахтачилик илмий-текшириш институти (ЎзПИТИ) марказий тажриба базасида пахтани алмашлаб экиш, экинларни комплекс томчилаб суғориш синааб кўрилган ва ғўздан 5-6 ц/га, маккадан 5 ц/га ва 30-35% сув тежалган. Шунингдек, ёппасига экиладиган экинларни ҳам томчилатиб суғориш мумкинлиги аниқланган.

Хоразм вилояти ерларида тежамкор суғориш технологияларини қўллашда қўйидаги натижаларга эришилган:

- томчилатиб суғориша 45-50% сув тежалган, ғўза ҳосилдорлиги 38,1 ц/га ошган;
- тупроқ ичидан суғориша 1660 м³/га (30%) сув тежалган, ғўза ҳосилдорлиги 39,3 ц/га ортган;
- эгатни қарама-қарши суғориша 2775 м³/га (48%) сув тежалган, ғўза ҳосилдорлиги 376 ц/га ошган;
- дискрет импульсли 2735 м³/га (48,8%) сув тежалган, ҳосилдорлик 34,9 ц/га ошган;
- КД сувлари ариқ суви билан суғориша 2020 м³/га (36 %), ҳосилдорлик 27,8 ц/га ортган.

Хозирги даврда далани суғориша сувнинг буғланишига, фильтрацияга ва исрофгарчиликни камайтириш учун эгат оралаб суғориш технологияси сувни тежашга имкон беради.

Томчилатиб суғоришини қўллаш қўйидаги масалаларни ечишни талаб қиласди:

- технологик жиҳатдан фермер хўжаликлари учун (10-100га) томчилатиб суғоришининг оддий тизимларини яратиш ва ишлаб чиқиши;
- иқтисодий жиҳатдан сувни тежаси ҳисобига сувчиларнинг меҳнат ҳақини ошириши;
- ташкилий жиҳатдан сервис хизматини, эҳтиёт қисмларни яхшилаши, кадрлар малакасини ошириши зарур.

Катта нишабликли ерларда эгатда (ЎзПИТИ) полиэтилен плёнка (1-10 см оралиқда, 6-8 мм тешилган) экранли суғориши кўллаш натижасида суғориш нормаси 4510 м³/га тенг бўлган, буғланиш камайган ва микробиологик жараён яхшиланган, эгатлаб суғорища 5840 м³/гани ташкил этган. Ғўза ҳосилдорлиги 57,8 ц/га, эгатлаб суғорища 38,6 ц/га бўлган. Магнитланган сув билан томчилатиб суғориш эса, ғўза ҳосилининг 3-4 ц/га, маккажўхори донининг 2-4 ц/га ошишига олиб келган.

Қисқача хulosалар

Ўзбекистоннинг барча ерлари 447,4 млн.гектар бўлиб, шундан 3-3,5 млн. гектари ҳайдаладиган ва лалми ерлардир. Ер давлат мулки бўлиб, ундан давлат томонидан қабул қилинган “Ер кодекси” ва “Ер кадастри” тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда фойдаланилади. Ер фондидан фойдаланишда фермерларнинг ҳақ-хуқуqlари, уларга ер участкалари бериш тартиби, ерни иқтисодий баҳолаш ва унинг мониторинги ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда сув ресурслари миқдори, сув билан таъминланиш манбалари берилган бўлиб, сувдан самарали фойдаланишда СФУларни ташкил этиш юқори самара беришлиги асосланган. Фермер

хўжаликларини сув билан таъминлашда СФУлар ўртасидаги муносабатлар ишлаб чиқилган.

Жазорат ва муҳоммада учун саволлар

1. Ўзбекистонда оғ фондидан фойдаланиши йўлари ва хусусиятларини айтинг.
2. Тупроқ унумдоғлигини ошириши тадобурлари нималардан иборат?
3. Ерни иктисадий баҳоласи кўйғасликларни ва мониторинг тушунчасини изоҳланг.
4. Сув ресурсларидан фойдаланиши ва СФУларнинг ташкилий асослари деганда нима тушунилади?
5. Суёғ орни усувлари ва ил оғ технологияларни айтиб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид конун хужжатлари (“Ер кодекси”, “Ширкат хўжалиги”, “Фермер хўжалиги”, “Деҳқон хўжалиги”, “Ер кадастри” тўғрисидаги Конунлар). –Т.:“Адолат”, 1999. 446 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Конуни. 1993 йил 2 сентябр.
3. Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.:“Ўзбекистон”, 1998.
4. Попов Н. А. Экономка отраслей АПК. Курс лекции, 2002,
<http://family.taukita.ru/item22219310>
5. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.:“ТДИУ”, 2004.
6. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишининг ҳукуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари”. –Т.:“ТИҚҲМИИ”, 2004, 141 б.
7. Фармонов Т. Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”. –Т.:”Янги авлод” 2004. 143 б.
8. Султонов А.С. ва бошқалар. “Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси”. -Т.: “Мехнат”, 1999.
9. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудование, техника продаж...
www.selhoz.net.ru
10. ЛБР - сельскохозяйственная техника, комбайны, косилки, сеялки, запчасти к сельхозтехники www.lbr.ru

IV-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

4.1. Меҳнат ресурслари ва ундан фойдаланиш

Кишиларнинг меҳнат қилиш қобилияти, уларда бўлган жисмоний ва маънавий қобилиятлар йиғиндиси иш кучи дейилади. Иш кучи одамнинг меҳнат қобилияти бўлиб, ҳар кандай жамиятда ва ишлаб чиқариш шароитларида турлича фаолият кўрсатади.

Кишлоқ хўжалигида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат ресурслари деб аталади. Уларнинг ҳуқуқий асослари Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Меҳнат кодекси»да (1996 й.), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (1998 й.) Қонунларда батафсил кўсатилган. Меҳнат ресурслари 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ўсмирлар ва нафақахўрлар ҳам меҳнат ресурслари саналади.

Кишлоқ хўжалигида фан техника ва чет эл технологиялари натижасида оддий меҳнат мураккаб меҳнатга, қишлоқ хўжалик меҳнати эса интелектуал меҳнат турига айланиб бориши керак. Бу эса бозор талаби бўйича қишлоқда меҳнат ресурсларининг малакасини оширишни талаб этади. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги олий ўкув юртлари, коллеж ва ихтисослашган мутахассислик курслари фаолият кўрсатиб, бозор иқтисодиётига асосланган малакали кадрлар тайёрлаб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш тадбирларининг асосий мақсади қишлоқ хўжалигини яна саноат усулида ривожлантириб, механизациялаш даражасини оширишdir.

***Меҳнат ресурслари баланси** - меҳнат ресурслари сонининг режалаштирилган, бажариладиган ишлар учун унинг бажарилган ишига тўғри келишиидir.*

Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасини мавжуд ресурсларнинг йиллик иш вақти фондини, ишлаб чиқаришнинг иш кучига бўлган талабига бўлиш йўли билан аниқланади.

Хўжаликнинг иш кучига бўлган талаби, технологик карта бўйича бажариладиган иш ҳажмига қараб аниқланади. Кўл кучи билан бажариладиган ишлар киши-куни, киши-соати ҳисобида белгиланади. Ўзбекистон шароитида йилнинг 282 куни давомида дехқончилик ишларини бажариш мумкин. Ишловчининг йиллик иш вақти фондини аниқлаш учун йилнинг ишга яроқли кунидан дам олиш (52 кун), байрам (19 кун) таътил кунларини чиқарib ташлаш керак. 282-52-19 кунни ташкил этади.

4.2. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш

Фермер хўжаликлари оилавий хўжаликлар бўлганлиги сабабли, уларда меҳнат қилиётганларнинг аксарияти оила аъзолари ҳисобланади. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фермер хўжаликлари бошлиғи 18 ёшга тўлган, тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомилага лаёқатли, мазкур хўжалик аъзоларидан бири бўлиши мумкин. Хўжалик фаолиятини юритишда фермер қўшимча иш кучини жалб этиб, шартнома асосида ишлайдиган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан, пул ва натура шаклида амалга оширилади. Шу билан бирга ёлланма ишчилар фермер хўжалиги розилиги

билин пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳам қўшган улушкига муносиб равишида хўжалик даромади (фойда) тақсимотида қатнашиши мумкин.

Фермер хўжалиги аъзолари ҳамда шартнома асосида ишловчилар Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги хузуридаги «Нафақа» жамғармасига бадаллар тўланган тақдирда, меҳнат дафтарчаси белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда меҳнат стажига қўшилади ва пировард натижада нафақа олишлари мумкин.

Республика қишлоқ хўжалигига фермер хўжаликлари улуши ортиши муносабати билан фермер хўжаликлирида меҳнатга қобилиятли қишлоқ аҳолисининг салмоғи ортиб бориши имконияти кенгаймоқда. Масалан, фермер хўжаликлар сони 2003 йил 87552 та бўлган бўлса, 2006 йилга келиб 189,2 мингтага етди, ишловчилар сони 603,0 минг кишидан 1381,1 минг кишига, ўртача битта фермер хўжалигига 6-7 кишини ташкил этмоқда.

Инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолияти меҳнат ҳисобланади. Меҳнат онгли фаолият натижасидир. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги қўп жиҳатдан меҳнатнинг ҳолатига боғлиқ. Агарда қилинаётган меҳнат розилик билан, катта қониқиши билан бажарилаётган бўлса, унинг унумдорлиги ҳам юкори бўлади. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг меҳнат қилиш қобилиятига эга қисми, унинг меҳнат ресурсларини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг 40% га яқини меҳнат қилиш қобилиятига эга.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнат ресурслари асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлинади. Асосий меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 60 ёшгacha бўлган эркаклар киради. Ёрдамчи меҳнат ресурсларига 14-16 ёшдаги ўсмирлар ва нафақа ёшидаги аёл ва эркаклар киради. Улардан, асосан, қишлоқ хўжалиги мавсумий даврларида фойдаланилади.

Кишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади: ҳар бир ишчи ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари. Одатда, эркаклар бир йилда 280 кун, аёллар 240 кун ишлайдилар. Ишлаган киши кунларидан фойдаланиш коэффициентини ишлаган кунларни меъёр бўйича ишлаши лозим бўлган йиллик иш кунлари миқдорига бўлиш орқали аниқланади. Хўжаликнинг меҳнат ресурслари ҳолатини ўрганиш учун меҳнат ресурслари баланси тузилади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги йил давомида бир ишчи ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория бўлиб, конкрет сарфланган меҳнатнинг натийжавийлиги ёки самарадорлигидир. Меҳнат унумдорлигини вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, деб ҳам биладилар.

4.2.1-жадвал. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кунлик меҳнатга ҳақ тўлаш тариф ставкалари (2003й.)

Тракторчи-машинистлар:						
Маҳсулотлар учун ҳисобланадиган расценкалар:						

I-гурұх	496-04	545-80	600-71	660-34	723-37	789-38
II-гурұх (Қоракалпоғистон Респубб.) маҳсулот олгунча аванс ҳисобида	604-74	665-40	732-35	805-04	881-89	962-36
I-гурұх	462-83	509-26	560-49	616-13	674-94	736-53
II-гурұх (Қоракалпоғистон Республикаси) Чорвачилиқда ҳамда қўл кучи билан бажариладиган ишларда:	563-76	620-32	682-72	750-49	822-13	897-15
Маҳсулотлар учун ҳисобланадиган расценкалар	461-53	507-83	558-93	614-40	673-05	734-47
Маҳсулот олгунча аванс ҳисобида	431-34	474-61	522-36	574-21	629-02	686-42

Чорвачилиқда ҳамда қўл кучи билан бажариладиган ишларда маҳсулот олгунча аванс ҳисобланганда кунлик тариф ставкалар ишчилар учун белгиланган разрядлар бўйича ставка миқдорини 25,4 кунга бўлиш йўли билан аниқланади, бошқа турдаги ишларда кунлик тариф ставкаларини аниқлашда, бу миқдор тармоқ коэффициентларига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Масалан: 2003 йил 1 майдан V-разрядли тракторчи – машинистлар маҳсулот учун ўнлик тариф ставка миқдори вилоятларда 15977: 25104x1,15 т 723-37 сўм, Қоракалпоғистон Республикасида 15977 : 25104x1,402к 881-89 сўмни ташкил этади.

Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда, аввало, ишчининг унумсиз ишлашига йўл қўймаслик, замонавий технологияларни жорий этиш, иш ва ижтимоий шароитларни яхшилаш, иш ҳақини ўз вақтида таъминлаш, моддий ва маънавий қизиқувчанлигини ошириш ва ҳар бир ишловчини пировард натижага боғлаган ҳолда фикрини ўзгартириш, мусобақа ва рағбатлантиришни яхши йўлга қўйишдан иборатdir.

Иш ҳақи тўлаш ишбай ва вақтбай асосида бўлиб, ишбай усулида 6 разрядли тариф ставкасидан фойдаланилади. Фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган тракторчи-машинистларга қуйидаги тариф ставкаси бўйича иш ҳақи берилади.

Фермер хўжалиги раҳбари меҳнат ҳақи фондини йил бошида экин экиладиган майдонларнинг технологик картаси асосида ҳисоблаб, меҳнат ресурсларига бериладиган иш ҳақини режалаштиради. Фермер иш ҳақини тўлаш тартибини ишчи билан келишилган ҳолда ойлик маошнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ҳосил йиғиширилгандан сўнг олиши ҳам мумкин. Фермер иш ҳақининг фойдадан солиқ тўловларини чегириб қолинган қисмини тўлаб бериш мажбуриятини олади. Ҳар бир ишчи билан меҳнат шартномаси тузилганда фермер фаолиятига ва мулкига зарар келтирмаслик ҳамда хавфсизлик, тижорат сирларини сотмаслик, ҳар бир сўмлик харажат учун курашиш ишлари келишиб олинади.

4.3. Меҳнат ресурслари бозори ва меҳнат унумдорлиги

Мустақил Ўзбекистон Республикасида аҳолининг асосий қисми меҳнатга яроқли бўлиб, унинг асосий қисми қишлоқ хўжалик корхоналарида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ишчи кучи қишлоқ хўжалигига жуда арzon бўлиб, маҳсулот таннархи таркибида иш ҳақи 35-40 %ни ташкил этади. Етиштирилган маҳсулот ҳажми ва харидорлар ҳам камайиб бормоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигидаги ишчининг ишга бўлган муносабати ва моддий манфаатдорлиги кескин камайиб бормоқда. Чунки етиштирган маҳсулоти, биринчидан, юқори баҳода сотилиши таъминланмай келган бўлса, иккинчидан, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш пастлиги, меҳнатга яроқли ишчиларнинг кескин ортиб бориши туфайли, ишчининг моддий қизиқувчанлиги камайиб, ишсизлар сони ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Кооператив ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилиниши сабабли, қишлоқ хўжалигига кўплаб меҳнат ресурслари бўшатилиб, ишчи ўринлар камайиб бормоқда. Бу йўл билан қишлоқ аҳолисини саноат корхоналарида ишлашга ва ушбу саноатни қишлоққа киритишга манба яратилмоқда. Қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларини иш билан мунтазам равишда таъминлаш учун туманда, вилоят ва республика миқёсида меҳнат бозорлари фаолият кўрсатмоқда. Меҳнат бозорининг асосий мақсади аҳолини иш билан таъминлаш бўлиб, аҳолининг малакаси, мутахассислиги, маълумоти ва ишбилармонлигига қараб, уни бу ҳудудда ёки бошқа ҳудудларда ишга жойлаштиришдан иборатdir. Меҳнат бозорларига ҳар бир ишсиз фуқаро ўз аризаси билан мурожаат қилиб, бўш ўринларга қабул қилинади. Меҳнат бозорини шакллантириш, аввало, қишлоқ хўжалиги тармоқларини бир текис ровижлантиришдан иборатdir. Меҳнат бозори ҳар бир фуқаронинг таклифига асосан, иш билан таъминлайди.

Фермер хўжалигига меҳнат унумдорлиги бевосита ва билвосита кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги ялпи маҳсулотнинг уни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақтига (киши-соат) нисбати билан аниқланади. Бу меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичи бўлиб, у қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$My = \frac{ЯM}{X}$$

Бунда:

My - меҳнат унумдорлиги;

ЯM - ялпи маҳсулот (ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори);

X - ялпи маҳсулотни етиштириши учун сарфланган иш вақти (киши-соат).

Бу кўрсаткич ялпи маҳсулот кўлами қанча кўп бўлса ва уни етиштириш учун сарфланган иш вақти қанча кам бўлса, меҳнат унумдорлигининг шунча юқори бўлишини кўрсатади. Қишлоқ хўжалигига кўпинча маҳсулотлар бир йилда бир марта ишлаб чиқарилади. Шунинг учун меҳнат унумдорлиги бевосита кўрсаткичлар: вақт ҳисобига бажарилган қишлоқ хўжалик иши ҳажми, бир гектар қишлоқ хўжалик экинини ишлаш учун сарфланган меҳнат, бир бош қорамол боқиши учун сарфланган меҳнат каби кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши ва унинг даражасини аниқлашда натурал ва қиймат кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Агарда меҳнат унумдорлиги ўсимликчилик ёки чорвачилик бўйича аниқланадиган бўлса, натурал кўрсаткич ўрнида қиймат

кўрсаткичидан фойдаланилади. Барча етиштирилган маҳсулотлар қиймат кўринишида бўлади.

4.4. Мехнат унумдорлигини ошириш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама юксалтиришга эришишдан иборатdir.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатларининг характеристига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари мужассамланган.

Фермернинг меҳнат унумдорлигига таъсири этувчи омиллар: 1) моддий-техника омилари (техника жараёни, табиат ресурсларининг характеристиги, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш, электрлаштириш, автоматлаштириш ва бошқалар), 2) шахсий омиллар, (ходимларнинг ихтисоси, малакаси, тадбиркорлиги) 3) ижтимоий меҳнатнинг қандай ташкил қилинганлигини кўрсатувчи омиллар (ихтисослаштириш, кооперациялаштириш, ишлаб чиқаришни комбинациялаштириш, корхоналарда меҳнатни бозор шароитларида шакллантириш), 4) табиий омиллар (об-ҳаво шароити, сув, иссиқлик температураси ва бошқалар) группасига бўлиш мумкин.

Фермер хўжалигига меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқариш фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини ҳисобга олган ҳолда интенсив ривожланади.

Фермер ишлаб чиқаришининг фонд ва энергия билан қуролланиш даражасининг орта бориши натижасида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти тежалади, меҳнат сарфи камайиб ҳар бош чорвадан олинадиган маҳсулот миқдори, ҳар гектар экин майдонидан олинадиган ҳосил миқдори ортиб, оқибатда меҳнат унумдорлиги ошади.

Фермер хўжалигига меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан бири ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашга ўтишни тезлаштиришdir.

Тупроқ унумдорлигини мунтазам ошира бориш, кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сарфланган меҳнат самарадорлигини оширишdir. Ерни мунтазам равишда минерал ва органик ўғит билан ўғитлаш, суғорилиб дәққончилик қилинадиган экин майдонларини кенгайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, юқори ҳосил берадиган экин навлари ҳамда ҳайвон зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланиш, фан-техника ва агротехника талабларига тўла риоя қилган ҳолда ерга ишлов бериш ва бошқа тадбирлар тупроқ унумдорлиги ортишига, ҳосил кўпайишига, маҳсулот сифати яхшиланишига ва оқибатда меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Чорвачилиқда меҳнат унумдорлигининг ортиши кўп жиҳатдан мустаҳкам озуқа базаси яратиш ва ҳайвонларни илмий рацион асосида боқишини ташкил этишга боғлиқdir.

Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Меҳнат интизоми бузилган ерда ишлаб чиқаришни юксалтириш мумкин эмас. Меҳнат интизомини мустаҳкамламасдан туриб, кунлик иш меъёрлари ўз муддатида бажарилмайди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган

қонунларга ўзгариши киритилиб, ёлланма ишчиларни жалб қилиш ва уларга меҳнат қонунчилиги бўйича ҳақ тўлаш ташкил этилади.

Фермер хўжалигига меҳнат интенсивлигини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фақат жонли ва буюмлашган меҳнатгина тежалиб колмасдан, сарфланган вақт ҳам қисқаради. Меҳнат интенсивлигининг ўсиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланилади. Иш қунидан унумли фойдаланишга эришиш меҳнатни илмий асосда меъёрлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Меҳнатни илмий асосда меъёрлаштириш ва меъёрларни такомиллаштириш фақат меҳнат ресурсларидан тўла ва унумли фойдаланилишга эмас, балки асосий ва айланма фондлардан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Фермер хўжалигига меҳнат жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида сарфланаётган меҳнатнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш мумкин. Бу фермерлар ихтиёридаги барча машиналар, тракторларнинг ишга яроқлиигини ошириш ҳамда улардан йил давомида фойдаланишга эришишдан иборат. Фермерларни ишлаб чиқариш ресурслари, молиявий ресурслар билан таъминлаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда кадрларнинг малакасини ошириб, уларни жой-жойига қўйиш ҳамда иқтисодий сиёsatни оммага тўғри тушунтириш ҳам ижобий роль ўйнайди.

Фермер хўжалигига меҳнат унумдорлигини ошириш табиий шароитларга ва фантехника тараққиёти ютуқларини амалиётга татбиқ этишга ҳам боғлиқдир.

Қисқача хulosалар

Республикада мавжуд меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари берилган бўлиб, фермер хўжаликларида ёлланма ишчиларни ёллаш ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳамда меҳнат бозорлари фаолияти, ишловчиларни иш билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Ҳазорат ба муҳокама учун саболлар

1. *Меҳнат ресурслари хақида тушунчга бўринг.*
2. *Меҳнат бозори фаолиятини тушунтиринг.*
3. *Меҳнат унумдорлиги тушунчаси ба уни ошириш йўлларини айтиб бўринг.*
4. *Меҳнат бозорлари фаолиятини кандай баҳолайсиз?*
5. *Ёлланма шашлафиниң ҳақ-хукуқлафини изоҳланг.*

Асосий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари (“Ер кодекси”, “Ширкат хўжалиги”, “Фермер хўжалиги”, “Дехқон хўжалиги”, “Ер кадастри” тўғрисидаги Қонунлар). –Т.:“Адолат”, 1999, 446 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”. –Т.: “Шарқ”, 1998.
3. Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.

4. Абдуганиев А., Абдуганиев А. А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: “ТДИУ” 2004.
5. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишининг хуқуқий-иқтисодий, ишлаб чиқариш асослари”. –Т.: “ТИҚХМИИ”, 2004, 141 б.
6. Фармонов Т. Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”. –Т.: “Янги авлод”, 2004, 143 б.
7. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудование, техника продаж...
www.selhoz.net.ru <http://www.selhoz.net.ru/>
8. <http://www.bookler.ru/bookisbn/5-7695-1158-3.shtml>
9. “Ўзбекистон иқтисодиёти” журнали. 2004-2006 йй.

В БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

5.1. Фермернинг мол-мулки ва ундан фойдаланиш йўллари

Фермер хўжаликлари ўз ихтиёридаги мол-мулкдан ва ер участкаларидан фойдаланиб фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалигининг мол-мулкига: бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дараҳтлар, чорва моллари, паррандалар, етиштирилган маҳсулоти, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк обьектлари, шунингдек, фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулклар киради.

Фермер хўжаликлари мол-мулкининг шаклланиш манбалари қуйидагилар:

хўжалик аъзоларининг пул ва моддий маблағлари; маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясидан, шунингдек, фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар; қимматли қоғозлардан олинган даромадлар; кредитлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг бегараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари; қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Фермер хўжаликлари зарур мол-мулкни ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олади.

Фермер хўжаликларининг мол-мулки миқдори чекланмаган бўлиб, у давлат томонидан ҳимоя қилинади. Фермер хўжаликларининг мол-мулки уларнинг аъзоларига умумий, биргаликдаги мулк ҳисобланади.

Фермер хўжаликларининг мол-мулкини кўпайтириш ва ундан самарали фойдаланишнинг асоси тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан амалга ошириладиган, ўз таваккалчилиги ва мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган ва тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик ва жисмоний шахслар киради. Фермер ва юридик шахс макомига эга бўлган дехқон хўжаликлари кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланади.

Фермер хўжаликларининг мол-мулкларидан самарали фойдаланиш йўлларига:

- мавжуд техника воситаларидан интенсив фойдаланиши;
- бино-иншиоотларини ўз вақтида таъмирлаб бориши;
- техника воситаларининг юк кўтариши қобилиятидан максимал фойдаланиши;
- от-арава транспортидан фойдаланиши ва бошқалар киради.

5.2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари

Фермер хўжалигининг моддий-техника ресурслари ҳисобланган ер, машина-трактор, комбайнлар, кимёвий воситалар, ёқилғилар, ем-хашаклар, уруғликлар ва бошқа воситаларнинг қиймат ҳолидаги кўриниши фермер хўжалигининг фондларини ташкил этади.

Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига кўра, ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йиллар давомида қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига, бажарилаётган хизматларга йилма-йил қисман ўtkазиб боради. Асосий воситалар – ҳозирги даврда республикада 15 (Россия федерециясида 50) минимал ойликдан юқори қийматга эга

бўлган ва 1 йилдан кўпроқ хизмат қиласиган ишлаб чиқариш воситаларига айтилади. Уларга фермер хўжалиги ерлари, машиналар, тракторлар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, қурилмалар, дастгоҳлар, ишчи, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик мевали дарахтлар ва бошқалар киради. Уларнинг шакланиши ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Улар ишлаб чиқариш жарёнида бевосита ва билвосита қатнашадиганларга бўлинади.

Улар ишлаб чиқариш жарёнидаги функционал фаолиятига кўра, меҳнат предметлари ҳамда меҳнат воситаларига бўлинади. Фермер хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда инсон меҳнати ёрдамида ишлаб чиқиши жарёнида бир марта қатнашиб ўз шаклини тўлиқ ўзгартирадиган предметлар фермернинг меҳнат предметлари дейилади.

Фермер хўжалигидаги ишлаб чиқариши жарёни – меҳнат предмети, иш кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг биргаликда харакатидан пайдо бўлади. Ишчи кучи деганда меҳнатга яроқли ишчилар тушинилса, ишлаб чиқариш воситалари пул ва натура шаклида бўлади. Хўжаликда барча ишлаб чиқариш воситалари натура кўринишида ва хўжалик баланси хисобидаги пул кўринишида бўлади. Фермер хўжалигидаги ишлаб чиқариш воситалари хизмат қилиш муддатига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариши фондлари - қишлоқ хўжалигидаги етиштирилаётган маҳсулотга ўз қийматини йилма-йил аста-секинлик билан ўтказиб борувчи меҳнат воситаларига айтилади. Масалан: транспорт воситалари, иморатлар, маҳсулдор моллар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари хилма-хил бўлиб, улар доимо харакатда бўлади, яъни меҳнат воситалари кўринишидан, маҳсулот кўринишидан пул фирмасига ўтиб, пул ўз навбатида яна меҳнат воситаларини тиклаш ва кўпайтириш учун хизмат қиласи. Бундай харакатга фондларнинг айланниши, дейилади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятида бир марта қатнашиб, ўз хусусиятини йўқотадиган воситалар айланма фондлар дейилади (ўғит, ёқилғи, ем-хашак ва ҳоказолар).

Асосий фондлар бошланғич, қолдиқ ва тиклаш баҳоларига эга бўлиб, бошланғич қиймат асосий фондларни ташкил этишдаги хақиқий сарфланган харажатлар; қолдиқ қиймат – асосий фондлар қийматидан ейилган қиймат чиқими; тиклаш қиймати – бу мулкларни сотиб олиб тўлдириш қийматидир.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари икки хил; жисмоний ва маънавий ишлаб чиқариш жарёнида эскиради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг маҳсулотга ўтган қийматини пул формасида ажратиш йўли билан тўпланадиган қисмига амартизация фонди дейилади.

Асосий воситаларнинг эскиришини уларнинг амалдаги эскириш меъёрлари (нормативлари) ёрдамида аниқлаш мумкин. Уларнинг эскириш қиймати амортизация суммалари деб аталади. Асосий воситаларнинг эскириш меъёрини белгилаб берувчи амортизация меъёри асосида уларнинг эскириш қиймати (суммаси) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ac = \frac{Abk}{Ah} \cdot 100 \text{ ёки } \frac{Abk}{Ah};$$

Бунда:

Ac – асосий воситаларнинг амортизация суммаси (сўм);

Абк – асосий воситаларнинг баланс қиймати (сўм);

Ан – асосий воситаларнинг эскириши меъёри (коэффициентда, йилда).

Амартизация ажратмаларнинг меъёри асосий фондларни тиклаш ва капитал таъмираш учун зарур бўлган суммаларни хисоблаш учун хизмат қилади.

Асосий фондлардан фойдаланилганлик учун амортизация ажратмалари ажратилади. Бу асосий фондлардан йил мобайнида фойдаланилади.

5.3. Айланма маблағлар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари

Айланма маблағлар деб, бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз формасини тўла йўқотиб, ўз қийматини бутунлай бошқа янги маҳсулотга ўтказадиган меҳнат буюмларига айтилади. Масалан, уруғлик, ўғит, ёқилғи, ем-хашак ва ҳоказолар.

Айланма фондлар иш жараёнида икки хил бўлиб, биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнига ҳозирча қатнашмаган, узлуксиз ишлаб чиқаришни таъминлаш учун захира меҳнат буюмлари; иккинчидан, ишлаб чиқаришда қатнашиб, ўз қийматини янги маҳсулотга ўтказувчи воситалардир.

Айланма фондлар айланиши қанча секин бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча паст бўлади. Фермер хўжаликлари узлуксиз ишлаши учун айланма фондлари билан бир қаторда муомала фондларига эга бўлиб, муомала фондларига - реализация қилишдан тушган пуллар, оборот воситаларини сифатли ишлатиш, ташиш, саклаш учун кетадиган харажатлардан ташкил топади. Айланма фонди ва муомала фонди биргалашиб, фермер хўжалигининг айланма маблағини ташкил этади. Айланма маблағнинг 75-80 % айланма фондни ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фондларнинг баланс қиймати ҳар хил нархда баҳолангандиги туфайли, ҳозирги баланс баҳога тўғри келмай қолади. Шу мақсадда фондларни қайта баҳолаш фондларнинг тиклаш баҳосига қараб амалга оширилмоқда. Бу баҳолаш усули режалаштирилганлиги, хисоб-китобни яхшилаш, самарадорликни аниқлаш, амартизацияни хисобга олиш имкониятини беради.

Айланма фондлар(воситалар)дан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Айланма фондларнинг айланиш коэффициенти – хўжаликлардаги айланма фондларнинг бир йил давомида айланиш тезлигини кўрсатади. Унинг миқдори имконият доирасида бирдан юқори бўлгани маъқул. Шу кўрсаткичга асосланган ҳолда айланма фондларнинг айланиш муддати ҳам аниқланади. Бунда сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, кўрсатилган хизматларнинг, бажарилган ишларнинг умумий қийматига, асосий подага ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қийматини қўшиб, ундан асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган маблағни айиргандан сўнг, қолган қиймати. Айланма фондларни йиллик ўртacha қолдиқ суммасига тақсимлаш лозим. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K = \frac{Ск + Ex_k - Xc}{ХАФкк}$$

Бунда:

K – айланма фондларнинг айланиши коэффициенти;

Ск – сотилган қишлоқ хұжалик маңсулоти, бажарылған иши ва хизматтарнинг қиймати (сүм);

ExK – асосий подага үтказилған ёш ҳайвонларнинг қиймати (сүм);

Xc – асосий подадаги ҳайвонларни сотишидан тушкан тушум (сүм);

ХАФкк – айланма фондларнинг йиллик үртаса қолдик қиймати (сүм).

Йил давомида айланма фондлар(воситалар) айланишининг үртаса даври – бир йилдаги календарь кунлари умумий сонининг (365 ёки 366) айланиш коэффициентига тақсимлашдир:

$$Ad = \frac{365}{K}$$

Бунда:

Ад-айланма фондларнинг айланиши муддати, кун.

5.4. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг иқтисодий күрсаткичлари

Фермер хұжалигіда маңсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги асосий фондлар билан таъминланғанлығына бағытталған. Хұжаликта асосий воситалар етарлы бўлмаса, маңсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги пасайиб, сарф-харажатлар кескин ошиб кетади. Агар талаб даражасидан ортиқча бўлса ҳам, маңсулот таннархининг ортишига олиб келади. Шунинг учун хұжаликдаги мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишда куйидаги иқтисодий күрсаткичлардан фойдаланилади. Фонд билан таъминланиш, фонд билан қуролланиш, фонд сиғими, фонд қайтими, фонд рентабилитиги.

1. Фонд билан таъминланиш - фондларнинг қишлоқ хұжалик экин майдонига нисбати билан белгиланади.

$$\Phi_m = \frac{A\phi}{Em}$$

Бунда, *Ф_m-фонд билан таъминланганлик;*

Aφ-асосий фонд;

Ем-ер майдони.

2. Меҳнатни фонд билан қуроллантиришни – ишлаб чиқариш фондлари қийматини меҳнатга қобилиятли ишловчиларнинг үртаса сонига нисбати билан белгиланади.

$$\Phi_K = \frac{A\phi}{Is}$$

Бунда, *Ф_K-фонд билан қуролланганлик;*

Aφ -асосий фонд;

Is - йиллик ишловчилар сони.

3. Фонд қайтими – ялпи маңсулот қийматини асосий фондларнинг йиллик үртаса қийматига нисбати.

$$\Phi_K = \frac{Яm}{A\phi}$$

Бунда, *Ф_K-фонд қайтими;*

Ям-ялпи маңсулот қиймати;

Aφ-асосий фонд.

4. Фонд сигими – ишлаб чиқариш фондларининг ялпи маҳсулот қийматига нисбати.

$$\Phi_C = \frac{A\phi}{\mathcal{Y}_M};$$

Бунда: *Ф_C-фонд сигими;*

Ялпи маҳсулот;

Аф-асосий фонд

5. Фондлар бўйича рентабиллик – соф фойдани асосий фондларнинг йиллик ўртacha қийматига бўлиб, 100 га кўпайтмасидир.

$$P\phi = \frac{C\phi}{\Phi} \cdot 100;$$

Бунда: *P_{\phi}-фонд рентабеллиги;*

Сф-соф фойда;

Ф-асосий ишлаб чиқарии фонди.

6. Асосий фондларнинг қопланиш муддати - асосий фондларнинг ўртacha қийматининг соф фойдасига нисбати

$$T = \frac{A\phi}{C\phi};$$

бунда; *T-асосий фонднинг қопланиши муддати, йил.*

Сф-соф фойда.

Қисқача хуносалар

Фермернинг мол-мулкига ўзига тегишли бўлган барча асосий воситалар киради. Асосий воситалар ўз ишлатилиш хусусиятига қараб, асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондларга бўлинади. Асосий фондларни кўпайтириш ва ундан самарали фойдаланиш, фондларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва улардан фойдаланиш, самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатилган. Фермернинг мол-мулкини шакллантирувчи пул маблағлари, улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Жазорат ба мухокама учун саволлар

1. *Фермернинг мол-мулкига нималаф киради?*
2. *Асосий фонд тушунчаси ба унинг тарқиби нимадан иборат?*
3. *Асосий ишлаб чиқарии фондлари ба ундан фойдаланиши ўйлари.*
4. *Айланма фондлар ба улардан фойдаланишиниг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини айтиб беринг.*

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. –Т.: “Шарқ”, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни, “Халқ сўзи газетаси”, -Т.: 30 апрел, 1998.
3. Каримов И. А. “Деҳқончилик тараққиёти – фарновонлик манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
4. Емельянов А. М. Экономика сельского хозяйства. Москва. 1982, 550 б
5. Тошбоев А. Ж. “Тармоқ иқтисоди ва менежмент” фанидан амалий машғулотлар олиб бориш учун услубий қўлланма. –Т.: “ТИҶХМИИ”, 2000.
6. Коваленко Н. Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004
<http://shopper.h1.ru/books.shtml1?topic=935&page=1>
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: “ТДИУ”, 2004.
8. Ўзбекистон иқтисодиёти журнали. –Т.: 2005. №8

VI БОБ. ФЕМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИГ МОДДИЙ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ

6.1. Фермер хўжалигига моддий-техника ресурслари тушунчаси ва вазифаси

Фермер хўжалигининг моддий-техника ресурслари деганда, фермернинг мавжуд барча асосий фонdlари ва хўжалик инвентарлари тушунилади. Фермер хўжалигига техникалар етарли миқдорда бўлмаса, қишлоқ хўжалиги ишлари, ўз агротехник муддатларида бажарилмайди. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, ишлаб чиқаришда моддий-техника ресурсларининг аҳамияти катта.

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида фермер хўжалигининг моддий-техника базаси кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб бормоқда. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришига «Кейс», «Магнум» каби юкори унумли техникалар кириб келмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликлри учун мини техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Фермерларга техникалар лизинг компаниялари орқали берилмоқда. Жадвал 6.1.1.

6.1.1-Жадвал. Фермерлар томонидан лизинг асосида олинган техникалар

Худудлар номи	2004 йилда			2005 йилда		
	Тракторлар сони	Ўрим-ийғим комбайнлари сони	Тиркамалар (агрегатлар) сони	Тракторлар сони	Ўрим-ийғим комбайнлари сони	Тиркамалар (агрегатлар) сони
Қорақалпоғистон Республикаси	89			164		1
Андижон	21		23	64		41
Бухоро	158			244		
Жиззах	125		27	195		79
Қашқадарё	145		19	131		52
Навоий	68		15	62		17
Наманган	43		19	212		75
Самарқанд	161		18	152		64
Сурхондарё	63		8	56		9
Сирдарё	118	2	45	107		193
Тошкент	58		26	28		21

Фарғона	47	21	17	102	62	38
Хоразм	26		3	50		5
Жами	1122	23	220	1567	62	595

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси мустаҳкам бўлса, уларда иқтисодий жиҳатдан ривожланиш юқори бўлади. Фермер хўжалигининг моддий-техника ресурслари табиий ва иқтисодий ресурслардан ташкил топади. Табиий ресурслар – ер, сув, ўрмон, чорва ҳайвонлари, иссиқлик ҳамда ёғингарчилик миқдоридан ташкил топади. Уларнинг асосий қисми давлат тасарруфига бўлиб, корхоналарга, фуқароларга фойдаланиш учун берилади.

Иқтисодий ресурсларга молиявий ҳамда меҳнат ресурслари киради. Фермер хўжалигини таъминлашда моддий техника ва молиявий ресурслар мавжуд:

1. Моддий-техника ресурслариға – ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари, бинолар, иншоотлар, машиналар, тракторлар, комбайнлар, барча турдаги кимёвий воситалар, ўғитлар, уруғликлар, ем-хашаклар, ёқилғи, мойлаш, қурилиш ва бошқа материаллар киради.

2. Молиявий ресурслариға – давлат томонидан ажратилаётган маблағлар, хўжаликларнинг жорий, валюта счётларидаги, ғазнадаги пуллари, амортизация фонди, акциялардан олаётган фойдалари, банк кредитлари ҳамда ички ва ташки инвестицияларни амалга ошириш натижасида олаётган маблағлар, таъсисчилар ва бошқа манбалардан келиб тушаётган маблағлар киради.

Фермер хўжалигининг маблағлари:

1. Фермер хўжалигининг маблағлариға – маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар бажариш натижасида олаётган пул даромадлари, тақсимланмаган фойдадан ажратилаётган маблағ, амортизация фондидан ажратилаётган маблағ, амортизация фонди ҳисобланган маблағ, фойдаланилмаётган айрим ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан, ижарага бералаётган воситалардан фойдаланиш натижасида ва бошқа манбалардан олинган маблағлар киради.

2. Четдан жалб этиладиган маблағлар – Ирригация-мелиорацияга, экологияга ҳамда ижтимоий соҳаларга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган маҳсулотларга давлат ҳисобидан ажратиладиган транш маблағлари, тижорат институтларининг кредит маблағлари, инвестициялар, ҳомийлардан, ҳамкорлардан ва бошқа манбалардан жалб қилинадиган маблағлар киради. Шундай тартибда шакллантирилган моддий-техника ресурсларидан фермерлар йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланишса, барча турдаги тадбирлар вақтида, сифатли амалга оширилади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи таъминот корхоналари фермер хўжаликларини моддий техника ресурслари билан ўз вақтида таъминлаб турса, маҳсулот ҳажми ортади ва фермернинг тўлов қобилияти ошади. Агар моддий техника таъминоти ўз вақтида амалга оширилмаса, аввал фермер хўжалигининг иш фаолиятига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига, ундан келадиган даромадга салбий таъсир этиб, тўлов қобилиятини йўқотади.

Шунинг учун, истеъмолчи билан таъминотчи ўртасида тузилган шартномалар ўз вақтида самарали бажарилишини таъминланиш керак.

**6.1.2-жадвал. Фермер хўжаликларига моддий ресурслар етказиб бериш
кўрсаткичлари таҳлили (2005 й.).**

Қорақалпоғистон Республикаси	7861	29102	31625	5453	37950,9	38055	
Андижон	3664	14656	12508	3006	120024	12754,2	
Бухоро	6778	35652,4	35114	6842	67875	67625	
Жиззах	9665	29362	29335	10025	49563	48978	
Қашқадарё	13424	19730	19730	14862	58921	58921	
Навоий	3300	13874	11131	3167	10186	9328	
Наманган	4997	29630	28753	4428	18818	16051	
Самарқанд	7786	28632	28621	7683	20541	20542	
Сурхондарё	2375	32870	32811	2364	15143	14714	
Сирдарё	6753	44210	41480,6	7913	38643	42253	
Тошкент	5227	20865	2576,1	5205	19920,7	15981,9	
Фарғона	6913	38837	33593	6081	26835	22426	
Хоразм	7827	29814	32125	7777	25114	23422	
Жами	86570	367234,4	339402,7	84806	509534,6	391051,1	

Шартнома бўйича минерал ўғит ва дизел ёқилғиси олинган бўлиб, шартнома бўйича республика фермер хўжаликларига 367,2 минг тонна ўғит етказиб берилиши керак эди. Аслида 339,4 минг тонна ёки 27,8 минг тонна етказиб берилмади. Ўғит хисобига ҳосилнинг учдан бир қисми яратилса – ҳақиқатда ушбу ҳосил олинмай қолади. Дизел ёқилғиси бўйича республикадаги 125,7 минг фермер хўжалигидан 84,8 мингта фермер таъминот ташкилоти билан шартнома тузган. Шартнома бўйича 509,5 минг тонна ёқилғи етказиб берилиши керак

бўлса, хақиқатда 391,0 минг тонна ёки 118,5 минг тонна таъминлаб берилмади. Хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий ресурслари етарли бўлмаса, маҳсулот ҳажми ҳам ошмайди. Шунинг учун, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналар тузилган шартнома шартларини бажаришлари керак.

2005 йилда республика бўйича фермер хўжаликларида пахтачиликда ҳосилдорлик 19,0 центнерни ташкил этди. Ўтган 1993-2005 йиллар ичидаги 1990 йилда олинган 27,7 ц/гадан камайиш 1995 йилда 24 ц/га дан (3,7 ц/га ёки 13,4 %), 2000 йилда 18,9 ц/гача (8,8 ц/га ёки 31,8%), ўртacha камайиши эса 6,7 центнерни ташкил қилди. Ушбу йиллар ичидаги пахта ҳосилдорлигининг кескин пасайиши баъзи бир объектив ва субъектив омиллар (алмашлаб экиш тизимининг бузилиши, минерал ва органик ўғитларни солиш меъёрининг камайиши, сув танқислиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва шўрланиш даражасининг кучайиши, агротехнологик жараёнларни ўз муддатида сифатли ўтказмаслик, ҳашоратлар, ўсимликлар касаллиги ва зааркунандаларга қарши курашиш) туфайли бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, ўтган давр ичидаги пахтачиликда ҳосилдорликнинг пасайишига таъсир этадиган энг асосий 8 та омилнинг 4 таси жойларда ўсимликлар касаллиги ва зааркунандаларга қарши кимёвий ва биологик курашларнинг етарли даражада олиб борилмаслигига кўпроқ боғлиқ экан.

Ушбу ҳолатнинг бир нечта объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, энг асосийси, ҳали жойларда ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш, ҳашорат ва зааркунандаларга қарши кимёвий ва биологик курашиш шахобчаларининг самарали фаолият кўрсатмаслиги, уларнинг етук ва тажрибали кадрлар билан таъминланмаганлиги натижасида белгиланган тадбирларни талаб даражасида олиб борилмаслиги; «Ўзқимёсаноат» компанияси ва ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» бўлинмалари фермер хўжаликларидағи экин майдонларининг тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини «бизнес режа»га асосан, аниқ ҳисобланган меъёрлар бўйича минерал ўғитлар билан таъминланмасликлари натижасида рўй бермоқда.

Ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотида ҳудудлар ўртасидаги катта тафовут, энг аввало, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан транш маблағларида вегетация даврлари бўйича ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа моддий харажатлар суммасининг тўлиқ кўзда тутилмаслиги ёки маблағларни харажатлар турларига номутаносиб тарзда тақсимланиши; транш маблағларини ҳақиқатда қилинган сарф-харажатлар бўйича тақсимот ишларида маҳаллий ҳокимиятларнинг ноқоунуний аралashiши ва ўз навбатида баъзи бир бошқа харажат турларига ортиқча маблағларни ўтказиб юборишлари; жойларда пахта ва ғалла майдонларида юқори ҳосил олиш учун қўшимча агротехника тадбирларининг ўтказилиши ёки табиий оғатлар натижасида қўшимча майдонларга қайта экиш жараёнлари учун зарур микдорда ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотини тўғри йўлга қўймаслиги; жойларда фермер хўжаликлари томонидан ёқилғи-мойлаш материаллари учун ўз вақтида пул маблағларининг ўтказиб бермаслиги сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ёқилғи-мойлаш материалларига бўлган талабини тўлароқ кондириш, хўжалик субъектлари ўртасида дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида, 2004 йилдан бошлаб ёқилғи-мойлаш материалларини фонд орқали тақсимот усули билан бир вақтда қишлоқ хўжалик короналари учун ортиқча ёқилғи мойлаш

материалларини фонд орқали тақсимот усули билан бир вақтда қишлоқ хўжалик корхоналари учун ортиқча ёқилғи-мойлаш материалларини товар хом-ашё биржаси орқали сотилиши йўлга кўйилди.

Агросервис хизмати кўрсатиш корхоналарини ташкил этишда асосий масала, яъни уларни қай даражада мижозларга яқин ва қулай масофада жойлашганлиги ҳисобланиб, бунда буортмачиларнинг хизмат харажатларининг тежалиши, барча хизматларнинг арzon, ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришилади.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ўз ҳудудларида фермер хўжаликларини турли хил сервис хизматларига бўлган талабларини муентазам кузатиб боришга ихтисослашган маркетинг бўлимларини ташкил этиб, улар дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши зарур.

6.2. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Фермер хўжалигини моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу сарфланадиган меҳнат ҳамда маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Фермер хўжалигини моддий-техника воситалари билан таъминлаш ва ундан фойдаланиш жараёнини билишни талаб этади. Шунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

1. Моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$MTP_{TD} = \frac{(Ek + (A\Phi_k - Ac) + A\Phi_k + BG_k)}{KXe}$$

Бунда: MTP_{TD} – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм.

E_k – қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўмда);

$A\Phi_k$ – асосий воситаларнинг ўртacha ийллик қиймати (сўмда);

Ac – асосий воситаларнинг ўртacha ийллик эскириши суммаси (сўмда);

$A\Phi_k$ – айланма воситаларнинг ўртacha ийллик суммаси (сўмда);

BG_k – боғлар, токзорларнинг ўртacha ийллик суммаси (сўмда);

Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир фермер ихтиёридаги фойдаланилаётган 1 га қишлоқ хўжалик ерига ёки экин майдонига қанча сўмлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аниқланади. Унинг микдори талаб, яъни меъёр даражасида бўлиши керак.

Фермер хўжалигининг MTP таъминланганлик даражасини, масалан, асосий ва айланма фонdlар ёки ҳайдов, чопик тракторлари билан таъминланганлик даражасини шу кўрсаткичнинг таркибидағи бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқлаш мумкин.

2. Энергетик ресурслар билан таъминланганлик – энергетик ресурсларнинг экин майдонига нисбати билан аниқланади.

$$\mathcal{E}_{Rm} = \frac{\mathcal{E}P_k}{\mathcal{E}m(KXe)}$$

Бунда: $\mathcal{E}rt$ – энергетик ресурслар билан таъминланганлик.

$\mathcal{E}rk$ – жами энергетик ресурслар қуввати (от кучида);

Эм(Кхе) – жами экин майдони (қишлоқ хўжалик ерлари).

3. Мехнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланганлик даражаси. Жами энергетик ресурсларни (от кучида) меҳнат қилган кишиларнинг ўртача йиллик миқдорига (кишилар) нисбати билан аниқланади. Бунда ушбу тенглиқдан фойдаланиш мумкин:

$$\mathcal{E}rk = \frac{\mathcal{E}P_k}{M_p}$$

Бунда: $\mathcal{E}rk$ – энергетик ресурслар билан қуролланганлик.

M_p – ишлаган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар фермер хўжалигида бажариладиган барча ишларнинг қай даражада механизациялашаётганлигини ёки автоматлашаётганлик ҳолатини ўрганишга ёрдам беради.

4. Ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаш даражаси – трактор, машиналар ёрдамида бажарилган жами иш (эталон гектарда) миқдорини фермер хўжаликлари бўйича бажарилган жами ишлар ҳажмига (эталон га) нисбати ва юзга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

$$M\delta = \frac{Mu}{Ju} \cdot 100\%;$$

Бунда: $M\delta$ – ишлаб чиқаришининг механизациялашганлик даражаси, фоизда;

M_i – машина, тракторлар ва бошқа механизмлар ёрдамида бажарилган иш (Эт.га);

J_u – жами бажарилган иш миқдори (Эт.га);

5. Янги техника ва технологиялардан фойдаланиш даражаси янги техника, технология жорий этилмасдан аввал қилинган харажатлардан, улар жорий этилганидан сўнг қилинган харажатлар миқдори, суммаси айрилиб, аниқланган рақам дастлабки харажатларга тақсимланади ва 100 фоизга кўпайтирилади:

$$X_m = \frac{X_1 - X_2}{X_1} \cdot 100\%$$

Бунда: X_1 – янги техника, технология жорий этилмасдан олдинги харажатлар (сўм);

X_2 – янги техника технология жорий этилгандан сўнгги харажатлар (сўм);

6. Машина-трактор ҳамда автомашиналар паркидан фойдаланиш коэффициенти – хўжаликда фойдаланилган машина-тракторлар сонининг, мавжуд бўлган машина-тракторлар сонига нисбатидир.

$$MTPF_k = \frac{\Phi_c}{M_c}$$

Бунда: $MTPF_k$ – машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти.

Φ_c – фойдаланилган машина-тракторларнинг сони (дона);

M_c – мавжуд бўлган машина-тракторларнинг сони (дона);

7. Машина-тракторлар ҳамда комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлик даражаси – ишлаган машина кунлари сонини ишлаган машиналар сонига тақсимлаш натижасида аниқланади.

$$\bar{M}_k = \frac{\sum M_k}{M_c}; \quad \bar{T}_k = \frac{\sum T_k}{T_c}; \quad \bar{K}_k = \frac{\sum K_k}{K_c};$$

Бунда:

\bar{M} к-битта машинанинг 1 ойда, мавсумда, йилда ишлаган (қатнашган) ўртача куни;
 $\sum M_k$ -жами ишлаган машина кунлари;
 $\sum T_k$ -жами ишлаган трактор кунлари;
 $\sum K_k$ -комбайнларнинг ишлаган жами кунлари;
Мс-ишлаган машиналар сони;
Tс-тракторлар;
Kс-комбайнлар сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида хўжаликда 1 трактор, комбайн ёки машина йил давомида неча машина-кун ишлаганлиги аниқланади.

8. Ўртача ва алоҳида ҳар бир машина-трактордан, юқ машинасидан, дон комбайни, пахта терувчи машинадан фойдаланиш даражаси – машиналар (т/км), тракторлар (эт.га), комбайнлар (гектар, тонна) ёрдамида алоҳида–алоҳида жами бажарилган иш ҳажмини шу ишларни бажаришда қатнашган юқорида кўрсатилган техникаларнинг ўртача сонига тақсимланади.

$$TMKi = \frac{T_u}{T_c}; \frac{Mu}{Mc}; \frac{Ki}{Kc}$$

Бунда:

ТМКи – трактор, машиналарнинг ўртача бажарган иши (1 сменада, 1 кунда, мавсумда, 1 йилда этalon гектарда, тонна/км, тоннада, гектарда).

$\sum T_u, Mu, Ki$ – тракторлар, машиналар, комбайнлар ёрдамида бажарилган жами иш ҳажми (этalon гектарда, тонна/км, тоннада);
 $\sum T_c, Mc, Kc$ – шу ишларни бажаришда қатнашган тракторлар, машиналар, комбайнларнинг ўртача сони (дона).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида, 1 та тракторнинг маълум муддатда бажарган иши миқдори аниқланади.

9. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги – 1 эт.гектарнинг, 1 тонна км, 1 кВт соатнинг таннархи аниқланади.

$$\mathcal{E}G_{TH} = \frac{\sum Mx}{\sum \mathcal{E}Tga}$$

Бунда:

$\mathcal{E}G_{TH}$ – I эталон га, таннархи (сўмда);

$\sum Mx$ – механизация ёрдамида бажарилган ишларга қилинган жами харажат (минг сўм);
 $\sum \mathcal{E}Tga$ – жами бажарилган иш ҳажми (этalon гектар).

Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳам шу тартибда аниқланади. Бунинг учун уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар натижасида қўшимча олинган соғ даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб, моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этувчи омиллар аниқланиб, яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади.

6.3. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари ҳамда самарали технологиялар

Фермер хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиши, асосан, фан-техника тараққиётiga бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиётида – қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилиши назарда тутилади.

Фермер хўжалиги учун зарур бўлган қулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилиши, мавжудларини такомиллаштириш, серҳосил, тезпишар экин навлари, сермаҳсул чорва зотлари, илфор технологияларни яратишдан иборат.

Республикада фан-техниканинг тараққий этиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун янги, сифатли ҳайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта териш машиналари, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда ҳамда ёмғирлатиб, тупроқ остидан томчилатиб сугориш учун янги самарали техникалар, илфор технологиялар жорий этилишини таъминламоқда.

Фан-техника тараққиёти ягона давлат сиёсати асосида олиб борилмоқда.

Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали қишлоқ хўжалик техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали ахоли, корхоналар ва ниҳоят давлатнинг иқтисодиётини юксалтиришdir.

Фан-техника тараққиёти фермер хўжалигига қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш, такомиллаштириш; тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермаҳсул чорва молларини яратиш; фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш; фермер хўжалигига сервис хизматларини кўрсатиш, маҳсулотларни қайта ишлаб, сақлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш, тадбиркорлик субъектларини шакллантириш; фермер хўжалиги иқтисодиётини эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизmlарни яратиш ва уларни жорий этиш; фан-техника тараққиёти

натижаларини фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганларининг рағбатлантиришни такомиллаштириш имкониятига эга бўлган механизмларни яратиш. Фан-техника тараққиётининг шу йўналишлар бўйича амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш таъминланади; фан-техника тараққиёти натижасида яратиладиган моддий техника ресурслари фермер хўжалигига янги, самарали технология вужудга келишини, бу жараён ривожлантирилишини таъминлайди.

6.4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг илғор технологиялари

Қишлоқ хўжалиги ерларига ишлов беришнинг бизга одат бўлиб қолган усули – тупроқдаги ҳайвонот дунёсига,чувалчанглар, қўнғизларга ва бошқа микроорганизмларга ўзининг салбий физик таъсирини кўрсатмоқда. Фермерлар 49 йилга ижарага олган ерининг экологик ҳолатига: тупроқ унумдорлиги, сувдан фойдаланиш даражаси ҳамда технологик жараёнларининг ўз вақтида бажарилишига жавобгар эканлигини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг илғор, тежамкор технологияларини тарғиб қилиш бугунги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шудгорсиз экиш, ерга ҳеч қандай механик ишлов бермаслик ва одатда, олдиндан гербтцит моддаларини ишлатиб ўсимликларни экиш, баъзида эса уруғларини тўғри жойлаштириш учун кичик ғоваклар ҳосил қилишдир.

Ерга минимал ишлов бериш бўйича тадқиқотлар дастлаб АҚШ, Янги Зеландия ва Шотландияда ўтказилган. «Ай-Си-Ай» фирмаси 1961 – йилда «паракват» қўллаш билан шудгорсиз экишни тавсия қилишдан олдин иложи борича, ҳал қилиш лозим бўлган муаммолардан бири тупроқ билан бириккандан сўнг, кучини йўқотиб, парчаланиб кетувчи гербитцитнинг қўлланилиши ердаги ўсимликларни нобуд қилиш билан бирга, тупроқка механик ишловсиз тўғридан-тўғри экиш имконини беришини аниқлаган.

Республикамиз шароитида сув-ер ресурсларини тежаш технологияларидан бири бу буғдой ва паҳтани пуштага экиш технологияси ҳамда ирригация тизимини такомиллаштириш (латокларни қўллаш) дир.

Фермерликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ер ва сув ресурсларини тежашда ҳар бир m^2 ер майдонига сарфланадиган ҳарражат ва олинадиган фойда миқдорини оширишдир. Йил давомида иссиқхонадан фойдаланиш билан гуллар етиштириш, узум етиштириш, гидрофонда ҳар хил маҳсулот етиштириш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган усул ва услублардан ташқари, маслаҳат бериладиган иш юритиш технологияларидан бири бу аралаш экинлар ҳамда бир вақтнинг ўзида чорвачилик билан паррандачиликни ҳам ривожлантиришдир.

6.5 Янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

Фермер хўжалигида фан-техника тараққиёти мавжуд техникани такомиллаштиришни, янги, самарали техникани, технологияни, хом-ашёни, материалларни яратиш ва жорий қилишни, шунингдек меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ҳамда яхшилашни ўз ичига олади. Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан биридир.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришидаги техника тараққиётининг муҳим йўналиши техникани мунтазам равиша такомиллаштиришдан, эскирган техникани янги, унумли ва тежамли техника билан алмаштиришдан иборатdir.

Фермер хўжалигида техникани такомиллаштириш машиналар, агрегатлар ва механизmlар қувватини, ишлаш тезлигини ошириш, кўп жисмоний меҳнат сарфланишини талаб қилувчи моддий машиналардан ярим автомат ва автомат машиналар ҳамда линияларга, комплекс механизациялашган ва автоматлашган цехлар ҳамда корхоналарга ўтиш йўли билан бормоқда.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг интенсив технологияси қўлланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Шу сабабли кичик бизнес ёки катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги корхорнаси янги технологияни жорий қилса, иқтисодий самарадорликка эга бўладими, йўқми шуни ҳисоб-китоб қилиш керак. Агарда янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилганда, иқтисодий самарадорликка эришсагина бундай технологияни тезда жорий қилиш керак. Акс ҳолда, янги технологияни жорий қилишдан ҳеч қандай наф бўлмайди. Янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини қуидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$\Pi_{\mathcal{K}} = (Y_T \times C_T) - (Y_1 \times C_1) \times A$$

Бунда:

Пк – иқтисодий самарадорлик, (фойда) сўм;

Y_m, C_m – ялпи маҳсулотнинг янги техникани қўллашдаги “m” давридаги баҳоси ва таннархи;

Y₁, C₁ – янги техникани қўллашдан олдинги ялпи маҳсулотнинг баҳоси ва таннархи;

A – “m” даврдаги маҳсулот ҳажми.

Формула (Y_TxC_T)>(Y₁xC₁) бўлганида, янги технологияни қўллаш фермер хўжалигининг юқори иқтисодий самара бериши тушунилади.

Қисқача хulosалар

Фермер хўжалиги моддий-техника ресурсларидан фойдаланиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришади. Унда жонли меҳнат сарфи тежалиб, маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги ошади. Айниқса, қишлоқ хўжалигида янги фан-техника, технология ва чет эл тажрибаларини қўллаш ҳисобига ҳам самарадорликка эришилмоқда. Республикамиз аграр соҳасида фаолият кўрсатаётган чет эл техникалари ва технологиялари талаб даражасида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усувлари кенг ёритилган бўлиб, ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисоб-китоб қилинмоқда. Амалиётга ушбу янги

техникаларнинг иш фаолияти самарадорлигини аниқлаш услубларини амалиётга жорий этиш зарур.

Жазорат ва мухомама үчүн саболлар

1. Моддий-техника ресурслари деганда нимани түшүнгөсиз?
2. Моддий-техника ресурсларининг фермер хўжалигидаги ахамияти кандай?
3. Фермер хўжалигига фан-техника тафаккиётини изоҳлаш беринг.
4. Самарали технологиялар түзүрүсига түшүнчя беринг.
5. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишида самарадорликни шудаловчи кўрсаткичларни айтиш беринг.
6. Янги техника ва технологияларни кўйлашида кандай масалаларга эътибор бериш керак?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: 1999 йил 14 апрел.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармони. 2003 йил 27 октябр
3. Каримов И. А. “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъзуза. “Халқ сўзи” газетаси. 2005 йил 29 январ.
4. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. –Т.: “Ижод дунёси”, 2004, 318 б.
5. Коваленко Я. Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва, “ЭКМОС”, 1998.
6. Парпиев У., Саломов И. “Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. –Т.: “Шарқ”, 1996, 219 б.
7. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудование, техника продаж...
www.selhoz.net.ru
8. Приамурский Институт Аграрэкономики и Бизнеса www.admin.ru
9. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишнинг хукуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари”. –Т.: “ТИҚҲМИИ”, 2004, 141 б.
10. Хусанов Р. Ҳ., Ҳамдамов А. Н., Рафиқов И. Э. “Қишлоқ хўжалигига сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш масалалари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.

VII БОБ. ИНФРАТУЗИЛМА ХИЗМАТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

7.1. Инфратузилма ва унинг фермер хўжалигида тутган ўрни

Инфратузилма (лотинча *infra* - қўйи, *struktura*-жойлашув, тузилиш) – турли-туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўзи ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўсиши билан қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари, электроэнергия, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш жойларига бўлган талаб ошади. Қишлоқ хўжалигининг таъмирлаш – техник хизмати, моддий –техника таъминоти, зооветеринария, агрокимё сервис хизмати каби хизматлар даражаси ўсади. Бу жараёндан самарали фойдаланиш тармоқлари ва хизматлари иқтисодиётда **инфратузилма**, деб юритилади.

Инфратузилма бу – иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт – шароитларни таъминловчи мажмуадир. Бу ишлаб чиқариш учун технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқаларнинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма фермер хўжаликлари маблағлари, меҳнат ресурслари, хизмат қилувчи тузилмаларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Бунда агрокимё, зооветеринария, ахборот консалтинг хизматларига катта эътибор берилади. Инфратузилма фермер хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлиги ўсишининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Фермер хўжаликларини саноатлаштириш ва кимёлаштиришга милиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омилларини тез сураътда ўсишига маблағ ресурсларидан самарали фойдаланиш тизими ташкил этилиши ҳисобига эришилади. Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг аҳамияти каттадир. Фермер хўжалиги учун материал, ресурслар, техника билан таъминловчи давлат тузилмаси йўқ. Шунинг учун моддий ишлаб чиқариш инфратузилманинг фермер хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилиш фаолияти камайиб бормоқда. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Лекин, маҳсулот ишлаб чиқармайдиган тармоқларда самарадорлигини камайтиради. Инфратузилма фермер хўжаликлари учун кадрлар тайёрлашга ҳам ёрдам беради.

Инфратузилмага кирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсир кўрсатмайди, лекин ишлаб чиқаришда ўзига хос ўринни эгаллайди.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини индустрлаштириш ва ихтисослаштиришнинг ривожланиб бориши натижасида қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий ресурслар билан таъминланиш, техникани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш, ўғит солиш, мелиорация ишларини бажариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тармоқлар вужудга келди. Фермер хўжалигининг барча тармоқларини тўлиқ индустрлаштириш, комплекс механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мелиорациялаш ишлари амалга оширилмоқда.

Фермер хўжалиги тармоқларида кўп киррали хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ривожлантирилиб бозор иқтисодиётига мос қуйидаги муаммолар ҳал этилмоқда:

1. Тупрок унумдорлигини ошириш. 2. Селекция ишларини ташкил этишни тубдан яхшилаш. 3. Ҳар бир экин ўз табиатига мос равища тегишли агротехнологияга амал қилишни талаб этади. 4. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муаммоларини кўриб чиқиш.

Агросоҳани замонавий, юқори самарали қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш мақсадида (1998-2000 йилларда) аниқ дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. «КЕЙС» ғалла ўриш комбайнлари, «МАГНУМ» ҳайдов тракторлари олинди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида «КАМИНС» фирмаси двигателлари билан ишлайдиган тракторлар, «КЕЙС» фирмасининг ҳайдов ва пахта териш машиналари, «МАРАЛ» озуқа йиғиши комбайнлари, шунингдек, плуг, ғалла экиш сеялкалари ва кўплаб қишлоқ хўжалик техникаларини биргалиқда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш имконини яратди.

Фермер хўжаликлариага агротехника хизмати кўрсатишни яхшилаш, техникалардан самарали фойдаланиш мақсадида, МТП, муқобил машинна трактор парклари тузилди. Бу паркларда барча ҳайдов тракторларининг 43%, дон ва шоли ўриш комбайнларининг 48%и, бугунги кунда ер ҳайдаш бўйича 60%, ғалла йиғиб олиш бўйича 55% ишларни бажармоқда. Ҳозирча, парклар қудратли кучга айлангани йўқ. Шунинг учун, машина-трактор парклари тизимининг фаолиятини янада такомиллаштириш, рақобат мухитини вужудга келтиришда сервис хизмати кўрсатиш шахобчаларини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларида маҳсулот этиштиришнинг самарадорлигини оширишда, инфратузилмаларни қайта бўлиб, фермер хўжалигидаги хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш зарур. Хизматлар бозоридаги инфратузилмалар қуидагилардан иборат: агорхимия хизмати; селекция хизматлари; уруғчилик; МТП хизматлари; ёқилғи мойлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш; транспорт хизматлари; ускуналар лизинги; улгуржи биржалар; биржалар бозори; молия-кредит тизими ва бошқалар.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш давлат дастури инфратузилма тармоқларини янада такомиллаштириш, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва келгусида сервис хизматларини яхшилаш орқали маҳсулот ҳажмини оширишга қаратилгандир.

7.2. Фермер хўжаликларида инфратузилманинг ривожланиши

Республикамида фаолият кўрсатаётган фермерлар сони ва унинг экин майдонлари ҳажми тез суръатларда ўсиб бормоқда. Бундай вазиятда давлат мулки бўлган ердан оқилона ва самарали фойдаланишнинг янада ихчам, самарали ва фермер хўжаликлари учун қулай бўлган усусларини топиш ва амалиётга жорий этиш талаб этилмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда фермер хўжаликлариага хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш лозим бўлади.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясида ҳар бир фермер фаолиятидаги инфратузилмани ривожлантириш устувор вазифа бўлиб, уни ривожлантириш тўғрисида катта ижобий ишлар олиб борилмоқда. Фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда.

7.2.1-жадвал. Фермер хўжаликлариага хизмат кўрсатувчи инфратузилма кўрсаткичларининг таҳлили.

Мини банклар	141	105	196	260	273	1041
Муқобил МТПлар	129	168	282	402	553	1826
Минерал ўғитлар сотиши шахобчалари	128	135	208	168	243	976
Нефт маҳсулотлари сотиши шахобчалари	140	138	236	321	282	1231
Сувдан фойдаланувчилик уюшмалари	141	152	223	379	406	1502
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиши шахобчалари	-	-	88	136	270	550
Чорва молларини сотиши ва зооветеринария хизмати кўрсатиши шахобчалари	-	-	91	116	130	417
Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиши шахобчалари	-	-	60	102	108	310
Транспорт хизмат кўрсатиши шахобчалари					68	78
Тара, идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шахобчаси					72	84
Агрофирмалар					195	208

Манба: Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2002-2006 йилларда мини банклар сони 1041 тага, муқобил МТПлар 1826 донага, Сувдан фойдаланувчилик уюшмаси 1502 донага ошиди. Ушбу инфратузилма фермер хўжаликлар фаолиятини яхшилашга замин яратади. Маҳсулот ҳажми ортади. Сарф-харажатлар кескин камайиб, маҳсулот ҳажми ортади. Фермер хўжаликларимизни ривожлантириш инфратузилма, яъни хизмат кўрсатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, замонавий иш усуllibаридан фойдаланиш, сифатли ва арzon маҳсулот этиштиришдан иборат бўлади.

2006 йилда республикамизда фаолият кўрсатаётган дехқон ва фермер хўжаликларига турли сервис хизматлари кўрсатувчи 273 та мини банклар, 282 та ёқилғи, 243 та минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сотиши шахобчалари, 553 та муқобил МТПлар, 406 та сувдан фойдаланувчилик уюшмалари, 270 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиши, 130 та чорва молларини сотиши ва зооветеринария хизмати кўрсатиши ва 108 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиши шахобчалари ташкил этилди. 2000 йилга нисбатан бир неча баробарга сервис хизмат кўрсатувчи корхоналар сонини ошганлигини кўрсатмоқда. Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжалигини ривожлантириш учун инфратузилмани

ривожлантиришга асосий эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Фермер хўжаликлари га хизмат кўрсатаётган корхоналар барчаси тўлиқ талаб даражасида фаолият кўрсатмаяпти. 2004 йилда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепция дастурида белгиланганига нисбатан 8 та нефть маҳсулотлари сотиш, 10 та минерал ўғит сотиш, 10 та муқобил МТП, 33 та СФУ, 11 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, 1 та консалтинг ва ахборот хизмати кўрсатувчи шахобчалар ташкил этилмасдан қолди. Фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилмасдан қолмоқда. Масалан, 2004 йил якунида фермер хўжаликлари ёқилғиси 10,3 минг тонна, минерал ўғитлар 14,1 минг тонна, пахта шроти ва 16,8 минг тонна шелуха сотиб олинган бўлса, фермерлар биржалар орқали сотиб олган ёқилғи ва мойлаш материаллари, минерал ўғитлар таъминот бозорлари томонидан ўз вақтида бажарилмай қолди. Оқибатда биржа хизмати учун тўланган маблағларга, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилмаслигига олиб келиб, фермерлар фаолиятига салбий таъсири кўрсатмоқда. Шунинг учун, 2004 йилда 9000 дан ортиқ фермер хўжаликлари давлатга дон сотиш бўйича шартномавий режани бажара олмадилар. Улар томонидан 90,7 минг тонна дон топширилмасдан қолган. Шартномани бажармаган фермерлардан хўжалик судлари орқали 3 млрд.274 млн.сўмлик зарар ундирилди. Фермерлар томонидан ихтиёрий равища 20 минг тонна дон ва 632 млн.сум маблағлар топширилди. Умуман, дон топширмаган 289 та фермернинг ер ижара шартномаси бекор қилинди. Жорий йил ҳосили учун 62 мингга якин фермерлар 1805 минг тонна пахта хом ашёсини сотиш учун шартнома тузишган бўлса, улар шартнома режасини ортифи билан бажардилар. Улар томонидан сотилган маҳсулот хом-ашё миқдори 1773 минг тоннани ташкил этган. Аммо, 13,5 мингта фермер шартнома режасини бажара олмаган. 333 та фермернинг 11 минг гектар ер ижара шартномаси ўз аризаларига асосан, бекор қилинди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида фермер ва деҳқон хўжаликлари га кўрсатадиган хизматлари учун маблағ шаклланиши кўзда тутилган. 2004 йилда СФУ лар томонидан 17788 та, 4848 млн.сўмлик шартномалар хизмат кўрсатиш учун тузилган бўлиб, уларнинг 15208 тасига 1576 млн.сўмлик ёки 48 фоиз хизмат кўрсатилган. Шартномаларнинг бажарилмаслигига асосий сабаб, СФУларнинг моддий техника базаси шаклланмаганлиги ва малакали мутахассислар жалб этилмаганлигидир. Фермер хўжаликлари фаолиятидаги инфратузилмаларни ривожлантириш фермер хўжаликларининг ривожланиш концепциясига биноан олиб борилишини ташкил этишдан иборатдир.

7.3. Фермер хўжалигига агрокимё сервис хизмати ва унинг вазифалари

1979 йилдан бошлаб мамлакатда ягона агрокимё хизматини ташкил қилиш мақсадида «Қишлоқхўжаликтехника» давлат комитети таркибидан барча корхона ва ташкилотлар, шунингдек қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатувчи тармоқ агрохимбирлашма, агрохимтрест, маҳсус бўлим, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш лойиха тадқиқот бўлими, агрохимия лабораториялари, туман агрохимия маркази, механизациялашган отряд, ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек ишлаб чиқариш техника базаси обьектлари, «Союзқишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси таркибига берилди.

«Союзқишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси таркибига кирувчи «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмалари ҳар бир вилоят, туман ва туманлараро ташкил этилиши қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришда туб бурилиш ясади.

2004 йилга келиб кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Бу қарорга кўра «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибиға қўшиб берилди. «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг моддий ресурслар ва жиҳозлар билан таъминланишининг бугунги кундаги фаолияти қўйидагича бўлиб унда 12 вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ ва унинг 172 та филиали, шундан 154 таси туманларда ва 18 таси туманлааро филиаллари бўлиб, 172 та филиалнинг 129 тасида омборхоналар мавжуд. Уларнинг сони 519 та бўлиб, қуввати 1108,6 минг тонна, 115 та филиалдаги 237 та омборхона тўлиқ зарур техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, уларда аммиакли селитра сақланмоқда. 43 та туман филиаларида ихтисослашган агрокимё сервис хизмати ташкил этилган. Фермерларга самарали хизмат кўрсатиш учун 2005 йилгача 513 та шаҳобчалар ташкил этилган бўлиб, унинг қуввати 478,3 минг тоннадир. Шаҳобчалар сонини 2006 йилда 741 тага етказиш ва минерал ўғит сотишни 136923 млн. сўмга, 2007 йилда 891 та ва 176959 млн.сўмга етказиш ҳамда қувватини 827,8 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Худудий марказий омборхоналардан соф ҳолда 23056 тонна азотли, 22288 тонна фосфорли ва 4359 тонна калийли ўғитларни ташиш режалаштирилган бўлиб, уларни ташиш учун 3207 та трактор тиркамалари билан, 1402 та юк автомобили, шаҳобчалардан 17860 тонна азотли, 20290 тонна фосфорли ва 2608 тонна калийли ўғитларни ташиб бериш учун эса 1918 та трактор тиркамаси билан 853 та юк автомобили зарур эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун компания олдида турган асосий вазифа хўжаликларга сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлашни йўлга қўйишдан иборатdir. Агрокимё сервис хизматини ташкил этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши ва фаолиятидаги хизматларнинг самарали истиқболли йўналишларини амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Шунинг учун агрокимё сервис хизмати кўрсатишни жадал суръатларда олиб бориш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ва амалий тажрибаларни умумлаштирган ҳолатда бир бутун ривожлантириш истиқболларини белгилаш зарурдир. Бозор муносабатларида шаклланган республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалигига агрокимё сервис хизмат кўрсатишнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш даври бошланди.

Қишлоқ хўжалик экинларига минерал, органик ўғит бериш ва заҳарли химикатлардан фойдаланиш ҳамда агрокимёсервис хизмат кўрсатиш тўғрисида кўпгина олимлар илмий тадқиқотлар олиб бориб, кўпгина масалаларни ижобий йўналишларни ҳал этган. Россиялик олимлардан Л.М.Державин, В.А.Захаренко, В.В.Токарев, Н.Н.Баронов, А.М.Артюшин, А.С.Мышелова, М.М.Алибеков, Н.А.Дорофеева; Ўзбекистонлик олимлардан К.А.Хасанжонов, К.А.Чориев, Х.Ж.Хўжақулов, А.Ж.Тошбоев, А.Мамадалиев, А.Боймуҳаммедов, М.А.Сагатова, Б.О.Мўминовлар шу борада тадқиқотлар олиб боришган.

Республика қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий асослари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижаси бугунги кунда ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бизнинг фикримиз бўйича республикада мулкчилик муносабатлари шаклланиб хўжаликлар сони бир неча бараварга ортиб бориши, азотли ўғитлардан қатъий назорат орқали фойдаланиш сабабли минерал ўғитлар ва химикатлардан фойдаланишнинг устивор

йўналишларини излаб топиб амалиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда. Айниқса, фермер хўжаликлари устивор йўналиш бўлиб, унинг сони йилдан йилга кўпайиб, минерал ўғит ва кимёвий воситаларнинг харид баҳосининг кескин ортиб бориши ҳамда меъёр бўйича этишмаслиги сабабли хўжаликларда ва худудларда рақобатбардош агрокимё сервис хизматларини шакллантириш зарурдир. Унда кимёвий ва ишлов бериш, минерал ва органик ўғитларни ташиш, ишлатиш, илмий асосланган меъёрлар бўйича агрохимкартограмма асосида ишлов бериш, мониторинг олиб бориш, диллерлик консалтинг хизматларини ташкил этиш, кимёвий воситаларни сақлаш ва ишлатиш орқали ҳосилни ошириш бўйича сервис хизматлари ташкил этилмоқда.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида агрокимё сервис хизмат кўрсатишнинг зарурияти агрокимё сервис хизмат кўрсатиш корхонаси қишлоқ хўжалик субъектларига шартнома асосида хизмат кўрсатишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг натижаси унга жуда боғлиқ.

Кишлоқ хўжалигининг бозор иқтисодиётига ўтишида агрокимёвий хизмат кўрсатиш даражасига эътибор берилади. Янги шаклдаги қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бевосита ерларни режали унумдорлигини ошириш билан боғлиқ. Минерал ўғитларнинг истеъмолчиси бўлган ўсимликчилик тармоғининг асосий тури – пахтачиликдир. Пахта кўп минерал ўғит талаб этувчи ўсимликдир. Ўзбекистон Республикасида бу 1965 йилда пахта бўйича – 2072,5 минг тонна физик оғирликда, 2000 йилга келиб азотли ўғитлар – 303,0, фосфорли ўғитлар – 88,0, калийли ўғитлар – 37,0.

Ерга ишлов беришда юқори самара берса ҳам, тўлиқ етказиб берилмайди. Ерга ишлов бериш ва пестицидларни ишлатиш хусусияти қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш йўналиш тартибини асослаб беради. Бу жараён барча кўриладиган чораларга боғлиқдир. Ривожланган давлатларнинг илмий агрокимёвий таъминоти илмий-текшириш ташкилотлари, хусусий ташкилотлар, давлат бюджети ва фермерлар молиялаштиради. Агрокимёвий ишлаб чиқариш хизматини ихтисослаштирган кимёвий компания ва ташкилотлар, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бевосита фермерларга хизмат кўрсатади.

МДҲ давлатларида агрокимёвий хизмат кўрсатишни давлат ва кооператив агрокимёвий марказ ривожланишига боғлиқдир. Давлатимизнинг катта эътибори асосида кимёлаштириш, кимёвий ўғитларни ишлаб чиқариш охирги икки ўн йиллиқда етарли даражада ривожланди.

АҚШда ўғит ишлаб чиқариш даражаси МДҲ давлатларига нисбатан 15 йил кўпроқ тажрибага эга. 1972 йилда МДҲ давлатлари жаҳонда ўғит ишлаб чиқариш бўйича мутлақ биринчи ўринга чиқиб олди. МДҲ давлатларидаги кимёлаштиришнинг катта қисми қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва бириктиришни талаб қилди. Бу давлат чиқарган қишлоқ хўжалик техника тизимининг биринчи босқичи қишлоқ хўжалик корхоналарини кимёлаштириш воситалари ва таъминот функцияси билан шуғулланувчи унча катта бўлмаган агрокимёвий ишларни таъминлайди. Давлат қишлоқ хўжалик техника ишлари тизими агрокимёвий хизмат ходимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш натижасига қизиқиши бор. Кимёлаштириш ишлари сифати, ишнинг энг паст сифатини, муддатларнинг бузилиши, кучи, ўғитларни ташиш имконияти, уни сақлаш ва жойлаштириш, муаммолари ҳал этилмаса ўғитни ишлатиш самарадорлиги (қайтими)га таъсир этади.

Яна битта катта мавжуд бўлган етишмовчилик бор ва бу ўғитни йуқолишига олиб келадиган омбор ҳажмининг етишмовчилигидир.

Давлат қишлоқ хўжалик техника тизими фаолиятида агрокимёвий хизмат кўрсатувчи ишчиларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш натижасига бўлган қизиқишини шакллантира олмади. Булар агрокимёвий хизматларни паст даражага олиб келди. Муддатларнинг бузилиши, кучининг пастлиги, ўғитларни етказиб бериш, уларни сақлаш ва етказиш шароитлари давомида воситаларни қабул қилингандан кейинги қайтимининг унчалик катта эмаслиги. Ундан ташқари кимёвий воситаларни етказиб бериш ҳажми ва улардан фойдаланиш учун базага етказиб бериш ўзаро мос келмади. Кимёвий ўғитларни солиши ишларини механизациялаш муаммоси секин ҳал қилинмоқда. Ўғитнинг аралашмасини тўлиқ етказиб бериш яхши йўлга қўйилмаган.

Кимёлаштиришнинг материал техникавий базасини шакллантиришдаги етишмовчилиқдан ташқари, унинг самарасиз ишлатилиши кўпроқ ўсимчиликда агрокимёвий хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг кучсизлигига боғлиқ.

Агрокимёвий хизмат кўрсатувчи тизимдаги узок бўлмаган вактга амал қилувчи ўзаро идоралараро алоқа бошқаришда қийинчилик туғдиради, воситаларни сотиш вазифасини бажариш ва қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг барча жараёнида охирги натижа самарасини пасайтиришга олиб келади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар шароитида агрокимёвий хизматнинг роли пасаймади. Регионал кимёвий воситалардан фойдаланиш жавобгарлигининг барчаси агрокимёвий таъминотга юкланди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар билан таъминлаш қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишнинг илмий-услубий таъминоти билан бирикиши асосида амалга оширилади, ишнинг сезиларли қисми қишлоқ хўжалик корхоналарига агрокимёвий ишлаб чиқариш хизматини амалга оширувчилар хиссасига тўғри келади. Кўп шаклдаги функцияни бажарувчи ўсимчилик ўсишида бевосита иштирок этувчи технологик операцияларни бажаришда «Агрокимётаъминот» билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги алоҳида ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаси орқали амалга оширилади. «Агрокимётаъминот» бирлашмаси қишлоқ хўжалик корхонасига илмий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш агрокимёвий хизматини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш, етиштириш операциялари ичидаги энг муҳимлари қўйидагилар:

- ✓ органик ва минерал ўғитларни, ўсимликларни ҳимоялаш воситаларини ташиш ва етказиб бериш;
- ✓ ем ишлаб чиқаришни кимёлаштириш;
- ✓ омборхона, фермаларни дезинфекциялаш;
- ✓ завод етказиб берувчидан кимёвий воситаларни қабул қилиб олиш, назорат қиласи ва сақлашни таъминлаш;
- ✓ етказиб берувчи хўжаликлардан шартнома бўйича франко шартли асосида кимёвий воситаларни темир йул вагонларидан ўзининг транспортигача етказиб бериш.

Ҳайдаладиган ер ва бошқа қишлоқ хўжалигига фойдали бўлган тупроқни экишни лойиха-смета ҳужжатларини, меъёр ва минерал ҳамда органик ишларнинг қабул қилинган меъёрлари Агрокимётаъминотнинг кимёлаштириш ва агрокимё лабараториясидаги лойиха

кидирув станциясида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида кимёвий лойиха кидирув станциялари ва лабораторияларида амалга ошириладиган агрокимёвий илмий-ишлаб чиқариш хизматлари давлат бюджети хисобидан шаклланади.

Шунинг учун Агрокимё таъминот хўжаликлари билан майдоннинг таркибий кафолатининг яхшиланиши, берилган тупроқ унумдорлиги кўрсаткичига эришиш бўйича шартнома тузади. Агрокимё таъминот бирлашмаси шартномага асосан, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича комплекс чоралар амалга оширилувчи аниқ майдонга хизмат қилишга бириктирилади. Мутахассислар ўсимликларни юкори аниқликдаги программалаштириш имконини берадиган ўғитли аралашманинг рационалроқ бўлган меъёрини ҳар бир майдон бўйича агрокимёвий картага ва майдон паспортига таяниб асослаб беради.

Агрокимёвий таъминот бирлашмаси қишлоқ хўжалик корхоналарига агрокимёвий хизмат кўрсатувчи туман (туманлараро) ишлаб чиқариш бирлашмасини ва хўжалик хизмат базасидаги кимёлаштириш пунктларини тузишга жавобгарликни олади.

Агрокимёвий хизмат кўрсатувчи пастки (куйи) ишлаб чиқариш бўғини бу – хўжалик кимёлаштириш пунктидир. Улар ўзларида қишлоқ хўжалик корхоналарида кимёвий воситаларни ишлатишда керак бўлган асосий ва айланма воситалар, ишчи кучи билан таъминланган ихтисослаштирилган ажратилган бўлимни ифодалайди. Кимёлаштириш пункти ишлаб чиқариш пункти ёки цехлари каби яратилади. У ҳозирги вақтда давлатнинг агрокимёвий хизмат таклифларини асосий ишлаб чиқарувчи звеносидир. Шунингдек, ҳозирги вақтда йирик хўжаликларда кимёлаштириш бўлими мавжуд, бошқалари факат ҳосилдорликка ажратиш учун ташкил қилинади, асосан участка ва бўлинмалар сонига боғлиқ бир бўлинманинг ўзи ҳар доим барча ишлаб чиқариш бригадаларида хизматни сифатли ташкил этишга қодир.

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик корхоналарида тузилган кимёлаштириш пункти ишлаб чиқаришга кимёлаштириш воситаларини қўллаш харажатларини қисқартириш имконини беради. Мамлакатимизнинг бир қанча туманларида хўжаликлараро кимёлаштириш пунктларига ва ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик хисоби асосида ташкил қилган «Агрокимётаъминот» акциядорлик жамиятининг туман (туманлараро) филиаларининг ривожланишига эга бўлди. Кимёлаштириш пунктларига асосисй воситалар, омборхоналар, ўлчаш қурилмалари, шийпонлар, техника, қишлоқ хўжалик авиацияси учун учиш-қўниш йўлакчалари, жиҳозлар, техник хизмат кўрсатиш учун ювиш жойи ва бошқалар бириктирилади.

Хўжаликлараро кимёлаштириш пункти таркибида бир ёки бир неча механизациялашган бўлинмалар ташкил қилинади, улардан ҳар бири комплекслашган ва ихтисослашган бўлимлардир (звенолар):

- ✓ кимёвий воситалар омборларида тайёрлаш ва ортиш-тушириш ишлари бўйича булим;
- ✓ органик ўғитларни қўллаш бўлими;
- ✓ минерал ўғитларни қўллаш бўлими;
- ✓ ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш бўлими;
- ✓ тракторларга, автомобил ва қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш пунктлари.

Агрокимётаъминот акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш йўналишини яратади, яъни вилоят ва туман даражасидаги кимёвий воситалардан самарали фойдаланишга муҳим замин яратади.

Ягона ихтисослашган агрокимёвий хизмат кўрсатиш максадида бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишнинг хўжалик ҳисобига ўтиши ҳамда самара ва сифатни оширишга йўналтирилиши, юқори яқуний натижага эришишга иқтисодий қизиқишни ошириш кимёвий воситаларни йўқолишини камайтиришнинг фаолиятини ташкил қилиш. Бунинг барчаси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини кейинчалик ҳам ўсишини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳажмини оширишни таъминлаши шарт.

Агрокимёвий хизмат кўрсатиш турли шаклларининг ривожланиши унинг хўжалик билан ўзаро алоқасининг ўзига хос хусусиятини, яъни ер усти ва авиаация агрокимёвий ишлар ва уларни агрокимёвий воситалар билан таъминловчи томонлар билан тузилган шартномаларни бошқаришни яратди. Шартномада биргаликда бажариладиган барча турдаги ишлаб чиқариш ва қидирав ишлари, уларнинг ҳажми ва қиймати, молиялаштириш манбалари кўрсатилади (оҳак билан ўғитлаш, фосфорлаш ва техникавий ишлар бюджет маблағлари ҳисобидан бажарилади).

У ёки бу хўжаликдаги ишларнинг бажарилиш муддати график бўйича амалга оширилади. Одатда, ҳар бир хўжаликда бўллимнинг иш муддати 2-3 ҳафтадан ошмайди. Агрокимётаъминотни сақлаб турган воситалар манбаи, унинг шартнома бўйича бажарган иш ва хизматларидан олинган даромад ҳисобланади. Иш натижаси шартнома бўйича олинган пул воситалари ва агрокимёвий хизмат ва фаолиятни таъминлаш харажатлари фарқи сифатида акс эттирилади. Агрокимёвий ишлардан олинган даромад ва фойданни туман бирлашмаларининг асосий фондларини шакллантиришнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қиласи, шунинг учун ўз вактидаги ўзаро ҳисоб-китоб ҳамда бирлашма оладиган бажарилган иш ва фойда ҳажмига баҳони асослаш тизимини бошқариш асосида шартномаларнинг сифатли якунланиши мумкин.

Режали иқтисодиёт даврида қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бўллимлари йирик қишлоқ хўжалик таркибида тузилган ва кимёлаштириш хизматлари ички хўжалик тизими асосида амалга оширилган. Агрохимсервис корхоналари эса «таъминотчи» сифатида фаолият кўрсатган. Эндиликда агрохимсервис хизматлари турли мулкчиликка асосланган хўжалик шакллари талабидан келиб чиқсан ҳолда қуйидагича таърифланади.

Агрохимсервис хизмати - қишлоқ хўжалик корхоналарига шартнома асосида орган ва минерал ўғитлар, биологик ва кимёвий воситаларни етказиб бериш, қўллаш, ишлов бериш, сепиш, шунингдек агрокимё картограммалари асосида солиш ва кимёвий воситаларни қўллаш бўйича илмий асосланган маслаҳатлар бериш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган турли тадбирларни ўз ичига олган ҳолда барча агрокимёвий хизматлар мажмуудир.

«Ўзкимёсаноат» ДАКнинг ташкилий ҳукуқий асослари. Кимё саноат корхоналари ва ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш; минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш; техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш

мақсадида 2001 йил 13 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 декабрдаги Ф-1313 – сон Фармойиши билан тузилган кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириб, очик акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари уюшмаси ўрнига «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси фаолият юритади. «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг асосий вазифаси:

- кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш, ушбу мақсадлар учун чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини кенг жалб этиш;

- тармоқни ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, республиканинг минерал ўғитларига ҳамда кимё маҳсулотларининг бошқа турларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган ўртacha ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- кимё маҳсулотлари ташқи бозорининг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ҳамда шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, жаҳон бозорларида рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни экспортга етказиб бериш;

- кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсатни ўtkазиш, ресурсларини тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи буюмлар тайёрлашни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

- менежментнинг замонавий усулларини эгаллаган ва бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган мухандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш каби вазифалар юқоридаги қарорда белгилаб берилди.

Компания корхоналарини хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда босқичмабосқич очик акциядорлик жамиятларига айлантириш тадбирларини белгиланган тартибда амлга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» ДАКга кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш учун хорижий консалтинг ва баҳолаш компаниялари, молиявий агентликларни жалб этишиб, бунинг учун зарур маблағлар ажратилди. «Ўзкимёсаноат» ДАКга мақсадли Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» ХАЖнинг ҳуқуқий асослари. Қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғит, органик ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини етказиб бериш ва сервис хизматлари кўрсатиш 2004 йилларгача «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик компанияси ва уларнинг вилоят, туман ва туманлараро бирлашмалари зиммасида эди.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотилишини яхлит тузилмасини яратиш уларнинг қишлоқ хўжалигига етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, ҳудудий агрокимё хизматларининг маъсулиятини ошириш, улар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида, 2004 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини

бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Бу қарорга кўра, «Қишлоқхўжаликкимё» ДАК тугатилди. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига берилиб, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантирилди. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг вазифаси қилиб қуидагилар белгилаб берилди:

- ўз туманларо ва туман филиаллари орқали тегишли ҳудуд бўйича ҳақиқий талабни ўрганишни буюртманомаларни умумлаштириш ҳамда пировард истеъмолчилар – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг аниқ турларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;

- ҳар йили 1 октябрдан кечиктирмай, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини умумлаштириш асосида республика вилоятлари бўйича минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёж башоратини шакллантиришни ҳамда минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарвчи корхонларида ишлаб чиқариш бўйича келгуси йил дастурини ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўзкимёсаноат» ДАКга тақдим этади;

2004 йилдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан минерал ўғитларнинг асосий турларини ва дефолиентларни улгуржи сотиш юзасидан ташкил этиладиган ярмарка савдоларида «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари улгуржи харидорлар сифатида иштирок этадилар.

«Ўзкимёсаноат» ДАКнинг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан воситачилик шартномалари бўйича ва «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг омборларида жавобгарлик остида сақлаш учун минерал ўғитлар жўнатиш тақиқлангани учун, «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига киравчи минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсус жиҳозланган омборхоналар ажратиб берилди. Шунингдек, юқоридаги қарорга биноан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг чакана савдо тармоғи орқали дехқон ва фермер хўжаликларида сотиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларга қўшилган қиймат солиғининг олиб ташланиши «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий асосини кучайтирди.

Минерал ўғитлардан фойдаланиш йўллари. Ўсимлик учун ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув ва озиқ моддалари талаб даражасида бўлса, унинг ривожланиши ва ҳосил тўплаши юқори бўлади. Шулардан бири минерал озиқ моддалари азот, фосфор, калий, магний, кальций, олтингугурт, темир моддалари киради. Микроэлемент озиқ моддаларига бўр, марганец, рух, мис, молибден, кобальт ва бошқалар киради.

Ўсимликларнинг асосий озиқ элементи азот, фосфор ва калий бўлиб, ўсимлик илдизлари орқали минерал ўғит ҳолида, баъзан эса органик ҳолида озиқ моддаларини тупроқ орқали олади. Дехқончиликда фойдаланилаётган озиқ моддалар минерал ва маҳаллий ўғитлардан иборат бўлиб, қаттиқ ва суюқ ҳолида ишлатилади.

Азотли ўғитлар. «Азот» сўзи грекча бўлиб, аслида «ҳаётни тўхтатмоқ» ёки «ҳаёт тўсиги» маъносини беради. Азот биринчи марта 1774 йилда ҳаводан олинган. У ўсимлик хужайрасининг протоплазма таркибини ташкил этувчи модда бўлиб, оқсил моддалар асосини ташкил этади. Бундан ташқари, у ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган органик

моддалар бирикмасининг ҳосил бўлишида ҳам фаол иштирок этади. Бундай органик бирикмалар, алкалоид, фосфорид, хлорофилл ва шу каби фермент молекулалари таркибида ҳам бўлади. Академик Д. Н. Прянишниковнинг аниқлашича, азот иштирокисиз озиқ моддалари ҳосил бўлмайди. Шунинг учун ҳам азот бошқа озиқ моддалари қатори ўсимлик ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Азот меъёри етарли бўлмаса ўсимлик суст ривожланади, ҳосил камаяди. Олинган ҳосил сифатсиз бўлади. Азот меъёридан кўп солинса ҳам ҳосил сифатсиз бўлади. Демак, унга белгиланган меъёрдаги азотни солиш керак.

Тупроқ таркибидаги мавжуд бўлган азот ва фосфор ҳисобига дехқончилик маданиятини ривожлантириб бўлмайди. Чунки унинг умумий миқдорида 1-2 фоизгина минерал бирикмаларни ташкил этади. Шунинг учун маданий ўсимликлар минерал ўғитлар билан белгиланган агротехника қоидалари асосида муддатидагина озиқлантирилади.

Азотли ўғит турларидан энг кўп ишлаб чиқарилаётгани аммиакли селитра бўлиб, унинг таркибida 34,5 фоиз озиқ моддаси бор. Бу ўғитдан барча экинларни озиқлантиришда фойдаланилади.

Кишлоқ хўжалик экинларига минерал ўғит беришда физик ва таъсир этиш бирлигига берилади. Унда ўғитнинг натурал қўриниши физик бирлиги бўлиб, унинг таркибий элементларининг ўсимликка бевосита таъсир этиши озиқ моддаси билан белгиланади. Ўсимликларга, асосан, таъсир этиш озуқа бирилигига ҳисоб-китоб ва ўғитлар тақсимоти орқали олиб борилади. Шунга асосан ўғитларнинг таркибий тузилиши қуйидаги жадвалда келтирилади.

Фосфорли ўғитлар. Фосфор ҳам худди азот сингари ўсимлик ҳаёти учун энг зарур бўлган озиқ моддаларидан бири бўлиб, мураккаб оқсил турига киради. Ўсимлик фосфорни неорганик ҳолатда минерал бирикмасини, яъни H_2PO_4 қўринишида, шунингдек, унча кўп бўлмаган миқдрорда HPO_4 қўринишидаги бирикмани ҳам ўзлаштиради. Ўсимлик таркибидаги фосфор ўзлаштиришига қараб органик ва неорганик ҳолатда бўлади. Органик фосфатлар тупроқ таркибидаги фосфорнинг унча кўп бўлмаган қисминигина ташкил этади. Уларнинг кўп ёки оз бўлиши тупроқдаги органик моддалар миқдорига боғлиқ бўлиб, умумий фосфорнинг 10 фоизидан ошмайди. Органик фосфатлар ўсимликларнинг фосфор билан озиқланишида катта роль ўйнайди.

Ўсимлик нормал ўсиши учун тупроқдан органик фосфатларни ўзлаштириши керак. Бу эса тупроқда жуда оз миқдрорда бўлади. Минераллашган фосфорлар аммоний сульфат эритмаси ёки карбонат ангидридига бой бўлган сув орқали сўрилади. Булар ҳаракатчан ёки ўзлаштириладиган фосфорлар деб юритилади. Тупроқ қатлами чукурлаша борган сари фосфор миқдори камая боради. Ҳаракатчан фосфорнинг ердаги миқдори (кўклам ва ёз даврларида куз ва қиши) фаслларга қараб ҳам ўзгариб туради. Бундан ташқари, ерни мунтазам равишда ишлаб туриш ва ўғитлаш натижасида ҳам ҳаракатчан фосфорлар миқдори ўсиб бориши мумкин. Ўсимликларни ўғитлашдан илгари, ердаги мавжуд бўлган фосфорлар миқдорини қатъий ҳисобга олиш лозим.

Калийли ўғитлар ҳам бошқа асосий ўғитларга ўхшаб ўсимликларнинг нормал ривожланиши учун зарурдир. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳар йили ерга солинадиган азот ва фосфорли ўғитлар миқдори ошиб борган сари ниҳолларнинг калийли ўғитларга бўлган талаби ҳам ортиб борар экан.

Калийли ўғитлар иккита гурухга бўлинади. Хлорли ва хлорсиз. Калийли ўғитнинг хлорли бир неча турлари мавжуд (хлористый калий, калий тузи ва бошқа). Хлорсиз калий ўғити асосан, комплекс ўғит таркибида келади.

Республика аграр тармоғида асосан, маъдан ўғитлардан самарали фойдаланиш учун барча ҳукуқий, ташкилий ва иқтисодий асослар яратилмоқда. Собиқ совет тузими парчаланиб кетиши муносабати билан, кўпчилик ўғитларнинг компонентлари ҳамдўстлик давлатлари Россия Федерацияси, Белорусия ва Қозоғистон Республикаларидан олиб келиб тайёрланарди. Эндиликда маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланилиб, маъдан ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда.

7.3.1-жадвал. Республика қишлоқ хўжалигига ишлатилган минерал ўғит кўрсаткичлари таҳлили

Минг тонна, 100 % соғ ҳолда

Йил-лар	Азот	Фос-фор	Калий	Шу жумладан, пахта учун				Ҳосил-дорлиги, ц/га	Ишлатилган кг/га		
				Майдони минг га	Азот	Фос-фор	Калий		Азот	Фос-фор	Калий
1986	717,7	379,9	185,36	2058,8	500,3	244,84	128,71	24,3	243	119	63
1987	748,8	448,3	189,6	2113,7	507,3	288,3	131,67	23,0	240	136	62
1988	756,7	420,7	222,2	2020,8	499,13	265,67	146,82	26,6	247	132	73
1989	685,5	420,3	200,1	1970,6	472,94	264,06	147,79	26,8	240	134	75
1990	623,6	418,6	189,4	1813,9	421,7	233,80	120,84	27,6	231	129	66
1991	635,2	436,80	147,0	1720,5	410,06	244,80	86,92	27,0	238	192	50
1992	568,1	358,0	118,5	1667,0	388,4	201,42	74,89	24,8	233	121	46
1993	633,1	303,5	35,7	1695,2	420,8	182,6	29,6	25,0	248	108	17
1994	450,5	143,3	0,68	1534,7	326,3	96,28	0,62	24,1	213	63,0	0,5
1995	453,6	110,6	-	1484,8	292,62	64,66	-	22,3	191	43,5	-
1996	549,0	107,0	22,4	1477,2	314,59	62,12	13,62	22,6	213	42	9
1997	705,4	199,4	143,8	1408,6	361,75	109,68	66,53	23,0	258	78	47
1998	666,2	109,8	48,4	1531,7	353,09	67,63	38,40	21,6	230	44	25
1999	586,7	154,1	35,0	1557,4	391,46	79,94	26,13	23,8	192	53	17
2000	561,0	110,3	15,3	1444,4	290,0	62,0	6,5	21,1	201	43	4
2001	511,5	100,1	6,7	1451,9	281,96	50,24	4,51	23,3	194	35	3
2002	561,51	172,14	15,32	1411,8	303,3	86,48	10,36	22,7	215	61	7,3
2003	530,17	133,82	11,51	1392,7	263,51	76,73	6,31	21,8	189	55	4,5

2004	587,26	149,44	25,00	1430,4	308,63	65,15	23,51	22,3	216	46	16
2005	598,92	150,90	25,00	1426,0	302,03	67,83	17,69	25,2	212	48	12
2006	565,11	120,83	26,00	1391,4	308,5	52,10	12,57	25,6	222	37	9

7.3.1-жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, Республикаизда 1986 йилда азот 717,7 минг тонна ишлатилган бўлса, 2006 йилга келиб 565, 1 ёки 152,6 тонна кам ишлатилмоқда. Фосфор ўғитни 379,9-120,8 ёки 259,1 минг тонна, калий ўғити 185,3-26,0 ёки 159,3 минг тонна кам ишлатилмоқда. Лекин пахта экин майдони 2058,8 минг гектардан 1391,4 минг гектарга ёки 667,4 минг га камайган. Экин майдони ва ўғит таъминоти камайиши билан пахта ҳосилдорлиги 24,3-25,6 ц/га га ёки 1,2 ц/га ошди. Шундай қилиб, меъёр бўйича ўғит таъминоти камайишига қарамасдан ундан тежамли фойдаланиш зарур.

7.3..2-жадвал. Асосий қишлоқ хўжалик экинларига бериладиган маданий ўғитларнинг илмий асосланган ўртacha меъёрлари, (кг/га).

100 % соф модда ҳисобида

№	Экин турлари	Азот	Фосфор	Калий
1	Бошоқли дон экини: суфориладиган	150-200	100-120	50
	лалми	50-60	40-50	-
2	Маккажўхори (дон учун)	180-220	120-140	85-90
3	Шоли	200-220	140-145	150-180
4	Ғўза, ш.ж. ўртача толали	215-240	145-165	95-100
	ингичка толали	230-250	155-165	100-110
5	Каноп	160-180	130-140	80-90
6	Тамаки	120-150	80-100	40-45
7	Картошка	120-150	85-100	60-75
8	Сабзавот	145-200	100-110	70-75
9	Полиз	50-75	100-110	45-50
10	Озуқабоп илдизмева	220	90	60
11	Маккажўхори (силос учун)	200	90	60
12	Эски беда	100	90-100	50-60

13	Мева берувчи боғ	120-130	85-90	65
14	Мева берувчи тозор	135-140	90-95	70
15	Тутзорлар	100	60	40

Илмий текшириш институтлари томонидан мөйөрлар ишлаб чиқилган бўлиб, таъминот ташкилотлари томонидан фермерларга ўғит фондлари белгиланади (7.3.2-ждвал).

Мураккаб ўғитлар - кимёвий йўл билан олинадиган қучли таъсир қиласидиган озиқ элементлари бўлиб, таркибида гомоген борлиги билан бошқа ўғитлардан фарқ қиласиди. Шунингдек, ўғитларни бу турига мураккаб аралаш ўғитлар ҳам киради. Улар айrim ўғитларга кислота ва аммиакларни аралаштириш йўли билан олинади.

Аралаш ўғитлар - бир хилдаги ўғитларни бир-бирига механик усулда аралаштириш йўли билан олинади.

Комплекс ўғитлар - табиий фосфатлар азот кислоталари билан аралаштириб ёки сульфат кислота ҳамда суперфосфатни аммиак ва аммиакатлар билан биргаликда ишлаш йўли орқали олинади.

Республика қишлоқ хўжалик корхоналарида кейинги йилларда тупроқ унумдорлигининг пасайиб бораётганлигига биринчи сабаб, минерал ўғитлар тури ва оқилона фойдаланилмаётгани бўлса, иккинчи сабаб, табиий имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганидир. Тупроқ унумдорлигини оширишда табиий имкониятлардан бири, алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш керак. Қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилнинг ярми минерал ўғитлар ҳисобига тўғри келади. Экинларни алмашлаб экиш, далага минерал ўғитларни ўз вақтида мөъёрида ва ўз муддатларида ишлатиш юқори самарадорликни таъминлайди. Шунинг учун минерал ўғитларнинг мөъёрини белгилашда ҳосил миқдори, тупроқ унумдорлиги, алмашлаб экиш, тупроқ эрозияси, шўрланиш ва бошқа омилларга эътиборни қаратиш лозим. Бу шароитни республика қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигига ҳам асосий эътиборни қаратади. Республиkanинг турли хил тупроқ иқлим шароитларида пахта ҳосили учун ўртacha гектарига 200-250 кг азотли, 140-175 кг фосфорли, 100-125 кг калийли ўғитлар ишлатилади.

АҚШда эса 150 кг азотли, 90-100 кг фосфорли, 70-80 кг калийли ўғитлар, Хитойда 150-180, 100-120, 80-100 кг га тўғри келмоқда. Бошоқли дон экинларининг ўртача 1 гектар ғалла майдонига Республикада 150-200 кг азотли, 100-140 кг фосфорли, 60-70 кг калийли ўғитлар ишлатилади. Ривожланган чет мамлакатлардан Францияда азотли ўғит миқдори 125, фосфорли 85, калийли 100 кг. Герменияда 195, 100, 135. Японияда 145, 162, 135. Хитойда 130, 80, 52. Хиндистанда 150, 75, 50 кг га тўғри келмоқда. Республика пахта ва ғаллачилигига ишлатиладиган ўғитлар миқдори чет давлатларга нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун мавжуд ўғитлардан самарали фойдаланиб, ўғит ҳисобига етиштирилаётган ҳосилни ошириш чора-тадбирларини кўриш зарур.

Органик ўғитлардан фойдаланиш ва уни кўпайтириш йўллари. Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор, калий, кальций ва ўсимликларни озиқлантириш учун керак бўлган бошқа элементлар, шунингдек тупроққа ижобий таъсир этадиган органик моддалар бўлади. Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор ва калий миқдори минерал ўғитлар таркибидагига

қараганда камроқ бўлади, шунга кўра уларни узокка ташиб бўлмайди, тўпланган жойидан олиб фойдаланилади ва шунинг учун ҳам **маҳаллий ўғитлар**, деб ҳам юритилади. Органик ўғитларга ҳайвонлар гўнги, турли хил компостлар, кўк ўтлар киради.

Гўнг – энг муҳим органик ўғит ҳисобланади. Гўнгнинг тизимли ишлатилиши ернинг озиқлиигини, сувлиигини ва ҳаво тизимини яхшилайди, гумус таркибини ва микробиологик таркибини яхшилайди, аччиқ минерал ўғитларнинг заарали таъсирини камайтиради. Шунингдек, атроф-мухитга таъсири жуда кам. Агрехимия лабораторияларининг таҳлил натижаларига кўра, йирик шохли қорамолнинг гўнгидаги умумий азот миқдори ўртача – 0,54 фоиз, шундан: аммиакли – 0,70 фоиз, фосфор – 0,28 фоиз, калий – 0,60 фоиз, органик озиқлар – 21 фоиз, сув – 65 фоиз. С:N=19:1 боғланишда. Илмий тадқиқот маълумотларига қараганда гўнгнинг ўртача меъёри (гектрига 20 – 30 тонна) биринчи йили ерга солингандаги ҳосилдорликни ўртача ҳисобда гектарига дон экинларида 6–7 ц., картошкада 60–70 ц., илдизмевалилар ва силосбоп экинларда 150–200 ц.га оширади. Шунингдек, кейинги йилларда ҳам экинлар ҳосилдорлигини оширади. Суюқ ҳолдаги гўнгда ҳам азот ва калий кўпроқ бўлиб, у ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилади.

1 тонна гўнгда азот (N), фосфор (P_2O_5) ва калий (K_2O) нинг миқдори таҳминан 14 кг; органик озиқлар – 210 кг, қолгани сувни ташкил қиласи. Замонавий минерал ўғитларда озиқ моддалар концентрацияси ўртача 36 фоизни, 1 тоннада 360 кг.ни, яъни гўнгга нисбатан 26 марта кўпроқни ташкил этади.

Минерал ўғитдаги озиқ модда элементлари аралашмаси (концентрацияси) ортиб бориши давом этса, гўнгнинг таркибида эса тез камайиб боради.

7.3.3-Жадвал. Янги гўнгнинг таркиби, % да

Сув	75	77,3	71,3	64,6	72,4	77,5	67,0	
Органик моддалар	21	20,3	25,4	31,8	25,0	-	-	
Умумий азот	0,50	0,45	0,58	0,83	0,45	0,60	0,80	
Аммиакли азот	0,15	0,14	0,19	-	0,20	0,18	0,28	
Фосфор (P_2O_5)	0,25	0,23	0,28	0,23	0,19	0,22	0,25	
Калий (K_2O)	0,60	0,50	0,63	0,67	0,60	0,48	0,53	
Кальций (CaO)	0,35	0,40	0,21	0,33	0,18	0,45	0,44	
Магний (MgO)	0,15	0,11	0,14	0,18	0,09	-	-	

Кунига 30-40 тонна гўнгнинг парчаланишидан 35 дан 65 кг. гача CO_2 карбонат ангидрид ажралиб чиқади. Бу эса ўсимликнинг углерод билан озиқланишини анча

яхшилайди. Ўсимликлар биринчи йили гўнг таркибидаги умумий фосфорнинг тахминан 30-40 фоизини ва калийнинг эса 60-70 фоизини ўзлаштиради.

Парранда гўнгги ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган таркибида азот, фосфор ва калий бўлган тез таъсир этувчи ўғитлардан хисобланади. У ҳамма экинлар учун асосий ўғит сифатида берилади. Бу хилдаги ўғит ерни асосий ишлаш вақтида туроқقا плуг ёрдамида кўмиб кетилади. Республика қишлоқ хўжалигига органик ўғитлардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Чунки органик ўғит тупроқнинг унумдорлигини ошириб қолмай, экин ҳосилдорлигини ҳам оширади. Махсулот сифатини яхшилайди, ундан ташқари совет тузуми парчаланиб кетиши муносабати билан минерал ўғитларни талаб бўйича етказиб бериш имконияти бўлмай қолмоқда. Чунки айрим маъдан ўғитларини ҳамдўстлик давлатларидан олиб келишга тўғри келмоқда. Бу эса ўғит таннархини кескин ошириб юбормоқда. Шунинг учун органик ўғитлардан компост тайёрлаб, суғориш орқали шимдирилган ҳолатда экинга бериш яхши натижা бермоқда. Пахта ҳосилдорлигини 3-4 ц/га оширишга ёки ҳар гектаридан 78–104 минг сўм қўшимча даромад келтирмоқда. Дон экинларида эса 6–7 ц/га ёки 54–63 минг сўмни ташкил этмоқда. Олдимизда турган асосий муаммо органик ўғитларни ўз вақтида тўплаб, ундан сифатли компост тайёрлаб қишлоқ хўжалигига етказишдан иборатdir. Биз, аввало, республикадаги мавжуд органик ўғит ҳажмини аниқлаб олишимиз керак. Шунда уни талаб ва таклифга асосан, таъминлаб бериш ва ундан компост тайёлаш имконияти яратилади. Органик ўғит ҳажмини аниқлашда икки ҳил усул билан ҳисоблаш мумкин. Биринчидан статистик маълумотлар орқали, иккинчидан меъёрий ҳисоб-китоблар орқали аниқланади. Меъёрий кўрсаткичлар асосида органик ўғитни ҳар бир хайвонот тури бўйича бир кунлик гўнг ва уни таркибидаги NPK миқдори асосида белгиланишини 7.3.4 -жадвалдан кўриб чиқамиз.

7.3.4-жадвал. Органик ўғит таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдори, меъёри.

Қўй (қуруқ)	1 кг	16	5	14
Қўй (нам)	1 кг	8	2.5	7
От	15 кг	6	3	5
Аралаш	-	3.5	2	5
Қорамол	15 кг	4	2.5	5
Чўчқа	1 кг	4	2	6
Парранда	20 грамм	34	16	8
Ипак қурти (нам) (қуруқ)	- -	25 50	5 10	- -

Фекалли (ўрада)	-	4,5	1,5	1,5
(компост қилинган)	-	6	2	2

Берилган меъёр орқали республикадаги мавжуд моллар сонини кунлик гўнг чиқариш меъёрига кўпайтирилади ва бу йигиндини 365 кунга кўпайтирилса, йиллик меъёрий органик ўғит ҳажмини азот, фосфор ва калий меъёрик кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан унинг таркибидаги минерал ўғитлар салмоғи аниқланади.

**7.3.5-жадвал. 2005 йилда Республика қишлоқ хўжалиги бўйича органик ўғит
хажмининг аниқланиши**

Итифоқи	Маркази	Номи	Маркази	Номи	Хажмининг			Хажмининг		
					Маркази	Номи	Маркази	Номи	Маркази	Номи
Йирик шохли корамол	15	5,475	6543,9	35778,5	4	2,5	5	143114,0	89446,3	178892,5
Кўй ва эчкилар	1	0,365	11248,4	4105,7	8	2,5	7	32845,6	10264,3	28739,9
Чўчқалар	1	0,365	87,6	32	4	2	6	128,0	64,0	192,0
Паррандалар	0,02	0,0073	20670,6	150,9	34	16	8	5130,6	2414,4	1207,2
Жами				40067,1				181218,2	102189,0	209031,6

Республика қишлоқ хўжалигидаги мавжуд қорамоллар сонини бир суткалик ёки бир йилда чорвадан чиқадиган гўнг миқдорига кўпайтириш йўли билан йиллик шартли органик ўғит миқдори аниқланади. Масалан, 2005 йилда республика бўйича йирик шохли қорамоллар сони 6534,9 минг бош бўлиб, йиллик гўнг миқдори 35778,5 минг тоннани ёки ундан чиқадиган азот миқдори 143114 тонна, фосфор 89446,3 тонна, калий эса 178892,5 тоннани ташкил этади. Республика бўйича чорва молларининг гўнг миқдори 40067,1 минг тоннани ташкил этган бўлса, ундаги азот – 181218,2 тоннани, фосфор – 102189,0 тоннани, калий – 209031,6 тоннани ташкил этмоқда. Республика қишлоқ хўжалиги учун йиллик ўғит сарфи азот – 619 минг тонна, фосфор – 121 минг тонна, калий – 26 минг тоннани ташкил этмоқда. Демак, азотнинг 79 фоизи, фосфорнинг 86,9 фоизи, калийнинг 85,6 фоизини органик ўғит

хисобига қоплаш мумкин. Шунинг учун, аввало, чорва бош сонини күпайтириб ихтисослаштирилган ҳолатда боқишни, йиғилган гүнгларни ўз вақтида далага ёки ўраларга, маҳсус белгиланган жойларда кампост тайёрлаш йўлга қўйилса, ўғит миқдорига ҳосил миқдори ортиб унинг сарф-харажатлари кескин камаяди.

Компост тайёрлашни хўжаликларда амалга ошириш мумкин. Чорвачиликдан олинадиган органик ўғитларни дала бошида ёки маҳсус траншеяларда ташилиб, унга талабга қараб минерал ўғит аралаштирилиб, устини ёпиқ холда бир йил муддатда сакланади. Экинларни озиқлантириш муддатларида ҳар бир контурдаги картаграмма маълумотлари бўйича органик ўғит берилади. Компостни трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари тиркама усулида далага сепилади. Тайёр компостни шарбат усулида ҳам ишлатилади. Компост тайёр мослама ёки сув йўллари уюмларига шимдирилиб, сув орқали агатларга юборилиб ўсимлик озиқлантирилади. Сув орқали озиқлантириш самараси юқори бўлиб, сарф-харажатлар тежалади ва экалогия бузилишига йўл қўйилмайди. Минерал ўғитларга нисбатан арzon бўлиб, у компостни уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин.

Республика бўйича 2006 йил 1 январ ҳолатига компост тайёрлаш ҳажми 1170 минг тонна бўлиб, амалда 315,7 минг тонна тайёрланди. 1 тонна компостнинг қиймати 2005 йилда 1826,30 сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 3679,80 сўмни ташкил этди. Органик ўғит тайёрлаш режа бўйича 167,7 минг тонна бўлса, амалда 173,2 минг тонна ёки 103,4 фоизга етган. 1 тонна органик ўғитнинг ўртacha баҳоси 2286.4 сўмни ташкил этди.

Кўкат ўғитлар ёки сидератлар – далаларда айрим дуккакли ўсимликларни ўстириб, тупроқни азот ва органик моддалар билан бойитиш учун тупроқка қўшиб юборилади. Дуккакли ўсимликлар ҳаводаги азотни ўзига тез ўзлаштиради. Кўкат ўғитлар йиғувчи дуккакли сидератлар таркибида 150 – 200 кг азот бўлган гектарига 40 – 50 тонна кўк масса тўпланади. Таркибида азот тутиши бўйича 1 тонна кўкат ўғит 1 тонна гўнгга teng келади. Лекин ўсимлик кўкат ўғит таркибидаги азотдан фойдаланиш коэффициенти гўнгницидан икки марта юқори (7.3.6-жадвал).

Аралаш гўнг	5.0	2.4	5.5	7.0
Люпиннинг кўк массаси	4.5	1.0	1.7	4.7
Қашқарбеданинг кўк массаси	7.7	0.5	1.9	9.7

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳажми ва сифатини яхшилашда турли тадбирлар ўтказилиб, амалиёт синовидан ўтмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, чорва моллари кам бўлган худудларда кўкат ўғитлардан органик ўғит сифатида фойдаланиб келинмоқда. У жойларда ўз самарасини бермоқда. Шунинг учун республикамизда ғалла мустақиллигига эришилган бир пайтда, фермер хўжаликлари 850

минг гектар ерга дәхқончилик қилмоқда. Шу ғалла майдонларида күплаб сомон ва бошқа күкат ўтлар бўлиб, уни ўғитга айлантириш ва ўз вақтида шудгорлаш орқали ҳам тупроқни органик ўғит билан бойитишимиз мумкин. Биз ғалладан бўшаган ерлар ва таркибида минерал озиқлар кўп бўлган ўсимликларни экиб уларни ўғитга айлантиришни тавсия этимиз. Ҳар бир тонна кўкат ўғитнинг таркибидаги минерал ўғитлар борлиги аниқланади.

7.4. Ўсимликларни ҳимоя қилишда сервис хизматини ташкил этиш

Ўсимлик зааркунандаларига қарши курашиш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъминлаш ташкилотларининг ҳуқуқий асоси 2004 йил 23 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилингандан кейин ўзгарди.

1979 йилдан бошлаб ташкил қилинган «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий бирлашма таркибига ўтказилган ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси юқоридаги қарорга биноан тугатилди.

Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида «Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари республика базаси» акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Жizzах ва Бухоро вилоятлари чегирткага қарши курашиш экспедицияларини; Республика агрокимё станциясини; Республика ўқув ишлаб чиқариш биолабораториясини; зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича диагностика; прогноз ва биометод Республика ва ҳудудий лабораториялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига берилди.

Ўсимликлар зааркунандаларига ва касалликларига қарши курашиш зарурияти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати ва салмоғини оширишда турли ташкилий тадбирлар амалга оширилади. Айниқса, агрокимёвий тадбирларни амалга ошириш ҳосилни ошириб қолмай, унинг сифатини ҳам яхшилайди. Шунинг учун кимёвий воситалардан самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Минерал ўғитлар экиннинг ҳосилдорлигини, тупроқ унумдорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилайди. Захарли химикатлар эса, заруркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши курашишда қўлланилади. Ҳар йили ўртача 1 млн.тонна пахта, 1 млн. тонна ғалла қурт, зааркунандалар томонидан нобуд бўлади. Бунга қарши курашиш учун охирги йилларда захарли химикатларнинг 35000 хили синовдан ўтказилиб, 300дан ортиқ хили амалда самарали қўлланилиб келилмоқда. Собиқ совет тузуми даврида захарли химикатлардан фойдаланиш меъёрга нисбатан, баъзан 2-3 баровар кўп ишлатилди. Бу химикатлар атроф-муҳитга ҳамда инсон организмига салбий таъсир ўтказарди.

Ўсимликларга асосан хонқизи, куя, оқпашша, кўсак қурти, ва бошқа ҳашаротлар заар етказарди. Уларга қарши курашишда турли усуулардан фойдаланиларди. Асосан зааркунандаларга қарши курашиш самолётда, қисман техникада олиб бориларди. Энлиқда батамом самолётда пестицидларни сепиш тўхтатилди. Ўсимликларга ишлов бериш фақат техника ёрдамида амалга оширилмоқда. Инсон саломатлиги, атроф-муҳитни муҳофаза этиш

мақсадида турли усуллардан фойдаланилмоқда. Айниқса, биологик усул билан курашиш яхши натика бермоқда. Зааркунандаларга қарши трихограмма, габрабракон ва биоматериаллардан кенг фойдаланилмоқда. Бу атроф-мухитни тозалашдан ташқари сарф-харажатларни камайтириш манбаидир.

Ғүзанинг асосий касалликлари – илдиз чириши, гоммоз ва вилт ҳисобланади. Ўсимлик зааркунандаси – тирис, ишралар, оқканоп, тунланлар, кўсак куртидир.

Кишлоқ хўжалиги амалиётида маълум бўлган 30 мингдан ортиқ зарар етказувчи касалликлар, 100 мингдан ортиқ хавфли ҳашоротлар мавжуд.

Ушбу касаллик ва ҳашоротларга қарши самарали ҳимоя амалга оширилганда, ғалла экинлари-25 %га, пахта-27,5 %га, қанд лавлаги-25,5 %га, картошка-31,5 %га, сабзавот экинлари-27,0 %га, боғ экинлари-29 %га ва узумларни-32 %га ошириш имконини беради. Натижада ўсимликларни ҳимоя қилишни кучайтириш орқали мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 25 %гача ортади.

Бу касаллик ва ҳашоротларга қарши курашда кўплаб препаратлар кашф қилинган ва улар амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Лекин, бу зарарли ҳашорот ва касалликларнинг айрим турларини препаратларга тез мослашаётганлиги, янги препаратларни кашф қилишни талаб қиласди. Чунки бу қишлоқ хўжалигининг доимий зарурияти бўлиб қолади.

Зааркунанда ва касалликларга қарши курашда пестицидлардан фойдаланиш йўллари. Заарли ҳашоротлар қарши курашиш кимёвий воситалари (ўсимлик зааркунандалари ва касалликлари, илдизни заарловчилар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бузувчи зааркунандалари ва микроорганизмлари, инсонлар ва хайвонларга касаллик ташувчилар ва заруркунандалар) ягона ном билан ифодаланади – пестицид (лотинчадан олинган Pests – зааркунанда (зараза) ва side–ўлдириш (убивать)).

Пестицидларнинг қўйидаги асосий турлари мавжуд:

- **инсектицидлар** – зарарли ҳашоротларга қарши курашиш учун, унинг турлари: афицидлар ва исектоаларицидлар;
- **фунгицидлар** – ўсимликларнинг замбуруғли касалликларига қарши;
- **гербицидлар** – ўсимлик илдиз касалликларига қарши ва бошқалар.

Пестицидларнинг, шунингдек, ўсимлик ўсишини тезлаштиришга ва секинлаштиришга, баргни тўкишга ишлатиладиган аралашмалар (дефолиантлари); ўсимликларни куритувчи (десикентлар), даволовчи (аттрактантлар) ва стерловчи (хемострериянтлар) турлари мавжуд.

Гербицидлар кимёвий таркибига кўра икки гурухга бўлинади: онорганик ва органик гербицидлар. Анорганик гербицидлар: натрий хлорит, натрий роданий, аммоний сульфат, калий циенид, кальций цианамид, сульфат кислота, натрий нитрат.

Халқаро шартномаларга мувофиқ, ниҳоятда хавфли зааркунандаларга қарши кураш бошқа давлатлар билан амалга оширилади. Гербициднинг танлаб таъсир этувчи тури фойдали ўсимликларга таъсир ўтказмай ёввойи ўсимликларни йўқотади. Ялпи қиравчи гербицидлар эса барча ўсимликларни нобуд қиласди.

Гербицидлар эритмалар, суспензиялар, кукун, донадор ҳолатда ишлатилади. Мамлакат ҳудудида, 1500 турдан ортиқ зааркунандалар бор, улардан 70 таси хавфли ва 25 таси ўта хавфлидир. Дунёда уларнинг сони 200 дан ортиқ – хавфли ва 80 дан ортиқ – ўта хавфлиси мавжуд.

Ўсимлик зааркунандаларига қарши курашиш бўйича фунгицидлар 2 та асосий гурухга бўлинади:

1. Ўсимлик касалликларини даволаши (*распространения-тарқалиши*) ёки олдини олии мақсадидаги ҳимоя аралашималари (*препарат*) мис ва симобнинг ноорганик аралашимаси, цинеб, поликарбацин, капитан, фтален ва бошқалар. Ҳимояловчи фунгицидлар капитангли ёки системали таъсир этувчи турлар бўлиши мумкин.

2. Даволовчи аралашималар (*препаратлар*), темир пупороси, нигроаралашма, фигон, полисульфад.

Жаҳонда фунгицидларнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд.

Уруғларни профилактик дорилаш – қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларига қарши кимёвий курашнинг самарали бир туридир. Дорилар заарли микрофлораларни нейтраллаштиради, комбинациялашган дорилар эса тупроқ касалликларига қарши курашиши керак. Ртуторганик дорилар универсал замбуруққа қарши ва бактерияларга қарши таъсир этувчи характеристерга эга. Кимёвий уруғларни дорилашдан ташқари айrim ўсимлик уруғларини дорилашга (шоли, сабзавот, ғалладан) биопрепаратлар (антибиологиклар) қўлланилади.

Республикада агрокимёвий хизмат кўрсатиш такомиллашиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, уни тўла сақлаш ва эрта етилтиришда муҳим рол ўйнамоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари ва ҳосилни экологик усулда ҳимоя қилишда зааркунандаларга қарши кимёвий курашиш ҳам давом эттирилмоқда. Чунки, экинлар ва улар ҳосилининг 1 млн.тоннаси зааркунандалар ва касалликлар эвазига нобуд бўлади. Ҳашаротларга қарши ўз вақтида, таъсирчан чора–тадбирлар кўрилмаса, фермернинг йил давомида қилган меҳнатлари беҳуда кетиши мумкин.

Фермерлар кўсак қурти келтирадиган оғатни яхши биладилар. Ҳар йили, кўсак қурти 50-60% ҳосилни нобуд қилиши мумкин.

Кемириувчи зааркунандалар, илдиз қурти ва кўсак қуртлари ҳосилни заарлаётганлигини бевосита қузатиш мумкин. Шира ва ўргимчаккана келтирган зарар ҳосил йиғишириб олингандан кейин маълум бўлади. Бу зааркунандалардан заифлашган кўчкат кам ҳосил беради ва тўлиқ пишиб етилмайди.

Зааркунандаларга қарши курашни ва профилактика ишларини тўғри ташкил этиш зарур. Зааркунанда ва касалликларга қарши курашни тўғри ташкил қилиш учун зааркунандаларнинг пайдо бўлиш пайтини, тарқалган қўламини ва зарар келтириш даврини аниқ билиш лозим. Шунинг учун, қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказаётган асосий зааркунандаларнинг турлари, ҳаёти, тарқалиши, ҳосилга етказаётган зарарини ўрганамиз.

ИЛДИЗ ҚҮРТИ – 160 турдан кўпроқ ўсимликларни, жумладан, маккажўхори, ғўза, илдиз мевали ва кузги ғалла экинларини кучли заарлайди. Илдиз қурти республикада кенг тарқалган. Илдиз қурти капалагининг қанотлари ёзилганда, 4 смгача етади. Олдинги қанотлари қўнғир ёки сарғиш рангда товланиб туради. Олдинги қанотининг қорамтири юраксимон доди бор, кейинги қанотлари оқ. Тухуми гумбазсимон, оқищ, сирти қовурғачали, ривожланган сари қорая боради. Куртнинг узунлиги 5 см гача етади. Экилган чигитни ёки энди униб чиқаётган ғўза илдизини шикастлаб, ниҳолларни сийраклаштириб юборади. Илдиз қуртини аниқлаш учун, эрталаб далалар кўздан кечирилса, янги йиқилган ёки сўлиган кўччатларнинг тагини 5-10 см қазилса, рангиз ёки ер ости рангига ўхшаган кичкина, бир-икки ёшли ёки кулранг уч-беш ёшли қуртларни кўриш мумкин. Илдиз қуртининг бошқа

қуртлардан фарқи шуки, уни қўлга олиш билан дарров кулча кўринишида ўралиб олади. Илдиз қурти бир йилда уч марта авлод беради. Пахтачиликда, асосан, биринчи авлоди ўта заарли ҳисобланади. Капалаклар март ойининг охири, апрель ойининг бошида уча бошлашади. Ҳар бир капалак ўртacha 500-600 тадан тухум қўяди.

1. Агротехник тадбирлар – экиндан бўшаган ерларни кузда чуқур шудгорлаш, яхоб сув бериш, дала четларидағи илдиз қуртлари қишлийдиган бегона ўтларни олиб ташлаш, экин майдонларининг атрофидаги тут дараҳтларини буташ ва остини юмшатиш зааркунанда тарқалишининг олдини оловчи асосий омиллардир. Март ойининг охири, апрель ойининг бошларида илдиз қуртининг капалакларига қарши заарланган майдонларда ягона ва ўтоқ қилиш маълум муддатга кечиктирилиб турилади.

2. Биологик усул – бунга уч марта трихогармма тарқатилади. Дастрлаб илдиз қурти тухум қўйиши бошланиши билан ҳар гектар ҳисобига 60 минг, иккинчи марта 80 минг дона, учинчи марта 60 минг дона трихогармма тарқатилади.

3. Кимёвий усул – тунда илдиз қуртига қарши ҳар гектар майдон ҳисобига 60 кг кунжара, Караптэ 0,5 л, Циперфос 1,5 л ёки НРУ – 0,5 агрегатлари ёрдамида ғўза экилган майдонларга тунда сепилади.

Ўсимлик битлари (ширалар) – бу зааркунанда ўсимлик ширасини сўриб озиқланади. Натижада кўчат нимжонлашиб, бир мунча ривождан орқада қолади. Ғўзанинг биринчи мевалари пишиб етилмай ночорликдан очилади, толаси сифатсиз бўлади. Шира 20-26 марта авлод беради. Асосан тирик туғиши оқибатида иссиқ кунлари 6-8 кунда бир марта авлод беради, битта урғочи шира 50-100 донағача тирик туғади. Ширалар эрта ва кеч кузда кўплаб тарқалади. Ширалар, асосан, ғўза униб чиқиши билан пайдо бўлиб, октябр ойигача ҳаёт кечиради. Эрта баҳорда – март ойида, ҳаво ҳарорати 5 даражагача исигандан қишлоғдан чиқади.

ТРИПС – жуда майда зааркунанда бўлиб, унинг узун икки жуфт қаноти бор, оғиз аппарати санчиб сўрувчи, туси оқиши, сарик рангли бўлади. Катта ёшдагиси, асосан, ўсимлик қолдиқларида қишлиб қолади. Эрта баҳорда бегона ўтларда, кейинчалик ғўзада ривожланиб кўпаяди. Трипс личинкасининг каттасидан фарқи шуки, унинг қаноти бўлмайди. Трипс янги униб чиққан ғўза ниҳолларининг ўсиш нуқтасини заарлайди, натижада ғўза ниҳоллари шохлаб кетади. Трипс 6-7 марта авлод бериб, битта урғочи 60 донағача тухум қўяди.

1. Агротехник тадбирлар – шира-трипсга қарши ер майдонларини ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, ерларни икки ярусли плугларда чуқур ҳайдаш, яхоб бериш, алмашлаб экишни жорий этиш, чигитни ўз муддатида экиш, ғўза ниҳолларини шира-трипсга қарши чидамлилигини оширишда, ҳар гектар майдонга 4,5 кг карбомид билан 200 грамм кир ювиш порошоги қўшиб, 300 литр сувда эритиб сепилади. Имкониятга қараб, карбомид ўрнига ҳар гектар майдонига 10 литрдан аммиакли сувни 300 литр сувга аралаштириб сепиш ҳам мумкин.

Трипс кучли заарланган майдонларни зудлик билан сугориб, қўшимча озиқлантириш ҳам, асосий агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Заарланган майдонлардан ягона ва ўтоқ қилиш пайтида юлиб олинган ғўза ва бегона ўтларни дала четига олиб чиқиб кўмиб ташлаш шарт.

2. Биологик усул – билан курашишда олтинкүздан фойдаланилади. Бунда майдоннинг заарланиш даражасига қараб, ҳар гектар майдонга 200 донадан 1000 донагача олтинкүз тухуми ёки личинкаси тарқатилади.

3. Кимёвий усул – ипак қурти учун тут барги кесиб олингандан кейин бошлиш керак. Бунда ҳар бир гектарига Карбофос – 0,2 л/га, Циракс – 2,0 л/га, Карате-0,5 л/га миқдорида ОВХ –28 агрегати ва қўл аппаратлари ёрдамида сепилади.

ЎРГИМЧАККАНА – ғўзанинг энг хавфли зааркунандаларидан бири бўлиб, ўсимлик ширасини сўриб озиқланади. Эрта баҳордан то кеч кузга қадар ҳосилга зарар етказади. Ўргимчакканани аниқлаш учун, ғўза баргининг орқа томони оқ қоғозга қоқиб кўрилади, агар қоғозда харакатланаётган майда сарғиш, оч қизил рангли нукталар кўринса, демак шу ўсимликни ўргимчакканана ўзишади. Ўргимчаккананинг заарини оддий кўз билан қаралгандা, барглар ва ёш ҳосил нишоналари тўкилиб кетганда аниқлаш мумкин. Ўргимчакканана билан заарланган майдонлардаги ғўза ниҳоллари ўсишдан орқада қолади, кучли заарланган майдонларда 40-60% гача ҳосил нобуд бўлиши мумкин. Зааркунанда, асосан, агротехник тадбирлар бузилган, ривождан қолган, атрофида тут дараҳтлари ва дала йўллари бўлган майдонларда тез тарқалиб, ҳосилга сезиларли зарар етказади.

Ўргимчакканана мавсумда 18-22 марта гача авлод бериб, битта урғочи ўргимчакканана 100-160 тагача тухумни барг орқасидаги ўзи ҳосил қилган ўргимчак иплари билан ўралган қисмига тўп-тўп қилиб қўяди. Ёз ойларида ҳар 7-8 кунда битта авлод беради.

1. Агротехник тадбирлар – эрта баҳорда дала бетларида тут дараҳтлари ва увотларга оҳак – олtingугурт қайнатмаси (ИСО) ҳамда ўргимчакканана билан заарланган майдонларга олtingугурт кукуни билан ишлов бериш, тўлиқ заарланган ғўза ниҳолларини юлиб олиб, дала ташқарисига кўмиб ташлаш, культиваторларга олtingугурт халтачаларини ўрнатиш зааркунанданинг тарқалиш хавфини камайтиради.

Ўргимчакканана кўллатиб суғорилган, культивация муддатлари ўтказиб юборилган ва ўта чанқатиб қўйилган майдонларда тез тарқалади. Шунинг учун агротехник тадбирларни ўз муддатида ўтказиш лозим.

2. Об-ҳавонинг қуруқ ва ўта иссиқ бўлиши ҳамда муттасил эсиб турадиган шамоллар ҳам ўргимчаккананинг табиий кушандаси ҳисобланади. Заарланиш даражасига қараб, ҳар гектар майдонга 300-500 донадан олтинкүз личинкаси чиқарилади.

3. Кимёвий усул – ўргимчаккананинг тухумига қарши Ниссоран 0,2 кг/га, тухумлардан ўргимчакканана чиққанда Омайт 1,5л/га, Даргит 1,5 л/га, Узмайт 3кг/га миқдорида кимёвий восита, албатта, барг остига, яъни зааркунанданинг ўзига тегиши шарт.

КЎСАК ҚУРТИ - ғўзанинг энг асосий зааркунандаси ҳисобланади. 3-4 марта авлод беради. Паҳтачиликда 2-3 авлоди энг хавфли ҳисобланади. Ҳар бир капалак 1500-3000 донагача тухум қўйиши мумкин. Шароитга қараб 4-8 кунда тухумдан қурт чиқади. Зааркунанда кўп тарқалган пайтлар паҳта ҳосилининг 40-50 фоизини нобуд қиласди. Кўсак қурти тайёр мева, гул, шона ва тугунчаларни заарлайди. Бир дона қурт паҳтанинг 20 та органини еб тугатади. Тухумдан чиққан ёш қурт аввал шонани, шона тугагач гулни ва катта кўсакларни заарлайди. Қаттиқ заарланган катта кўсаклар эса кейинчалик чирийди, ҳар 100 тўп ғўздан 5 тасида қурт бўлганда ҳам ҳар гектар ерда 5 минг дона қурт бўлади. Бу қуртларнинг ҳар бири 20 тадан ҳосил органини заарласа, бир гектар 100 мингта ҳосил элементи ёки камида 4 центнер ҳосил нобуд бўлади.

1. Агротехник тадбирлар – экиндан бўшаган майдонларни икки ярусли қилиб, чукур шудгорлаш, қиши кунларида яхоб сув бериш йўли билан кўсак қуртининг табиатдаги биринчи авлоди қўпайишининг олди олинади. Шахсий таморқалардаги помидор, ғўза, дон майдонлари четларига феромон, ўсув даври давомида ҳар бир гектар майдонга икки донадан феромон тутқичлар ўрнатилади.

2. Биологик усул – кўсак қуртининг табиатдаги биринчи авлоди бегона ўтларда ва помидорда тарқалиб, ғўзада эса иккинчи авлоди шоналаш пайтида тухум қўйишни бошлайди. Бу май ойининг 1-2 декадасига тўғри келади. Шу жумладан, тухумлардан қурчиқишининг олдини олишга эътибор бериш зарур, бунинг учун биоусул билан ишланадиган ҳар бир гектарга 60000 дона трихограммани 5x5 метр схемада 400 та жойга тарқатиш керак. Акс ҳолда биологик усул самара бермайди. Чунки трихограмма узоққа уча олмайди. Орадан 4-5 кун ўтгандан сўнг, 2-маротаба ва яна шунча кундан кейин 3- маротаба трихограмма тарқатилади. Умуман, кўсак қуртининг ҳар бир авлодига қарши янгилangan 200 минг дона актив трихогаммани ҳавонинг салқин пайтида тарқатиш тавсия этилади. Пайкаллардан кўсак қурти тарқалган тақдирда эса, оталанган урғочи хабрабондан ўртача 1:10 нисбатда, яъни 10 дона қуртга қарши 1 дона хабрабон тарқатилади. Кўсак қуртининг 1 авлодига қарши камида 2 марта хабрабон қўйилади. Лекин, бундай хабрабоннинг активлиги ва кўсак қуртининг қалинлиги ҳисобга олинади. Умуман, хабрабонни кўплаб тарқатган маъқул. Кўсак қуртининг тухуми ва кичик ёшдаги қуртларга қарши олтинкўздан фойдаланиш яхши самара беради. Бунда ҳар 5 та тухумга 1 дона ва ҳар 1 та қуртга ҳам 1 дона ҳисобидан олтинкўз личинкаси чиқарилади.

3. Кимёвий усул – кимёвий ишлов бериладиган майдонларда ҳар 100 тўп ғўзадан 8 та қурти тарқалган тақдирда эса, оталанган урғочи хабрабондан ўртача 1:10 нисбатда, яъни 10 дона қуртга қарши 1 дона хабрабон тарқатилади. Кўсак қуртининг 1 авлодига қарши камида 2 марта хабрабон қўйилади. Лекин, бундай хабрабоннинг активлиги ва кўсак қуртининг қалинлиги ҳисобга олинади. Умуман, хабрабонни кўплаб тарқатган маъқул. Кўсак қуртининг тухуми ва кичик ёшдаги қуртларга қарши олтинкўздан фойдаланиш яхши самара беради. Бунда Ҳар 5 та тухумга 1 дона ва ҳар 1 та қуртга ҳам 1 дона ҳисобидан олтинкўз личинкаси чиқарилади.

Кўсак қурти билан заарланиш даражасини аниқлашда ҳар гектар майдондан 1 тадан намуна олинади. Намунада 100 та ўсимлик бўлиб, уларнинг нечтасида қурти ва тухуми борлиги, қуртларнинг ёшлари ва шу ўсимликдаги фойдали ҳашоратлар олтин қўз ва хонқизи сони алоҳида ҳисобга олинади. Дала назоратчиси шу асосда тайёрланган маълумотларни зааркундаларга қарши кураш штабига етказиши ва ана шу маълумотлар асосида биологик ёки кимёвий усулда кураш олиб борилиши керак.

Феромон тутқичлардан фойдаланиш – фермер хўжаликларда феромон тутқичлар билан ишлаш агроном – энтомолог ва назоратчилар томонидан амалга оширилади. Бунда ҳар бир феромон тутқич белгиланган рақамга эга бўлиши ва унинг натижалари назоратчилар томонидан маҳсус дафтарчага ёзиб борилиши шарт. Феромон тутқич бир неча асосий қисмлар: уяча, маҳсус энтомологик клей, клей суртиладиган қофоз ва жинсий феромон шимдирилган 1,5 смли резинка найчадан иборат бўлади. Феромон тутқич олдиндан йиғилиб, назорат учун аввалига 10 гектарига битта, капалаклар уча бошлагандан сўнг бир гектарга 2 донадан ўрнатилади. Уни шамол йўналиши бўйича ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Дастааввал уч кунда бир, капалаклар уча бошлагандан сўнг эса ҳар куни назорат қилиниб, унга тушган капалаклар сони алоҳида дафттарга ёзиб борилади, эскириб қолган елимли қофоз

янгиси билан алмаштириб турилади. Кўсак қуртининг капалаклари, асосан кечки пайтда ва тунда учади. Шунинг учун уларни кечки салқинда ўрнатиб, эрталаб назорат қилгач, яна йиғишириб олиб қўйиш яхши натижа беради, чунки жинсий феромон капсуласини жазирама иссиқдан сақлаш ҳисобига уни 10 кун эмас, балки 15-20 кун ишлатиш имконияти туғилади. Жинсий феромон капсуласини совутгичда ёпик шиша идишларда бир йилгача сақлаганда ҳам ўз фаоллигини йўқотмайди.

7.5. Муқобил машина-трактор паркларининг ташкилий ва хуқуқий асослари

Ислоҳотларни чукурлаштиришнинг технологик омилларидан: техник сервис кўрсатиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, қишлоқда техника воситаларидан самарали фойдаланиш ва агротехсервис хизмати тизимида рақобат мухитини вужудга келтириш мақсадида техник сервис хизмат кўрсатувчи нодавлат мулк шаклидаги муқобил МТПларни тузиш объектив заруратдир.

Республика Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги № ПФ-3342 сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонига асосан мамлакатимиз бўйича 2002 йилда 129 та муқобил МТПлар ташкил этилган бўлса, 2007 йилда 292 та ёки 2002 йилдан то шу кунгacha 976 та муқобил МТПлар фаолият юритмоқда.

Муқобил МТПларнинг хуқуқий асослари деганда, агротехсервис тизимидағи бу янги хўжалик субъектини ташкил этишда ва фаолият турини белгилаб беришда мавжуд қонунлар, хукумат қарорлари ва бошқа бир қатор, меъёрий хўжжатларни тушуниш лозим.

МТПларнинг ташкилий асосларига қандай ва қайси мулк шакли асосида тузиш, уларнинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда бошқа бир қатор ташкилий масалалар ҳам киради.

Ташкилий томондан бу корхоналар акционер жамиятнинг, яъни техника ишлаб чиқарувчи заводнинг иккиласи (устав капиталининг 20% акционер жамиятга тегишилди). Техник марказлар у ёки бу ҳудудда машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларнинг вакили сифатида фаолият кўрсатади. Шу сабабли уларнинг вазифаларига машиналар, ускуналар, эҳтиёт қисмларни сотиш, уларни сотишга тайёрлаш, монтаж ва ишлатиш, кафолат муддати давомида ва ундан кейинги техник хизмат кўрсатиш ва таъмиrlаш каби вазифалар киради.

Муқобил МТПларнинг яна бир шакли, бу фермерларнинг техникадан биргаликда фойдаланиш кооперативларидир, техникадан фойдаланишнинг бу усули қўшни мамлакатларда қўлланилиб ижобий натижалар бермоқда.

Муқобил МТПларнинг яна бир шакли, бу хусусий тартибда ташкил этилган МТПлардир.

Ширкат хўжаликлари устахоналари негизида (МТПлари) муқобиллик асосида ташкил этиладиган машина-трактор парклари қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг янги субъекти сифатида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари, шунингдек, бошқа юридик шахслар ва ахолига техник сервис хизмат кўрсатади. Ширкат таркибидаги машина-тарктор парки ўз тасарруфидаги

ҳамда унинг хизматидан фойдаланувчи ўзга субъектлар техника ва бошқа асосий воситалари базасида кафолатли сервис хизматини ташкил қиласди.

МТПларнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

- механизация ишларини бажсарии;
- транспорт хизматларини кўрсатиш;
- янгиликларни жорий қилиши;
- техника воситаларини ишлатиш, шунингдек, механизатор ва инженер-техник ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиши;
- техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар савдоси ҳамда уларнинг таъминоти.

Бу тузилмада юқори бошқарув органи жамият аъзоларининг умумий йигилиши ҳисобланади. Умумий йигилишлар орасидаги даврда жамиятнинг раҳбарлигини олиб бориш учун бошқарув органи сайланади. Бошқарув аъзоларининг сони умумий йигилиш томонидан белгиланади. Жамият бошқарувчиси бир вақтнинг ўзида жамият бошқаруви раиси ҳисобланади. Муқобил МТПнинг директори жамият бошқарувчиси томонидан тайинланиб, жамият раисининг ўринбосари ҳисобланади. Муқобил МТП директори корхона фаолиятини бошқаришда тегишли қарорлар қабул қиласди ва умумий йигилиш қарорларининг бажарилиши устидан назоратни олиб боради. Корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий, таъминот ва бошқа фаолиятларига раҳбарлик қиласди. Муқобил машина-трактор паркининг фаолияти натижасида кўрилган фойда (зарар) жамият томонидан тақсимланади (копланади).

Бизнинг шароитимизда бу каби ихтисослаштирилган фирмалар вазифасини 1995 йил 24 мартағи 152 сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан ташкил этилган ДАЖ МТПлари бажариши кўзда тутилган эди, бироқ бу ташкилотларнинг дехқон ва фермер хўжаликларидан узоқда жойлашганлиги (acosan, туман марказида), хизмат кўрсатиш тарифларининг юқорилиги, асосан юқори қувватли (14-15 турдаги) техникалар билан жиҳозланганлиги, монополлиги, сабабли, дехқон ва фермер хўжаликлари бу каби ташкилот хизматидан кам микдорда ёки унумли фойдаланмаслигига сабаб бўлди.

Бундай шароитда юқоридаги талабларга тез мослаша оладиган (бир профилли) ташкилотларни тузиш зарурияти туғилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартағи «Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 106-сонли қарорига асосан, тузила бошланган нодавлат мулк шаклларидаги муқобил МТПлари ана шундай ташкилот вазифасини бажармоқда.

Буларнинг асосий вазифаси ҳам биринчи навбатда эндиғина шакланаётган дехқон ва фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш эди.

Муқобил МТПларнинг тузилиши дехқон ва фермер хўжаликларига танлаш имконини берди, МТПларнинг булар олдидаги жавобгарлигини оширди. Муқобил МТПларнинг ушбу хўжаликларга масофа жиҳатидан яқинлиги, хизмат баҳоларининг ДАЖ МТПларига нисбатан пастлиги ва кичик ўлчамли ер майдонларига етарли даражада механизация ишларини бажариш имкони мавжудлиги сабабли хизмат кўрсатиш таркибида дехқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш салмоғи юқори бўлмоқда.

Айниқса, йирик ширкат хўжаликлари устахоналари негизида ташкил этиладиган муқобил МТПлари хизматидан фойдаланиш дехқон ва фермер хўжаликлари учун қулайдир, чунки:

- *биринчидан*, бу турдаги МТПлари деҳқон ва фермер хўжаликларига масофа жиҳатдан яқин;
- *иккинчидан*, ер ўлчамларидан қатъни назар, бирдек сифатли хизмат кўрсатиш имкони мавжуд;

• *учинчидан*, ширкатнинг ўзи ҳам қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси бўлганлиги учун хизмат тарифлари оптимал белгиланади;

• *тўртминчидан*, ширкатда тўпланган илгор тажрибаларни деҳқон ва фермер хўжаликлири фаолиятида ҳам қўллаш мумкин ва ҳоказо.


Техникаларни ижарага беришда шартнома тушиб, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ижара шаклларидан фойдаланиш зарур. Бундай техника деҳқон ва фермер хўжаликларига вақтинча фойдаланишга берилиб (механизаторсиз), ижара муддати давомида техникага хизмат кўрсатиш, агар шартномада бошқача тартиб кўзда тутилмаса, муқобил МТП зиммасига юклатилади. Шартнома баҳосини белгилашда эса ижарага берилаётган техника амортизация ажратмалари ва ижарага берувчининг ўртacha рентабеллик меъёри ҳисобга олиниши лозим. Техникаларни узлуксиз ва соз ишлашини назорат қилиш ва таъминлаш мақсадида муқобил МТПлари кўчма диагностика ва таъмирлаш-техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилиши лозим, бу хизматлар учун ҳақ ҳам шартнома тузиш даврида келишиб олинади.

Ишлаб чиқариш хизмати мавжуд техника билан истеъмолчиларнинг талабномалари асосида иш ҳажмини бажаришлари керак. Шунингдек, техника воситалари доимо ишга шай бўлиб туриши ва талаб қилинган иш миқдори қисқа муддатда бажариб берилиши зарур, бу ниҳоятда мухим масала бўлиб, истеъмолчилар орасида ишончнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида кафолатланган иш билан таъминланиш омили бўлади. МТП таркибида бу тизимни майда гурухларга бўлиш (жумладан, марказий устахона, автосарой, таъминот сақлаш, ҳайдов, чопик тракторлари гурухи ва ҳоказо) нотўғри бўлади. Бундай қилиш ортиқча бюрократик ҳолатни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш хизматида ишлаётган ҳар бир муҳандис, таъмирловчи ёки механизатор бўладими, бир неча турдаги ишларни бажариш, бир неча турдаги техникада ишлашни билиши керак.

Муқобил МТП фермерлар маблағларини жамлаш йўли билан тузиладими, ширкат хўжалиги машина-трактор парки негизида тузиладими, ушбу тизимдан фойдаланиш мумкин, фақат тизимнинг юқорисига фермерлар кенгаши ёки ширкат бошқаруви қўйилиши мумкин (4-чизма).

Ҳар бир хизмат туридан (маркетинг талабнома ва реклама, ишлаб чиқариш, молия-ҳисоб тизимлари) банд бўлган ишчилар сони умумий бажарилаётган сервис хизмати ҳажми ва истеъмолчилар сонига караб белгиланади.

4-чизма. Фермер хўжаликлари таъсисчилари бўлган муқобил машина-трактор паркларининг ташкилий-бошқарув тузилмасининг тавсия қилинаётган схемаси



Аграп сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири сервис хизматларини ривожлантиришда давлат томонидан молиявий, кредит, солик, валюта ва баҳо сиёсати ҳамда зарур қонуний ҳужжатларни қабул қилиш ва бошқалар муҳим ўрин эгаллади. Буларни амалга оширишда ва муқобил МТПларнинг ривожланишида давлатнинг кўллаб-куватлаш сиёсатини изчил йўналтириш лозим, бизнингча, буни қўйидаги йўналишлар бўйича олиб бориш зарур:

- молия-кредит механизмини такомиллаштириш;
 - банк муассасалари билан иқтисодий-молиявий муносабатларни мустаҳкамлаш;
 - соликка тортиш тартибини соддалаштириш ва унификациялаш;
- суғурталаш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Фермер хўжаликларига консалтинг хизмат қўрсатиш йўллари. Бозор тизими фаолиятини ташкил этувчи консалтинг хизматини ташкил этиш маҳсулотлар, хизматлар, пул, қимматли қоғозлар, ишчи кучи, хизмат қўрсатувчи ўзаро бир-бирига боғланган ташкилотлар тизимиdir.

Бундай ташкилотлар – институтлар ёки бозор хўжалиги инфраструктураси дейилади.

Бозор инфратузилмаси – маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини ягона бозор маконида боғловчи, институтлар ва воситачи структуralар тизимиdir.

Бозор инфратузилмасининг асосий функциялари: тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш; тадбиркорлик хавфини суғурталаш; маҳсулотларни транспорт тизими орқали етказиб бериш; тадбиркорликни рўйхатга олиш; битимларни рўйхатга олиш; тадбиркорлар хуқукини юридик химоялаш; тадбиркорларга консалтинг, инженеринг, аудиторлик хизматларини қўрсатиш ва бошқалар.

Инфраструктура қуйидаги вазифани бажарувчи асосий 9 та блокдан иборат: 1. Тадбиркорларни ўқитиши ва тайёрлаш. 2. Хусусий тадбиркорликні рўйхатга олиш. 3. Молия-кредит тизими. 4. Улгуржи-воситачилик структуралари. 5. Биржа бозорлари. 6. АгроХизматлар бозори. 7. Хизматлар бозори. 8. Транспорт хизмати. 9. Ташки иқтисодий алоқаларни таъминлаш.

Бундай институтларсиз бозор иқтисодиётига ўтишни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ҳукуматимиз томонидан иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида юқоридаги ташкилот ва муассасаларни ташкил этишга катта эътибор берилди.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг асоси, қишлоқ хўжалик тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига бозор инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга шарт-шароит яратишда, қишлоқни янгилаш ва қайта куришда, қишлоқда аграр муносабатларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Бозор инфратузилмаси субъектларидан бири – маслаҳат хизмати бўлиб, бу тадбиркорларга, у қайси тармоқда хизмат қилишидан қатъи назар маҳсулотлар, моддий-техника ресурслари бозоридаги талаб ва таклиф, нарх-наво тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб таҳлил қиласи. Фермер хўжалигини ташкил этиш, ишлаб чиқариш технологияси, бизнес режа тузиш ва бошқариш борасида маслаҳатлар беради.

Бошқарув масалалари бўйича консультация бериш фермерлар олдидағи амалий вазифаларни ечишда ва таҳлил қилишда кўмаклашувчи, шунингдек бошқалар тажрибасини ўрганишда ёрдам берувчи муҳим профессионал хизмат ҳисобланади.

Бошқарув бўйича консультациялар бериш фермернинг муҳим хўжалик бўйича қарорларини қабул қилишдаги тайёргарлиги ҳамда консалтинг хизмати жараёнида раҳбарлар, маслаҳатчилар билан тажриба алмашиниши имконияти туғилади.

Консалтинг хизмати шартнома асосида ва маҳсус тайёрланган малакали мутахассислар ёрдамида амалга оширилади. Мутахассислар фермерлар олдидағи муаммоларни аниқлашда, кўрсатилган муаммоларни ечишда керакли кўрсатмаларни таклиф этадилар ва қабул қилинган қарорларни амалга оширишда кўмаклашадилар.

Маслаҳатчи маҳсус тайёргарликдан ўтганлиги, бошқарув муаммоларни ечишда маълум бир амалий тажрибага эга бўлиши, керакли маълумотларни излаб топа олишилиги, муаммони чуқур таҳлил қила олиши ва мулоҳаза қилиш имкониятига эга бўлади. Профессионал маслаҳатчилар янги маҳсус адабиётларни, янги қонунларни ва илмий марказдаги тадқиқотларни кузатиб боришади.

Бундай маслаҳатчилар бошқарув соҳаси билан бир қаторда бошқа хизматларни – ташки молиявий аудит, бухгалтерлик хизмати, юридик хизматлар, информацион хизматлар, инвестициялар бўйича маслаҳатлар берадилар ва хизматлар кўрсатадилар.

Консалтинг – бошқарув бўйича мутахассислар томонидан турли хил хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланиши, юзага келган муаммоларни ечиш йўлларини кўрсатувчи биргаликда қарорлар ишлаб чиқиши орқали ишлаб чиқаришга профессионал кўмаклашишдир.

Консультантлар раҳбарлардан қуйидаги тарафлари бўйича устун туради:

1. Уларнинг мустақиллиги.

2. Уларнинг дунёқариши кенглиги, менежмент ва хўжаликнинг турли соҳаларида кенг тушунчага эга бўлганлиги.
3. Уларнинг бошқа ташкилотларнинг тажрибасини ўрганишига ва қўллашига йўналганлигидир.

Хозирги пайтда қўйидаги асосий консалтинг хизматматларининг 8 гурухи мавжуддир. Булар:

1. Умумий бошқарув бўйича консалтинг хизматлари: бошқарув тизимининг самарадорлигини аниқлаш; бизнесни баҳолаш; инновацияларни бошқариш; бозор конъюктурасини ва рақобатбардошлигини ўрганиш; бизнесда янги тармоқларни ташкил қилиш; бошқарувни баҳолаш; хусусийлаштириш; проектларни бошқариш; тадқиқот қилиш ва ривожлантириш; стратегик режалаш.

2. Администрация фаолияти бўйича консалтинг хизматлари: ишчи хоналарни жойлаштириш ва режалаш; концелярия ишини таҳлил қилиш; офисни бошқариш; бўлимларни жойлаштириш; хавфсизликни таъминлаш; хавфсизликни бошқариш.

3. Молиявий бошқарув бўйича маслаҳат хизматлари: ҳисоб тизими; капитал харажатларни баҳолаш; фирманинг хўжалик обороти; маҳсулот ва хизматлар харажатини пасайтириш; банкротлик; даромадни ошириш; фойданни ошириш; солиқ ва солиқ қонунчилиги.

Охирги пайтда кўпчилик фермер хўжаликларида пайдо бўлган молиявий муаммолар уларнинг молиявий ресурсларини тўғри ишлатмаслиги натижасидир. Шунинг учун бизнеснинг молиявий консалтинги кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Молиявий консультантлар фермерларга асосий молиявий масалалар бўйича маслаҳатлар берадилар: хўжалик ва корхона фаолиятининг молиявий томонига тегишли бўлган қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва назорат қилиш; молиявий ресурсларнинг ҳажмини, муддатини мақсадга мувофиқ аниқлаш; айланма маблағни ошириш; молиявий оқим ҳаракати бошқарувини такомиллаштириш; хўжалик харажатларини оптималлаштириш; корхонанинг бозордаги ҳолатини истиқболлаш; бизнес-режалар тузиш ва амалга ошириш.

Бизнес-режа ўз ичига режанинг молиявий балансини, сотиб олиш ва сотиш режаларини, пул маблағлари ҳаракати режасини, фойда режаларини олади. Шунинг учун максимал фойдали ва рентабелликка эга бўлган Бизнес-режани тузиш жуда муҳимдир. Булар қўйидагилар: вақтинча бўш маблағларни рационал бошқариш; молияни бошқаришда автоматлаштирилган тизимни қўллаш; молиявий-иктисодий мақсадларни аниқлаш; даромад, фойда, рентабеллик, шахсий капитал бўйича режалар тузиш; молиявий стратегияни аниқлаш; солиқ соҳасидаги сиёsatни шакллантириш; тўлов воситалари структураларини аниқлаш ва уни тўлашнинг қулий шаклини топиш; хўжалик бюджетини тузиш.

Молиявий консалтингнинг вазифаси – маблағлар, фермер активларини бошқарувчининг иктисодий самарасини оширишдан иборат.

Бу қўйидаги усуллар орқали амалга оширилиши мумкин: хавф-хатарсиз ва фойдали инвестицион портфелини шакллантириш; бўш маблағларни рационал бошқарув; ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган харажатларни камайтиришдир. Молиявий маслаҳатчилар корхона ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқаришда, рационал бошқарув тизимини ташкил қилиш, капитал бошқарувини оптимал моделини танлашда, ўзаро ҳисоб ва қарзларни узиш муаммоларини ечишда, акцияларни сотишда, корхона қимматли қоғозлари курсларини

ошишида кўмаклашадилар. Чет эл ҳамкорларини фермер хўжалигига жалб қилишда, улар билан қўшма корхоналар тузища тадбиркорларга ёрдам беради. Бундай ташқари, молиявий маслаҳатчи маркет-мейкер вазифасини ўз зиммасига олиши, энг маъқул декозитарийни маслаҳат бериш, фермер акцияларини бозорда айланишини такомиллаштириш бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

4. Аудит. Аудиторлар сифатида бухгалтерлик ҳисоби бўйича мутахассислар фикрларининг молиявий ҳисботини текширадилар ва унинг умумий стандартга мослиги, тўғрилиги ҳақида хulosалар чиқарадилар.

Аудит ўз ичига қўйидаги хизматларни олади: молиявий бозорларда сегментларни ўтказиш; суғурталаш шакллари ва усулларини таклиф қилиш; Бизнес-режаларни тузиш; бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисботларда етишмовчиликларни йўқотиш, уларни қабул қилинган стандартларга мослаш ва корхона ҳисботини такомиллаштириш бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар бериш; инвестицион дастурларни такомиллаштириш; солиқ хавфхатарини пасайтириш; корхонанинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этиш; молия, банк, солиқ ва бошқа хўжаликлар қонунчилиги бўйича маслаҳатлар бериш; хусусийлаштириш бўйича хусусий колхоз ва совхозларни акционерлик жамиятларига, ширкатларга, кооперативларга, кичик холдингларга, дехқон хўжаликларига айлантириш бўйича маслаҳатлар бериш; юридик хизматларни кўрсатиш; шартномаларни тузиш бўйича кўмаклашиш; банкдан кредит олиш учун зарур бўладиган хужжатларни тайёрлашда ёрдам беришдан иборатдир.

Аудит қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалари каби инвестицион инструментлар учун катта ўрин эгаллайди. Унинг вазифаси – берилган хўжалик, ташкилот ёки корхонани қанчалик молиявий жиҳатидан ишончлилигини акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар ва ҳамкорларга кўрсатишдан иборат.

5. Маркетинг бўйича консалтинг хизмати. Ўз ичига қўйидаги хўжалик ёки корхона маркетинг фаолиятида маслаҳатлар ва ёрдамлар беради: реклама ва маҳсулотлар ўтишини рағбатлантириш; дизайн; жамоат билан алоқа; бозорни ўрганиш; халқаро маркетинг; баҳони белгилаш; янги маҳсулотлар тайёрлаш; турли сотув ва диллерлар фаолияти; сотувни бошқариш; у ёки бу маҳсулот бозорида бозор холатини текшириш, таҳлил қилиш ва уни фойдаланувчиларга бериш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш каналларини шакллантириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини, ассортименти ва сифатини текшириш, маҳсулотларнинг рақобатбардошигини таъминлаш; реклама фаолиятини ўтказиш.

Фермер хўжалигида реклама фаолиятининг мақсади – тадбиркорларга технологияни тўғри танлашида, уни бошқаришида, муаммоларни биргаликда ўрганишида ва уларга техник ечимлар топшида кўмаклашишидир.

Маркетинг бўйича маслаҳатчилар бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатувчи фермерларга маркетинг хизматини йўлга қўйишида, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларга тўловга қодир бўлган талабни таъминлашда кўмаклашадилар. Улар бозорни ўрганиш, реклама, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, нарх-навони белгилаш, дистрибуторлик тармоқлари ва маҳсулотларни қадоқлаш, товар сотиш хизматларини бошқариш, реклама компанияларини ўтказиш ва тайёрлаш, ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларда ёрдам беради.

6. Кадрларни бошқариш бүйича консалтинг хизмати: кадрларни бошқариш; тенг имконияттарни таъминлаш; ишларни баҳолаш; мотивация; психологик баҳолаш; менежментни ўрганиш; ишчи кучини режалаштириш; мукофотлаш дастурини ишлаб чиқиш; ишчилар малакасини ошириш; меҳнат меносабатларини ҳуқуқий ҳимоялаш; кадрлар бошқариш тизимини информацион таъминлаш; меҳнат мотивациясини бошқариш.

Кадрларни бошқариш бүйича маслаҳатчи ходимларни саралаш, таркибини назорат қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари; кадрлар бошқарувини ҳамда малакасини ошириш, жамоада меҳнатни муҳофаза қилиш бүйича саволларга ечим топадилар.

Кадрларни бошқарииш бүйича маслаҳатчилар қўйидаги З вазифани кўриб чиқишилари керак:

1) кадарларни саралаши. Бу ерда маслаҳатчилар берилган ишини бажарии учун кадрларнинг профессионал тайёргарлиги, тажрибаси, малакаси бүйича саралаши, бўлажсак кадрлар билан сұхбатлар ва мулоқотлар ўтказишда маслаҳатлар берадилар;

2) Ишчиларнинг малакасини ошириши. Кадрларни ўқитиш ва уларга таълим берини таклиф қилишида маслаҳатлар берини;

3) Мотивация, яъни ишчиларни бир қатор мақсадларга эришиши бүйича маслаҳатлар берини. Бу ерда маслаҳатчи, асосан, ташкилотда психологик муҳитни яхшилаши, ишчиларни мукофотлаши ва қўллаб-қувватлаши бүйича маслаҳатлар берини билан шуғулланадилар.

7. Инжинеринг ва реинжинеринг бүйича консалтинг хизмати. Инжинеринг – турли фермер хўжаликларига обьектларни қуриш ва ишлатишида, ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда муҳандислик икки гурухга бўлинади: а) ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар; б) ишлаб чиқариш жараёнининг ўзини таъминлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар.

Реинжинеринг, одатда, муҳим кўрсаткичлар бўлиши сифат, сервис даражаси, молия маркетинг ва сотиш, информацион тизимларни қуриш каби кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида бизнесни қайта қуриш ва қайта кўриб чиқиш тушунилади.

Бозорларда технологияларнинг доимий ўзгариши фермерлар ракобатбардошлигини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқаришни турли йўналишларга ўзgartиришга мажбур қилмоқда. Шунинг учун, реинжинеринг кўпчилик корхоналарнинг доимий элементи бўлиб қолмоқда.

Реинжинерингнинг асосий вазифаси қўйидагилар: вазифаларни қўйиш, фермерлик стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда мақсадларини ўрганиш; фермер моделини тузиш; бизнес жараёнларини қайта лойихаси, самарали жараёнларни қўллаш, информацион жараёнларни ва технологияларни ишлатиш, ходимлар ишида керакли бўлган ўзгаришлар киритиш; информацион тизимларни тайёрлаш; иш усулларини, бизнес жараёнларини ўзgartириш ва ривожлантириш.

Реинжинеринг фермернинг ҳамма асосий соҳалари бўлмиш, маркетинг, мижозларга хизмат кўрсатиш, кадрлар сиёсати, ишлаб чиқаришни режалаш ва бошқа соҳалардаги иш сифатини кескин оширишда ўз таклифларини беради. Реинжинеринг, асосан, харажатларни камайтириш ва корхона самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган, янги лойиҳаларни тузиш бўйича ёрдам беради.

8. Ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш бүйича консалтинг хизмати: ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш; асбоб-ускуналарни ишлатиш ва уларга техник

хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш инженеринги; хом ашёни қайта ишлаш; маҳсулотларни қадоқлаш; сифатни назорат қилиш; ишлаб чиқаришни бошқариш; корхоналар ишларини таҳлил қилиш ва схемасини тузиш; ишлаб чиқаришни режалаштириш; ишлаб чиқариш жараёни учун технологияни танлаш; маҳсулотларни такомиллаштириш; хом ашё ва асбоб-ускуналарни ишлатиш; ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш; маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилиш.

Бу ерда маслаҳатчининг вазифаси фермер мақсадларига эришишида оптимал йўлларни излаш. Ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича маслаҳатчи қуйидаги вазифаларни таҳлил қилиши зарур:

а) маҳсулотнинг ўзи. Маҳсулот сифатини аниқлаш, уни ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилашда маслаҳатчи қуйидагиларни аниқлашии шарт: маҳсулот қандай қисмлардан иборат; унинг қисмларини такомиллаштириш ёки стандартлаш мумкинми?; баъзи бир қисмларини арzonроқларига алмаштириш мумкинми?; маҳсулот ишлаб чиқараётган асбоб-ускунани такомиллаштириш мумкинми?

б) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усувлари. Маслаҳатчи асбоб-ускуналарни жойлаштириш схемасини такомиллаштира бориб, қуйидаги масалаларга ечимлар излайди: иш жойини ташкил қилиш сифатига ўрнатилган машина ва ускуналар таъсир кўрсатадими?; ишлаб чиқариш жараёнлари тўғри ишляпдими?; машина ва асбоб-ускуналарни ишлатиш бўйича керакли маълумотни йиғиши ва бошқалар.

Ҳозирги кунда консалтинг хизматининг аниқ йўналишлари тўлиқ ёритиб берилмаган, чунки у тез ўзгаририлиб, аниқликлар киритиб борилмоқда. Ташкил этилаётган консалтинг ҳуқук идоралари, савдо ва молия иқтисодий муассасаларига ихтисослашган эди. Консалтинг фирмалари фермерларга янги йўналиш йўлларини кўрсатиш, бозорни ўрганиш ва уларга керакли бўлган маслаҳатлар бериб боради.

«Консалтинг» сўзининг таржимаси йўқ бўлиб, унинг маъноси «маслаҳат», «маслаҳат бериш»дир.

Ҳозирда фермер хўжаликлари фаолияти жуда тез бозорга қараб ўзгариб туришни талаб этмоқда, олдинги иш услублари тўғри келмай қолди. Бу эса консалтинг хизмати фаолиятини янада оширади ва кенг соҳаларга хизмат этишни талаб этади.

Ҳозирда бизнинг корхоналар ўз иш услубларини кўпроқ ўzlари танлайди ва олдинги тузилган иш режа бўйича фаолият олиб бормоқда. Бунда ўzlари кўпинча хатоликларга йўл қўяди. Бунинг натижасида ишлаб чиқарган маҳсулотни сифати ёки харидорлигига унча эътибор бермай, кўп ёки озлигига кўпроқ эътибор беришади. Бизга маълумки, бир бўлим иши маълум бир хатога йўл қўйса, бутун бир бизнесга ўз таъсирини кўрсатади, натижада бошқарув ходимлари орасида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Бу вазиятда энг яхшиси тезда ўз қарашларини ўзгаририб консалтинг фирмаларига мурожаат этишлари шарт. Консалтинг хизмати ходимлари буюртма берган фирма фаолиятини ўрганиб, вазиятга қараб иш кўради.

Маслаҳатчилар бизнесда ташкилотлар ичидан яхши алоқаларга эга бўлган фирмаларни топишга интилади. Улар бозордаги вазиятларга қараб, харидор ва фирманинг молиявий аҳволига қараб иш кўради. Агар бу яхши натижа берса, компания янги иш дастури билан иш кўради.

Хозирда ривожланган давлатларда консалтинг фирмалари ишчиларининг билими ва иш савияси жуда ҳам юқори. Консалтинг хизматлари бозор иқтисодиётида жуда катта аҳамиятга эга.

Бошқарув ва иқтисодиёт бўйича маслаҳатчилар ассоциацияларининг Европа федерацияси берган таърифга кўра, «менежмент-консалтинг» бу имконият ёки муаммоларни баҳолаш ва аниқлашни, бошқарув масалалари бўйича мустақил маслаҳат ва ёрдам беришни, буларни амалга оширишда тегишли чоралар бўйича таклифлар беради.

«Менежмент-консалтинг» атамаси инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда илк бор кўлланилган, кўп ҳолларда уни бошқарувга тегишли маслаҳатлар, деб нотўғри талқин қиласидилар, натижада консалтинг бошқарув соҳасига тегишли билимлар мажмуи, деган фикрга ёки бошқарув бўйича маслаҳатлар бериш ҳисобланади.

«Менежмент» тушунчасининг таркибида, бошқарув обьекти сифатида, иш жараёнлари намоён бўлади ва айнан булар менежмент бўйича маслаҳат беришнинг ўзига хослигини ифодалаб беради.

Кўйида, ФЕАКО бошчилигига нашр этилаётган, бошқарув бўйича маслаҳатчиларнинг Европа маълумотномасида, консалтинг хизматлари классификацияси келтирилган.

Классификаторда келтирилган хизмат турларини аксарият қисмларининг номланиши («бизнесни баҳолаш», «рақобатбардошликни аниқлаш», «таннархни камайтириш» ва ҳ.к.) маслаҳат бериш обьекти ҳисобланади. Лекин хизматлар «бўйлимларнинг жойлашуви», «хавфсизлик кафолатлари» ёки «ахборот-қидирав тизимлари» қаби турлари, менежмент бўйича маслаҳатчилар томонидан иқтисодий жараёнларнинг асосий қисми сифатида қабул қилинмоқда.

Ислоҳот давригача Россияда шаклланган «бошқарув бўйича маслаҳатлар» тушунчасининг бир ўзига хос томонини таъкидлаш лозим. Бу атама хорижий адабиётлarda иқтисодчилар эмас, балки социолог ва психологлар томонидан киритилган. Айнан шулар XX аср 70-йилларининг бошида бу атамани ўз назарий ишларида илк бор қўллашган. Шунингдек, Farb методологияси консалтинг аппаратини амалиётда қўллаган. Бунинг асосий сабаби, Farbda консалтинг, асосан, иқтисодчиларнинг фаолияти бўлса-да, лекин Совет Иттифоқида иқтисодиёт бозор муносабатларига асосланмаганлигидандир. Бироқ психолог ва социологлар, сиёсий ва мағкуравий сабаблар билан боғлиқ танаффусдан сўнг 60 йилларда ўз фаолиятини қайта тиклаганлар.

Farb маслаҳатчиларининг услуг ва дастурларини сабиқ Иттифоқда кенгрок қўллаш мумкин эди. Чунки, уларни мутахассислик нуқтаи назаридан қизиқтирувчи обьект бу инсонлар эди. Турли мамлакат инсонлари ўртасидаги фарқ, иқтисодий жараёнлар ўртасидаги фарққа қараганда камроқдир. Шу нуқтаи назардан ислоҳотлар давригача Россияда ёйилган “бошқарув бўйича маслаҳатлар” атамаси умуман инсонларни бошқариш соҳасига таклиф ва маслаҳатлар тақдим этиш тушунчаси қабул қилинган. Бу маънода консалтинг чегаралари бир томондан кенгайса (чунки инсонлар фаолиятининг фақатгина иқтисодий соҳасини эгаллабгина қолмайди), иккинчи томондан бунинг аксидир. Чунки, маслаҳат бериш билан иқтисодчилар эмас, инсон муносабатлари бўйича мутахассислар шуғулланганлар. Бу билан ушбу муносабатларнинг “тадбиркорлик ва иқтисодий томонлари” эътибордан четда қолиб кетган ва юзаки хulosаларга келинган. Бу муаммо маълум даражада чет элда ҳам мавжуд. Аввалдан менежмент ва консалтинг соҳасидаги мутахассислар (экспертлар) ва

дженералистлар ўртасида тортишув бўлиб келган. Дженералистлар, умуман бошқарув қонунлари тўғрисидаги билимларга таянган ҳолда маслаҳат берса, мутахассислар иқтисодиёт ва бошқарувнинг маълум бир соҳаларидағи билимлар асосида маслаҳат берадилар (молия, бозор конъюктураси, стратегик режалаштириш ва х.к.). бироқ ҳакиқатда бу келишмовчилик консалтинг услубиётининг ривожланишига хизмат қиласди. Буюртмачи ташкилотнинг менежментлик амалиётига ўзларининг илфор ғоя ва тавсияларини татбиқ этиш имконига эга бўлиш учун мутахассислар инсонларни бошқаришнинг умумий қонуниятларини ўзлаштира бошладилар.

Малакали маслаҳатчилар фаолиятининг методологик асоси бўлиб, буюртмачи билан ўзаро алоқалардаги кўникмалар ва умуман бошқариш жараёнлари ҳақидаги билимларни эгаллаш ҳисобланади (жараёнли маслаҳат бериш), иқтисодий ёки бошқарув мутахассислиги эса буюртмачига таклиф этиладиган ва унинг ташкилотида татбиқ қилинадиган аниқ билимлар соҳасини ифода этади.

Бундан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш лозимки, 60 йилларнинг охирида Эдгар Шейн томонидан киритилган «жараёнли маслаҳат бериш» атамасининг пайдо бўлиши, консалтинг методологияси соҳасида маълум бир силжиш бўлди. Жараёнли маслаҳат бериш, маслаҳатчи ўз маслаҳат таклифларини, буюртмачи билан бевосита алоқада бўлиш жараёнида ва фикрлар алмашиш жараёнида ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Жараёнли маслаҳат бериш усули иккиламчи самара беради: бир томондан, муаммоларнинг оптималь ечимини топилган бўлар эди, агар уларнинг маслаҳатчилари буюртмачиларнинг тажриба ва билимларидан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилганда; иккинчи томондан эса, энг оқилона ечимлар ҳам уларни ишлаб чиқаришда буюртмачи ўз ижросини ҳис этмагунга қадар қабул қилинмаслиги мумкин. Бироқ Россияда юқорида келтирилган сабаблар туфайли дженералистлар (психологик ва социологик) ва мутахассислар (иктисодчи ва қисман юристлар – хўжалик хукуқи бўйича мутахассислар) ўртасида ҳозиргacha тортишувлар давом этмоқда. Тўғрироғи, у, асосан, дженералистлар томонидан олиб борилмоқда, яъни 60-70 йилларда қўлга киритилган консалтинг бўйича етакчи мутахассислар сифатида ўз ўринларини сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Иқтисодчилар эса, чуқур иқтисодий билимга эга бўлганлиги учун буюртмачи билан профессионал тарзда мулоқотда бўлишга кўникма бўлган, жараёнли методологияни қийинчиликсиз ўзлаштира олмоқдалар.

Табиийки, XX асрнинг 70 йили бошларида Россияда консалтингни ташкил этиш бўйича чоп этилган аксарият ишлар, иқтисодчилар томонидан тайёрланган эди. Лекин улар, асосан, чет эл консалтинг фирмаларининг тажрибасига асоаланган эди. Бошқарув ва иқтисодиёт бўйича маслаҳатлар бериш предмети сифатида иқтисодиётни эмас, балки хўжалик тузилмаларининг амалий фаолиятида иқтисодий билимларни татбиқ этиш услублари қабул қилинган.

Махсус иқтисодий билимлар консалтинг хизматининг зарур, лекин етарли шарти ҳисобланмайди. Маслаҳатчи, албатта, маслаҳат бериш обьекти бўйича махсус билимларга эга бўлиши зарур. Лекин малакали маслаҳатчи бўлиш учун бу касбнинг ўзига хос услубларини ўрганиб, хўжалик субъектларига татбиқ этиш йўлларини чуқур ўрганиш зарур. У билимларни билвосита, яъни ўқитилган менежерлар орқали татбиқ этиш усулидан ҳам

фарки айнан шунда; булар эса олинган билимларга таянган ҳолда, мустақил равища ўз фаолиятини ташкил этадилар.

Ҳар қандай иқтисодиёт ўқитувчиси иқтисодий билимларга эга бўлғанлиги учун, ушбу қўлланманинг асосий вазифаси консалтингни ташкил этиш ва амалга ошириш услубларининг баён этиш ҳисобланади. Шундай қилиб, биз нафақат иқтисодиёт ва бошқарувнинг маълум бир соҳаларнинг тузилишини кўриб чиқамиз, балки консалтингнинг ташкил этилиши ва уни қўйидаги таркибий қисмларини ўрганамиз:

- *консалтинг методологияси (консалтинг хизматини ташкил этиши);*
- *маслаҳатчи ва харидорлар билан ўзаро муносабатлар;*
- *консалтинг фаолиятини бошқарни ва молиялаштириши;*
- *консалтинг хизматлари маркетинги;*
- *консалтинг хизматлари сифати ва натижаларини баҳолаши.*

Консалтингни ўқитишдаги ўзига хос предмети бўлиб, ушбу қўлланманинг ҳам “маслаҳат бериш хизмати” номи остидаги маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни ҳисобланади. Бу жараён консультациянинг обьекти ва субъектининг ўзаро таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади. Субъекти бўлиб маслаҳатчи, обьекти бўлиб эса буюртмачи ҳисобланади.

Иқтисодиёт фани ёки иқтисодий таълим билан бир қаторда консалтинг хизматларининг сотиш ва ишлаб чиқариш таҳлилини ўз ичига оловчи “консалтинг иқтисодиёти” ҳам мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон адабиётида қўлланилаётган бошқарув ва иқтисодиёт бўйича юкори малакали хизматлар тушунчасида менежмент консалтингга нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Уларнинг фарки шундан иборатки, маслаҳат ва таклифлар беришни, бошқа профессионал хизматлар эса (аудиторлик, юридик, бухгалтерлик, рекрутменлик ва ҳ.к.) чет мутахассислар томонидан корхона мутахассис ва менежерларнинг ўрнига менежментнинг маълум бир вазифаларини бажаришни назарда тутади.

Қисқача хulosалар

Фермер хўжалигида инфратузилма турли хизмат кўрсатувчи тармоқлар, моддий-таъминот, сув билан таъминлаш, ижтимоий соҳалар ва кўплаб тармоқларни ўз ичига олади. Инфратузилма фермер хўжалиги учун иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитни таъминловчи мажмуя бўлиб, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиради. Шу сабабли ҳукумат томонидан фермер хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида концепция ишлаб чиқилиб, жойларда уларни ташкил этиш жадал олиб борилмоқда. Инфратузилма обьектлари билан фермер хўжалиги ўртасидаги иқтисодий муносабатлар такомиллашиб, маҳсулот этиштиришда самарали фаолият кўрсатмоқда. Айрим худудларда фермерларга етарли даражада инфратузилма фаолият кўрсатмай келмоқда. Чунки бунга замонавий техника, технология, бино, иншоотлар ҳамда малакали кадрлар этишмаслиги ҳам сабаб

бўлмоқда. Шунинг учун инфратузилма соҳасини ривожлантиришга асосий эътиборни бериб, ундаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Жазорат ба мухокама учун саволлар

1. *Фермер хўжалигида инфратузилма деганда нимани тушунасиз?*
2. *Сервис хизматларини ташкил этиши зафурияти нимада?*
3. *Инфратузилмани ривожлантириши тадбифларини изохланг.*
4. *Фермер хўжалигида қандай сервис хизматлари мавжуд?*
5. *Сервис хизматидан фойдаланиши самарағорлиги қандай аниқланади?*

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабридаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
2. Каримов И. А. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи». –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». –Т.: «ТДИУ», 2004.
4. Ҳусанов Р. Ҳ., Ҳамдамов А. Н., Рафиқов И. Э. «Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш масалалари». –Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 124 б.
5. Тошбоев А. Ж. «Повышение эффективности агротехнического обслуживания в хлопкосеющих хозяйствах». –Т.: «Мехнат», 1991, 154 б.
6. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. «Фермер хўжалигини ташкил этишининг хукукий-иқтисодий, ишлаб чиқариш асослари». –Т.: «ТИҚХМИИ», 2004, 141 б.
7. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудование, техника продаж...
www.selhoz.net.ru
8. Приамурский Институт Аграрной экономики и Бизнеса www.admin.ru
9. Московская сельскохозяйственная академия.www.ecfak.timacad.ru

VIII БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ВА УНИ ЖАЛЬ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

8.1. Инвестиция ҳақида тушунча ва унинг фермер хўжалигига тутган ўрни

Бозор иқтисоди шароитида инвестиция маблағлари янги, самарали технология ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга хизмат қиласди. Инвестиция маблағлари доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш уларни ривожлантириш учун сарфланади. Фермер хўжалигининг асосий воситаларини сотиб олиш, қуриш ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Улар асосий капиталга сарфланган **инвестициялар** деб аталади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига

инвестициялар айланма воситаларга ҳам сарфланади. Инвестициялар фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларини барпо этади ва ишга яроқлилигини таъминлайди.

Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар фермер хўжалигининг моддий-техника базасини яратиб, ишлаб чиқаришни механизациялаш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаш натижасида сарф-харажатларни камайтириб, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали даромадни оширишдан иборатdir.

Инвестиция маблағларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-хуқукий асослари ҳақида Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й.) қонунлари қабул қилинди. Унда инвестициялар мақсад ва вазифаларига кўра 3 га бўлинади:

1. Капитал инвестициялар асосий фондларни барпо этишга, такрор ишлаб чиқаришга ва моддий ишлаб чиқаришнинг барча шаклларини ривожлантиришга сарфланган инвестициялардир. **2. Инновация инвестициялари** деб, техника, технологиялар янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестицияларга айтилади. 3. **Ижтимоий инвестициялар** инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, моддий истеъмолларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга сарфланадиган маблағлардир.

Инвестицияларнинг икки тури бор: **1. Реал инвестициялар** моддийлашган асосий ва айланма воситаларга маблағлар. **2. Молиявий инвестициялар** қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар. Реал инвестициялар капитал қўйилмалар, деб ҳам аталади. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмаларга бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи капитал қўйилмаларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма суммасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Фермер хўжалигида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳам юритилади.

Капитал қўйилмаларнинг фермер хўжалигидаги аҳамияти юқори бўлиб, биринчидан, **капитал қўйилмалар** – жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар фермерларнинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг норационал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) фермер хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириб, моддий техника базасини мустаҳкамлайди. Улардан самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада фермер хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти кенгаяди.

Фермер хўжаликларининг барча инвестициялари (капитал қўйилмалар) иккита манбадан: корхонанинг ўз маблағларидан ва четдан жалб қилинган маблағлардан шаклланади.

Фермер хўжалигининг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- фермер хўжалигининг соғ фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- амортизация фондидағи маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишидан келиб тушган маблағлар;
- чорва молларини сотишидан тушган маблағлар;
- фермер хўжалигининг қимматли қозозлар сотиши ва сотиб олишидан келган маблағлар.

Четдан жалб қилинган маблағларга:

- фермер хўжалигига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар ва банк кредитлари;
- хўжалик аъзоларининг бўши маблағларини жалб этиши;
- хорижий ва маҳаллий шахсий корхоналар ҳамда фуқароларнинг маблағлари;
- ҳомийлар ажраталаётган хайрия маблағлари ва бошқалар.

Капитал капитал қурилишга ва янги техникани жорий қилишда ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини қўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаштирибди.

Капитал – фермер хўжалиги молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Инвестиция қилишда фермер хўжалигининг ўз маблағларидан фойдаланиши иккита устунликка эга: биринчидан, фермер хўжалигининг ташқи тўловлари мавжуд бўлмайди (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва хоказо), шунингдек фермер хўжалигини бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Четдан жалб этилаётган инвестициялар – чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Хорижлик инвесторлар, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида, тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатларида тақиқланмаган объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар киради. Интеллектуал мулкка – чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари, деб ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади.

Фермер хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкларининг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Истроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш билан шуғулланмоқда.

Кишлоқ хўжалигига инвестициялар қуйидаги фаолиятда бўлади. Инвестициялар иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлардир.

Инвестиция фаолияти – субъектларнинг инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлардир.

Инвестор – ўз маблағларининг, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларининг, мулкий бойликларнинг ва уларга доир хукуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка доир хукуқларнинг инвестиция фаолияти субъекти ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти иштирокчиси инвесторнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Реинвестициялар инвестор томонидан киритилган инвестицияларни бошқа давлатга ёки худудга бериб юборишидир.

8.2. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни фермер хўжаликлари жалб этиш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонунида фермер хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўллари кўрсатилган.

Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банклари, Осиё “Кросстроуд” кредит компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича халқаро «Ўзприватбанки» АБН АМРО банк, «Асака» банки, Акциядорлик-тижорат «Пахта-Банк», Акциядорлик-тижорат «Ўзтадбиркорбанк» каби қатор молия институтлари фермер хўжаликлари лойиҳаларини молиялаш учун қатъий валютадан кредитлар беришади.

Халқаро молия корпорацияси кредитларни фақат миллий компанияларга беради ва хозирги пайтда қўшма корхоналарни ташкил этишга кўпроқ эътиборни қаратади.

Шунингдек, халқаро молия корпорацияси маслаҳат беришда ва бошқа молиялаш манбаларини жалб этишда иштирок этади. Унинг Ўзбекистондаги стратегиясининг муҳим қисми хусусий сектор, таркибий янгиланишлар ва хусусийлаштириш йўналишидаги аниқ лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан очилган кредит йўналишлари, асосан, Миллий банк ва «Асака» банки орқали амалга оширилади. Яқин кунларда ишлаб чиқаришда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит йўналишлари акциядорлик тиҷорат «Пахта-банк» орқали очилиши кутилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес мезонларига мувофиқ келадиган хусусий, кичик, қўшма, дехқон фермер хўжаликлари ва акциядорлик жамиятлари Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки кредитларининг олувчиларига айландилади.

Кредит йўналишларининг ресурсларидан хорижий ускуналар ва технологияларини харид қилишни молиялаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш, ишлаб чиқилган намунавий ёки алоҳида лойиҳалар асосида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ва халқ истеъмоли молллари ишлаб чиқаришни кўзда тутадиган инвестиция лойиҳаларини таъминлаш билан боғлиқ дастлабки ишчи капиталини шакллантириш учун фойдаланилади.

Замонавий инвестиция сиёсатининг муҳим тамойиллари ҳар турли капитални бир марталик имтиёзлар билан жалб этишдан эмас, барқарор ва ўзаро манфаатли инвестиция тартиби ҳамда реал кафолатлар беришдан иборат.

Хозирги босқичда ҳалқаро хорижий капитал харакатининг шакллари турли-туман бўлгани ҳолда бевосита хорижий инвестициялар устувор рол ўйнайди, бинобарин, улар амалга ошириладиган механизм ва каналлар доимий тақомиллашиш ҳамда ривожланиш жараёнида бўлиб жаҳон иқтисодиётидаги таркибий янгиланишлар билан биргаликда замонавийлаштиради.

Замонавий жаҳон хўжалиги минтақавий ва ҳалқаро миқиёсда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва фаолият кўрсатишнинг етарли даражада аниқ қоидаларига эга. Тажриба шуни кўрсатадики, уларга оқилона риоя этилиши хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминлайди ва мусобақа тарзидаги рақобат тартиби муваффакиятли фаолият кўсатишнинг гарови саналади.

8.3. Фермер хўжаликларида инвестициядан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун сармоя сарф этади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса, ҳар бир инвестор сармоясини сарфлашдан олдин сармоя сарфланадиган тадбир қандай натижа беришини, унинг иқтисодий самараси қандай бўлишини билишини талаб этади. Фермер хўжалиги ҳам сарфланадиган ёки йўналтирадиган капитал сарфларни, узоқ муддатга фойдаланиладиган воситаларни ташкил этишга қаратилган маблағлар самарасини лойиҳалаштириш жараёнини кўзда тутади.

Фермер хўжалиги бирон тадбирни амалга ошириш учун ташқаридан маблағ жалб қиласидан бўлса, тадбирни ифода этувчи лойиҳада кўзда тутилган сарф-харажатлари, иқтисодий самарадорлиги аниқ ҳисобланган бўлиши керак. Бу лойиҳанинг техник-иктисодий жиҳатдан асосланганлигини (ТЭО) ифодоловчи хужжатда акс эттирилади. Бу масалани ҳал қилишда капитал сарфлар ва инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усулидан фойдаланилади.

Узоқ муддатга қилинадиган инвестициянинг абсолют ёки мутлақ самарадорлиги қиёсий ёки нисбий аниқланади.

Мутлақ самарадорлик фермер хўжалиги сарф қилган сармоя натижасида қўшимча натижа, яъни сарф қилган сармоянинг бир бирлигига олган қўшимча ялпи даромад ва фойда билан ифодаланади. Фермер хўжалиги бўйича бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$CC_a = \frac{\Delta \text{Деки} \Phi}{C};$$

Бунда: CC_a – мутлақ самарадорлик;

Φ – қўшимча олинган фойда;

C – сармоя (инвестиция) нинг ўсган қисми.

Масалан, фермер хўжалиги бозор иқтисоди талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш хўжалик фойдасини ҳар йили 8 млн. сўмга ошириш имкониятини беради. Бунда сарф-харажатларнинг самарадорлик коэффициенти – 0,27 ни ташкил этади.

$$C_a = \frac{8 \text{млн}}{30 \text{млн}} = 0,27$$

Инвестиция айрим воситалар ва йўналишлар бўйича сарфланганда мутлақ самарадорликни аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$C_a = \frac{(T_o - T_1)xM}{C};$$

Бунда: *To*- сармоя қилингунга қадар бўлган даврдаги маҳсулот бирлиги;

T1 - сармоя қилингандан кейинги таннарх;

M- сармоя қилиши натижасида олинган маҳсулот ёки иши ҳажми.

Масалан, фермер хўжалиги сигирларидан сут соғиб олишни механизациялаш учун соғиши агрегатларини сотиб олиб ўрнатди. Бу тадбирларга 15 млн. сўм сарф-харажат қилди. Натижада 100 бош сигирнинг ҳар бири 3000кг (30 центнер) сут берадиган, қўлда соғиладиган сигир машиналар ёрдамида соғиладиган бўлди. Сигирлар қўлда соғилганда 1 центнер сут таннархи – 1300 сўм бўлган бўлса, уларни машинада соғиши натижасида 1 центнер сут таннархи 1200 сўмни ташкил этди. Шу тариқа ҳар бир центнер сутни соғиб олишдан – 100 сўм тежашга эришилди. Маълумотларни юқоридаги формулага қўйиш орқали бу тадбирга қилинган сарфлари – инвестиция иқтисодий самарадорлигини аниқлаймиз:

Бу тадбирга қилинган сарф-харажат мутлақ самарадорлик коэффициенти – 0,2 га тенг бўлди. Сармоя сарфларининг меъёрий самарадорлик коэффициенти – 0,14 сўмга тенг. Энди сарф-харажатларнинг самарадорлигини янада тўлиқроқ тушуниш учун уларни қоплаш муддатини билиш керак, яъни бу сарфлар ўз қийматини олинган қўшимча даромадлар билан неча йилда қоплайди? Сарф-харажатларни қоплаш муддати қўйидагича аниқланади:

Корхона бўйича:

$$MM = \frac{C}{\Delta\Phi} = \frac{30000000}{8000000} = 3,7 \text{йил};$$

Айрим йўналишлар:

$$M = \frac{C}{(T_o - T_1) * 3000} = \frac{15 \text{млн}}{3 \text{млн}} = 5 \text{йил}$$

Сармоя тури бўйича меъёри:

$$\text{КМ} \text{ т } \frac{1,0}{0,14} = 7,14 \text{йил}$$

Ҳар иккала тадбирда ҳам қоплаш муддати меъёрий муддатдан кам бўлганлиги сарф-харажатнинг иқтисодий самараали эканлигини кўрсатади.

Киёсий ёки нисбий самарадорлик.

Бу усулдан бирор бир тадбирни бир неча йўлда амалга ошириш мумкин бўлган тақдирда фойдаланилади. Бу усулда иқтисодий баҳо беришнинг асосий мезони энг кам харажат қилиш хисобланиб, қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$\text{СКН} * \text{К} \rightarrow \min$$

Бунда: *C* – маҳсулот ёки иши бирлиги учун қопланган жорий харажатлар;

H- капитал сарфлар ёки инвестициянинг меъёрий даражаси;

T- ёки бу йўналишдаги капитал сарфлар ёки инвестиция.

Масалан, фермер хўжалиги бошоқли дон экинлари ҳосилини ўриб-ийғиб оловчи комбайн харид қилмоқчи. Ишлаб чиқариш омиллари бозорида З хил русумдаги комбайн мавжуд бўлиб, бири Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган «Енисей» комбайни, баҳоси 16 млн. сўмни, иккинчиси АҚШ да ишлаб чиқарилган «Кейс» комбайни, баҳоси 22 млн, учинчиси Германияда ишлаб чиқарилган «КСА» комбайни, баҳоси 19 млн.сўм.

Комбайнлар паспортида кўрсатилган техник маълумотларга қўра, мавсумда «Енисей»-600 тонна, «Кейс» -1200 тонна, «КСА» комбайни эса –840 тонна бошоқли донни ўриб-ийғиб олиши мумкин.

Ҳар бир русумдаги комбайн билан ўриб-ийғиб олишга кетган жорий харажатлар 1 тонна ҳисобига «Енисей» комбайннида – 50 минг сўмни, «Кейс» комбайннида – 35 минг сўмни, «КСА» комбайннида – 40 минг сўмни ташкил этган. Юқорида келтирилган маълумотларни нисбий (таққослама) самарадорликни аниқлаш формуласига қўйиш орқали қайси русумдаги комбайнни сотиб олиш фермер хўжалиги учун иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини аниқлаймиз:

«Енисей» $50+0,16*26,6=54,2$ минг сўм;

«Кейс» $35+0,16*18,3=37,9$ минг сўм;

«КСА» $40+0,16*22,6=43,6$ минг сўм.

Ҳисоблардан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги «Енисей» русумли комбайнни сотиб олганда 1 тонна бошоқли донни ўриб-ийғиб олишга – 54,2 минг сўм, «КСА» комбайнини харид қилганда – 43,6 минг сўм, «Кейс» комбайнидан фойдаланганда – 37,9 минг сўм сарф қилган бўларди. Ёки «КСА» комбайнидан фойдалангандан кўра – 5,7 мингга, «Енисей»га нисбатан эса – 16,3 минг сўм кам сарф қилишга эришади. Шунинг учун фермер хўжалиги «Кейс» русумли комбайнни сотиб олгани маъқул.

Қисқача хуносалар

Мустақил бозор муносабатларида шаклланаётган республика иқтисодиётига инвестиция маблағлари, янги самарали технологияларнинг кириб келиши маҳсулот ҳажмини, ассортиментини ҳамда драгомадини оширишга имконият яратди. Инвестициялар капитал, инновация ва ижтимоий шаклларда Республиkaning барча ҳалқ хўжалигига самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳукумат томонидан инвестиция олиб келувчи инвесторларни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида барча қонуний асослар яратилди. Инвестиция олиб кириш ва ундан ҳамкорликда фойдаланиш ҳамда молиялаш механизмлари давлат томонидан бошқарилади, тартибга солинади ва назорат ишлари олиб борилади. Республиканинг жаҳон бозорига чиқиши учун янги ишлар, технологиялар зарур экан, бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор сақланиб қолади. Айнукса, фермер хўжаликларини ривожлантиришда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда инвестиция маблағлари ва технологиялари муҳим рол ўйнайди.

Жазорат ва мухокама учун саволлар

1. *Жалк хўжалигида инвестицияниг ўрнини тушунтириб беринг.*
2. *Инвестицияларниг фермер хўжаликлири фаолиятидаги зафуриниятни изохланг.*
3. *Инвестицияларниг фермер хўжаликлири фаолиятидаги зафуриниятни изохланг.*
4. *Инвестиция самарадорлиги кандай кўрсаткичлар билан аниқланади?*
5. *Капитал кўйилма нима ба унга нули маддаги касердан келиб тушади?*

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. –Т.: «Ижод дунёси», 2004. 318 б.
3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди». –Т.: 2004.
4. Ишмуҳамедов А. Э., Аскарова М. Т. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» (ўқув қўлланма) – Т.: «ТДИУ», 2004, 256 б.
5. Умурзоков Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. «Фермер хўжалигини ташкил этишининг хукуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари». –Т.: «ТИҚҲМИИ», 2004, 141 б.
6. Московская сельскохозяйственная академия
www.ecfak.timacad.ru <http://www.ecfak.timacad.ru/>
7. www.uhh.hawaii.edu University of Hawaii at Hilo - Agroecology and Environmental Quality Program.
8. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. www.tsue.uz <http://www.tsue.uz/>
9. Салимов Б. Т. ва бошқалар. «Фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисоди». –Т.: «ТДИУ», 2004, 142 б
10. Ишмуҳамедов А. Э., Аскарова М. Т. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» (Ўқув қўлланма) –Т.: «ТДИУ». 2004, 256 б.

IX БОБ. ФЕРМЕР МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИ ВА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9.1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини ривожлантиришнинг назарий асослари

Иқтисодий ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликлари фаолияти ривож топиб, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини ишлаб чиқармоқда. Аммо, давлат ихтиёридаги тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўрнида хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари пайдо бўлиши, тез бузилувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сон жиҳатидан кўп ва макон жиҳатидан тарқоқ ишлаб чиқарувчilar томонидан етиштирила бошлиши, маҳсулотларнинг кўп қисми истеъмолчilarга етиб бориши жараёнида нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганлариdek, «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш технологияси жуда орқада қолгани туфайли ҳар йили картошка, томат, карам, лавлаги, сабзи ҳамда бошқа сабзавот ва меваларнинг 20-40 фоизи исроф бўлмоқда. Биз, ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш, деган ягона занжирда ишлаб, бу занжирда банд бўлганларнинг манфаатини ҳисобга олишни ўрганишимиз зарур. Жаҳон бозорини ўзлаштириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қўриниши билан боғлиқ. Бунда маҳсулотларни навларга ажратиш, ўраш, қадоқлаш ва истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш назарда тутилмоқда²»

Бозорларда савдо қилиш шароитлари доимий ўзгариб бориши ва мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини истеъмолчilarга етказиш тизими талаблар даражасида эмаслигидан, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи бирдай зарап кўрмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори фаолиятини ривожлантириш бозорлар билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчilari ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш катта аҳамият касб этади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 октябрдаги 452-сонли «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори асосида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари мақомидаги улгуржи бозорлар ташкил этилаётган бўлса-да, ҳамон ёз ва куз ойларида фермер катта йўл ёқаларида ойлаб вақтини сарфлаб, етиштирган маҳсулотларини сотиши давом этмоқда. Ҳали-ҳануз сақлаш тармоқлари, совитиш тизимига эга омборхоналар, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларига эга, халқимизга хос бозор маданиятини мужассамлаштирган улгуржи бозорларни ривожлантириш мақсадида тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш соҳаларида бозорга хос бўлган муносабатлар ривожланишда давом этмоқда.

Маҳсулот етиштирувчи фермерда тадбиркорлик хусусиятлари ривожланиб, маҳсулот сотишда замонавий тамойилларга кўпроқ мурожаат қилинмоқда.

2005 йилда республикада жами етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60,2 фоизи дехқон хўжаликлари, 15,3 фоиз ширкат хўжаликлари ва 24,5 фоизи фермер

² Каримов И. А. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи». –Т.: «Ўзбекистон», 1997. 29 б.

хўжаликлари зиммасига тўғри келиб, маҳсулот етиштирувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Лекин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, саклаш ва қайта ишлаш соҳасининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, қишлоқ хўжалигидага моддий-техника ресурслари етказиб берувчи саноат корхоналарининг монопол вазияти, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи талабга жавоб бермаслиги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига бўлган жараёндаги ҳаракатини таъминловчи тармоқлар ривожи сустлиги каби муаммолар мавжуд.

Маҳсулот бозордан сотиб олинганидан кейин фермернинг ишлаб чиқаришга сарфлаган меҳнати ижтимоий зарурий меҳнатга айланади. Иккинчи томондан, маҳсулот харидор томонидан сотиб олингандан кейингина, фермернинг ишлаб чиқаришга жалб этган жонли ва буюмлашган меҳнати сарфини қоплаш имкони туғилади. Демак, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни учун моддий асос пайдо бўлади ва маҳсулот олди-сотди жараёни ишлаб чиқариш ва истеъмол килиш жараёнини боғловчи муҳим бўғин ҳисобланади. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги бозор шароитида, истеъмолга етказиш тизимининг самарадорлиги орқали белгиланади. Чунки «маҳсулот ишлаб чиқариш-тақсимот-айирбошлаш ва истеъмол қилиш» тизимида «айирбошлаш ва истеъмол қилиш» жараёни якунловчи босқич ҳисобланади. Маҳсулотни тайёрлаш, саклаш, саралаш, қадоқлаш ва истеъмолчига етказиш жараёнида янги маҳсулот яратилмаса-да, янги истеъмол қиймати шаклланади, маҳсулот янгича кўриниш олади, бозоргирлиги ортади.

Республикамида, маҳсулотларни истеъмолчига етказиш, асосан, чакана савдо ва улгуржи бозорлар орқали амалга оширилади.

Чакана савдо бозорлари маҳсулотни истеъмолчиларга нақд пулга сотиши, у ерда истеъмолчилар сонининг кўплиги, харидор сотиб оладиган товарлар миқдори эса камлиги ва харид қилиш мақсади билан ажралиб туради.

Улгуржи бозорлар эса, товарлар ва хизматларни нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан катта миқдорда ва майда улгуржи сотиши орқали харидорларга етказувчи бозорлар бўлиб, савдо ҳажми йириклиги, асосий харидорлар сони камлиги билан фарқ қиласи.

Улгуржи бозорлар таркибида «Савдо харид қилиш корхонаси» (СХК) ташкил этилган. Мазкур бўлим томонидан маҳсулот ярмаркалари ташкил қилинади, асосий фаолияти эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиши ҳисобланади.

Бозорларни ихтисослашувига кўра, дехқон бозорларига, буюм бозорларига, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларига, универсал бозорлар ва ихтисослашган бозорларга бўлиш мумкин.

Дехқон бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар сотилса, буюм бозорларида ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси амалга оширилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида эса, маҳсус жуихозланган турғун савдо нуқталари орқали тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси амалга оширилса, ихтисослашган бозорлар жумласига чорва моллар, қурилиш моллари бозорлари кабиларни киритиш мумкин.

9.2. Фермер хўжалигидаги маҳсулот тайёрлаш тизимини ривожлантириш

Аграп тармоқда фермер хўжаликларининг ўрни ва ишлаб чиқаришда давлат буюртмаси асосида пахта, дон, шоли етиштиришдаги улушлари ортиб бормоқда. Айниқса, истеъмол бозорини картошка, сабзавот ва турли хил мевалар билан таъминлашда уларнинг ҳиссаси жуда каттадир.

Фермер хўжаликларининг шаклланишида сервис хизмат қўрсатиш ва тайёрлов тизмини тубдан янгилашга тўғри келмоқда. Чунки қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш билан бир қаторда уни тайёрлаш, сақлаш, қодоклаш ва истеъмолчиларга талофатсиз етказиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, тез бузиладиган ва транспортда ташиши нокулай бўлган маҳсулотларни ва фермер томонидан етиштирилган истеъмол молларини қуидаги сотиш каналлари орқали етказиб берилади.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тайёрлов ва сотуви қуидаги каналлар орқали амалга оширилади:

1. Ишлаб чиқарувчилар – Давлат – Истеъмолчилар.
2. Ишлаб чиқарувчилар – Деҳқон бозори – Истеъмолчилар ёки ишлаб чиқарувчилар – Истеъмолчилар.
3. Ишлаб чиқарувчилар – Хусусий (кичик) олиб сотарлар – Деҳқон бозори – Истеъмолчилар.
4. Ишлаб чиқарувчилар – «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» ташкилотлари – Чакана савдо – Истеъмолчилар.
5. Ишлаб чиқарувчилар – Воситачилар – Товар хом ашё биржалари – Улгуржи (хусусий) тайёрлов ташкилотлари – Чакана савдо – Истеъмолчилар.
6. Ишлаб чиқарувчилар – Қайта ишилаш корхоналари – Улгуржи савдо корхоналари – Чакана савдо – Истеъмолчилар.
7. Ишлаб чиқарувчилар – Қайта ишилаш корхоналари – Чакана савдо – Истеъмолчилар.

Пахта хом ашёси, дон, тамаки, асосан, биринчи канал орқали тайёрланади. Иккинчи канал орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилади.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида истеъмолчига етказиб беришда камчиликлар бўлмоқда. Харид баҳолари ҳам ортиб бормоқда. Чунки охирги йилларда мева-сабзавот ва картошка сақлаш омборларида маҳсулотлар захира қилинмаган. Бунинг асосий сабаби мева-сабзавот, картошка сақлайдиган омборлар яроқсиз, таъмирга муҳтоҷ бўлиб қолган.

Хўжаликлардан картошка, мева ва сабзавот сотиб олиш учун тайёрлов корхонларида етарли маблағларнинг йўқлиги, маҳсулотларни сақлаш учун электр энергия харажатлари юқори бўлганлиги учун мева-сабзавот сақлаш омборлари фойдаланиш учун тадбиркорларга ижарага берилган.

Хусусийлаштирилган омборларни эса тадбиркорлар қарзларини тўлаш учун сотган. Омборларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун тара ва контейнерларнинг етарли бўлмаганлиги ҳам муаммони кучайтирум оқиди.

Умуман, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлов тизимининг паст суръатлар билан ривожланаётганлигининг асосий сабабларидан бири тайёрлов корхонларида пул маблағларининг камлиги ва тара, хизматлар ҳамда энегоресурслар нархининг ошаётганлиги ва соҳада инвестиция оқимининг пасайланлигидир.

9.3. Давлат ва нодавлат корхоналарига маҳсулот сотиш ва уни тақомиллаштириш

Фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларидан ўз хоҳишича фойдаланмоқда.

Давлат буюртмаси фақат пахта ва донгагина сақланиб қолган бўлиб, унинг миқдорлари 1995 йилда пахта ва дон бўйича 30 фоизгача қисқартирилди³.

Пахта хом ашёсини тайёрлаш, уни қайта ишлаб, толасини сотиш марказлаштирилган ҳолда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва унинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари орқали амалга оширилмоқда. Давлат буюртмасини бажарган хўжаликлар ихтиёрида ҳосилнинг 70 фоизи қолади. Пахта етиштирувчилар бу пахтани эркин сота олмайдилар, унинг харидори «Пахтасаноат» уюшмасининг ҳудудий акционерлик бирлашмаларидир. Пахта етиштириш режасини бажарган хўжаликларга завод ишлаб чиқариш нархларида ёғ, шелуха ва кунжара сотилмоқда. Пахта хом-ашёсини етиштириш режасини бажармаганларга бу маҳсулотлар берилмайди. Давлат буюртмасидан ортиқча пахта етиштирган (давлат буюртмалари нархидан юқори нархларда) хўжаликлар «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаларига пахтани шартнома баҳосида сотади. Чунки республикада пахта давлат монополияси бўлиб, унинг эркин бозори шаклланмаган, шу боис буюртмадан ортиқча пахта хом ашёсини эркин сота олмайдилар. Фермер ишловчиларга иш ҳақини пул ва натура (ёғ, шелуха ва кунжара каби маҳсулотлар) да тўлайди.

Пахта хом ашёсини тайёрлаш тизимида ички бозорни эркинлаштириш зарур. Чунки фермер ўзлари етиштирган пахта хисобига шелуха, кунжара, ёғ ва чигитни қайта ишлаш заводидан сотиб олмоқдалар. Тайёрлов ташкилотларига фермернинг маҳсулоти керак бўлса, чигитни қайта ишлаш харажатлари (ҳамда уларнинг фойдалари)ни тўлашлари керак. Ёғ заводлари ёғ (шелуха, кунжара) нархидан, чигитнинг нархини чегириб ташлаган ҳолда, ҳисоб-китоб қилишлари лозим.

Шундай қилиб, фермер хўжаликлари давлат буюртмасидан ортиқча пахта хом ашёсини эркин баҳода сотиш орқали ўз фаолиятини интеграциялаштиради.

9.4. Фермер хўжалигида маркетинг хизматини ташкил этиш

Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар икки гурӯхга: *ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларига* бўлинади. Ишлаб чиқариш омилларига ер, сув, меҳнат ресурслари, асосий ва айланма воситалардан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш каби омиллар киради.

Бозор омилларига – бозор коньюктурасининг ҳолати, истиқболи, унинг динамикаси, рақобат шароитлари ва кўлами киради. Бошқача қилиб айтганда, **бозор омилларига** - маҳсулотнинг баҳоси унга бўлган талаб ва тақлиф, рақобатдаги маҳсулотлар миқдори, рақобатчиларнинг бозор сиёсати ва бошқалар киради.

Бозор муносабатларига ўтиш билан тижорат иқтисодни ўрганиш, маҳсулот сифатини яхшилашга эришиш, маркетинг тушунчасининг асосини ташкил этади.

³ И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон», 1995 й, 71 б.

Маркетинг (ингл. market-бозор) – бу тадбиркор мухитини, бозорини, истеъмолчининг аниқ талабини ва улар учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни кўзда тутишини ўрганишга асосланган, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бозор концепциясидир. Маркетинг тор маънода товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги хизматни, товарни сотиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган бошқаришни ўз ичига олган тадбиркорлик фаолиятидир. АҚШда маркетинг кенг маънода узокни кўра билиш, бошқариш ва товарга бўлган эҳтиёжни қондириш, муомала воситаси орқали хизматни ташкил этиш, янги ғояни ҳаётга татбиқ этиш, деб тушунилади. Маркетинг фаолияти – баҳолар системаси, маҳсулотларни сақлаш, жойлаштириш, савдо марказларини яратиш, маҳсулотни сотиш, савдо ходимларини бошқариш, кредит бериш, маҳсулотни ташиш, социал талабларни бажариш, савдо шаҳобчаларини очиш учун жой танлаш, истеъмолчиларни ўрганиш, улгуржи, чакана савдони ва кўргазмаларни ташкил этиш, жамият билан муносабатларни яхшилаш, бозор тадқиқотларини олиб бориш, товарларнинг сифатига кафолат бериш билан шуғулланади. **Маркетингнинг вазифаси** – сотиб олиш, сотиш, маҳсулот ташиш ва уни сақлаш, молия маблағлари билан таъминлаш, маҳсулотни кўргазмага қўйиш ва бозор маълумотларини йиғишдан иборат.

Кишлоқ хўжалиги маркетингининг мақсади – талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, ишлаб чиқариш режалари, қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг асосланганлигини таъминлаш ва маҳсулотлар савдоси, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат.

Маркетинг тизимларидан фермер хўжалигини ривожлантиришда фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга. **1. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириши кўп жихатдан об-хаво шароитига боғлиқ.** Бу қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот сифати ва ҳажми (миқдори) устидан назорат олиб бориш имкониятини маълум даражада чеклаб қўяди. Фермер хўжалиги фаолиятида 3 модел:

Биринчи модель товар ишлаб чиқарувчининг қулай иқлим шароитидаги фаолияти билан аникланади. Бу чорвачилик ва дехқончилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ.

Иккинчи модель иқлим шароити ноқулай бўлган вазиятга мўлжалланган бўлади. Бунга ҳосилни сақлаб қолиш учун қўшимча меҳнат ва бошқа ресурсларни жалб этиб, ҳосилни йиғишириб олишни жадаллаштириш, ҳосилни сақлаб қолишнинг бошқа тадбирларини амалга ошириш киради. Нихоят, учинчи модель, бахтсиз ҳодисалар эҳтимоли бўлганда, товар ишлаб чиқарувчи томонидан кўлланиладиган тадбирлардан иборат бўлади.

2. Ахолини озик-овқатга бўлган талабини қондириши кафолатини бера оладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириши.

Бу хусусият саноатга нисбатан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун маълум афзалликлар яратади, чунки қишлоқ хўжалигида маҳсулот сотишнинг ноқулай шароити йўқ. Келтирилган маълумотлар дехқончилик секторида маълум даражада зикр этилган олдинги хусусиятларнинг мавжудлиги билан қопланади.

3. Тез бузиладиган, катта ҳажмдаги маҳсулотлар. биринчидан омборларнинг (сабзавот, полиз, мева сақлашга мўлжалланган) мавжудлиги, иккинчидан, товар ишлаб чиқарувчиларнинг қисқа вақт ичida бу маҳсулотларни реализация қилишини тақозо этади.

4. Бир хил товар ишлаб чиқарувчилар канчалик күп бўлса. бозорда уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган улуши кичик бўлади. Шу билан маркетинг тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган зарурый шартлар бўлиши керак.

а) ишлаб чиқарии ҳажмининг бозорга таъсир этиши, талабнинг ошиб бории, ҳаражатларни қоплаши қобилияти ва бошқалар катта маблагни талаб қиласди.

б) нормал иши жараёни - бозорга мослаши, товар ишлаб чиқарувчининг у ёки бу маҳсулот этишишига қодирлиги, ишлаб чиқаришидаги хавф-хатар ва бошқаларга товар ишлаб чиқарувчи маъсул ҳисобланади.

Юқоридан кўринадики, маркетинг, энг аввало, кейинги маҳсулотни қайта ишлаб чиқарувчилар (озик-овқат ва енгил саноат корхоналари)га етазиб беради. Ҳар хил товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини горизонтал интеграция, қайта ишловчи корхоналар ва савдони эса вертикал интеграция асосида бирлаштиради.

Товар ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг биргаликдаги фаолияти (хамкорлик формаси) мезомаркетинг (мезо-ўрта, оралиқ) бўлиб, агар иқтисодиётда хукмон мавқега эгадир. Шу билан бирга саноатнинг бошқа соҳаларида бу шакл микромаркетинг (кичик корхона ва товар ишлаб чиқарувчи) деб аталади.

5. Кишлок хўжалик маҳсулотларини, асосан, шаҳар аҳолисини истеъмол қилиши ҳам ҳар хил воситачилар маҳсулотни сотиш заруриятини туғдиради. Бу эса товар ишлаб чиқарувчилар оладиган даромаднинг камайишига олиб келади, чунки маҳсулот қийматининг маълум қисми воситачиларда қолади.

6. Энг муҳим социал жиҳатлардан бири, қишлоқ хўжалигига товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва уни социал ҳимоя қилишдир. Режалаштириш иқтисодидан бозор муносабатларига ўтиш даврида бозордаги вазият сезиларли даражада ўзгаради, бу эса ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозордаги ҳолатининг ўзгартишига таъсир этади.

Агар режали иқтисодиётда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун давлат тайёрлов баҳоси амал қилиб, маҳсулот сифатидан қатъи назар, қабул қилиш кафолати таъминланган бўлса, бозор иқтисодиётida баҳо талаб ва таклифга қараб ўзгариб туради.

Маркетинг субъекти – товар ишлаб чиқариши ва хизматни ташкил этишини, улгуржи ва чакана савдо ташкилотларини маркетинг соҳаси мутахассисларини ва ҳар хил истеъмолчиларни ўз ичига олади.

Маркетинг маҳсулотни этишириш ва сотишнинг аниқ дастурини тузиш, бозордаги ўзгаришларга тезда ўрганиш ва рақобатда маълум афзалликларга эга бўлиш имкониятини яратади. Маркетинг концепцияси хоҳлаган товар ишлаб чиқарувчилар ёки хўжаликлар (ширкат, дехқон, фермер ва бошқалар) томонидан улар этиширигандан маҳсулот туридан қатъи назар, кенг кўламда қўлланилади.

Маҳсулот турларидаги фарқ, маҳсулотни бозорда сотишнинг ўзига хос хусусиятлари савдо операцияларини амалга оширишда универсал маркетингдан фойдаланиш мумкин.

Маркетинг фаолиятининг доираси кенг бўлиб, унда баҳолар системаси, маҳсулотни саклаш, жойлаштириш, савдо марказларини яратиш, маҳсулотни сотиш, савдо ходимларини бошқариш, кредит бериш, маҳсулотни ташиш, ижтимоий талабларни бажариш, савдо шахобчалари очиш учун жой танлаш, истеъмолчиларни ўрганиш, улгуржи, чакана савдони ва кўргазмаларни ташкил этиш, жамият билан муносабатларни яхшилаш, бозор

тадқиқотларини олиб бориш, товарларнинг сифатига кафолат бериш ва ҳоказолар билан шуғулланади.

Маркетингнинг асосий вазифаси – функциясига сотиб олиш, сотиш, маҳсулот ташиш ва уни сақлаш, саралаш, молия маблағи билан таъминлаш, маҳсулотни кўргазмага қўйиш ва бозор маълумотларини йиғишдан иборат.

Маркетинг бозор ҳолати тўғрисида доимий маълумотга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб динамикаси ва баҳосига оид маълумотлар ўрганиш, дастурни ишлаб чиқиш учун жаҳон бозори ҳолати ва динамикаси тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиш керак.

Бундай маълумотларни олиш ҳар хил йўл билан амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, мамлакат миқёсида дехқончилик маҳсулоти баҳоси ва унга бўлган талаб тегишли ахборот органлари томонидан таъминланади. Иккинчидан, амалдаги маркетинг бўлинмалари хизматига мурожаат қилиш ёки бир неча товар ишлаб чиқарувчилар кооперативини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкил бозор ҳолати билан танишиш учун дехқончилик бозори ҳолатини ўрганиш билан шуғулланувчи экспорт ташкилотларига мурожаат қилиш лозим.

Товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятида кўргазма муҳим ўрин тутади. Кўргазма тор маънода маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари тўғрисидаги маълумотни шу маҳсулотга бўлган талабни янада ошириш учун хизмат қиласди.

Маҳсулот кўргазмасини ташкил этиш йўллари ҳар-хил. Ахборот органлари орқали кўргазмалар ташкил этиш, катологлар, шиорлар, буклетлар ишлаб чиқиш ва ҳоказо. Маҳсулот турлари (сабзавот, мева, зотли моллар ва қўйлар) бўйича умумий ва ихтисослашган кўргазмалар ва маҳсулотни сотиш бўйича ярмаркалар ташкил этиш. Ярмарка ва кўргазмалар савдо битимлари тузиш жойи бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Маркетинг вазифалари орасида бозорни ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Турли гуруҳдаги истеъмолчилар талаби ва эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқаришга ва маҳсулотларни реализация қилишга боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиётини ўрганувчи мутахассислар ва маркетинглар томонидан товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг илмий ва амалий фаолиятига тегишли ахборотларни йиғиши, таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган комплекс ишларни бажаришдир.

Товарнинг рақобат қобилиятини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу бир хил товар ишлаб чиқарувчилар товарларини таққослаш йўли билан, яъни товарнинг сифати, баҳоси ва унга сарф қилинган харажатлар билан аниқланади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш товарнинг рақобат қобилиятини оширади.

Маҳсулот сифати муҳим иқтисодий категория бўлиб, маҳсулот сифатини яхшилаш аҳолини озик-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла-тўқис қондиришга хизмат қиласди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини беради. Маҳсулот сифатига талаб, истеъмолчилар ва давлат органлари томонидан шаклланади. Маҳсулот сифатини аниқловчи омил-истеъмолчининг талаби, бозор ва рақобатdir.

Бозор сегменти: тушунча ва омиллари. Маркетинг тизимида истеъмол талабини ўрганиш бозор сегментини татбиқ қилиш билан чамбарчас боғланган. **Бозор сегменти** – ягона бозорни эмас, балки алоҳида сегментлар йиғиндиси (истеъмолчилар гурухи, бозорда маҳсулотларни сотиш шахобчалари) доирасида маҳсулотларни сотишни тушунилади.

Бозор сегменти истеъмолчилар талабига кўра, бозор ва ишлаб чиқаришнинг бир - бирига мос равища ривож топишидир.

Агар бозор ҳажми кичик бўлса, табиийки, бўлиниш натижасида шундай кичик сегментлар пайдо бўладики, бозорга кириш учун сарф қилинган харажатлар ўзини оқламайди ва фойда ҳам келтирмайди.

Бозор сегменти концепцияси бозор стратегиясини қайта қуришни тақозо этади. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сиёсатидан харидорлар талабларини қондиришга ўтилади.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини муваффақиятли ва қулай шароитда реализация қилиш учун ўзига жалб этувчи бозор сегментини топиши лозим. Бу ерда кетма-кет босқичлардан иборат уч маркетинг бўлиши мумкин. **Оммавий маркетинг, табақалашган товар маркетинги ва мақсад маркетинги.**

Оммавий маркетингга истеъмолчилар учун умумий бўлган ишлаб чиқариш, тақсимот ва рағбатлантириш характеристидир. Табақалашган товар маркетингида истеъмолчилар хилма - хиллик яратиш мақсадида сифат кўрсаткичлари ва характеристикаси билан бир - биридан фарқ қиласидиган, камида иккита, аксарият ҳолларда бир нечта маҳсулот турларини ишлаб чиқариш амалга оширилади.

9.5. Фермер хўжаликларида товар ва фонд биржаларидан фойдаланиш йўллари

Қишлоқ хўжалик товар биржаси – тижорат корхона бўлиб, улгуржи савдо, истеъмол ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарларни эркин баҳода етказиб беради. Биржа ўз фаолиятини очиқ савдода, маълум жойда, биржа қоидасига мос равища амалга оширади.

Биржа фаолияти қонуний, ташкилий ва иқтисодий асосда олиб борилади.

Қонуний жиҳати – биржа аъзолари биржа мулкининг эгаси бўлиб, кўйилган капитал маблағлар ва олинган даромадлар эгасидир.

Ташкилий жиҳати – харидор ва сотувчини учраштиради (очиқ биржаларда) ёки воситачи мутахассислар (брокер, дилер, маклерлар) орқали харидор ва сотувчини ўртасида битим тузилади (ёпиқ биржада).

Иқтисодий жиҳати – товар биржаларининг фаолияти йирик улгуржи товар бозори ва шу билан бирга реал бозор баҳолари асоси сифатида тавсияланади.

Товар биржалари қуйидаги турларга бўлинади:

- 1. Ёпиқ товар биржалари.** Бунда биржса аъзолари, брокер, дилер, маклерлар ва Низомга кўра, биржса аъзолари деб қабул қилинган шахслар қатнашиади.
- 2. Очиқ товар биржалари.** Бунда биржса савдосига қатнашиши хоҳиии бўлган барча ходимлар иштирок этиши мумкин.
- 3. Ихтисослашган товар биржалари.** Маълум турдаги товарлар билан муомала хизматини бажсаради.

Товар биржалари аъзолари, юридик ёки молиявий шахс, жумладан, чет эл фуқароси бўлиши мумкин. Биржа аъзоси бўлиши учун брокерлик жойи сотиб олинади.

Товар биржалари брокер компаниялари орқали фаолият кўрсатади. **Брокер компанияси** – бу алоҳида шахс, ширкат, акционер бирлашмаси ёки тузилма бўлиб, асосий фаолияти мижоз (товар

ишлаб чиқарувчи, харидор, савдо воситалари) ва биржа ўртасида алоқа боғлашга қаратилган бўлади.

Брокер компанияси мижозлардан (фермер) харид қилиш ёки биржа товарларини сотиш бўйича аризаларни йигиш, расмийлаштириш ва оператив равишда ўз биржа брокерларига етазиб берди. Брокер олинган аризани бажаради ва бажарганилиги тўғрисидаги хабарни брокер команиясига ва ундан кейин мижозга жўнатади. Бундан ташқари, компания ўз брокерларининг тўлов қобилиятига кафолат ҳам беради, яъни суғурта тўлови вазифасини бажаради. Брокер хизмати ҳаки брокер компанияси ва мижоз ўртасидаги келишув орқали аниқланади. Брокер хизмати ҳаки тузилган битимлар қийматининг ўндан бир, баъзида юздан бир фоизини ташкил этади. Тахминан битим қийматининг 1-2 фоизини мижозга маржа (суғурта тўлови) сифатида тўлаши керак. Товар биржаларининг вазифалари:

- *хўжалик субъектлари ёки қатнашувчи биржа воситачилари ўртасида биржса савдоси учун шароит яратиб бериши;*
- *биржса савдосини ўтказиши, товарлар бўйича талаб ва таклифни ўрганиши, зарурат тугилганда воситачи вазифасини бажарши;*
- *товарлар баҳосини аниқлаши ва уни маҳсус бюллетенларда чоп этиши;*
- *биржса битимларини расмийлаштириши;*
- *биржса операциялари бўйича тортишиувларни ҳал этиши;*
- *товар оборотини ўрганиши, тартибга солиши ва енгиллаштириши билан боғлиқ бўлган операцияларни бажарши.*

Товарларни биржада савдо қилиш – бозорда олиб бориладиган савдо сингари амалга оширилади. Харидор товарни кўргандан кейин, сифати, сертификатига қараб баҳо кўйилади. Бундан ташқари, товарларнинг намунасини ярмаркага ёки улгуржи бозорга қўйиш орқали ҳам савдо қилинади.

Икки томонлама битимлар тузишида (форвард-битим) – сотувчи ва харидор маҳсулотни етказиб бериш, қабул қилиш, унинг сифати, етказиб бериш муддати, баҳоси, уни аниқлаш услуби ва бажарилган битимга ҳақ тўлаш қоидаси тўғрисида мажбурият оладилар.

Икки томонлама форвард битим барча товарга тузилиши мумкин. Бозорда сотиладиган товардан фарқи, шартномада маҳсулотларнинг стандарт кўрсаткичлари кўрсатилади.

Фьючерс ёки шошилинч битим – товар ишлаб чиқарувчи биржа хизматчиси брокерга ҳали етиштирмаган маҳсулотини, баъзида экилмаган экин учун битим тузишида воситачилик қилгани учун, маълум микдордаги пулни беради. Брокер олинадиган маҳсулот ҳажмини мўлжаллаб, у билан узоқ муддатли битим тузади.

Фермер юқори ҳосил олгандан кейин, ҳосилнинг маълум қисмини ўзида қолдириб, брокерга ҳам белгиланган улушини беради. Брокер зиён кўрмайди, у воситачилиги учун олинган ҳақни олгандан кейин, шартномага кўра етиштирилган ҳосилнинг бир қисмини қабул қиласи ва тузилган битим асосида тегишли шахсга ёки ташкилотга маҳсулотни беради.

Агар ҳосил бўлмай қолса, товар ишлаб чиқарувчи брокерга ҳосилни олиш учун зарур бўлган воситаларни (уруглиқ, машина, ўғит ва бошқалар) қайтармайди. Бу ҳолда брокер ютқазади. Фьючерс битими қатнашчилари бўлажак бозорни баҳолайди ва ишлаб чиқарувчи даромадини (режалаштирилган ва ҳақиқий баҳолар ўртасидаги қолдик) олишга умид қиласи, харидор эса сотиб олинган шартномани юқори баҳода сотишга мўлжаллаб иш юритади.

Фермер баҳонинг тушишидан келадиган хавф-хатар(зарар)ни камайтириш ва олдиндан белгиланган максимал миқдордаги даромадни олиш учун савдо опционидан фойдаланади.

Опцион – бу иккала шартнома тузувчилар ўртасидаги битим бўлиб, бунда улардан бири мукофот олади, сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олади, бошқаси мукофот пулини тўйайди ва маълум товарни белгиланган вақт давомида аниқ баҳода сотиш ҳуқуқини олади.

Маркетинг инфратузилмасининг таркибий қисми фонд биржалари ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси вақтинча фойдаланмаётган пул маблағларини қайта тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сотиш, харид қилиш билан боғлиқ бўлган биржа операциялари (акция, облигация, банк сертификатлари, хазина мажбуриятлари ва бошқалар)ни амалга ошириш учун қулай шароит яратишдан иборат. Фонд биржалари бу ташкилий расмийлаштирилган, мунтазам фаол ишлаб турувчи бозор бўлиб, бунда қоидага кўра қимматбаҳо қоғозлар савдоси амалга оширилади.

Қисқача хulosалар

Республика аграр соҳасида маҳсулотни етиштириш бозор муносабатларида шаклланган бўлиб, унинг самараси бозор муносабатларига аосланган. Маҳсулотларни етиштиришнинг турли усулларидан фойдаланилмоқда. Асосан, давлат буюртмаси, фъючерс шартномаси, контрактация шартномаси ҳамда эркин савдога чиқиб ўз маҳсулотлари товарлилик даражасини оширишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, пахтанинг, ғалла ва шолининг бир қисми тадбиркорнинг ўз ихтиёри билан келишилган баҳода сотилиши ҳам моддий манфаатдорликни оширмоқда.

Тайёрлов ва чет эл компаниялари билан инвестиция ҳамкорлиги асосида шартнома усулида маҳсулот етиштириш дехқонга катта иқтсадий ишонч туғдиради. Чунки ўз маҳсулотини олувчи харидор борлиги, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш исрофгарчиликка йўл кўймаслик, ҳамкорлик талаби бўйича маҳсулотни сифатли етказиб бериш манфаатдорлиги ошмоқда. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш ва уни сотиш маркетинг хизмати бўлиб, уни ташкил этиш ҳар бир раҳбарнинг асосий мақсади бўлиши керак.

Ҳазорат ба мухокама учун саволлар

1. Ҳамк хўжалигига кишилек хўжалик маҳсулотлафиши етиштириши заруриятини тушиунифириб беринг.
2. Кишилек хўжалик маҳсулотлафиши сотилиш йўллафиши айтинг.
3. Маҳсулот хафидоргирилигини оширишидаги чора-тадбирларни изоҳланг.
4. Кишилек хўжалик маҳсулотлафиши қайта шиласи, саклани ва сотилишинг замонавий усулафи нимада?

- 5. Маркетинг тушунчаси нима?*
- 6. Маркетинг хизматига нималар киради?*
- 7. Маркетинг хизмати кандай ташкил этилади?*

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари». –Т.: «Ўзбекистон», 1995. 71 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. –Т.: 2006 йил, 11 январ, 2 сон.
3. «Маркетинг». –Т.: «Ўқитувчи», 1997, 167 б.
4. Петранева Г. А. Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
5. Салимов Б. Т. ва бошқалар. «Фермер ва дехқон хўжаликлари иқтисоди». –Т.: «ТДИУ», 2004, 142 б.
6. Сельскохозяйственные рынки. Москва. 2000 й.
7. Тошматов Х., Қаландаров О., Ризаев Ч. «Қишлоқ хўжалигига маркетинг асослари» –Т.: «Билим», 1996, 106 б.
8. Дайджест-журнал «Фермер». www.chshb.ru
9. ЛБР - сельскохозяйственная техника, комбайны, косилки, сеялки, запчасти к сельхозтехники www.lbr.ru
10. Сельскохозяйственные рынки. Москва. 2000 й.
11. Носиров П., Абдуллаева Ш. «Маркетинг – бозор иқтисодиёти асослари», -Т.: «Ўзбекистон» 1994, 230 б.

Х БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

10.1. Иқтисодий алоқалар тушунчаси. Шартнома ва уни тузиш йўллари

Иқтисодий алоқалар фермер хўжалиги фаолиятида ишлаб чиқариш, иқтисодий, хуқуқий муносабатлар асосида шакланади ва юқори самарадорликка эришилади. Моддий таъминот, сервис хизматлари билан фермер хўжалиги ўртасидаги иқтисодий алоқалар замирида иқтисодий манфаат шаклланиб, хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмлари орқали тартибга солинади. Хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмларига режалаштириш, баҳо, солик, молиялаштириш ҳамда кредитлаш, шартномавий муносабатлар ва ҳоказолар киради.

Фермер хўжаликларининг бошқа тармоқлар (саноат, айниқса, қайта ишлаш, уруғлик, минерал ўғитлар, техника билан таъминловчи тармоқлар корхоналари ва ҳ.к.) билан иқтисодий алоқалари шартнома асосида олиб борилади. Шартномада шартнома шартлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, ҳар иккала томон манфаатлари йўлида амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари ёлланма ишчи ходимлари билан иқтисодий алоқаларини меҳнат шартномаси асосида олиб боради. Давлат органлари билан эса солик, нафақа таъминоти, экология, банк, молия, сугурта тизимлари билан иқтисодий алоқалар олиб боради.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётiga ўтиши муносабати билан турли мулкчилик шаклларида фаолият кўрсатаётган субъектлар ўртасидаги муносабатлар қонуний хужжатлар асосида ташкил этилмоқда. Чунки, хуқуқий ёки жисмоний шахслар (субъектлар) ўртасида тузиладиган барча турдаги шартномалар уларнинг молиявий фаолиятини қонунчилик йўли билан мувофиқлаштиради, ҳақ -хуқуқларини белгилайди ва ҳимоя қиласди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топди ва ўзаро иқтисодий муносабатлар қонун йўли билан ҳимояланди.

Фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан бўладиган иқтисодий муносабатлари шартнома асосида амалга оширилмоқда.

Фермер хўжаликлари пахта, ғалла, мева, сабзавот, полиз, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан истеъмолчига етказиб бериш жараёнларида турли тайёрловчи, қайта ишловчи ва сервис хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар асосида фаолият кўрсатмоқда.

Аксарият фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича тегишли хўжалик субъектлари билан шартномалар тузишда маҳсулотларни ҳимоялаш, яъни сугурталаш, иқтисодий ҳамда хуқуқий маслаҳат марказлари хизматларидан, чет эл инвестициялари ёки микрокредитларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш ишларида қийинчиликларга дуч келмоқда.

Фермер хўжаликларининг тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ва қайта ишлаш корхоналари билан тузатётган шартномаларида томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари бир томонлама, яъни тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фойдасига ҳал бўлмоқда.

Шу сабабли, кўплаб фермер хўжаликлари асоссиз равишда зарар кўрмоқдалар.

Чунки фермер хўжаликлари раҳбарларининг шартнома тузиш бўйича етарли иқтисодий—хукуқий билим ва малакаларга эга эмас.

Республикада фермер хўжаликларининг ривожланаётганини ҳисобга олиб, шартнома муносабатлари ва уларнинг моҳияти ҳақида тушунча бериш уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга катта ёрдам беради. Томонлар ўртасида шартноманинг келишув шартлари Ўзбекистон Республикаси «Фуқоралик кодекси»да **«Икки ёки бир неча шахснинг фуқоралик хукуклари ва бурчларини вужулга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш хақидаги келишуви шартнома дейилади»**-деб изоҳ берилган.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳам ўзаро келишган ҳолда қонунчилик ҳужжатлари асосида бир-бирлари билан шартнома тузишлари мумкин.

Томонлар шартнома тузишдан олдин, унинг моҳияти, оқибати томонларнинг молиявий ҳолатига таъсири қандай бўлишини тўла ўрганиб чиқишилари керак.

Шартномани тузиш икки босқични биринчи томон таклиф этиши (оферта дейилади) ва иккинчи томон ушбу таклифни қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги (акцепт дейилади) босқичларини ўз ичига олади.

Шартномалар эркин тузилади. Уни мажбурий тарзда тузиш қонунчилик ҳужжатларига асосан тақиқланади ва жиноят ҳисобланади.

Шартнома битта маҳсулот ёки хизмат турига тузилиши мумкин. Шунингдек, айрим ҳолларда бир неча маҳсулот ёки хизмат турларига шартномалар тузишга тўғри келади. Бундай шартномалар аралаш шартномалар турига киради.

Тузилаётган шартномалар бешта муҳим ва битта кўшимча бўлимдан иборат бўлиб, унда кириш, шартнома мазмuni, томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, томонларнинг жавобгарлиги ва кўшимча шартлари бор. Шартнома тузишида томонларнинг розиликлари билан уларга кўшимчалар қилиниши ёки илова тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳолларда фермер хўжаликлари раҳбарлари шартноманинг қайси асосий шартлари қонунчиликда бевосита белгилаб қуйилганлигини ва қайси шартлар ўзаро келишиш йўли билан тузилишини билиш керак.

«Фуқоралик кодекси»нинг 364-моддасига мувоффиқ, томонларнинг ўзаро келишув асосида шартноманинг барча асосий ва кўшимча шартлари бўйича имзоланган шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартномаларнинг кириш қисмида:

- шартноманинг тўлиқ номи (матни, ҳар хил талқин қилмаслиги учун) ва раҳами;
- имзо чекилган йил, ой ва кун, яъни томонларнинг имзо чеккан вақти, энг муҳими шартнома муддати, яъни унинг кучга кирган вақти ва унинг охирги муддати;
- имзо чекилган жой;
- томонларнинг манзилгоҳлари, тўлиқ номлари, уларнинг хукуқий мақоми;
- шартномалар матнининг қисқа ва тушунарли бўлиши учун тарафлар номланиши зарур. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасида «Маҳсулот етказиб берувчи» ёки «Сотиб олувчи», ижара шартномасида «Ижарага берувчи» ва «Ижарага олувчи» ёки шунга ўхшаш «Таъминотчи», «Истеъмолчи», «Буюртмачи» каби бошқа номлар аниқ кўрсатилиши шарт.

Шартноманинг мазмунида унинг мақсади, умумий суммаси, миқдорига таъриф берилади ва улар ўзаро келишилган ҳолда ушбу бўлимда батафсил акс эттирилади.

Шартноманинг мазмуни дехкон ва фермер хўжаликларининг қандай турдаги маҳсулот етказиб бериши, сотиши, хизматдан фойдаланиши каби йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Бунда асосий шартлар билан биргаликда томонларнинг ўзаро келишувларига асосан, белгиланган шартлар ҳам акс эттирилиши, шунингдек, маҳсулот ёки хизмат турининг ўлчов бирликларининг тўғри қўйилишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Шартномаларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари қисмида шартнома шартларини бузган томонга нисбатан қўлланиладиган чоралар акс эттирилади ва улар томонларнинг ўз мажбуриятларини белгиланган муддат ва миқдорларда бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлади.

Шартнома шартларини бузганлик ёки муддатларга риоя қилмаслик ҳолатлари учун жавобгарлик «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-32- моддаларига асосан, қўлланилади. Аксарият ҳолларда шартнома шартлари бузилганда, шартномани бузган томон иккинчи томонга жарима ёки пеня тўлайди.

Ушбу Қонуннинг 25-моддасига кўра, товарларни етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) муддатларини бузганлик учун товар етказиб берувчи (масалан, пудратчи фермер хўжалиги ва бошқалар) сотиб оловчига (буортмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида, лекин унинг 50 фоизидан ошмаган миқдорида пеня тўлайди, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) хақини тўлашдан бош тортганлик ва тўлов талабномасини бутунлай икки қисмини рад этганлик учун сотиб оловчига (буортмачи) маҳсулот етказиб берувчи(фермер, пудратчи)га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи, лекин ушбу сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорида жарима тўлайди.

Мазкур қонунда, шунингдек, «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғриси»даги Низомда кўзда тутилган бошқа жарима чораларини фермер хўжаликлари раҳбарлари яхши билишлари ва уларни тегишли корхона, ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларда ўз ҳак-хукукларини химоя қилиш мақсадида оқилона фойдаланишлари лозим.

Шартноманинг «Бошқа шартлар» бўлимида – шартноманинг қучга кириш вақти аввалдан келишилганлигини инобатга олиб, ушбу вақт ўзгариши ёки бошқа кўзда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда шартномаларнинг бажарилиши қандай амалга оширилиши кераклиги ёки шартнома юзасидан шартномани бажариш давомида содир бўлиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал қилиш, шартномани ўзгартириш ёки уни бекор қилиш шартлари ва тартиб, шартнома асл нусхасининг миқдори ва бошқалар кўрсатилади.

Шартноманинг имзоланишига ваколат берилган шахснинг тўлиқ исми, отасининг исми ва фамилияси, тарафларнинг манзили, почта, банк, реквизитлари, алоқа усувлари каби мулоқотлар аниқ кўрсатилиши шарт. Фермер хўжалигига контрактация шартномалари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрда «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 383-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга биноан, «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлаш, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни

рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида Низом» тайёрланди ва тасдиқланди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши фермер хўжаликлари билан бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, моддий техника ресурсларини етказиб бериш, механизация ишларини бажарувчи, хўжаликларга сервис, агрокимё, агротехника хизматлари ва ҳоказо ташкилотлари ўртасида тузиладиган контрактация шартномаларида ўз ифодасини топади.

Контрактация шартномаларида тайёрловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган муддатларда бериш, харид қилувчи эса келишилган муддатларда ҳақ тўлаб ушбу маҳсулотни сотиб олиш мажбуриятини олади.

Моддий-техника ресурслари таркибига киравчи эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқаларни етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома бўйича етказиб берувчи ташкилот хўжаликка ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид қиласидаги моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади. Ўз навбатида хўжалик эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган, яъни келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятларини олади.

Белгиланган тартибда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш мавжуд бўлган тақдирда тайёрлов ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишни маблағ билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузадилар.

Тузилган барча турдаги шартномалар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилиши белгиланган.

Шартномаларда, уни тузиш тартиби, яъни мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти миқдорининг ҳажми, сифати нархларининг тури ва ҳисоб-китоблар тартиби ва шакли ҳамда муддатлари шартноманинг умумий суммаси, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, маҳсулотни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш, қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) жойлари ва муддатлари (давлат), шартноманинг мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги, шартномалар бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби ва якуний қоидалари акс эттирилади.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг нави ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Янги Низомга мувофиқ, шартномаларни ўз вактида тузиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга етказиб бериш, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга юклатилади ва уларнинг жавобгарлиги оширилади. Ушбу корхоналарнинг вакиллари шартномалар тузиш учун бевосита қишлоқ хўжалиги етиштирувчилар манзилига боришлари белгилаб қўйилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш 7 та босқичда амалга оширилади:

1-босқичда, асосан, шартномалар тузишга, агротехника тадибирлари бошланишидан бир ой олдин тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар тайёргарлик кўра бошлиди.

2-босқич. Қишлоқ хўжалик корхоналарига шартномалар 7 кун мобайнида кўриб чиқши ва имзолаши учун тақдим этилади.

3-босқич. Тайёрлов, хизмат кўрсатиши ва бошқа ташкилотларга шартномаларни рўйхатдан ўтказши учун 3 кун муҳлат берилади.

4-босқич. Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига шартномаларни рўйхатдан ўтказши учун 3 кун муҳлат берилади.

5-босқич. Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига шартномаларни рўйхатдан ўтказгандан кейин тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларга тарқатии учун бир кун муҳлат берилади.

6-босқич. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, тайёрлов хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 2 кун ичida шартномаларни хўжаликка етказши топширилади.

7-босқич. Таёйловчи, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами шартнома шартлари бажарилгандан сўнг, 3 кун ичida шартномаларни сақлаши учун топширилади.

Янги намунавий шартномада томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари тўла акс эттирилган. (2-илова)

10.2. Фермер хўжаликларининг фаолиятидаги мувофиқлаштирувчи иқтисодий алоқалар

Республикамизда фермер хўжаликлири сонининг ортиши билан маҳсулот етиширишда уларнинг салмоғи ошмоқда. Шунинг учун, фермерлар фаолиятини, давлат ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Фермер хўжаликлири сони кўпайиб бориши билан уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга хукumat томонидан катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 18 марта даги «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 апрелдаги 215-сонли Қарори билан Республика шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

Ўша пайтга қадар куйи бўғинда мустакил фермер хўжаликлар ва жамоа хўжаликлар негизида ташкил этилган ички фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг республикадаги барча туманларда, шунингдек, баъзи вилоятлар бўйича уюшмалари тузилган бўлиб, мамлакат миқёсида эса, бу уюшмалар фаолияти қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи «Деҳқон (фермер) хўжаликлари бошқармаси» томонидан мувофиқлаштирилар эди. Фермер хўжаликлари фаолияти вилоят ва туманларда икки йўналишда: туман ва вилоят фермер хўжаликлари уюшмасида ва қишлоқ хўжалик бошқармалари орқали мувофиқлаштириларди.

Фермерлар уюшмаси эса бевосита фермер хўжаликлари билан иш олиб боради. Топшириқ ва вазифаларни вилоят вакиллиги ва туман ҳокимиятидан олиб, ўз навбатида

вилоят вакиллиги фаолиятини такрорлайди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда ташаббус кўрсатиб, фермер хўжаликларига бевосита амалий ёрдам бера олмайди. Уюшманинг асосий вазифаси вилоят вакиллиги ва маҳаллий ҳокимиятлар буйруғига биноан, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва фондларни марказлашган усулда тақсимлаш, моддий-техника ресурсларини фермер хўжаликларига етказишидир.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликларининг фаолияти давлат томонидан имтиёзли қарзлар, субсидиялар ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар ҳамда квоталар ёрдамида тартибга солиниб турилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиёти қонунлари асосида, маҳсус давлат дастурлари орқали амалга оширилади.

Тарқатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ўртача 5-6 кишидан иборат «Фермерлар бирлашмаси» ёки «Фермерлар уюшмаси» тузилган. Уюшмада зироатчи муҳандис, муҳосиб, иқтисодчи каби мутахассислар бўлиб, фермер хўжаликлари томонидан ажратилган ажратмалар ҳисобига фаолият юритади.

Уюшмалар ҳозирги кунда кўпроқ фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва ҳуқуқий ҳимоя қилувчи эмас, балки назорат қилувчи органга айланиб қолмоқда.

Шунинг учун, ёппасига тарқатилган хўжаликлар заминида ташкил топган фермер хўжаликлар ўзаро ихтиёрийлик асосида кооперация шаклида бирлашишлари мумкин. Кооперация раиси, унинг ижроия органи демократик асосда фермерлар томонидан сайланиб, унинг фаолияти фақатгина фермер хўжаликларига барча зарурий таъминот сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишдан иборат бўлади.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий ташкилот фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги «Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 168-сонли қароридан мақсад белгиланган фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишдан иборатдир.

10.3. Фермер хўжалигига бизнес режа ва уни тузиш йўллари

Фермер хўжаликлари мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар сифатида кам харажатлар ҳисобига бозоргир, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, даромади миқдорини оширишни асосий вазифа даражасига кўтариши лозим. Харажатларни камайтиришнинг бирдан-бир тўғри йўли бу етиштирилаётган маҳсулот бирлиги, экин майдонлари ёки чорва моллари бош сони ҳисобига сарфланаётган меҳнат ва моддий-техник ресурслар миқдорини камайтиришни йўлга қўйишдир.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқиладиган бизнес режалар ушбу меъёрларга асосланиши лозим.

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёрлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар маълум ҳосилдорлик кўрсаткичларига боғланган ва ҳосилдорлик ўзгариши билан сарф харажатлар миқдори ҳам ўзгариши мумкин.

Хосилдорликнинг ўзгаришига ўғитлар, меҳнат сарфи, ёқилғи миқдори таъсир этса, бир гектарга сарфланадиган уруғлик миқдорига таъсир этмаслиги мумкин.

**10.3.1-жадвал . Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар
ерга сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар меъёрлари**

Дон	42	134	220	164	420	210	147	63
Шу жумладан, ғалла	42	134	220	164	420	210	147	63
Пахта	27	964	45	340	485	220	155	110
Картошка	120	900	4000	325	240	110	75	55
Сабзавот	220	1680	20	200	285	135	95	55
Мева	40	800	x	263	270	120	85	65
Узум	40	2000	x	333	295	135	90	70
Беда	120	123	16	294	240	100	90	50
Макка силос	300	46	40	250	330	150	105	75
Жами	x	629	x	291	x	x	x	x

Фермер хўжаликларига маҳсулот етиштириш ва экинларни парваришилаш бўйича ишлаб чиқилган харажатлар меъёрларини мажбурий эмас, балки тавсия сифатида қараш лозим, чунки фермернинг моддий ва меҳнат харажатлари меъёридан ортиб, маҳсулот таннархи ошиб кетиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 июнданги 317-сонли Қарори ва Республика Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигини 1997 йил 28 июнь 186-сонли «1998-2000 йилларда пахта, бошоқли дон экинлари, шоли ва картошка экинлари майдони тўғрисида»ги Буйруғига ва вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан хўжаликларга етказиладиган топшириклар асосида ҳамда қолган экин турларини экишда хўжаликларнинг ўzlари бозор талабларини ўргангандан ҳолда, талаб этиладиган майдонларни белгилашлари, хосилдорлиги ўртача 3-йилликдан кам бўлмаган миқдорда белгилаб, тўлдирилади.

Меҳнат ва моддий харажатлар меъёри – меҳнат сарфи (киши/соат), уруғ, ёқилғи мойлаш материаллари ва минерал ўғит Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи

ўринбосари томонидан 1997 йил 7 апрел 11/48-81-сонли хати билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишга талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари» нинг 1, 6, 9, 10, 38 – жадвалларида белгиланган ҳосилдорлигига тегишли меъёрлардан олиб қўйилади.

№1 жадвални тўлдириш учун хўжаликларда экин турлари бўйича, тупроқларнинг хусусиятларига кўра эса минерал ва маданий ўғитларнинг аниқ ҳисоб-китоби бўлиши ва иш ҳисоб-китоблар асосида хўжалик бўйича ҳар бир экин экиладиган майдон тупроғининг хусусиятларига кўра эса минерал ва маданий ўғитларнинг аниқ ҳисоб-китоби бўлиши ва иш ҳисоб-китоблар асосида хўжалик бўйича ҳар бир экин экиладиган майдон тупроғининг хусусиятларига кўра, уруғ, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ва маданий ўғитларнинг талаб меъёри тўғрисида ҳисоб-китоб чиқарилади.

Жадвал-2. «Ердан фойдаланиш». Ушбу жадвал -1.XI.1997 йилги кўрсаткичга, асосан, (29.к/х) тўлдирилади.

Жадвал-3. Дехқончилик маҳсулоти ишлаб чиқариш.

Ушбу жадвални тўлдиришда белгиланган меъёрлар (жадвал 1.) экин майдонларига кўпайтирилиб киши/соати, уруғлик, ЁММ ва ўғитлар миқдорлари аниқланади ва 5, 7, 9, 11 устунларга қўйилиб, уларнинг қийматлари жорий йилдаги хўжаликка кирим қилинадиган баҳолар билан ҳисобланади. Энг аввало, хўжаликларда ҳар бир экин тури бўйича агротехника чора-тадбирлари тузилган бўлиши ва шунга асосан, 3-Жадвал ҳисоб-китоб қилиниб тўлдирилади.

Солик тўловлари Республика хукумати томонидан белгиланган меъёрлар даражасида ҳисоб-китоб қилиниб, маҳсулот таннархига қўшилмаган ҳолда хўжаликнинг молиявий натижасида кўрсатилади.

Асосий воситаларни сақлаш (14-устун)-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарорига мувофиқ, 1997 йил 1 январдан 5-гурухга бирлаштирилди ва гурухлар бўйича асосий фондларнинг йиллик амортизацияси нормалари қуйидагича ҳисобланади:

- бино, иншоот ва қурилмалар 5 фоиз;

- енгил автобуслар, такси, йўллардан фойдаланиш учун мўлжалланган автотехникалар, маҳсус қурилмалар, инвентар ва мосламалар, компьютерлар, маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган мослама ва ускуналар ҳамда қўйма ишлаб чиқариш, темир-прессловчи, қурилиш, қишлоқ хўжалиги машина ва асбоб-ускуналари, идора учун мебел 15 фоиз;

- автомобиль транспортининг ҳаракат қилувчи қисми, юқ ташиш автомобиллари, автобуслар, маҳсус автомобиллар ва автоприцеплар. Саноатда барча тармоқлардаги машина ва асбоб-ускуналар ҳамда қўйма ишлаб чиқариш, темир-прессловчи, қурилиш, қишлоқ хўжалиги машина ва асбоб-ускуналари, идора учун мебель 15 фоиз.

- бошқа гурухларга киритилмаган амортизацияланадиган (эскирадиган) активлар 10 фоиз.

- темир йўл, дengiz, ҳаво транспорти воситалари, куч машиналари, иссиқлиқ техникаси, трубина асбоб-ускуналари, электро-двигателлар ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа мосламалари 8 фоиз. Юқорида кўрсатилган фоизларнинг ҳисоб-китобини қилиш учун хўжаликнинг 1997 йил ҳисобидаги асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги 3-жадвал 12-устун йил охирида қолдик олинниб, унга 1998 йилда олинадиган асосий воситалар, қишлоқ хўжалик машиналари ва инвентарлари қиймати қўшилиб, умумий қиймат

аниқланади ва гурухлар бўйича йиллик амортизация нормалари фоизи ва суммаси ҳисобланади ҳамда ҳар бир техниканинг қишлоқ хўжалик экин турлари бўйича бажарилган иш ҳажмларига мутаносиб равишда тақсимланиб маҳсулот таннархига қўшилади ва 14-устунга қўйилади.

Ишлар ва хизматлар 15-устун – Хўжаликларга шартнома асосида хизмат кўрсатаётган ташкилотлар ва корхоналар хизмати учун тўланадиган харажатлар, сув таъминоти хўжаликларидан суғориш ва бошқа мақсадларга олинган сув учун тўланадиган пул маблағлари, хўжалик ичидаги ёрдамчи корхоналарнинг кўрсатган хизматларига тўланган харажатлар ҳисоб-китоби, ҳисоб-китоб йилидаги ҳақиқий харажатлардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Суғурта тўловлари 16-устун – «Ўзагросуғурта» Республика ташкилотининг худудий бўлинмалари билан ихтиёрийлик асосида маҳсулот турларига алоҳида шартнома тузилади ва ушбу устунга қўйилади.

Умумий ишлаб чиқариш харажати 17-устун. Бу харажатга хўжаликнинг штат жадвалида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳамма турлари ҳамда хўжалик харажатларининг ҳисоб-китоби экин турлари бўйича олиб борилади. Ушбу харажат микдори умумий харажатдан уруғ қиймати чегиришидан қолган қисми мутаносиб тақсимланиб, экин турларига олиб борилади.

Бошқа харажатлар (18-устун). Юқорида кўрсатилган харажат турларига тааллуқли бўлмаган, аммо ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ушбу устунда экин турлари бўйича кўрсатилади.

Юқорида кўрсатилган барча харажат турларининг қийматдаги йифиндиси 4-устунда ифода этилади. Маҳсулот турлари бўйича жами харажатлар суммасидан қўшимча маҳсулот қийматини чегиришдан қолган суммасини (4-устун) маҳсулот микдорига (20-устун) тақсимланганда (4-устун:20-устун) 1 центнер маҳсулотнинг таннархи аниқланади ва 23-устунда қайд этилади.

Маҳсулотлар ҳосилдорлигини аниқлашда, уларнинг асосий ва қўшимча маҳсулотлари аниқ белгиланиши 20-устунда қайд этилиб, белгиланган микдори (20-устунни) экин турлари бўйича экилган майдонга (3-устун) нисбати ҳар бир гектардан олинган ҳосилдорликни билдиради ва 21-устунда қайд этилади.

Жадвал 4, 5, 6, 7. Моллар, паррандалар, ҳайвонлар (бош сони) ва асалари оиласи сонининг мавжудлиги, маҳсулдорлиги, ем-ҳашак сарфи.

Ушбу жадвалларни тўлдиришда хўжаликнинг 1997 йилги йиллик ҳисоботи (13-жадвал)дан 6, 7, 8-маълумотлардан олиниб, чорвачиликда пода ҳаракати бўйича хужжат (ведомость) тузилади.

Пода ҳаракати хужжатига асосан, чорва молларининг бош сонлари йил боши ва охиридаги ўзгаришлари, кирим ва чиқимлари, уларнинг тирик оғирлиги ва умумий баҳоси 4-жадвалда қайд этилади.

4-жадвалдан ва пода ҳаракати хужжатидан келиб чиқкан ҳолда моллар ва паррандаларнинг тирик вазни ўсиши, 5-жадвалнинг 4-5устунларида кўрсатилади.

Бундан ташқари, аҳолидан шартнома асосида олинадиган маҳсулотлар: сут, гўшт, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар ҳам тўлиқ кўрсатилиши зарур.

Молларнинг маҳсулдорлиги (6-жадвал). Ушбу жадвалдаги моллар ва паррандалар бош сонлари 4-жадвалнинг 3-устунига мос равишида уларнинг маҳсулдорликлари ва жами маҳсулот миқдори ҳисоб-китоб қилиниб чиқарилади.

7-Жадвал. Моллар ва паррандаларнинг озуқаларга бўлган эҳтиёжи ва уларнинг таъминоти.

Ушбу жадвалда пода ҳаракати ҳужжати бўйича хўжалиқдаги чорва молларининг турлари бўйича талаб этиладиган озуқалар миқдори озуқа бирлигидан, шу жумладан, концентрат озуқа ва унинг жами қиймати аниқ ҳисоб-китоб қилинади. Бундан ташқари, талаб этиладиган озуқанинг қанча миқдори сотиб олиниши ва унинг қиймати, шунингдек, 1 цент.маҳсулотга сарфланадиган озуқа бирлиги меъёрлар қўлланмасининг 17-30 жадвалларига асосан аниқланади.

8-Жадвал. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи. Ушбу жадвални тўлдиришда «Бизнес-режа»нинг 3-жадвалини тўлдириш тартибида, шунингдек, меъёрий қўлланмадаги меъёрлардан келиб чиқсан ҳолда, киши/соати, озуқа миқдори ва ёқилғи-мойлаш материаллари белгиланади ҳамда уларнинг қийматлари жорий йил баҳосида ҳисобланади.

9-Жадвал. Маҳсулот баланси. Ушбу жадвални тўлдиришда хўжаликнинг 1997 йил ҳисботида маҳсулотлар турлари бўйича қолдиқ олинади ва унинг миқдори 3-4 устунларда кўрсатилади. 1998 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича миқдор ва қийматлари 5-6 устунларда, сотиб олинидиган ва бошқа киримлар миқдори ва қийматлари эса 7-8 устунларда кўрсатилади. Жами кирим қилинган маҳсулотлар тури миқдор ва қиймат ҳолида 9-10 устунда жамланади.

Йил давомида чиқим қилинадиган жами маҳсулот турлари, шу жумладан, давлат буюртмаси ва шартнома асосида сотиладиган маҳсулотлар миқдори ва қиймати 11-12-устунларда, хўжалик аъзоларига ва иссик овқат учун ишлатиладиган маҳсулот турлари миқдори ва қиймати 13-14-устунларда, эркин бозорда сотиладиган маҳсулотлар 15-16-устунларда, бартер асосида айирбошланадиган маҳсулотлар 17-18-устунлар, хўжаликнинг чорва моллари ва уруғлик фондиган ажратиладиган маҳсулотлар 19-20-устунларда кўрсатилиб, жами кирим маҳсулотларидан (9-10-устун) юқорида кўрсатилган чиқимлар чиқарилиб, йил охирида қолдиқ миқдори маҳсулот турлари бўйича режа таннархида кўрсатилади (21-22-устунлар).

10-Жадвал. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиши. Ушбу жадвални тўлдиришда маҳсулотлар миқдори (1-устун) кўрсаткичи кондицион ҳисобга ўтган ва табиий ҳолларда олинади. Сотиладиган маҳсулотларнинг таннархи (2-устун) бизнес-режанинг 3-8-9 жадвалларидан келиб чиқсан ҳолда тўлдирилади. Маҳсулотларни сотишдан тушган пул даромадини ҳисоблашда (3-устун) уларга белгиланган давлат буюртмалари алоҳида ҳисоб-китоб қилиниб, шартнома асосида сотиладиган қисмига қўшилади ва ўртacha нарх чиқарилади. Ҳар бир маҳсулот учун фойдалилик даражаси 25-30 фоиздан қўшиб, сотиладиган маҳсулот миқдорига кўпайтирилади ва олинган сумма 3-устунга туширилади.

Молиявий натижা – 4-устунини тўлдиришда, сотиладиган маҳсулотнинг таннархи (2-устун) ва сотишдан тушган пул даромади ўртасидаги фарқ, маҳсулот турларини сотишдан олинган молиявий натижасини билдириб, 4-устунда қайд этилади. (фойда+; зарар -).

Бундан ташқари, хўжаликларда саноат корхоналари (13-жадвал), ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи, кичик ишлаб чиқариш корхоналари (14-жадвал) томонидан ишлаб чиқарилган

маҳсулот харажати ва сотишдан келган даромадлари ҳамда олинган фойдалари 10-жадвалнинг 4-устунида кўрсатилади.

11-Жадвал. Умум хўжалик харажатининг маҳсулот етиштирувчи бўлинмаларига тақсимоти. Ушбу жадвални тўлдиришда, хўжаликда етиштирилган маҳсулотнинг қиймати 3-8-13 ва 14-жадваллардан олинади, умумхўжалик харажатлари эса 15 жадвалдан фойдаланиб тўлдирилиб ва 100 сўм маҳсулотга тўғри келадиган харажат ҳисобланади.

12-Жадвал. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари. Ушбу жадвални тўлдиришда Бизнес режанинг 3,8,13,14-жадвалларида барча харажатлар элементи жамланиб, харажат турлари бўйича 3-устунда акс эттирилади. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича тақсимланиб, 5,6-устунлар тўлдирилади.

15-Жадвал. Ходимларнинг сони ва истеъмолга йўналтирилган меҳнат ҳақи фонди. Ушбу жадвални тўлдиришда Бизнес режадаги 3,8,13 ва 14 жадваллардан ҳамда меъёрий қўлланмада белгиланган штатлар жадвалидан келиб чиқсан ҳолда ходимларнинг ўртacha йиллик сони аникланиб, 1-устунга туширилади. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори 2-устунга, рағбатлантириш 3-устунга ва йил якуни бўйича мукофотлаш 4-устунларда кўрсатилади.

16-Жадвал. Ташқи иқтисодий фаолият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (маҳсулот ва ҳом ашё). Ушбу жадвалда хўжаликлардан экспортга жўнатиладиган маҳсулотлар турлари бўйича уларнинг миқдори ва қиймати, шунингдек, импорт линияси бўйича қабул қилинадиган маҳсулотлари миқдори ва қиймати акс эттирилади.

17-жадвал. Мавжуд ва харакатдаги валюта. Ушбу жадвал хўжаликларнинг ҳисоб рақамида бўлган валюта тушуми мавжуд бўлган ҳолларда тўлдирилади.

18-жадвал. Пул даромадлари ва харажатлар баланси. Ушбу жадвалда жорий йилда ҳисоб рақамида қайд қилинадиган даромадлар манбаи, шунингдек, хўжаликни юритиш учун қилинадиган харажат турлари бандма-банд кўрсатилиб, хўжаликнинг жами даромади ва харажати тўлиқ таҳлил қилинади.

19-жадвал. Бюджетга тўловлар. Ушбу жадвални тўлдиришда хўжалик томонидан жорий йилда тўланиши зарур бўлган солиқлар, бошқа турли тўловлар ва ажратмалар турлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва 3-устунда акс эттирилади.

20-жадвал. Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичи. Ушбу жадвални тўлдиришда хўжаликдаги ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 3-8 жадвал Бизнес режанинг миқдори, 1996 йилнинг ўртacha баҳосида (таққослама) ҳисобланиб, режа қисмига кўйилади.

1997 йил ҳисоб йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шу йилнинг ҳақиқий баҳосида (ҳисобот йили 6-АПК).

1998 йил ишлаб чиқариладиган маҳсулот (Бизнес режа) 1997 йил баҳосида ҳисоб-китоб қилинади. Жадвалдаги қолган кўрсаткичлар ҳисобот йилининг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқсан ҳолда тўлдирилади.

21-жадвал. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи даромади. Ушбу жадвални тўлдиришда Бизнес режанинг 3,8, 10-жадваллардан фойдаланиб, ўсимликчилик ҳамда чорвачилик тармоқлари бўйича алоҳида ялпи маҳсулот қиймати (таннарх бўйича) ҳисобланади ва улар умумлаштирилади.

22-жадвал. Молиявий натижа. Ушбу жадвални тўлдиришда – маҳсулотларни сотишдан олинган даромад ва харажатларнинг суммаси 10-жадвалдан олиниади (Бизнес-режани сатр-010-5 устун, 060-6 устун) натижаси 070-5 устунсига, маъмурий харажатлар (090-6 устун) қўйилади. Қолган бандларда хўжаликнинг қўшимча оладиган даромади ва харажати бўлса тўлдирилади.

Бизнес-режада: пеня, жарима ва ноқонуний тўловлар тўланиши режалаштирилмайди.

Бизнес-режани тўлдиришда фойдаланиш учун: 1,2,3,4,5,6,7 ва 8-кўрсаткичли жадваллар илова қилинади.

10.4. Фермер хўжалигида банк иши ва кредитдан фойдаланиш

Фермер хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича кредит бериш икки турда амалга оширилади. Биринчидан, тижорат банклари томонидан микрокредит бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралдаги 464 сонли Қарори ва Адлия вазирлигининг 2000 йил 29 февралдаги 903 рақам билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш» Тартиби ва унга киритилган 1-сонли ўзгаришлар билан амалга оширилади.

Мазкур Тартиб тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларга микрокредитлар беришни тартибга солади. Тижорат банклари томонидан микрокредитларни бериш, қайтариш, тўлаш, таъминлаш, муддатли ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига бериладиган микрокредитлар деганда, кредит бериладиган кундаги Республика Марказий банки курси ҳисобида 10000 (ўн минг) АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади. Фақат деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитларнинг 50 фоизгача миқдорининг ахолидан чорва моллари, парранда, уруғлик ва кўчатларни сотиб олишига, 1,5 йил(18 ой)гача бўлган муддатга қайтариш шарти билан, нақд пулда берилишига рухсат берилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кичик (мини) ускуналарни харид қилиши;
- фермер хўжаликлирида хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириши ва кенгайтириши, шу жумладан қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиши, иниоотларни қуриши, уруғлик, чорва моллари, ёши чорва моллари, парранда, ем-хашик ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, кимёвий воситалари ва минерал ўгитларини сотиб олиши ўсимликларни ҳимоя қилиши;
- хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов берииш;

- меҳнат қуроллари, хом аиё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни ҳарид қилиши;
- ҳалқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишилаб чиқарии;
- ҳунармандчиликни ривожлантириши, уй меҳнати (касаначилик) ни ташкил қилиши;
- сервис хизмати ва майший хизмат кўрсатишни ривожлантириши;
- солиқ тўлашини ривожлантириши;
- саёҳтлик (туризм) соҳасини ривожлантириши;
- кичик кўламдаги ишилаб чиқаришларни ташкил қилиши.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаларининг миқдори қарз оловчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, кредит шартномаси асосида, аммо Марказий банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари хисобидан бериладиган микрокредитларда имтиёзли фоиз ставкаларини белгилаш тавсия этилади.

Микрокредитлар олиш учун банкка қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- микрокредит олиши учун кредит буюртмаси;
- пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режса;
- охирги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2 а)- шакл), шунингдек, 90 қундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солишириш далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2 шакл).

Олинган микрокредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз оловчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз оловчи банкка қўйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш хуқуқига эга:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки сугурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- сугурта компаниясининг қарз оловчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини сугурта қилгани тўғрисидаги сугурта полюси;
- фуқаро йигинларининг, маҳалла, қишлоқ, овул Кенгашилари кафиллиги.

Кредитлар мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади. Кредитлар алоҳида ссуда ҳисоб рақамини очиқ ва ушбу ҳисоб рақамидан қарз оловчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий-товар бойликлари учун нақд пулсиз, яъни пул ўтказиш йўли билан ёки микрокредитнинг 50 % фоизигача миқдорида нақд пул шаклида фақат деҳқон ва фермер хўжаликларига, улар томонидан тақдим этилган пул чекларига нақд пул бериш билан берилади.

Нақд пулда бериладиган микрокредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар белгиланган тартибда нақд пулда қайтарилади.

Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қоплашни кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин.

Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз оловчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисоб рақами орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса, 2 картотекага жойлаштирилади

ва календар навбати тартибida қайтарилади. Бунда фоизлар кредит қарзларидан олдин қайтарилади.

Тижорат банклари ўз низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияда берилган хукуқларга мувофиқ равишда, мазкур тартиб санаб ўтилган мақсадларни амалга ошириш пайтида, факат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом-ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан харид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин.

Чет эл валютасидаги микрокредитлар банклар билан қарз олувчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланадиган тижорат шартлари асосида, накд пулсиз шаклда берилади.

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санасидаги Марказий банкларнинг курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Асосий қарзни тўлашда хисоб рақамида чет эл валютасида маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда – тўлов санасидаги Марказий банкнинг курси бўйича миллий валюта тўланиши мумкин.

10.5. Фермер хўжаликларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш харажатларини кредитлаш

Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари орқали кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 8 ноябрдаги 124 сонли, Марказий банк бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 242-В сонли қарорлари билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январда 1285 рақам билан рўйхатга олинган «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида» Низом асосида амалга оширилади.

Низомда 2003 йил ҳосилидан бошлаб, Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида жойлашган фермер хўжаликларига, 2004 йил ҳосилидан бошлаб, Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида жойлашган фермер хўжаликларига ва 2005 йил ҳосилидан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятида жойлашган фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини молиялаштириш учун тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фонdlар хисобидан қуйидаги кредит ажратмалари берилиши белгиланган.

10.5.1-жадвал. Республикадаги деҳқон ва фермер хўжаликларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фонdlардан ажратилган кредитлар. (млн. сўм)

Қорақалпоғистон Республикаси	498	996	538,9	1077,8	40,9	81,8
Андижон	841,5	1683	1008,75	2017,5	167,25	334,5
Бухоро	1710	3420	1715,1	3430,2	5,1	10,2
Жиззах	1212	2424	1220,5	2441	8,5	17
Қашқадарё	1388,5	2777	1410,3	2820,6	21,8	43,6
Навоий	948,5	1897	965,1	1930,2	16,6	33,2
Наманган	416	832	619,75	1239,5	203,75	407,5
Самарқанд	1814,5	3629	1822,65	3645,3	8,15	16,3
Сурхондарё	787	1574	852,8	1705,6	65,8	131,6
Сирдарё	1401	2802	1413,25	2826,5	12,25	24,5
Тошкент	1362	2724	1376,85	2753,7	14,85	29,7
Фарғона	1540,5	3081	1253,05	2506,1	-287,45	-574,9
Хоразм	682,5	1365	998,8	1997,6	316,3	632,6
ЖАМИ	14602	29204	15195,8	30391,6	593,8	1187,6

2004 йилда 14602 фермерга 29204 миллион сўм кредит берилган бўлса, 2005 йилда 15196 фермерга 30391,6 млн.сўм кредит берилди. 2004-2005 йилларда кредит миқдори 1187,6 млн.сўмга ошди.

Кредитлар фермер хўжаликларига улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ғалла ва пахта хом-ашёси қийматининг 50 фоизигача миқдорида берилади.

Фермер хўжаликлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмининг қиймати «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» ДАҚ корхоналари (бундан кейинги матнда – тайёрлов корхоналари) билан тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиқсан ҳолда ўрнатилади.

Бунда, кредит миқдори тайёрлов корхоналари томонидан фермер хўжалигига етказиб бериладиган уруғлик маҳсулот қийматига камаяди. Кредит миқдорини аниқлаш учун кредит шартномасини тузиш вақтида харид нархлар асос қилиб олинади. Харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори қайта хисоблаб чиқилиши лозим.

Мазкур кредитлар фақат қуидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

- иш хақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;
- ёқилғи мойлаш материалларини харид қилиш учун;
- МТПлар, муқобил МТПлар, СФУлар (сувдан фойдаланувчилар уюшмаси) ва бошқа шахсларнинг хизматларига тўловлар учун;
- хўжалик ихтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун;
- молиявий лизингга берилган техника воситаларининг лизинг тўловлари учун;
- электроэнергия тўловлари учун;
- плёнка остига экиладиган пахтага полиэтилен плёнкасини харид қилиш учун;
- коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш хизматларига тўловлар учун;
- ягона ер солиги тўлови учун.

Бериладиган кредит миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган агротехкарталардан келиб чиқкан ҳолда, ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини бўйича ҳар бир харажат турининг энг кўп меъёри (қишлоқ хўжалик йилининг тегишли даврлари ёйилмаси билан) ҳар йили ҳосил учун тасдиқланади.

Фермер хўжалигининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, мазкур ой учун умумий ажратилган маблағлар фермер хўжаликлари томонидан бошқа рухсат этилган эҳтиёжлари учун (иш хақидан ташқари) ўрнатилган йиллик меъёр доирасида ишлатилиши мумкин.

Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин 18 ойдан кўп бўлмаган муддатда, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади. Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 5 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2,5 фоизи банк маржасини ташкил қиласи.

Фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилгандан сўнг, тўлов шартномаларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари, фермер хўжаликлари хизмат кўрсатувчи ҳар бир банк филиали бўйича маълумот тайёрлаб, кредитлашни расмийлаштириш учун уларнинг вилоят филиалларига тақдим этилади. Банкларнинг вилоят филиаллари ўз навбатида бу маълумотларни фермер хўжаликлари хизмат кўрсатувчи филиалларга етказади.

Фермер хўжаликлари кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варагига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этади.

Аризага қўйида хужжатлар илова қилинади:

- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;
- бизнес-режа;
- сўнгги ҳисобот даври учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1 шакл, дебиторлик-кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а шакл), муддати 90 кундан ошган қарздорларга солиштирма далолатномалар, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2 шакл).

Имтиёзли кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, банк давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида фермер хўжаликлари берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг

тадбиркорлик хавфини сұғурта қилиши мүмкін. «Ўзагросуғурта» компаниясینинг имтиёзли кредитларининг қайтмаслиги хавфини сұғурталаш шартномалари бўйича сұғурта бадаллари ҳажми олинаётган кредит суммасининг 1,25 фоизи миқдорида бўлади ва тижорат банкларининг ўз маблағлари хисобидан тўланади. Тақдим этилаётган кредит миқдори «Ўзагросуғурта» ДАСК билан келишилган сұғурта пулидан кўп бўлмаслиги зарур. Барча зарур хужжатлар тақдим этилгандан сўнг, банк фермер хўжалигининг аризасини қўриб чиқиши ва 5 кун муддат ичida у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Кредит шартномаси тузиш билан бир вақтда фермер хўжалигига ссуда ҳисоб варафи очилади. Тўловлар ссуда ҳисоб варағидан, қарз олувчининг тўлов топшириқномалари, асосан, накд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) фақат ушбу Низомда кўрсатилган мақсадлар учунгина амалга оширилади.

Тўловлар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- ойлик иш ҳақи тўловлари учун агротехкарталарда белгиланган меъёрларда;
- минерал ўғит ва ўсимликларнинг кимёвий воситалари учун тўловларда, маблағлар «Кишлоқхўжаликкимё» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК тегишли корхонасининг маҳсус 23222 ҳисоб рақамига ўтказилади. Био маҳсулотларни ширкат хўжаликларидан сотиб олишда, маблағлар уларнинг маҳсус 23222 ҳисоб рақамига ўтказилади;
- «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларнинг хизматлари учун тўловларда, маблағлар тегишли равишида бўлиниб, 50 фоизи уларнинг маҳсус 23218-сонли ва қолган 50 фоизи 23210 (23220) сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;
- ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва электроэнергия учун “Ўзнефтмаҳсулот” компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ва ширкат хўжаликлари тўловларда, маблағлар уларнинг маҳсус 23210 (23220) ҳисоб рақамига ўтказилади;
- муқобил МТПлар, СФУлар, бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда олинган маҳсулотлар учун тўловларда, маблағлар ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.

Кредитлардан фойдаланилганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолдигига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан:

- ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг июл ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача;
- пахта хом-ашёсини етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг ноябр ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача ундирилади.

Бунда фермер хўжаликлари кредитни ва унга хисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтаришлари мүмкин.

10.6. Фермер хўжалигига сұғурта

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, фермер хўжаликларини кутилмаган табиий оғат, баҳтсиз ҳодиса, яъни, авария ва бошқа ҳолатлардан зарар қўришдан ҳамда бу соҳада банд бўлғанлар ҳаёти ва саломатлигини химоялашнинг асосий йўли бу сұғурталаш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига сұғурта фаолияти мухим рол ўйнайди. Фермер хўжаликлари банкдан кредит

олишда гаровга қўйиладиган мол-мулкини, табиий офатлар туфайли бўлғуси пахта ва ғалладан, боғ ва узумзорлардан кам ҳосил олиш натижасида қўриладиган молиявий зарарни, лизингга олинган техникаларни, чорва ҳайвонларини, яйловлар ҳосилини, мол-мулкини ва бошқаларни сұғурта қилдиришлари мумкин.

Республикада қуидаги сұғурта компаниялари мавжуд:

1. «Ўзагросуғурта» ДАСК;
2. «Мадад» СА;
3. «Кафолат» ДСК;
4. «Ўзбекинвест» СА;
5. «Хусусий сұғурта компаниялари»;
6. «Чет эл сұғурта сұғурта компаниялари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 21 февралдаги Фармонига асосан Молия вазирлиги хузуридаги Давлат сұғурта Бош Бошқармаси негизида «Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик сұғурта компанияси ташкил этилди. Бу компания қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширувчиларнинг манфаати учун ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари ва қишлоқ ахолиси ўтасида қуидаги мажбурий сұғурта турларини амалга оширади.

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириши ишларини ўтказиши учун аванс тариқасида бериладиган ва фьючерс контрактлари бўйича маблагларни қайтариши сұғуртаси.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириувчиларнинг олган аванси учун гаровга қўйилган мол –мулк сұғуртаси.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириувчилардан ташқари корхоналарнинг гаровга қўйилган мол-мулк сұғуртаси.
4. Қишлоқ жойларида транспорт эгаларининг фуқоралик жавобгарлик сұғуртаси.

Вазирлар Махкамасининг мазкур қарори билан компанияяга ихтиёрий сұғурта турларини ривожлантириш топширилган. Бугунги кунда компания фермер хўжаликларига қуидаги ихтиёрий сұғурта турларини таклиф қилиб, амалга ошироқда:

1. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ихтиёрий сұғурталаш.
 2. Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экишни ихтиёрий сұғурталаш.
 3. Дехқон ва фермер хўжаликлари чорва молларининг сұғуртаси.
 4. Дехқон ва фермер хўжаликлари асосий воситаларининг сұғуртаси.
 5. Боғ ва узумзорлар ҳосили сұғуртаси.
 6. Фермер хўжаликларининг табиий пичанзорлари, яйловларининг ва тут дараҳтлари барглари ҳосилининг сұғуртаси.
 7. Пилла ҳосили сұғуртаси.
 8. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи томонидан жўнатиладиган юкларни сұғурта қилиш.
 9. Дехқон, фермер ва ижара хўжаликларининг мол-мулкини сұғурта қилиш.
 10. Машина-трактор парклари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) ва фермер хўжаликларига молиявий лизингга бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси (тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси)ни сұғурталаш.
 11. Фермер хўжаликларининг чорва молларини оқсил (яшур) касаллигидан сұғурта қилиш.
- Сұғурта мажбурий ва ихтиёрий равишда амалга оширилади.**

Мажбурий сұғурта давлат қонуллари ва тартибларида белгиланған ҳолда амалға оширилиб, давлат мажбурий сұғуртаси давлат томонидан ажратылған маблағлар ҳисобига амалға оширилади.

Сұғурта ташкилоти мажбурий сұғурта қилинған объектларнинг устидан назорат олиб боради.

Ихтиёрий сұғурта томонларнинг ўз ихтиёри билан амалда оширилади. Сұғурталанувчи ва сұғурталовчининг хақ-хуқуқлари сұғурта шартномаларида құрсатилиб, амалға оширилади.

Сұғурта шартномасини түзиш учун сұғурталанувчи сұғурталовчига белгиланған шаклда ёзма равище да ариза тақдим этади ёки сұғурта шартномаси түзиш ниятида эканлиги ҳақида мүмкін бўлган бошқа усулда маълум қиласи.

Сұғурта шартномасида сұғурталанувчи ва унинг хуқуқий вориси, сұғурталовчи, сұғурта пули ҳамда сұғурта бадалининг миқдорлари, шартноманинг амал қилиш муддати қўрсатилиади, сұғурта ҳодисаси тавсифи берилади ва бошқа шартлар қайд этилади.

Экинлар ҳосили сұғуртаси. 1997 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулки ва экинлари бўйича ихтиёрий сұғурта шартномалари түзиш орқали иш ташкил этилган.

Сұғурта обьекти қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили сұғуртаси уларнинг музлаш, гармсел, дўл, сел, сугориш манбаларидаги сувсизлик ёки камсувлик сабабли, сув босиш, зааркундалар, ёнғин натижасида нобуд бўлиш ёки заарланиши ва кучли шамол ҳамда узоқ давом этган ёғингарчилик натижасида ётиб қолиш каби ҳодисалар юзасидан ўтказилади.

Сұғурта шартномаси маҳсулот етиштирувчиларнинг ёзма аризасига асосан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзагросуғурта» ДАСК тасдиқлаган экиш тақвими муддатларидан кечиктирилмаган ҳолда тузилади. Компания томонидан Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларига ғалла ва пахта ҳосилини сұғурталаш учун катта имконият берилган бўлиб, ғалла ҳосили бўйича 1 марта, пахта ҳосили бўйича 1 майгача шартнома тузилади. Шартнома экин униб чиққанидан сўнг тузилади ва унда қуйидаги маълумотлар илова қилиниши керак:

- режадаги экин майдонга экилганлиги тўғрисида;
- экинларнинг тўлиқ униб чиққанлиги ва ривожланиши даражаси тўғрисида;
- қўчатларнинг қалинлиги меъёрий талабларга жавоб берииши тўғрисида маълумот.

Мазкур ҳужжатлар бўлмаса шартнома кучга кирмайди.

Сұғурта тўловларини ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг қиймати хўжаликнинг ҳисоб-китоби ва бошланғич ҳисобот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 га экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичida олинган ўртacha ҳосилдорликдан юқори эмас) маҳсулотни сотиш нархи ва экин майдонига асосан, ҳисобланади.

Агар мазкур йилда режалаштирилган ҳосилдорлик охирги уч йилдаги ўртacha ҳосилдорликдан ортиқ бўлса, сұғурта тўловлари ўртacha уч йиллик ҳосилдорлик бўйича ҳисобланади.

Агар хўжалик охирги уч йил давомида экин экиб, уч йилдан биронтасида ҳам ҳосил олинмаган бўлса, шу экин тури сұғурта қилинмайди.

Пахта, ғалла, шоли экинларига сұғурта тұловини хисоблашда давлат томонидан тасдиқланған прейскурант баҳоси асос қилиб олинади.

Йил давомида фермер хұжалиги мулкининг таркиби ва қиймати ўзгарса ҳам сұғурта тұловлари қайта хисобланмайды. Ҳар бир қишлоқ хұжалик әкинлари ҳосилининг қиймати алоҳида хисобланади.

Сұғурта тұловларининг тариф ставка(миқдор)лари ҳар йили күрилган заарга асосланиб, қайта күриб чиқылади.

Хисобланған сұғурта тұлолари хисобға келиб тушгач, сұғурталанувчига сұғурта полиси (3-илова) ёзіб берилади. Сұғурта полиси, сұғурта ҳодисаси юз берганда, сұғурта қопламаси тұлаш учун керак бўладиган асосий хужжатлардан биридир.

Қишлоқ хұжалик әкинлари ҳосилининг заарланиши ёки нобуд бўлиши сұғурта ҳодисаси хисобланади. Сұғурта ҳодисаси юз берганда, қишлоқ хұжалик корхонаси, бу ҳақида сұғурта бўлимига уч кун ичида хабар бериши шарт. Қишлоқ хұжалиги әкинлари учун сұғурта тұловларини хисоблашда қабул қилинган бир гектар ҳосилнинг қиймати билан хисобот йилида бир гектар майдонда етиштирилган ўртача ҳосилдорлик қиймати орасидаги фарқ хұжалик кўрган заар ҳисобланади.

Сұғурта шартномаси сұғурталанувчининг сұғуртага олинаётган мулкнинг рўйхати тўлиқ акс эттирилган аризаси асосида тузилади. Сұғурта шартномаси тузлгандан сўнг, ушбу ариза шартномаларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Сұғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади. Сұғурта шартномаси сұғурталовчининг хисоб ракамига пул келиб тушган кундан бошлаб кучга киради. Агар шартномада берилган кунгача сұғурта бадали тұланмаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади. Сұғурта шартномасининг амал қилиш муддати шартномада кўрсатилган кундан бир кун олдин якунланади.

Сұғурта шартномаси ёзма равишда тузилади ва ёзма равишда тузилмаган шартнома ҳаққоний әмас, деб ҳисобланади. Сұғурта тұловлари тушгандан сўнг сұғурталанувчига сұғурта полиси ёзіб берилади.

Сұғурталанувчи сұғурталовчига ёзма равишда ариза билан сұғурта ҳодисаси рўй бергани тўғрисида, барча зарурий хужжатларни илова қилған ҳолда (ёнғиндан ҳимоя қилиш бўлимининг, ички ишлаб чиқариш бўлимининг, гидрометеорология бошқармасининг маълумотномаси) мурожаат қилиши шарт.

Зарар миқдори ва сұғурта ҳодисаси сабаблари сұғурталовчи томонидан жойида кўриб чиқилиб, экспертиза ва хужжатлар асосида аниқланади.

Сұғурта қопламаси барча керакли хужжатлар расмийлаштирилиб бўлгандан кейин беш банк куни мобайнида тұлаб берилади. Аниқланған сұғурта қопламаси хұжалиқдан 29 шаклдаги қишлоқ хұжалик статистик хисоботи олингач 60 %, қолган 40 % эса хұжаликнинг йиллик хисоботи тасдиқланғач, тұлаб берилади.

10.7. Фермер хұжалигига солиқ ва солиқ ставкаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли Қарорига мувофиқ, қишлоқ хұжалик корхоналарида ягона ер солиги тұловчи қишлоқ

хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш механизмини белгилайди.

Ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат соликларида (алкоголли маҳсулотларга акциз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган қўйидаги маҳаллий соликлар ва йигимларни тўлаш ўрнига жорий этилади:

- *даромад (фойда) солиги;*
- *қўшилган қиймат солиги;*
- *алкоголсиз ичимликлар ва мева шарбатларига акциз солиги;*
- *экология солиги;*
- *сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;*
- *ер остидан фойдаланганлик учун солик;*
- *ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солиги;*
- *бошқа маҳаллий соликлар ва йигимлар.*

Ягона ер солиғини тўловчиларга бож тўлови, давлат божи, лицензия йигимлари, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ва шунингдек, алкоголли маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг қўйидаги тартиби сақлаб қолинади.

Ушбу тартиб қўйидагиларга тегишли бўлмайди:

- *ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликларига;*
- *илмий-тадқиқот ташикилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўкув-тажриба хўжаликларига;*
- *мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;*
- *дехқон хўжаликларига, улар учун Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўхрисида»ги Қонун билан назарда тутилган солик солиши шартлари сақланиб қолинади.*

Ягона ер солиғини барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар тўлайди.

Соликка тортиш обьекти қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилинган, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдонлари ягона ер солиғига тортиш обьекти ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалиги майдонлари ернинг сифати, жойлашган жойи, ер баланси, тупроқ хариталари, текширув материаллари, ер-кадастр хужжатлари бўйича қабул қилинади. Республика бўйича қишлоқ хўжалик ерларига ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тузатиш коэффицентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солик ставкаси 2000 йилдаги 37,1 фоиздан, 2005 йилда 32,2 фоизга, давлат бюджетига олиб қўйиш эса 22,6 фоизга пасайди.

Ягона ер солиғи олинмайдиган ер участкалари:

- *қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишидаги ерлари;*
- *ихота дарахтлари эгаллаган ерлар;*
- *спорт инишоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари обьектлари ва бошқа жисмоний тарбия ва согломлаштириши комплекслари банд қилган ерлар;*

- янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган сугориладиган ерлар – лойиҳа назарда тутылган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан, кўни билан беш йилга;
- маориф, маданият ва соглиқни сақлаш объектлари банд қилган ерлар;
- янги ўзлаштирилган боғлар ва токзорлар банд қилган ерлар, улар мева бера бошлайдиган муддатгача;
- янгидан тут дараҳтлари ўтқазилган ерлар, уч йиллик муддатга хўжалик экинлари навини алмаштиришининг амалдаги схемалар доирасида хўжаликларга ажратилган ерлар, 1999 йилдан бошлаб уч йил муддатга;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофик солиқ солинмайдиган ерлар:

- янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, фермер хўжаликларининг ерлари, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;
- қоракўлчилик соҳасидаги наслчилик, товар ва бўрдокичилик хўжаликларининг ерлари, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб уч йил муддатга;
- даромад (фойда) солиги ва ер солигини тўлашдан озод қилинган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ерлари.

Ягона ер солиги тўловчилар томонидан мустақил равишда ерларнинг майдони, базавий ставкалари ва тузатиш коэффицентлари асосида хисоблаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларига ягона ер солигининг базавий ставкалари сифатида қўйидагилар қабул қилинган:

- сугориладиган ерлар бўйича – 1 классли ерлар (балл-бонитети 10 гача);
- лалми ерлар бўйича –текис зона ерлари;
- пичанзорлар ва яйловлар бўйича – «Чўл минтақасидаги» ерлар;

Ерлар жойлашишининг тафовутлари ва сифати(балл-бонитет)га қараб базавий ставкалар тегишли тузатиш коэффицентларига ўзгартириллади.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ягона ер солиги суммаси қўйидаги формулага кўра белгиланади:

$$H = S_{\text{зу}} \times C_{\text{б}} \times K_{\text{и}}$$

Бунда, H - ягона ер солигининг суммаси, сўмларда;

$S_{\text{зу}}$ – ер участкасининг майдони, гектарларда;

$C_{\text{б}}$ - 1 гектар учун солиқнинг базавий ставкаси, сўмда;

$K_{\text{и}}$ – тузатии коэффициенти.

Барча ерлар бўйича базавий ставкалар ва тузатиш коэффицентлари қўлланилади. Ставка ва коэффициентлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси томонидан умумий белгиланган тартибда тўловчиларга етказилади.

Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари бўйича базавий ставкалар тегишли туман ва шаҳар бўйича тасдиқланади.

Лалми ерлар, пичанзорлар ва яйловлар бўйича базавий ставкалар вилоятлар миқёсида тасдиқланади.

Ижтимоий иморатлар, сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар ва йўллар билан банд бўлган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган бошқа ерлар бўйича

базавий ставкалар туман ва шаҳарларнинг суғориладиган ерлари доирасида тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Кишлоқ хўжалиги ер участкаларидан солик ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Ер участкаси қайтариб олинганда, тўхтатилади.

Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиги суммасини иловадаги шаклга биноан хисоблаб чиқадилар ва давлат солик инспекцияларига хисоб-китоб жорий йилнинг 1-февралига қадар тақдим этадилар.

Ягона ер солиги бир йилда уч марта тўланади:

1. Йиллик тўланадиган солик суммасининг 20 фоизи;
2. 1 сентябргача 30 фоизи;
3. 1 декабргача бўлган муддатда – соликнинг қолган 50 фоизи тўланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ягона ер солиги фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларига боғлиқ эмас. Яъни, фермер фойда оладими, зарар кўрадими, бундан қатъи назар, белгиланган ягона ер солигини тўлашга мажбур.

Ягона ер солигини тўлаш механизми қуйидаги афзалликларга эга:

- солик миқдорини хисоблаш ва соликни йиғиш механизмининг соддалаштирилганлиги;

- ягона ер солиги миқдори солик тўловчиларга тупроқнинг балл-бонитетига қараб ўрнатилиши ва ер участкасининг жойлашиши ҳамда сув билан таъминланганлигига қараб тузатувчи коэффициент билан мувофиқлаштирилиши солик миқдорини реал белгилаш имкониятини бериши.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилдаги давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-Қарорига биноан, ер участкаларига эга бўлган илмий муассасалар, эксприментал тажриба хўжаликлари учун ҳам 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиги жорий қилинган.

2004 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги фермер хўжаликларига белгиланган 2 фоизли миқдор 2005 йилдан бошлаб 1 фоиз қилиб белгиланди.

10.7.1-жадвал. 1999 йили қишлоқ хўжалиги экинзорларига ягона ер солигининг мувакқат базали ставкалари. 1 га учун сўм

Минтақалар	Суғориладиган ерлар (1класс)	Жами ерлар(текислик)	Пичанзорлар ва яйловлар (чўп пояси)
ҚҚР	375,1	-	10,6
Андижон	569,2	68,4	14,4
Бухоро	493,4	-	14,4
Жizzах	429,6	64,6	13,3
Қашқадарё	415,7	71,4	17,1

Навоий	400,0	64,6	14,4
Наманган	586,7	-	14,4
Самарқанд	596,6	64,6	13,3
Сурхондарё	640,0	86,1	9,5
Сирдарё	343,1	64,6	13,3
Тошкент	598,7	68,4	13,3
Фарғона	528,9	-	13,3
Хоразм	456,0	-	10,6
Тошкент шаҳри	1471	-	-

**10.7.2-жадвал. 199_йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган ягона ер солиғининг
ҲИСОБ-КИТОБИ**

A	1	2	3	4
1. Жамоатга тегишли сүғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари:				
1 класс (0-10 балл)				
2 класс (11-20 балл)				
3 класс (21-30 балл)				
4 класс (31-40 балл)				
5 класс (41-50 балл)				
6 класс (51-60 балл)				
7 класс (51-60 балл)				
8 класс (71-80 балл)				

9 класс (81-90 балл)				
10 класс (91-100 балл)				
Бахоланмаган ерлар				
ЖАМИ				
2. Лалмикор, пичанзор, бўз ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар: текислик (ёғин билан таъминланмаган) худудда				
Текислик-тепалик (ёғин билан ярим таъминланган) худудда				
Тоғолди ва тоғлиқ (ёғин билан таъминланган) худудда				
ЖАМИ				
3. Суғорилмайдиган пичанзор ва яйловлар:				
«Чўл» минтақасида				
«Адир» минтақасида				
«Тау» минтақасида				
4. Сув ҳавзалари, канналлар, коллекторлар, йўллар банд этган ерлар				
5. Жамоат иморатлари ва ҳовлилар				
6. Кишлоқ хўжалигида				

фойдаланилмайдиган бошқа ерлар				
ЖАМИ				
Шу жумладан, тўлаш муддатлари бўйича:				
1 июлча				
1 декабргача				
7. Солиқقا тортилмайдиган ерлар (ерларнинг турлари ва майдонлари. Йўриқноманинг 4,1- бандига мувофиқ келтирилади)				
	x	x	x	
	x	x	x	x
	x	x	x	x
Жами солиқقا тортилмайдиган ерлар				
Жами ер				

Рахбар _____
(имзо, фамилия, исми-шарифи)

10.8. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январ 5-сонли Буйруғи билан тасдиқланган «Корхона (ташкилот)ларнинг чорак ва йиллик молиявий ҳисбот шакллари ва ҳажмини тасдиқлаш тўғрисида»ги Йўриқномага асосан, қуйидаги бухгалтерия шакллари йилига бир марта топширилади:

- «Бухгалтерия баланси» 1-шакл;
- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот» 2-шакл;

«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тұғрисидаги маълумотнома» 2 а-шакл;
«Пул оқимлари тұғрисидаги ҳисобот» 4-шакл.

Ўзбекистон Республикасида дәхқон ва фермер хўжаликлари учун юкорида соддалаштириб кўрсатилган бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасидан ва ҳисоботидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ.

Дәхқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига юкоридаги қонун ва қарорларга зид бўлмаган қўшимчалар киритишга руҳсат берилади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИ ТАШКИЛ ЭТИШ СХЕМАСИ

(ИККИ ЁҚЛАМА ЁЗУВ УСУЛИ АСОСИДА)

Баланс ва ҳисботнинг шакллари

Хўжалик муаммоларини ҳисобга олиш дафтари (K-1 шакл)

Ҳисоб-китоб счёtlари бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ведомости

Дастлабки ҳужжатлар

Пул маблағлари ва кимматли қоғозларни ҳисобга олиш дафтари (1-жадвал)

Материалларни ҳисобга олиш дафтари (2-жадвал)

Ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш дафтари (3-жадвал)

Асосий воситаларини ҳисобга олиш дафтари (4-жадвал)

Мол ва паррандаларни ҳисобга олиш дафтари (5-жадвал)

Шартномаларни жўнатиладиган ва келиб тушадиган рўйхатга олиш дафтари (6-жадвал)

**10.8.1-жадвал. Пул маблағлари ва кредиторларни ҳисобга олиш дафтари
5110-Ҳисоб-китоб счёти.** 200 йил.

Сана	Хўжалик мумомаласи,	Муомала мазмуни	Кирим, сўм	Чиқим, сўм	Эслатма
------	---------------------	-----------------	------------	------------	---------

	хужжатнинг тартиб рақами				
1.01.2002й.га қолдик			1426000	-	-

6910-Счёт. Қисқа муддатли банк кредитлари

Сана	Хўжалик муомаласи, хужжатнинг тартиб рақами	Муомала мазмуни	Олинган сўм	Қайтарилиган сўм	Эслатма
_____ й. га қолдик			4000000	-	-

10.8.2-жадвал. Ишлаб чиқариш захиралари, маҳсулотлар үлчов бирлиги (ц)

Маҳсулот номи. Беда пичани

Сана	Хўжалик муомаласи, хужжатнинг тартиб рақами	Муомала мазмуни	Кирим, сўм		Чиқим, сўм	
			миқдор	сумма	миқдор	сумма
1.01. 2002 й.га қолдик			120	42800	-	-
10.01. 2002 й.	1-Ем-хашак сарфлаш ведомости ва х.к.	Беда пичани сарфи	-	-	20	12340

10.8.3-жадвал. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш

дафтари

Сана	Хўжалик муомаласи, хужжатнинг тартиб рақами	Муомала мазмуни	Кирим, сўм		Чиқим, сўм	
			миқдор	сумма	миқдор	сумма

1.01.						
2002 й.га қолдик	1-Ем-хашак сарфлаш ведомости ва х.к.	Беда пичани сарфи	123.340	-	-	-

10.8.4-жадвал. Асосий воситалар ва мулкларни ҳисобга олиш дафтари

Асосий воситалари счёти 200_ иил учун

1 бино-иниоот ва техниклар

№	Ёзув асоси (хўжалик муомаласи, ҳужжат- нинг тартиб рақами)	Номи	Миқдори	Қиймати, сўм	Эслатма
1.	1.01 га қолдик	Ферма биноси Трактор T28x4 Прицеп ва х.к.	1 1 1	641000 42000 96000	
Жами:			к	1157000	

Асосий пода. Чорва моллари тури ва гуруҳи

согин сигирлар

Ёзув санаси	Хўжалик муомаласи, ҳужжатнинг тартиб рақами	Мазмуни	Кирим			Чиким		
			бош	тирик вазн, кг	қиймати, сўм	бош	тирик вазн, кг	қиймати, сўм
1.01.га қолдик			64	20480	7000000	-	-	-
8.11	№2 шартнома ва х.к.	Ҳисобдан чиқарилиб бокувга қўйилди	-	-	-	1	310	64600

10.8.5-жадвал. Ёш моллар ва паррандалар тури. Бузоқлар.

Ёзув санаси	Хўжалик муомаласи, ҳужжатнинг тартиб рақами	Мазмуни	Кирим			Чиқим		
			бош	тирик вазн, кг	қиймати, сўм	бош	тирик вазн, кг	қиймати, сўм
1.01.2002га қолдик	41	4920	420000	-	-	-		

10.8.6-жадвал. Шартномаларни, жўнатиладиган ва келиб тушадиган ҳужжатларни рўйхатга олиш дафтари

№	Шартнома тузилаётган, ҳужжат жўнатилаётган (келган) ташкилот номи, манзили	Нима учун	Амал қилиш муддати	Эслатма

Мисол: Янги ташкил қилинган «Нур» фермер хўжалигининг 1 январ 2000 йилга баланси қўйидагича.

Баланс (7-жадвал) маълумотларидан кўринадики, «Нур» фермер хўжалигида фаолият бошлиши учун 2002 йил 1 январда жами 10052,0 минг сўмлик маблаги мавжуд.

10.8.7-жадвал. Баланс.

«Нур» фермер хўжалиги 1.01.200_йил (минг сўм).

Актив

Пассив

0100	Асосий воситалар	8157,0	-	8510	Устав капитали	6050,0	-
1000	Материаллар	43,0	-	6010	Кредиторлар	2,0	-
1100	Ёш моллар ва паррандалар	420,0	-	6910	Банк кредитлари	4000,0	-
2010	Асосий ишлаб чиқариш	6,0	-				
5110	Ҳисоб-китоб счёти	1426,0	-				
	Баланс	10052,0	-		Баланс	10052,0	

Шундан 6050,0 минг сўми фермер хўжалиги эгаси (Айтбоев Г.К.)нинг ўз хусусий капитали, 2,0 минг сўм кредитор қарз ва 4000,0 минг сўми эса банкдан олинган қарз(пассивда). Энди «Нур» фермер хўжалиги фаолият қилиш учун етарли маблаққа эга. Лекин, тадбиркор шу маблағ (10052,0 минг сўм)нинг 6050,0 минг сўми ўз маблағи, 4002,0 минг сўми эса қарз эканлигини эътиборидан чиқармаслиги лозим.

Демак, корхона маблағлари балансининг актив томонида, шу маблағларниңг вужудга келиш манбалари эса пассив томонида қўрсатилиб, маълум муддатга фермер хўжалигининг аҳволини ифодалайди. Баланс маълумотларидан хўжаликнинг қандай маблағларга эга эканлиги ва шу маблағларниң қайси манбалардан пайдо бўлганлигини, яъни ўз маблағими ёки қарз эканлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, асосий ҳисобот бўлиб ҳам ҳисобланади.

Шундан сўнг, «Нур» фермер хўжалиги фаолият бошлади ва унда январь ойи давомида қўйидаги хўжалик муаммолари содир бўлган. Бу муаммолар тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, рўйхатга олинди (8-жадвал) ва ҳоказо.

10.8.8-жадвал. «Нур» фермер хўжалигига содир бўлган хўжалик муомалалари бўйича тузмаган проводкалар

№	Муомала мазмуни ва асос бўлувчи дастлабки ҳужжатлар	Сумма	Счёtlар боғланиши	
			Дт	Кг
1	2	3	4	5
1.	Беда пичани сарфланади. 20ц. 1-Ем хашак сарфлаш ведомости	12340	2010	1060
2.	Бир бош сигир асосий подадан ҳисобдан чиқарилиб, бокувга қўйилди. 12.01.2002 й. №2 Далолатнома.	64600	1120	0171
3.	7.10.15.18.20. ва 26 январь кунлари аҳолига сотилган сут учун кассага нақд пул кирим қилинди (касса кирим ордери)	42000	5110	9010
4.	Шу кунлари кассага кирим килинган даромадлар банкдаги ҳисоблашув счётига топширилди (пул топширганлик тўғрисидаги патта (квитанция) нусхаси ва банк кўчирмаси)	42000	5110	5010
5.	Электр таъминоти ва коммунал хизматлар (28,01) учун тегишли идораларнинг счёtlари тўланди(тўлов топшириғининг нусхаси ва банк кўчирмаси)	2400	6010	5110
6.	29.01. Иш ҳақи ҳисоблаш ведомости (В-8 шакл)га асосан, ҳисобланган иш ҳақи суммаси ушланди:	66000	2010	6710

	а) нафақа фондига ажратма (2,5%) б) даромад солиғи (ставка бўйича) в) касаба уюшмаси бадали (1,0%)	1650 22885 660	6710 6710 6710	6520 6410 6520
	Жами:	25195	6710	-
7 29,0 1	Иш ҳақи суммасига нисбатан ажратмалар ҳисобланади а) касаба уюшмаси (федерациясига) (1,2 %) б) бандлик фонди (биржа)га 1,5 % в) ижтимоий суғурта фондига 37, 3 %	792 990 24618	2010 2010 2010	6520 6410 6520
	Жами:	26400	2010	-
	Ҳаммаси:	51595		
8.	Юқорида ҳисобланган солиқлар, суғурта органларига ажратмалар ва бошқа қарзлар ҳисоблашув счётидан ўтказилади (тўлов топширигининг нусхаси ва банк кўчирмаси)			
9.	Иш ҳақидан ушланган суммалар: А) касаба уюшмасига 1,0% Нафақа фондига ажратма 2,5% Даромад солиғи (ставка бўйича)	660 1650 22885	6520 6520 6410	5110 5110 5110
	Жами:	25195	-	5110
	Ҳаммаси:	51595	-	-
9 3 02	Банқдаги ҳисоб-китоб счётидан кассага олинди (чек, касса кирим ордери, банк кўчирмаси): -иш ҳақи бериш учун -хизмат сафари учун	40805 1250	5010 5010	5110 5110
	Жами:	42055	5010	5110
10.	Кассадан берилди (тўлов ведомости, касса чиқим ордери): -иш ҳақи -хизмат сафари учун Аллаяров К.га	40805 1250	6710 4420	5010 5010
	Жами:	42055	-	5010

Йил бошида ёки корхона фаолият бошлаган вақтида дастлабки балансга асосан, «Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари» (Т-1 шакл)га барча мавжуд маблағлар ва манбалар бўйича тегишли счётлар очилиб, уларга балансдаги счётлардан қолдиқлар ўтказилади. Сўнгра ой давомида содир бўлган хўжалик муомалалари тегишли дастлабки

хужжатларда расмийлаштирилиб, ҳар бир муомала мазмунига қараб ушбу дастлабки хужжатларда олдиндан счёtlар алоқаси белгиланади. Шундан сўнг Т-1 шаклининг З-«Муомала мазмуни» деган устунида ой ва шу ойда содир бўлган барча хўжалик муомалалари позицияли усул билан хронологик тартибда (муомаланинг содир бўлишига қараб кетма-кет) ёзib борилади. Шу билан бирга дафтарнинг «Сумма» устунида қилинган ҳар бир муомала суммаси икки ёқлама ёзув усули билан бир вақтнинг ўзида маблағлар ва манбаларнинг тегишли турларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган счёtlарнинг «Дебет» ва «Кредит» устунларида ҳам акс эттирилади.

Фермер хўжаликларида меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашувлар, даромаддан бюджетга тўланадиган солиқлар ҳамда суғурта органлари ва бошқа фондларга ажратмаларни ҳисобга олиш учун «Иш ҳақини ҳисобга олиш ведомости» (В-2 шакл) юритилади (9-жадвал).

Ведомостда иш ҳақи ва унга қўшимча ҳисоблаш, даромад солиғи, нафака фондига ажратма, алимент, касаба уюшмасига ажратма кабилар иш ҳақидан ушланиб ҳамда иш ҳақи суммасига нисбатан ҳисобланиб бюджет ва суғурта органларига ўtkaziladigan суммалар ҳисоб-китоб қилинади. Суммалар жамланиб, текширилгандан сўнг, бевосита ведомостда, олдиндан проводка тузилади ва тегишли (Т-1) шаклга ўtkaziladidi. Бунда З-«Муомала мазмуни» устунига “В-8 шакл-Иш ҳақи ҳисобланган ведомостига асосан” деб ёзилиб ҳисобланган, қўшилиб ҳисобланган ва ушланган суммаларнинг ҳар бир тури бўйича номманим алоҳида қатор билан тегишли суммалари ўtkaziladidi. Сўнgra ведомостнинг шу бетига «суммалар Т-1 шаклга ўtkaziladidi» деб ёзилади ва шу кунги сана билан бухгалтер имзо қўяди.

Маълумки, бозор иқтисоди шароитида бюджетга тўланадиган солиқлар, суғурта органларига ва бошқа бюджетдан ташқари органларга ажратмалар турлари кўпаяди ҳамда уларнинг меъёри (ставкаси) ўзгариб ҳам туради. Уларнинг ҳисобланиши, тўланиши (ўtkaziliishi)ни ва ой охирига қарз бўлиб қолаётганини турлари бўйича акс эттириш ва назорат қилиб бориш учун «Бюджет, суғурта ҳамда бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар» ведомости (10-жадвал) очиш мақсадга мувофиқдир.

Ой охирида маблағлар ва уларнинг манбаларини ҳисобга оладиган барча счёtlарнинг дебет ва кредит оборотлари жамланади. Барча счёtlар бўйича дебет ва кредит оборотларининг алоҳида жами 4-устундаги суммалар жамига teng бўлиши керак. Бу тенгликдан суммаларнинг счёtlарда тўғри акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилинади ва охирига, яъни кейинги ойнинг 1-санасига қолдиқ чиқарилади.

Ушбу чиқарилган қолдиқлар текширилиб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг кейинги ойнинг 1-санасига (бизнинг мисолимизда 1 февралга баланс тузилади). Бунинг учун чиқарилган қолдиқлар тегишли счёtlар бўйича «дебет» устунидагилари баланснинг «активи»га, «кредит» устунидагилари «пассив»га ўtkaziladidi.

Демак, ҳисобнинг соддалаштирилган шаклида баланс тузиш бевосита «Хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш дафтари» (Т-1 шакл) орқали амалга оширишлар экан, кейинги ойларда ҳам ҳисоб юритиш шу тартибда давом эттирилаверади.

Баланс ҳисоботи фермер хўжаликларида асосий ҳисобот шаклларидан бўлиб, унинг тўғри, аниқ ва ўз вақтида тузилиши кўп жиҳатдан жорий ҳисобни тўғри ташкил этишга боғлиқ.

Хулоса килиб шуни таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларида бухгалтерлик ҳисобининг соддалаштирилган шакли қуидаги шарт-шароитлар бўлганда қўлланилиши мумкин:


- харажатлар ҳисобот даври (ойи)да тўлалигича маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат қўрсатиш)га сарфланганда;
- олган маҳсулотлари (бажарилган иш ва қўрсатилган хизматлар) учун буюртмачиларнинг кичик корхонадан ҳамда кичик корхонанинг бошқа ташкилотлардан қарзи бўлмаганда, яъни сотилган маҳсулот олинган материаллар ҳамда бажарилган иш ва қўрсатилган хизматлар учун ҳисоблашувлар муомала содир бўлиши билан дарров амалга оширилганда;
- оддий ишлаб чиқариш усулини амалга ошириш, яъни мураккаб бўлмаган цикл доирасида бир ёки бир неча хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда (иш, хизмат бажарилганда), буюртма бўйича иш бажарилганда;
- олдиндан (аванс қилиб) харажат ва маҳсулот олиш ҳоллари бўлмаганда;
- даромадлар ва харажатларни олинган ҳамда тўланган нақд пуллар асосида ҳисобга олиш имконининг мавжудлиги кичик корхоналарда бухгалтерлик ҳисобининг соддалаштирилган шаклини қўллашда муҳим омил ҳисобланади, яъни даромадлар сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш ва қўрсатилган хизматлар) учун кассага нақд пул билан олинганда;
- харажатлар эса материаллар, иш ва хизматлар учун тўланган нақд пул сарфланиши каби қайд қилиб борилганда.

10.8.9-жадвал. Ҳисобланган дебет ва кредит счёлари

№	Фамилияси ва исми шарифи	Лавозими	Ой бошига қолдик(6710 сч. Кт қолдиғи)	Хисобланди (6710 сч. Т-ти дан сч.лар д-тига)				Ушланди (6710 сч. Д-тидан сч.лар т-ти)				Беришга	Олинганилиги түғрисида имзо
				2010	-	-	-	6710 сч.к-ти жами	6410	6520 2,5%	6530 1%	жами	
1.	Айтбоев Г. К.	раҳбар		14000	-	-	-	14000	4865	350	140	5355	8645
2.	Болтабоев Б. Д.	бухгалтер		13000	-	-	-	13000	4505	325	130	4960	8040
3.	Гоипова Х. С.	бухгалтер		13000	-	-	-	13000	4505	325	130	4960	8040
4.	Худоёрөв Р. Ю.	бухгалтер		13000	-	-	-	13000	4505	325	130	4960	8040
5.	Рахимов С. Б.	куръер		13000	-	-	-	13000	4505	325	130	4960	8040
6.	Жами:			66000	-	-	-	66000	22885	1650	660	24535	40805

10.8.10-жадвал. Бюджет, сұғурта ва бошқа дебеторлар ҳамда кредиторлар билан ҳисоблашувлар ВЕДОМОСТИ (2002 йил январь).

№	Аналитик счёты (солиқ, ажратма, түлов, сұғурта ва х.к.)	Ой бошига қолдик		6410, 6520, 6710 счёты дебетига					Кт оборотлари банк күчирмасига асосан	Ой охирига қолдик	
		Дт	Кт	2010 счёт	6710 счёт	№	№	хаммаси		Дт	Кт
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	6410 «Бюджет билан ҳисоблашувлар» счёти бўйича										
1.	Даромад солиғи	-	-	-	22885				22885		22885
2.	Бандлик фонди (1,5%)	-	-	990	-				990		990
	жами:	-	-	990	22885				23875		23875
	6520 «Сұғурта бўйича ҳисоблашувлар» счёти бўйича										
1.	Нафака фондига (2,5%)	-	-	-	1650					1650	1650
2.	Касаба уюшмаси фондига (1,2)			792	-					792	792
3.	Ижтимоий сұғурта фондига (37,3%) ва х.к.	-	-	24618	-					24618	24618
	жами:	-	-	25410	1650					27060	27060
	6010 «Молетказиб берувчи ва пурратчиларга тўланадиган счёты										
1.	Электросеть	-	2400	-	-				-	2400	-
	Хаммаси:	-	2400	26400	24535				50935	2400	50935



Қисқача холосалар

Бозор муносабатида турли мулкчилик шакллари фаолият кўрсатмоқда. Улар ўртасида ўзаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалар орқали фаолият юритиб ҳамкорлик қилинмоқда. Айниқса, фермер хўжалиги билан таъминот ва сервис хизмат қўрсатувчи ўртасида бўладиган иқтисодий алоқалар, уни такомиллаштириш тўғрисида барча қонуний асослар яратилди ҳамда хўжалик юритиш фаолиятида шартнома ва шартнома муносабатлари, хўжалик йиллик фаолият юритишининг бизнес режаси, фермерга хизмат қўрсатиш банклари ва кредитлаш механизми, баҳтсиз воқеаларни инобатга олиб мулкни сугурталаш хўжалик фаолиятидан олинган даромадидан ягона ер солиги тўлаш йўллари, хўжаликда олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоблар тўлиқ янги тартибда ишлаб чиқилди. Унга қонуний асос яратилиб, иқтисодий механизмлари меъёрий хужжатлар асосида қайта амалиётга жорий этилмоқда.

Жазорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий алоқалар тушунчаси ва унинг можиятини тушунтириб беринг.
2. Ҳўжаликда шартноманинг зафурхлиги ва унинг тузилиши нимадан иборат?
3. Бизнес резка нима ва уни тузши иймадини айтинг?
4. Банк шини ва кредитлаши механизмини тушунтиринг.
5. Сугурта турлари ва сугурталаш механизмни ўз ишга нимани асос қилиб олади?
6. Ягона ер солиги нима ва у қандай ундирилди?
7. Бухгалтерия ҳисобининг максади ва молиявий ҳисоботларнинг базифаси нимадан иборат?
8. Иқтисодий фаолият тизими деганда нимани тушунасиз?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», -Т.: «Ўзбекистон», 246 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, -Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2003 йил, 25 март.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони. -Т.: «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил, 10 октябр.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тўғрисида»ги 607-сонли Қарори. –Т.: «Халқ сўзи» газетаси. 2004 йил, 24 декабр.
5. «Деҳқон ва фермер хўжаликларида шартнома муносабатлари». –Т.: «Шарқ», 2002, 47 б.
6. «Деҳқон ва фермер хўжаликларида суғурта тизими». –Т.: «Шарқ», 2002, 316 б.
7. «Фермерлик фаолиятининг хуқуқий ва молиявий асослари». –Т.: «Университет», 2005, 212 б.
8. Умурзоқов Ў. П., Султонов А. С., Тошбоев А. Ж. «Бизнес режа» фанидан Бизнес режани тузиш бўйича тавсиянома. –Т.: «ТИҚҲМИИ», 1999, 26 б.
9. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. «Фермер хўжалигини ташкил этишнинг хуқуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари». –Т.: «ТИҚҲМИИ», 2004 й. 141 б.
10. Фармонов Т. Х. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари». –Т.: «Янги авлод», 2004, 143 б.

ХІ-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА МЕНЕЖМЕНТ

11.1. Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими

Кишлоқ хўжалигини бошқаришнинг асосий мақсади юқори даражада фойда олиш. Кишлоқ хўжалиги бошқарув аппаратининг тузилиши деганда бошқарув аппарати ва унинг таркибидаги боғланиш тушунилади. Бошқарув аппаратининг таркиби бир-бiri билан боғланган бирикмалар ва бўғинлар билан тўлдирилиши унинг **ташкилий тизими** дейилади.

Ташкилий тизим бошқарув тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, бошқарувчи тизим, бошқарув субъекти ташкилий тузилиш шакли демакдир. Бошқарув тизимида ишчи ва ходимларни бошқаришни ташкил қилишнинг расмий қоидалари тартибга солинади.

Идоралар бу тизимнинг таркибий қисмлари, бўғинларидир. Ҳар бир идора ўз ҳаракат доирасига эга. У мазкур идорага маъкул бўлган масалалар доирасини, унинг фаолияти чегараларини, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди. Бошқарув тизими ташки ва ички омилларнинг таъсири остида таркиб топади. Ташки омиллар орасида энг муҳими ишлаб чиқаришдир.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқарув идоралари ўртасидаги алоқаларнинг турига қараб тизимларни З та асосий турга ажратиш мумкин, яъни лавозимли, вазифавий ва аралаш, яъни комбинацияли мунтазам тизимлардир. Уларда битта лавозимда идораларнинг ҳар бир грухси идора килиш қўлланмаларига асосан, юқори даражада ўзининг раҳбарлик идорасига эга бўлади.

Мунтазам тизимда бошқарувнинг барча масалалари битта канал орқали ҳал этилади.

Дастурли тизим – мақсадли тизимларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бошқарувнинг аниқ тизимини шакллантириш ижодий жараёндир. Бироқ тизимнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган шакллари қўлланилса, бу ишларни янада осонлаштириш имконини беради.

Бошқарув тизими ходимлари зарур ишчанлик хислатларига эга бўлиши билан биргаликда билимдон бўлишлари зарур. Ташкилотчилик қобилияти, янгиликни ҳис қилиш, янги техникавий ва ташкилий ғояларни муносаб баҳолай олиши, уларни қўллашда маҳорат, шунингдек, муҳим ишчанлик хислатларидан бири омилкорлик ходимга қўйиладиган асосий талаблардандир.

Бошқарув мутахассислари иш жараёнида бошқаришнинг обьект ва субъектларини ажратиб фойдаланади. **Объект** – бу раҳбарлар билан ишлаш тизимининг асосий унсурлари бўлиб, мутахассислар танлаш, баҳо бериш ва ҳоказолар бўлса, субъект – бу ходимлар билан ишлаш вазифасидир.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқарув ходимлари фаолиятларининг вақти-вақти билан баҳоланиб борилиши улар ишидаги камчиликларни бартараф қилиш имконини беради. Баҳолаш аттестациядан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Раҳбар ишининг асосий омилларига қўйидагилар киради: бошқариш фаолиятининг моҳияти, бошлиқнинг роллари, бошқариш функциялари ва муваффақиятига қаратилган бошқарув. Бу омилларни чуқурроқ ўрганиш зарур.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш фаолиятида раҳбар-менежер олиб борадиган бошқарув ишларининг сони жуда кўп, лекин улар ишининг асосий моҳиятини аниқлаб олиш лозим бўлади. Маълумки, раҳбар ва ишчиларнинг олиб борадиган ишлари бир-

биридан фарқ қиласи. Раҳбар – менежерларнинг ловозимларидан қатъи назар, уларнинг иш фаолиятлари бир-бирига ўхшаш, яъни улар бошқарув билан шуғулланадилар. Ишчиларнинг бажарадиган ишлари, асосан, технологик карталар ва бизнес режада кўрсатилган талаблар ёрдамида олиб борилади. Лекин раҳбар – менежерларнинг кун давомида бажарадиган ишлари ҳар хил ва тез-тез ўзгариб туради. Бошқарув ишларининг ўзгариб туришига асосий сабаб хўжаликда содир бўлаётган ҳолатлардир. Бундай ҳолатларда бошқарув ишларининг олиб борилиши, бажариш услублари ва қоидалари ҳамма раҳбар-менежерлар учун, асосан, бир хилдир.

Раҳбар-менежернинг ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган ишлари умуман маълум. Раҳбар – менежер қандай ловозимда бўлишидан қатъи назар, бу ролларни ўзгартира олмайди, лекин ўзи билмайдиган усулда, ўзига хос равишда бажаради. Раҳбарнинг роллари қуидагилардан иборат: шахслараро, информацион ва қарор қабул қилиш. Раҳбарнинг шахслараро роли раҳбарнинг вазифаси ва функциясида белгиланган. Раҳбар информацион ролни бажариш учун ишлаб чиқариш ва ташки мухитлардан маълумотлар олиб, унинг таҳлили асосида қарор қабул қилиш ролини ижро этади ва амалда кўллади. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни рационал тақсимлайди ва содир бўлган ҳолатларда ўз ечимида эга бўлади.

Бошқариш фаолиятида раҳбар-менежерлар томонидан бошқарув функцияси ижро этилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш вазифалари: бошқарувни режалаштириш, таҳлил қилиш, назоратдан иборат.

Мехнатнинг горизонтал тақсимоти қишлоқ хўжалиги корхоналарида (ширкат, агроучастка, фермер, оила пудрати)нинг пайдо бўлишига олиб келади, бу тизим ва тузилмаларнинг мутаносиб ишлаш йўлларини кўрсатиб беради. Натижада бошқарув функциялари пайдо бўлади. Уларнинг вертикал тақсимоти натижасида бошқарув поғоналари ташкил этилади. Бошқарув поғоналари асосан учта: юқори, ўрта ва қуий поғоналарга бўлинади. Юқори поғонага хўжалик-ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, менежерлар бўлса, ўрта поғонага деҳқончилик, таъминот, сервис хизмати раҳбарлари ва мутахассислар, қуий поғонага оиласи пудрат, фермер ва цех раҳбарлари киради.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида меҳнат ресурсларини бошқариш жуда муҳимдир. Бизнес ёки қунлик топширикларни ҳеч ким бажармаса, у ҳеч нарсага арзимайди, бошқариш ва ишлаб чиқариш масалаларининг марказида деҳқонлар, менежерлар, мутахассислар ва раҳбарлар туради. Бошқаришдаги вазифаларнинг ўз вақтида самарали бажарилиши шу раҳбарнинг ишга бўлган муносабатини белгилайди.

Фермер – фермер хўжалигининг муассасаси – фермер хўжалигининг раҳбари ҳисобланади, у ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигига тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

Фермер хўжалигининг раҳбари:

- фермер хўжалиги уставини қабул қиласи ва унга белгиланган тартибда ўзгаришилар киритади;

- фермер хўжалиги фаолиятининг бизнес режасини тасдиqlайди;

- фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қиласи;

- юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан иши кўради;

- ишончномалар беради, шартномалар тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди, шунингдек, фермер хўжалиги ходимлари билан меҳнат шартномаларини имзолайди;

- фермер хўжалиги ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

- даромадни ўз хоҳиишига кўра тасарруф этади;

- ходимларнинг хавфсиз ҳамда унумли меҳнат қилишилари учун шароит яратиб беради;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари юритилишини ташкил этади, иши ҳақи тўлашини таъминлайди, меҳнатга ҳақ тўлаши миқдорини ва моддий рагбатлантириши усуллари ва интизомий жазо чораларини белгилайди;

- фермер хўжалиги номидан ҳужжатларни имзолайди;

- фермер хўжалигини қайта ташкил этиши ва тугатии масалаларини ҳал этади.

11.1.1. Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг худудий вакилларни нодавлат ва нотижорат ташкилот сифатида фақатгина ихтиёрийлик ва қўнгилли равишда аъзо бўлган фермер хўжаликларининг манфаатларини ҳукуқий ҳимоя қиласди. Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда унинг худудий вакилларни нодавлат ва нотижорат жамоа ташкилоти бўлиб, улар фермер хўжаликларининг ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида тузилган. Уюшманинг асосий вазифаси:

- фермер ва дехқон хўжаликларининг ҳукуқ ва манфаатларини давлат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар олдида ҳимоя қилиш;

- фермер ва дехқон хўжаликларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши, жорий этиши ва давр талабидан келиб чиқсан ҳолда, уларга ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиши ёки уларнинг тайёрланишида иштирок этиши;

- қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши;

- фермер хўжаликларида этиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти, шунингдек, хорижда ишлаб чиқарилган илғор технологияларни жорий этиши бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

- фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларининг касбий малакаларини оширишга қаратилган семинарлар, конференциялар ёки кўргазмали амалий машғулотлар ўтказиш;

- фермер хўжаликлари учун иқтисодий, ҳукуқий ва бошқа турли йўналишлар бўйича йўриқномалар, қўлланмалар ва ахборотномалар тайёрлаб чоп этиши;

- консалтинг ва маркетинг хизматларини ташкил қилиш, фермерларни ўқитиш каби долзарб масалалар бўйича ҳукуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланиши зарур.

Уюшма ўз-ўзини молиявий маблағ билан таъминлаш тамойили асосида фаолият кўрсатиб, қуйидаги молиявий маблағлар унинг асосий даромад манбаи ҳисобланиши мумкин:

- ўз аъзоларининг бадаллари;
- семинар, конференция ва кўргазмали амалий машғулотлар ўтказиш;
- чет эл грантлари ва турли ҳомийлик ёрдам маблағлари;
- фермер хўжаликлари учун турли йўриқномалар, қўлланмалар ва ахборотномалар тайёрлаб чоп этиш ва бошқа тадбирлар.

Фермер хўжаликлари уюшмаси ўз аъзоларининг хуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, янги технология ва илғор тажрибаларни жорий қилишда ҳамкорлик кўрсатиш, турли хил консультатив-ахборот марказларини ташкил этиб, улар орқали дехқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларининг иқтисодий-хуқуқий билимларини оширишга ёрдам беради.

Фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси ва унинг ўринbosарлари уюшманинг олий органи бўлган съезд томонидан сайланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқлансалар-да, уюшманинг худудий вакилларини раҳбарлари тегишли (вилоят, туман) ҳокимликларининг тавсиясига биноан, Уюшма раиси томонидан тайинланадилар.

Фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят филиаллари ажратилган штатлар, ташкил этилган бўлимлар, қўйилган мақсад ва вазифалари жиҳатидан Республика фермер хўжаликлари уюшмасининг марказий ижро бошқарувини такрорлайди. Вилоят вакилларига ходимларининг асосий вазифаси Республика уюшмаси ва вилоят ҳокимлигидан олинган топшириқ ва вазифаларни, тақсимланган моддий-техника фондларини туман вакилларига етказиш ва уни бажарилишини назорат қилишдан иборатдир. Уюшманинг вилоят ва туман вакилларидан юқорида белгиланган вазифаларни бажариб, жойларда фермер хўжаликларининг муаммоларини ҳал қилиш ёки уларга муайян бир хизмат турини кўрсатишда бевосита қатнашадилар.

Уюшманинг туман филиаллари фермер хўжаликлари билан иш олиб боргани ҳолда, улар ҳам барча топшириқ ва вазифаларни вилоят вакилларига ва туман ҳокимиятидан олиб, ўз навбатида вилоят вакилларига фаолиятини такрорлайди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташаббус кўрсатиб, фермер хўжаликларига бевосита амалий ёрдам беради. Туман вакилларининг асосий вазифаси вилоят вакилларига маҳаллий ҳокимиятлар буйруғига биноан, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва фонд бўйича марказлашган моддий-техника ресурсларини бевосита фермер хўжаликларига етказишдан иборатдир.

Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари “мажбурий-ихтиёрий” равишида бир вақтнинг ўзида “фермерлар бирлашмаси (уюшмаси)”га, шунингдек, дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакилларига ёки қишлоқ ва сув хўжалиги бўлмига аъзо бўлмоқда. Амалиёт тажрибаларининг кўрсатишича, мазкур бирлашмалар(уюшма) ҳозирги кунда кўпроқ фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва хуқуқий ҳимоя қилувчи эмас, балки назорат органига айланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллариги ва маҳаллий органлари томонидан ҳар йили фермер хўжаликлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш амалиёти қўлланилиб, аттестациядан ўтиш учун фермерлар бирлашмаси (ёки уюшмаси) раиси фермер хўжалигининг фаолияти бўйича ёзма хulosaga бермоқда. Ана шу хulosalariga асосан, фермер хўжалигининг раҳбари аттестациядан ўтказилади. Бизнинг

фикимизча, ушбу ҳолат фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ва улар эркинликларини чеклаш ҳисобланиб, қонун томонидан қатъий ман этилган. Ўтказилаётган аттестацияни олиб бориш тартиби, ташкилий ва бошқа жиҳатларининг савияси жуда паст бўлиб, кўп ҳолларда бош мезон сифатида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш режасининг бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги тўғрисидаги кўрсаткичлари олинади.

Фермер хўжаликларининг кооператив бошқаруви.

Ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларини демократик бошқариш тизимини яратиш, фермер хўжалиги фаолиятини мувофикаштириш, уларга ишлаб чиқариш ва истеъмол йўналишларида ўзаро ёрдам беришга қаратилган “Фермерлар Концепцияси” Низомининг мақсади, фермер хўжаликларини кооперациялаш жараёнини ташкил этишдан иборатdir.

Чизма-1. “Фермер хўжаликлари кооперацияси”нинг намунавий ташкилий тузилмаси



Кооперациянинг самарали фаолияти унинг таркибини ташкил этувчи ва ўзаро бир-бирига боғлиқ субъектларнинг муносабатларига боғлиқ. Бу субъектлар қуидагилардан иборат:

- *кооперация аъзолари (фермер хўжаликлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ турли соҳада ишилаётган ташкилот ва корхоналар);*
- *бошқаришининг демократик тамойилларига асосан, сайланадиган кооперация Кенгashi;*
- *ижро гурӯҳи (ёлланма мутахассислар).*

Кооперацияга кирувчи фермерларнинг мустақиллиги дахлсиз бўлиб, улар тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан мустақил равишда шартнома тузадилар.

Кооперация Кенгashi фермерларнинг умумий мажлиси томонидан бир йил муддатга тузилади ва Кенгаш ҳайъати сайланади. Кенгаш ҳайъати кооперацияга кирган фермерлар сонига қараб 5-7 кишидан иборат бўлиши мумкин. Кенгаш ва унинг раиси жамоатчилик асосида иш юритиб, унинг аъзоларидан бири бир йил муддатга Кенгаш раиси қилиб сайланади.

Кенгаш ваколатига қуидагилар киради:

- ер, сув ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- фермерларга маҳсулот этиширишда уларни ихтисослаштириш бўйича тавсиялар бериш;

- экинлар навларини танлаш ва юқори ҳосилли ўсимликлар уруғларини танлашда маслаҳат ва тавсиялар бериш;
- агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга кўмаклашиш;
- сервис хизматидан фойдаланиш ва сервис хизмати баҳоларини белгилаш бўйича тавсия бериш;
- тижорат банкларидан кредит олишга кўмаклашиш, кредит кооперативини ташкил қилиш;
- маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, фермерлар маблағларини бирлаштириш ҳисобига тайёрлов, қайта ишлаш, сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил қилиш;
- фермерлар хуқуқларини ҳимоя қилиш;
- фермерларни ахборот маълумотлари билан таъминлаб туриш.

Кооперациянинг ташкилий асосларига – кооперация жараёнига кирувчи аъзоларнинг аризаси, кооперациянинг низоми, унинг бошқарув кенгashi ва органлари, ишлаб чиқариш тизимлари режа ва бухгалтерия бўлимларини ташкил этиш, технологик жараённи бошқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашни ташкил этиш ва бошқа ташкилий омиллар киради. Унинг иқтисодий асосларига – молиявий маблағлар, турли шартномалар, кооператив тўловлари, бадаллари, солиқ ва бошқа тўловлар, кредитлар, инвестиция шу каби иқтисодий омиллар киради.

Кенгаш олдига қўйилган вазифалар ижро аппарати орқали амалга оширилади.

Ижро гуруҳи Кенгаш томонидан танлов асосида олинган 4-5 ёлланма мутахассислардан иборат бўлиб, шартнома асосида фаолият юритади. Ижро гуруҳи мутахассисларининг маоши фермер хўжаликлари даромадидан ажратма ҳисобига тўланади.

Ижро гуруҳи мутахассислари кооператив Кенгашига ва фермерлар умумий ийғилишига ҳисбот берадилар. Ижро гуруҳи бош менежери туман ҳокимияти ва ташкилотлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳамда фермерлар ва сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар билан муносабатларни фермерлар берган ваколат доирасида амалга оширади.

Хуллас, фермер хўжаликлари кооперацияси қишлоқ хўжалигининг қуи бўғинида бошқарув тизимининг асосий ташкилий ва хуқуқий шакли ҳисобланиб, содда ва демократик тамойилларга асосланган бўлиб, унда барча кооператив аъзолари – фермерларни бошқарувда қатнашишини таъминлайди.

Бошқаришнинг бу демократик шаклининг тўлақонли фаолият кўрсатиши ва фермер хўжаликлидида ишлаб чиқаришни самарали фаолият юритиши учун кооперация муносабатларини ташкил қилиш ва ривожлантиришни давлат миқёсида иқтисодий ва хуқуқий қўллаб-куватлаш зарур бўлади. Жумладан, республикамизда “Қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида” маҳсус қонун қабул қилиниб, унда қишлоқ хўжалигидаги барча хўжалик юритувчи субъектларни ихтиёрийлик асосида кооперацияга аъзо бўлиб киришининг тартиби, томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги, кооперация кенгashi бошқарувини ташкил этиш ва унинг ваколатлари доираси, пай бадалларини тўлаш миқдори, тартиби ва муддатлари, кооперациядан чиқиш ва унга аъзо бўлиш каби талабларнинг хуқуқий ечими ўз аксини топиши зарур. Бундан ташқари, амалдаги солиқка тортиш

тизимида кооперация фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар кўзда тутилиши лозим.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини ўзаро кооперация шаклида бошқариш ва мувофиқлаштириб, янада самарали ишлашларини таъминлашга қаратилган ушбу услугуб чет элларда амалий тажрибалар натижасида асосланган ва дастлабки даврда фермер хўжаликларининг оёққа туриши ва босқичма-босқич ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

11.2. Хўжаликда бошқариш усуллари ва тамойиллари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бошқарув усуллари қишлоқ хўжалиги корхоналари олдига қўйилган вазифаларни ўз вақтида, юқори сифатли қилиб бажарилишини таъминлаш учун уларга нисбатан кўриладиган чора-тадбирларни ва таъсиранг усулларнинг қўлланилишини билдиради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришда қўлланиладиган барча усуллар, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бошқарув усуллари ўзининг тавсифига кўра иқтисодий, маъмурий ва психологик усулларга бўлинади.

1. Иқтисодий усуллар. Бошқаришнинг бу усули мутахассислар ва дехконлар моддий манфаатларига асосланган бўлиб, давлат, жамоа ва ҳар бир меҳнаткашнинг моддий манфаатдорлигини бир-бири билан узвий боғлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий усулларига таннарх, баҳо, фойда, рентабеллик, хўжалик ҳисоби, моддий рағбатлантириш фонди киради. Иқтисодий бошқарув усулларининг асосий вазифаси ишлаб чиқаришда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтириб, қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни ва чет эл технологияларини амалиётга жорий этишдир.

2. Ташкилий-маъмурий бошқарув усули яккабошчилик муносабатлари, интизом ва масъулиятга асосланади.

Ташкилий-маъмурий бошқарувига маҳсулот турларини режага асосан етиштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларини ўз вақтида кўриб чиқиши, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва тез ҳал қилинадиган масалалар тўғрисидаги қўрсатмалар киради.

3. Ижтимоий-психологик усулларга - хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, иш жараёнларида соғлом ижтимоий-психологик муҳит яратишдир. Хўжалик ишловчилари томонидан меҳнат интизоми бўйича чиқсан низолар бу усулнинг ҳолатига баҳо беради.

Низо раҳбар билан ишловчи ва бошқа ходимлар орасидаги келишмовчиликлардан келиб чиқади.

Бошқаришининг қўйидаги уч хил системаси мавжуд:

1. Чизиқли бошқарии системасида ҳар бир ходим фақатгина битта бошлиқка бўйсунади.
2. Функционал бошқарии системасида бошқарии функцияси 2-3 раҳбар ўртасида ихтисосига қараб тақсимланади. Бу системада бошқарии анча ихтисослашган бўлади.
3. Мураккаб бошқарии системаси функционал ва чизиқли бошқарии системасининг ишингисидан ташкил топган. Ҳозир бу бошқарии системаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида устунроқ туради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги диспетчерлик хизмати, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, унинг бўлимларига телефон, факс, радио, рация ва бошқа воситалар ёрдамида марказлаштирилган ҳолда оператив раҳбарлик қилишдир.

Бошқариш – қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш, яъни ахборотни тўплаш, уни ишлаб чиқиш, таҳлил этиш, қабул қилинган қарорларни ижро этувчига етказиш ва бу қарорларнинг бажарилишини текшириш жараёнларини ўз ичига олади. Ҳукумат қарорларида ҳозирги шароитда режалаштириш системасини ва қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш учун иқтисодий-математик усулларни кенг қўллаш ва электрон ҳисоблаш техникаси, илғор алоқа техникасидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига ширкат, фермер ва дехқон хўжалиги давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб, юридик шахс мақомига эга бўлади ва фаолиятини қонун ҳужжатларига ҳамда ўз низомига асосан бошқаради.

Уставига амал қиласди, ўзининг мустақил балансига, банк муассасасида ўз ҳисоб варакларига, номи ёзилган думалоқ муҳр ва тамғасига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, шунингдек, ундан ташқарида ҳам қонун ҳужжатларига ва ўз уставига зид бўлмаган ҳар қандай битимларни тузиш хуқуқига эга бўлади, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

11.3. Хўжаликни бошқаришда менежмент ва унинг фаолияти.

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштиришдан аввал маҳсулотни кимга, қанча ва қандай қилиб ишлаб чиқариш режаларини тузамиз. Маҳсулотни кимга, қанча ва қандай миқдорда етиштириш масаласи бўйича маркетинг шуғулланса, шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошқаришни менежмент бошқаради.

Қишлоқ хўжалигига менежмент (инг. бошқариш, мудирлик, ташкил этиш) – замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш, демакдир.

Менежерлар корхона ва компания эгалари бўлмаган ёлланма малакали бошқарувчилардир.

Қишлоқ хўжалигига менежмент илғорлар тажрибасини ўрганиб ва умумлаштириб, иқтисодий воситаларни ҳамда табиат ва жамият иқтисодий қонунларининг амал қилишини очиб беради, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш суръатларини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни илмий асосланган тарзда ҳал қилиш қонуниятларини аниқлаб беради.

Қишлоқ хўжалигига менежментнинг вазифаси меҳнатни ташкил этиш, ишчиларни иш билан таъминлаш; хизмат ва ресурсларни тармоқлар бўйича тақсимлаш; тақсимотнинг рационал шаклларини асослаб бериш, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатига қараб ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш; режаларнинг бажарилишига раҳбарлик қилиш; улар устидан назорат қилиш ва ҳоказолардир.

Қишлоқ хўжалик менежери қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишни, режалаштиришни, назорат қилишни, бошқаришни тўлиқ эгаллаш билан

бирга, қишлоқ хўжалиги техникасига доир фанлардан, уларнинг барча янги муваффақиятларидан хабардор бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалигига менежмент табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонунларига амал қилиб, хўжаликни иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда юритиш базаси бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигига менежментнинг вазифаси иқтисодий, илмий, психологик илмларнинг мавжуд ютуқларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариши бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги ғояларни амалиётга татбиқ қилиш асосида мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва халқ фаравонлигини оширишдир. Қишлоқ хўжалигига менежмент қишлоқ хўжалигига бошқарув, ресурс ва одамларни бошқаришдан ташқари олинадиган фойдани кўпайтиришдир.

Қишлоқ хўжалигига менежмент усулларини шартли равишда қуидаги асосий усулларга бўлиш мумкин: иқтисодий, маъмурий ва ижтимоий-рухий усул.

Қишлоқ хўжалиги менежментида қўлланиладиган иқтисодий усулларга режалаштириш, рағбатлантириш ва тижоратлаштириш киради. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий усулларни, иқтисодий ҳисоб-китоб, деб тушуниш керак.

Иқтисодий усулларда иқтисодий шароитларни яратиш, ўзининг капитал маблағлари ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, фан-техника тараққиётини юқори даражада рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун муттасил кураш олиб боришидир. Қишлоқ хўжалигига менежментнинг иқтисодий усуллари тўла иқтисодий механизмнинг кичик бўлаги ҳисобланади ва улар ёрдамида ишлаб чиқариш самарадорлиги муаммоси ечилади.

Қишлоқ хўжалигига менежментнинг маъмурий усуллари ҳар бир бўғиннинг юқори бошқарув бўғинларига бўйсунишидир.

Маъмурий усуллар юқори турувчи бўғиннинг бўйсунувчи объектга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини ҳамда менежментнинг юқорида турувчи идораларнинг бўйсунувчи идораларга фақат қарор билан таъсир кўрсатишлари ҳам киради.

Маъмурий усулларни ишлаб чиқариш бошқарувидаги аҳамияти қанчалик юқори бўлишидан қатъи назар, бошқарилувчи тизимга биринчи туртки берилгандан кейин бу ҳаракат иқтисодий усуллар томонидан сақлаб турилади ва кучайтириб юборилади.

Қишлоқ хўжалигига менежментнинг ижтимоий-рухий усуллари – меҳнаткашларнинг зарурий, фаол, узлуксиз меҳнат фаолиятини руёбга чиқариш усули бўлиб, улар одамларни шахслараро ва руҳий рағбатлантиришни қўлланиши асосида амалга оширилади.

Ижтимоий-рухий усуллар ҳар бир жамоага ва унинг алоҳида хизматчисига таъсир кўрсатади. Уларга қуидагилар киради: ишонтириш усуллари, тарбиялаш, руҳий рағбатлантириш, ишловчиларнинг майший талабларини қондириш, жамоанинг илғор меҳнат анъаналарини сақлаш ва тараққий топтириш.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда эътиборни янги замонавий технологияларни жорий этишга, харидоргирлигини оширишга қаратиш зарур.

 *Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигига менежмент фойда олиши*

мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариишини узоқ ва қисқа муддатга

режсалаштириши, олдиндан башорат қилиши, ташкил этиши, хизмат ва маҳсулотларни сотиш тизимиидир.

Кишлоқ хўжалигига менежер маълум даражада маъмурий-хўжалик мустақиллигига эга бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича мутахассисидир.

Кишлоқ хўжалигига менежернинг вазифаси – қўйл остидаги ходимга унинг олдига кўйилган мақсадларни тушунтириш, уларга эришишга ёрдам бериш, қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолияти билан боғлик бўлган жараёнларга, жумладан, қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятини режалаштириш, режани амалга ошириш ва бажарилишини назорат қилишга фаол таъсир ўтказишидир.

Кишлоқ хўжалигига менежмент, аввало, ишловчиларни бошқариш илмидир. Одамнинг хусусиятларини билмасдан туриб, менежернинг муваффақият қозониши ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Одам ресурсларини бошқариш қишлоқ хўжалигига менежментнинг энг асосий қисмидир. Ходимларни танлаш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Янги ишни ташкил этишда корхонада ишлайдиган ишловчилар билан боғлик бўлган масалаларни чуқур ўйлаб чиқиш керак, яъни меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилиш, бажарилиши лозим бўлган ишларнинг рўйхатини тузиш, ишнинг ҳар бир участкасида ишлайдиган кишиларнинг сонини аниқлаш, ишнинг ҳар бир участкаси учун стратегик ва танглик омилларини аниқлаш, ишнинг ташкилий тузилишини белгилаш, хизматчи ва акционерларнинг сонини аниқлаш ва штатларни сақлашга сарфланадиган харажатларни аниқлаш зарур. Молия соҳасидаги билимлар менежер учун асосий билимлардан биридир. Чунки молиявий ҳисоб-китобларсиз бирор қарорга келиб бўлмайди. Шунинг учун менежернинг молияни бошқаришдаги ўрни бениҳоя каттадир. Қишлоқ хўжалигига менежердан ишни самарали, яъни фойдали олиб боришни билиш талаб этилади. Фойдани кўпайтиришнинг иккита асосий имконияти маълум: биринчиси, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини ошириш ҳамда сотишни кўпайтириш, иккинчиси, сарф-харажатларни камайтириш.

Бошқариш бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришни бошқаришни ишнинг кўзини биладиган кишиларга, ишбилармонларга, тадбиркорларга, айниқса, бошқариш мутахассислари – менежерга бўлган талабни кескин ошириб юборди. Қишлоқ хўжалигига менежер қабул қилаётган техник, технологик ва бошқа қарорлар аниқ иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланган бўлиши керак. Маҳсулотдан олинган даромад юқори даражада бўлиши, уни ишлаб чиқариш учун кетган сарф-харажатлар паст бўлишига эришишдан иборат. Менежер рақобатга чидамли фан-техника янгиликларини қўллашни ва сарф харажатларни камайтиришга эришишни билиши керак. Қишлоқ хўжалигига менежментнинг маркетинг соҳасидаги фаолияти, хўжаликнинг имкониятларини факат унинг ресурс имкониятлари ҳажми билан эмас, балки кўпроқ атроф-муҳитдаги аҳвол билан белгиланади. Бозорда эҳтиёжларни қондириш учун истеъмолчиларнинг истакларини ўрганиш, талаб ва эҳтиёжга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маркетинг хизмати, сотишни, сотишдан кейинги хизмат кўрсатишни доимо ўрганиб бориш мақсадида ташкил этилади. Бунда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш маркетингни бошқаришнинг бош вазифасидир.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигига менежмент деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларида ҳосилдорликдан ва маҳсулдорликдан фойда олиш, муваффақиятларга

эришиш учун иш фаолиятини тўғри ташкил этиш, технологик жараёнларни тўғри йўлга кўйишни талаб этади.

11.4. Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари

Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг ишлаб чиқилиши, жорий қилиниши, хукм суриши, тараққиёти ва такомиллашуви маълум жонли, буюмлаштирилган меҳнат сарфлари билан боғлик, уларнинг солиштирма оғирлиги ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари таркибида салмоқли ўрин эгаллади.

Қишлоқ хўжалигида менежмент тизими ишлаб чиқаришга бевосита боғлик бўлган харажатларга икки томонлама таъсир кўрсатади. Бир томондан қўшимча харажат, яъни хизматчиларнинг иш ҳақи, ишлаши учун зарур воситалар сақлаб туриш ва ишлатиш сарфлари хамда бевосита ва билвосита харажатлари юзага келади. Қишлоқ хўжалигида менежмент тизими ўз фаолияти учун қўшимча харажатларни талаб қиласдан хўжалик фаолиятини яхшилашга кўмаклашади. Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг самарадорлигини оширишда ўзига хос сарф-харажатлар ҳисобга олиниб, тартиба солиб борилиши зарур. Қишлоқ хўжалигида менежмент тизимида амалга оширилган тадбирларнинг салмоқли қисми ишлаб чиқилган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилгандир.

Менежмент фаолияти иқтисодий самарасини ҳисоблаш учун самарадорлик ўлчови сифатида соф фойдани ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва хукм суришидан келадиган иқтисодий самара қўйидаги қисмлардан иборат:

- a) ишлаб чиқарииш харажатларини камайтириши, маҳсулотнинг улгуржси баҳосини ошириш, мазкур маҳсулот ҳажмини кўпайтириши ва унинг сифатини яхшилаш натижасида йиллик фойданинг ўсган қисмидан;
- б) ишлаб чиқариида қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳақиқий фойдасини камайтирувчи унумсиз ишларни камайтириши ва бутунлай бартараф этиши натижасида тежсалган йиллик пул маблаги бўладиган ва хўжаликнинг ишлаб чиқарииш фонdlари учун тўланадиган йиллик пул маблагини тежсалган қисмидан ташкил топади.

Ҳозирги вақтда ушбу кўрсаткич, асосан, режалаштирилмайди. Бу тизим натижалари қишлоқ хўжалик корхонаси хўжалик фаолиятининг хulosалари билан таққослаш имконини беради.

Режа ва ҳақиқий самарани ҳисоблашда қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва хукм суриши оқибатлари ҳисобга олинади. Масалан, табиий ресурслардан фойдаланилгани учун тўловлар, атроф-муҳитни ифлослангани учун тўловлар ва жарималар тўланишининг оқибатларини аниқроқ ҳисоблашга имкон яратади.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва фаолиятидан келадиган йиллик даромад қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\sum \Delta \Pi = (\Pi_2 x A_2 - \Pi_1 x A_1) x (C_1 x a_1 - C_2 x a_2) = (\Phi_1 - \Phi_2) x E \Phi - (P_2 - P_1) - (W_2 - W_1),$$

Бунда:

- $\sum \Delta$ – қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва фаолиятидан келадиган йиллик даромад – иқтисодий самара;
- P_1, P_2 – бир дона маҳсулотнинг сотувидан келадиган даромад, яъни экспортдан, юқори сифат ҳисобидан ва ҳоказолар, сўм;
- A_1, A_2 – маҳсулотнинг йиллик ҳажми, натурал ҳажмда;
- C_1, C_2 – бир дона маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқаришидан ташқари йўқотишлар, сўм;
- a_1, a_2 – ҳар бир дона маҳсулот учун ўрнатилган ишлаб чиқаришидан ташқари йўқотишлар;
- Φ_1, Φ_2 – корхонанинг ишлаб чиқарии фонdlари, яъни асосий ва айланувчи фонdlарнинг ўртача йиллик қиймати, сўм;
- $E\phi$ – корхонанинг ишлаб чиқарии фонdlари учун тўланадиган тўловнинг меъёрий коэффициенти;
- P_1, P_2 – бюджетга тўланадиган белгили тўловлар, сўм;
- $Ш_1, Ш_2$ – атроф-муҳит ифлослангани учун тўланадиган жарималар, сўм.

Эслатма: «1» ва «2» индекслари қишлоқ хўжалигида менежмент тизимини киритишдан олдинги ва кейинги фаолиятини кўрсатади.

Йиллик даромад – иқтисодий самарадорликни юқоридаги формула билан ҳисоблагандо, деярли, қишлоқ хўжалигида менежмент тизимининг жорий қилиниши ва фаолият натижаларини тўла акс эттиради. У иқтисодиёт захираларини аниқлаш билан чекланмасдан, балки уларга ҳар томонлама иқтисодий баҳо беради, сарф-харажатларни пировард натижа билан таққослаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ошиши етиштирилган маҳсулот сифатининг яхшиланишига, маҳсулот ҳажмининг ортиши ва сарф харажатларнинг камайишига олиб келади.

Қисқача хуносалар

Хўжалик фаолиятини бюракратик бошқариш усулидан батамом воз кечиб, демократик бошқариш, кўп укладли мулкчиликка асосланган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига мослаштирилмоқда. Фермер хўжалигини замонавий усуллар асосида бошқариш, менежмент фаолияти ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб ўтилган. Хўжалиқда менежмент фаолиятини назарий ва иқтисодий асослари тўлиқ яратилган бўлиб, уни амалиётда бошқариш жараёнида кўллаш ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, моддий таъминот, тайёр маҳсулотларни саклаш, сотиш ишларини маркетинг хизмати бошқаради. Маркетинг ва менежмент хизматини яхшилаш ва амалиётга тезкор жорий этиш катта самара манбаи ҳисобланади.

Жазорат ва муҳокама үчүн саболлар

1. Қишилек хўжалигига бошқариши усулларидан кайсиларини биласиз?
2. Фермер хўжалигига менежментине вазифаси нимадан иборат?
3. Менежмент фаолиятининг иктисадий салабадонлиги кайси түрксаткичлар билан аниқланади?
4. Маркетинг вазифаси нима ва бошқаришидаги фаолиятини тушунтириб беринг?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотарни чуқурлаштириш йўлида”, -Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 268 б.
2. Ғуломов С. С. “Менежмент асослари”, -Т.: 1997.
3. Герчикова Н. И. “Менежмент”, Москва, 1995.
4. Парпиев У., Саломов И. “Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. –Т.: “Шарқ”, 1996, 219 б.
5. Сирожиддинов С. “Фермер фаолияти қонун ҳимоясида”. –Т.: 2005, 126 б.
6. Қишлоқда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. –Т.: “Ижод дунёси”, 2004, 318 б.
7. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишининг хукукий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари”. –Т.: “ТИҚҲМИИ”, 2004, 141 б.
8. Рашидов Ж. Х. “Сув хўжалигига стратегик менежмент” фанидан амалий ва семинар машғулотлар ўтиш учун услугубий қўлланма. –Т.: “ТИМИ”, 2005, 30 б. Институт Агроэкономики и Бизнеса Приамурский www.admin.ru
9. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
10. Мардонова А. Т., Исҳоқова С. А. Аграр соҳада мулкий муносабатларни рўёбга чиқаришнинг долзарб услублари. www.skiilm.uz <http://www.skiilm.uz>

ХІІ БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

12.1. Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти ва мезони

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжалиги самарали ишлаши учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори натижага эришишга ҳаракат қилинади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги – жуда мураккаб иқтисодий категориядир. У объектив иқтисодий қонунлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ифода этувчи – натижани, яъни оқибатни акс эттиради. Оқибат ёки натижা ҳар қандай фаолиятнинг мақсадидир. Самара тушунчаси билан иқтисодий самара тушунчасини фарқлаш керак.

Самара бу кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай тадбир ёки фаолиятнинг ошишида, ем-хашак самараси, чорва маҳсулдорлиги ошишида ифодаланади. Аммо бу самара, яъни ҳосилдорликнинг ва маҳсулдорликнинг ошиши бу тадбирларнинг қанчалик фойдалилигини кўрсатмайди. Ўғит ва ем-хашаклардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг қопланганлик даражаси шу харажатлар билан олинган натижага даромад билан таққослангандагина маълум бўлади. Ўғит ва ем-хашакдан фойдаланиш натижасида экинлар ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлигининг ошиши бу тадбирнинг **техник самарадорлигини** ифода қиласа, тадбирни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар билан бунинг натижасида олинган даромадни таққослаш **иқтисодий самарадорликни** ифодалайди.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариши воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижани ёки жами ресурслар бирлигига олинган натижани ифода этади.

Ҳар қандай фаолият ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликни, шу жумладан, фермер хўжаликлари даромадини орттиради, ижтимоий харажатларни яхшилашга олиб келади. Бу жараён нафакат корхоналарга манфаатли, давлатга ҳам фойдалидир. У ёки бу тадбирга баҳо беришда ёки унинг ўлчамларини аниқлашда иқтисодий самарадорлик мезонини билиш керак. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона тўла иқтисодий ва хуқуқий мустақилликка эга бўлганлиги учун асосий мақсади ўзига биринтирилган ресурслардан тўла ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, шу ресурслар бирлигига қанча кўп даромад ва фойда олса, рақобат курашида шунча устунликка эга бўлади. Фермер ва дехқон хўжалиги моҳиятига кўра, улар фаолиятини баҳолашда иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони сифатида хўжалик ресурслари бирлигига олинган ялпи даромадни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ялпи даромад категориясининг афзаллиги шундаки, бунда ҳам маҳсулот миқдори, сифати, қандай бозорда ва қандай баҳода сотилганлиги моддий харажатлар қанчалик тежалганлиги ўз аксини топади. Корхона, фермер хўжалиги қанча кўп ялпи даромад олишга эришса, турли тўловларни (солик ва йиғимлар) тўлагандан кейин ўз эҳтиёжларини кўпроқ қондиришга, корхонани кенгайтиришга имкон берадиган маблағга эга бўлади.

12.2. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуслари

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда унинг фаолиятига баҳо бермасдан иқтисодий самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони тўла ва аниқ жараён ҳамда ишлаб чиқаришни ҳисоб-китоб қилишдан иборат.

Фермер хўжалигининг ялпи даромади етиштирилган маҳсулотни пулдаги ифодаси бўлиб, йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу хўжалик фаолияти ижобий йўналишда бораётганлигини кўрсатади. Шунинг учун хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омил ҳаракатини ифода этувчи ўзига хос кўрсаткичларни билиш керак. Фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини комплекс таҳлил қилиш ва ишончли хулосалар чиқариш, тўғри қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фермер хўжалиги фаолияти ва ишлаб чиқаришига биологик жараён ва иқлим шароитлари турлича таъсир этади. Фермер хўжаликлари бир хил меҳнат сарф қилинган ҳолда турли шаклларда ва турли йилларда турли натижаларга эришиши мумкин. Фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо беришда ҳамма кўрсаткичларни икки гурухга: **натура** ва **қиймат** кўрсаткичларига бўлиш мумкин.

Натура кўрсаткичлари иқтисодий самарадорликни бевосита ифода қилмаса-да, бу кўрсаткичларсиз тадбирга тўла баҳо бериб бўлмайди. Чунки натура кўрсаткичлари жараённинг интенсивлигини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигига ер асосий восита бўлганлиги, инсон уни хоҳлаганича кўпайтира олмаслиги боис, бу қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни интенсив бўлишини зарурият қилиб қўяди. Шунинг учун 1 гектар ердан олинган маҳсулот, яъни хосилни, чорва маҳсулдорлигини ошириш, ҳар бир фермер хўжалигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Фермер хўжалигига олинган маҳсулот ва даромад турли ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро интеграл (функционал) алоқаси натижаси бўлганлиги учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Меҳнат унумдорлиги. Бу кўрсаткич фермер хўжалигига меҳнатнинг самарадорлигини кўрсатади. Фермер хўжалигига ўртача йиллик ходим, сарфланган кишикуни, киши-соатига етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад миқдори билан ифодаланади.

Маҳсулот таннархи. Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришга ва фермер хўжалиги фаолиятига иқтисодий баҳо беришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бир йилда етиштирилган маҳсулотга қанча жорий ҳаражатлар қилинганлигини ифода этади. Эркин рақобат амал қилган бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона маҳсулотининг нархи бозор баҳосига катта таъсир этолмайди. Аммо етиштирилаётган маҳсулотга қилинаётган ҳаражатлар даражаси, яъни маҳсулот таннархи корхона фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун корхона ҳаражатларини камайтирадиган технологияларни қўллаш, экинлар хосилдорлигининг, чорва маҳсулдорлигининг ўсишини таъминлаш, маҳсулот бирлигига ҳаражатларни камайтиришга, таннарх пасайишига ва натижада ялпи даромад ҳамда фойда ошишига олиб келади.

Фермер хўжалигига ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таҳлил этишда ишлаб чиқаришнинг асосий ресурслари (омиллари) бўлган асосий ва айланма фонdlардан самарали фойдаланишни ифода этувчи кўрсаткичлардан хам фойдаланиш мумкин. 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, 1 сўмлик асосий ва айланма фонdlарга етиштирилган ялпи маҳсулот (фонд қайтими) ёки 1 сўмлик ялпи

маҳсулотга тўғри келадиган фондлар (фонд сифими) айланма фондларнинг айланиш коэффициенти ва ҳоказолар.

Иқтисодий кўрсаткичларни амалиётда, Сурхондарё вилояти фермер хўжаликларида маҳсулот етишириш самарадорлигини таҳлил қилишдан кўриб чиқамиз.

**12.2.1-жадвал. Сурхондарё вилоят фермер хўжалигининг ялпи маҳсулот
кўрсаткичлари таҳлили**

(Млн. сўм)

Олинган ялпи даромад	10678,3	16766,6	22570,2	32671,4	51338,1	480,1	
Шу жумладан							
а) пахтадан	7847,9	11734,7	14918,3	22831,2	36547,7	466,0	
б) ғалладан	2830,4	5032,2	7651,9	9840,5	14790,4	522,6	
Жами сарф харажат	9605,5	15033,6	18003,8	25972,4	36324,0	378,2	
Шу жумладан							
а) пахтадан	7452,8	11163,5	12183,2	18150,6	25464,0	341,7	
б) ғалладан	2152,7	3870,1	5460,7	7821,8	10860,0	504,5	
Жами олинган фойда	1072,8	1733,0	4566,4	6699,0	15014,1	1399,5	
Шу жумладан							
а) пахтадан	395,1	571,2	2735,1	4680,6	11083,7	2805,3	
б) ғалладан	677,7	1162,1	2191,2	2018,7	3930,4	580,0	
Рентабеллик даражаси	11,2	11,5	25,4	25,8	41,3	30,1 пункт	
Шу жумладан							
а) пахтадан	5,3	5,1	22,4	25,8	43,5	38,2	
б) ғалладан	31,5	30,0	40,1	25,8	36,2	4,7	

Жадвал маълумотларида маълумки, 2000 йилда вилоят бўйича фермер хўжаликларининг ялпи маҳсулоти 10678,3 млн.сўм бўлган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 51338,1 млн.сўм ёки 480,1 фоизга ошди. Маҳсулот ортиши билан бир пайтда сарф

харажатлар камайиб соф фойда 139,9 фоизга, пахтачиликда 280,6, ғаллачиликда эса 580 фоизга ошиди. Натижа хўжаликнинг рентабеллик даражасини ошганлигини кўрсатди.

Таҳдиллардан маълумки, фермер хўжаликлари ҳар бир имкониятдан тежамли ва оқилона фойдаланганлиги сабабли юқори самарага эришган. Турли мулкчилик муносабатлари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ширкат ва фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

12.2.2-жадвал. 2004 йилда Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалик субъектларида маҳсулот етиштириш самарадорлиги

Хосилдорлик ц/га						
Пахтачилик	27,7	26,5	28,4	45,1	40,2	38,4
Ғаллачилик	38,0	36,3	41,1	91,0	89,7	63,0
Маҳсулот таннархи, 1 ц сўмда						
Пахта хом-ашёси	18560	19750	16450	13320	13480	14080
Дон	7200	8100	6410	5130	5148	5490
Сотиш баҳоси, 1 сўм						
Пахта хом-ашёси	21500	20300	23740	25790	2556	24006
Дон	8370	7870	8730	9830	9728	91310
1 к.ни сотишдан олинган фойда (К)	K2940	K550	K7200	K12470	K11770	K9926
Кўрилган зарар (-)	-170	-397	K2320	K4700	K4580	K3641
Рентабеллик (К) ёки зарар (-) даражаси (%)						
Пахтачилик	K15,8	K2,8	K43,5	K95,6	K87,3	70,5
Ғаллачилик	-2,3	-4,9	K36,2	91,6	89,0	66,3

2004 йилда вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 27,7 ц/га бўлган бўлса, ширкат хўжаликларида 26,5 ц/га, фермер хўжаликларида 28,4 ц/га ташкил этиб, илғор фермер хўжаликларидан Денов туманидаги Бахридин фермер хўжалиги 45,1 ц/га, Лочин-40,2 ц/га, тупроқ шароити оғир, сув билан кам таъминланган Қизириқ туманидаги Қорақасмоқ фермер хўжалиги 38,4 ц/га ҳосил олган. Демак, илғор хўжаликлар вилоят ўртасидан 1,5-2 бараварга гектаридан юқори ҳосил олишга эришди. Бир центнер пахта хом-ашёсидан олинган даромад вилоят бўйича 21500 сўмни ташкил этган бўлса, фермер хўжаликлари бўйича 23740 сўмни, илғор Бахридин фермер хўжалиги 25790 сўмни ташкил этди. Бу эса вилоят ўртасига нисбатан 3,6 минг сўм кўпdir. Рентабеллик кўрсаткичлари вилоят пахтачилигига 15,8 фоизни ташкил этган бўлса, фермер хўжаликларида 43,5 фоизни, Бахридин фермер хўжалигига 95,6 фоизни ташкил этди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳар бир қилинган сарф-харажат учун 15,8-95,6 минг сўм фойда олинди.

Шундай қилиб, вилоятда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик субъектларидан энг юқори самарага эришган хўжалик шакли фермер хўжалиги эканлиги амалиётда ўз тасдиғини кўрсатди.

12.3. Фойда ва рентабеллик

Фойда ва фойдалилик – барча корхоналар каби фермер хўжалиги корхоналари фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Ҳозир амалда қўлланилаётган Низомга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришда фойданинг қуидаги кўрсаткичлари қўлланилади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда. Бу маҳсулотларни (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

$$\text{ЯФ=ССТ-Ит};$$

Бунда: **ЯФ – ялпи фойда;**

ССТ – Сотишдан олинган соф тушум;

Ит – Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарии таннархи.

2. Асосий фаолиятдан қўрилган фойда. Бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс қўшимча асосий фаолиятдан қўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аниқланади.

$$\text{АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ}$$

Бунда: **АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;**

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан қўрилган бошқа заарлар.

3. Умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заар. Бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус қўрилган заарлар сифатида аниқланади.

$$\text{УФ=АФФ+МД-МХ}$$

Бунда: **УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;**

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромад;

M3 – молиявий фаолиятдан кўрилган заарлар.

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда. Бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус заарлар сифатида аниқланади.

СТФ=УФ+ФФ-ФЗ

Бунда: *СТФ – солиқ тўлангунгача бўлган фойда;*

ФФ – фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавқулодда вазиятларда кўрилган заар.

5. Йилнинг соф фойдаси. Бу солиқ тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъект, яъни корхона (фирма) ихтиёрида қоладиган ҳамма хўжалик субъекти мустақил тасарруф этадиган фойда. Уни соликлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан, даромаддан соликни ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа соликлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади.

СФ=СТФ-ДС-БС

Бунда: *СФ – соф фойда;*

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган соликлар;

БС – бошқа соликлар ва тўловлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона (фирма)лар томонидан хўжалик фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромадларнинг манбалари кўйидагилар:

- a) сотишидан олинган соф тушум;*
- б) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари);*
- с) молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;*
- д) фавқулодда даромадлар.*

Корхона даромадининг асосий манбаси – маҳсулот(иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушадиган пул тушумидир.

6. Соф пул тушум бу – умумий пул тушумидан қўшилган қиймат, акциз солиги ва экспорт божи олиб ташлангандан қолгани.

7. Асосий ишилаб чиқарииши фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга ундирилган ёки эътироф этилган қарзлар, ҳисобот йилида олинган ўтган йилги фойда, ошхоналар ва ёрдамчи хизмат даромадлари, асосий воситаларни тутатишдан келган даромадлар, давлат субсидиялари, холисона моддий ёрдам ва бошқа даромадлар киради.

8. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларга – олинган даромад трансферти, қимматли қоғозлар бўйича даромадлар, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш), валюта счётидаги ижобий курс тафовутлари, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган ва бошқа даромадлар киради.

9. Фавқулодда фойда – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдалар.

10. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (PCM) ёки **ялпи фойда бўйича рентабеллик** (РЯФ)

$$PCM = \frac{ЯФ}{CCT};$$

Бунда: PCM – сотилган маҳсулот рентабеллиги.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча ялпи фойда келтирганини кўрсатади.

11. Соф фойда бўйича рентабеллик (РСФ).

$$PCF = \frac{C\Phi}{CCT};$$

Бунда: PCF – соф фойда бўйича рентабеллик.

Соф фойда бўйича рентабеллик ҳар бир сотилган маҳсулот корхона учун қанча соф фойда келтиришини ёки сотилган маҳсулот таркибида қанча соф фойда келтиришини ёки сотилган маҳсулот таркибида қанча соф фойда борлигини ифода киласди.

Юқорида келтирилган молиявий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари корхона фаолиятини таҳлил қилиш, тадбиркорликни мақбул ва самарали йўлларини белгилаш, инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

Кисқача хulosалар

Фермер хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқариш, аввало, унинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Иқтисодий самарадорлик фермер ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижа ёки жами ресурслар бирлигига олинган пировард натижадир. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо берганда иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи маҳсулот ва ялпи даромад (фойда)ни назарда тутгамиз. Шу иқтисодий кўрсаткичлар асосида фермернинг иқтисодий самарадорлиги аниқланиб уни ошириш йўллари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Жазорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий самарадорлик тушишнини айтинг.
2. Иқтисодий кўрсаткичларга ишмалар кифади?
3. Иқтисодий кўрсаткичларни аниқланида қандай усувларни биласиз?
4. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишида қандай тафтиб кўйланылади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 71 б.
2. Каримов И. А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

3. Емельянов А. М. Экономика сельского хозяйства. Москва. 1982. 550 б.
4. Коваленко Я. И. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС. 1998.
5. Абдуганиев А., Абдуганиев А. А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: “ТДИУ”, 2004 й.
6. Салимов Б. Т. ва бошқалар. “Фермер ва дехқон хўжалиги иқтисодиёти” –Т.: ТДИУ, 2003, 142 б.
7. Тошбоев А. Ж. “Тармоқ иқтисоди ва менежмент” фанидан амалий машғулот олиб бориш учун услубий қўлланма. –Т.: “ТИҚҲМИИ”, 1999, 38 б.
8. Попов Н. А. Экономка отраслей АПК. Курс лекции, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.htm>

ХІІІ БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ДОН ВА ПАХТА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

13.1. Пахта етиштириш ва унинг агротехнологияси


Ғўза, асосан, тола учун экилади. Ундан 150 дан ортиқ маҳсулот олинади. Айниқса, пахтадан тўқимачилик, озиқ-овқат саноатига хом ашё, чорва молларига озуқа тайёрланади. 1 тонна пахтадан 320-380 кг тола, 10-14 кг момик, 10-12 кг ўлук ва 600-640 кг чигит олинади. Чигитдан эса, инсон истеъмол қиласидаган 100-120 кг ёғ, чорвага 210-230 кг кунжара, 170-180 кг шелуха чиқади. Толасидан эса 300 м мато, 8000 м полотно, 1200 м чит, 2000 м батист ёки 140000 тагача ғалтак ип олиш мумкин. Бундан ташқари, совун, спирт, маргарин, глицерин, мой маҳсулотлари, лимон ва олма кислоталари, атир-упалар, целлюлоза, целофан, картон, қофоз, глюкоза, лак, бўёқ, алиф, доривор препаратлар, оқсил, ачитқи ва бошқа нарсалар тайёрланади. 1 т шелухадан 85 л спирт, 20 кг карбон кислота, 20 кг сирка кислота, 3-4 кг елим, 55 кг хамиртуруш олиш мумкин.

13.1-жадвал. Республикада пахта етиштириш кўрсаткичлари таҳлили

Экин майдони, минг га	1877,1	1830,1	1444,5	1472,3	1447,5	77,1
Ялпи ҳосил, тонна	6237,1	5051,0	3002,0	3749,0	3600,0	57,7
Ҳосилдорлик, ц/га	33,2	27,6	20,7	25,4	25,0	75,3

Республика бўйича пахта етиштириладиган экин майдонлари 1980 йилда 1877,1 минг гектар бўлган бўлса, 2006 йилга келиб 1447,5 минг гектар ёки 429,6 минг гектар ер қисқартирилиб, дон етиштиришга ажратилди. Ҳосилдорлик 33,2 ц/га ўрнига 25,0 ц/га бермоқда. Шунинг учун ялпи маҳсулот ҳажми ҳам камайган. Пахта етиштириш учун сарф-харожатлар таркибини куйидаги диаграммада кўриб чиқамиз.

1-расм. Сурхондарё вилоятида 2006 йилда пахта етиштириш учун кетган сарф-харожатлар



2006 йилда вилоятда пахта етиштириш учун сарф-харажатларнинг асосий салмоғини иш ҳақи 33,3 %, минерал ўғит 20,3 %, МТП хизмати 16 %, ёқилғи мойлаш материаллари 10,5 %ни ташкил этмоқда. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ерга ишлов бериш, таъминот ва сервис хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда агротехникани ўз муддатида сифатли олиб боришдан иборатдир.

Ғўза экини тўплаган органик модданинг 33 фоизи пахта ҳосили, 24 фоизи поя, 22 фоизи барг, 12 фоизи чаноқ ва 9 фоизи илдиздан ташкил топган. Ғўза Госсириум авлодига, гулхайрисимонлар оиласига мансубdir. Унинг 35 тури маълум, шундан бизнинг мамлакатимизда 2 тури экиласди; Госсириум хирзутум – ўрта толали оддий ғўза; Госсириум барбадензе – ингичка толали Перу ғўзаси. Ғўза жаҳоннинг 83 давлатида экиласди. Республикамиз пахта етиштириш бўйича жаҳонда 2 ўринда, пахта сотиши бўйича эса 7 ўринда туради.

Ғўза 5 та ривожланниши даврида қўйидаги муддатларни талаоб қиласди:

1. Униб чиқши учун – 8-12 кун.
2. Биринчи ҳақиқий барг кўрсатиши учун – 8-12 кун.
3. Шоналаши учун – 25-30 кун.
4. Гуллаши учун – 25-28 кун.
5. Пишиб етилиши, яъни кўсакнинг очилиши учун 50-60 кун.

Пахтанинг вегетация даври қўйидагича бўлади:

- ўрта толали оддий пахта навлари учун 125-150 кун;
- ингичка толали пахта навлари учун 145-150 кун.

Ғўза қуёшли ёруғликни ёқтиради. Шундай бўлганда, фотосинтез яхши ўтади. Ёки 1 соатда 1м² барг юзасида 1,46 г қуруқ модда ҳосил қиласди. Ҳаво булут бўлганда эса

ассимиляция маҳсули жуда камайиб 0,0073 г ни ташкил килади. Шунинг учун ғўза қалинлиги меъёрида бўлиши, бегона ўтлардан холи ва салқинда қолмаслиги керак.

Ғўза қурғоқчиликка анча чидамли бўлиб, сувни ёқтиради. Транспирация коэффициенти 600-1400 га тўғри келади. У транспирацияга биринчи ҳақиқий барг чиқариш даврида бир суткада гектарига 10-12 м³, шоналашда 30-35 м³, гуллаш ва пишиш олдидан (июль-август) 80-120 м³ ва пишиш даврида 30-40 м³ сув сарфлайди. Ҳамма вегетация даврида эса ўртача 5-6 минг м³сув сарфлайди.

Пахтанинг Оқдарё-6, Бухоро-6, Термез-31, Наманган-77, Денов, Юлдуз, С-6524 каби навлари мавжуддир.

Пахта етиштириш технологияси илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, бунда қуйидаги ишлар бажарилади.

Тупроқни ишлаш. Бунда пахта экиладиган майдонларда, албатта, кузги шудгор қилиш билан суғориш, ўғитлаш, тупроқ шўрини ювиш, бегона ўтлар, касаллик ва заракунандаларни йўқотишга қулай имконият яратилади. Пахта ҳосилдорлиги 10-20 фоиз ошади, бегона ўтлар эса 50-60 фоизга камаяди.

Шудгорлашнинг муддати октябр-ноябр ойларига тўғри келади. Шудгорлашдан олдин ғўзапоя (агар вилт билан касалланган бўлса) КВ –3,6 ёки КВ – 4,0 агрегати ёрдамида юлиб олинади ва дала ташқарисига чиқариб ташланади. Вилт билан касалланмаган бўлса, у ҳолда поялар майданниб ер ҳайдаб ташланади.

Шудгорлашдан олдин далалар бегона ўтлардан тозаланади, гўнг сепилади, фосфорли ва калийли ўғитлар солинади.

Ер ҳайдаш ПЯ-3-35 та ПД-3-35 қўш қаватли плугларда бажарилади. Унинг чуқурлиги тупроқ қатламига қараб 30-40 см бўлиши лозим.

Бедали ерни бузгандга, аввало юза қисми 6-7 см чуқурликда ҳайдалиб, унинг илдиз бўғизлари қирқилади. Ундан 8-10 кун ўтгач эса асосий (чуқурлиги 35-40 см) ҳайдов ўтказилади. Шудгор юзаси кузнинг ўзидаёқ ГН-4 ёки ГН-2,8 агрегатлари билан текисланиб қўйилади.

Экиш олдидан тупроқни ишлаш ҳар хил бўлади. Агар тупроқ шўрланмаган, зичлашмаган ва бегона ўтлардан холи бўлса, ернинг намини қочирмаслик мақсадида бороналаб қўйилади. Бу иш эрта баҳорда шудгор юзаси қуриганда, занжирилган тракторлар кириш мумкин бўлганда бажарилади. Ёки февралнинг охири ва мартнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бундай майдонларда чигит экиб ўз намига ундириб олиш мумкин.

Экиш олдидан тупроқ қайта ишланади. Бунда борона ва мола юргизилади. Сўнг тезлик билан экиш ишлари бажарилади. Акс ҳолда ернинг нама қочиши ва бегона ўтлар кўкариб кетиши мумкин. Бороналаш ва молалашда ПР-5 ва ВП-8 текислагич агрегатларидан фойдаланилади.

Агар тупроқ зичлашган, бегона ўтлар ўсган бўлса, у ҳолда ЧКУ-4 культиватори ёки КФГ-3,6 фрезаси юргизилгани маъқул. Кетидан бороналанади ва молаланиб экилади.

Уруғлик сифати. Юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда чигитнинг сифатига алоҳида эътибор берилиши, у сараланган бўлиши зарур. Бунинг учун уруғлик алоҳида элита хўжаликларда етиштирилади. Уруғлик пахта унумдор майдонларга экилиб, нихоятда юқори агротехника қўлланилади. Йиғиштириш вақтида энг сифатли чигитлар олиш учун 3-8-чаноқларидаги пахталар териб олинади.

Уруғлик пахтани тергандан, унинг намлиги 9-10 фоиздан ошмаслиги лозим.

Ажратиб олинган чигитлар махсус машиналарда калибрланади (сарапланади). Бундай чигитлар экилганда бақувват, бир текис кўчатлар олинади. Шунда улар авж олиб ўсади, ривожланади ва юқори ҳосил беради. Ўртacha 1 гектарга 70-80 кг уруғ ёки 1 гектарга 120 минг кўчат бўлиши керак.

Чигит экиш. Чигитни экишдан олдин 5-6 кун офтобга ёйиб қиздирилади. Касаллик ва зааркундаларга қарши дориланади. Бунда «фентиурам» препаратидан фойдаланилади. Тукли чигитни экиш олдидан намланади. Бунинг учун 1 т чигитга биринчи намланганда 300 л, кейинги икиинчи ва учинчи намлашларда эса 600 л дан сув сарфланади. Экишнинг дастлабки даврларида 12 соат, кейинчалик эса 18 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар куруқлигича экилади.

Тезда ва бир текис кўчат ундириб олиш учун «мивал» биостимулятори ишлатилади. Бунда 5 л сувга 1 г препарат қўшиш кифоя. Туксизлантирилган чигитнинг 1 тоннасига 30-40 л, тукли чигит учун эса 500-600 л сув сарфланади.

Чигитни экиш вактида тупрокда етарли намлик бўлиши, ҳарорат эса 120 С⁰ дан паст бўлмаслиги лозим. Бундай муддат жанубий вилоятларда 20-25 март, марказий вилоятларда 5-10 апрел ва шимолий вилоятларда 20-25 апрелга тўғри келади.

Энг аввало тукли, кейин эса туксиз чигитларни экиш тавсия қилинади.

Пахта, асосан, икки хил усулда, қатор ораси 60 ва 90 см кенгликда экилади. Уларга белгиланган миқдорда чигит ташланади.

Чигит экиш миқдори туксизлантирилган бўлса, ҳар гектарга 25-30 кг, тукли бўлса 60-70 кг белгиланади.

Чигитнинг экиш чуқурлиги 4-6 см бўлиши кифоядир.

Ягана қилингандан кейин ҳар гектарга ўрта толали пахта навларидан 110-170 минг туп кўчат қолдирилади. Ғўза 1-2 чин барг чиқаргунга қадар яганани тугаллаш лозим.

Ғўза парвариши. Агар чигит экилгандан кейин қатқалоқ пайдо бўлса, уни йўқотиш учун тишли бороналар юргазилади. Ниҳоллар униб қолган бўлса, MBX-5, 4 ва MB-2,8 маркали мотига ёки РОР ва УРОР ротация юлдузчали культиваторлар ишлатилади. Юмшатиш чуқурлиги 3-5 см бўлиши кифоя.

Ғўзанинг ўсиш даврида унинг қатор оралари юмшатиб турилади. Биринчи культивация юзароқ ўтказилади. Ишчи органларининг ўрнатиш чуқурлиги четкиларида 6-8 см, ўртасида эса 10-12 смни ташкил қиласи. Бунда ҳимоя зонаси 10-12 смдан ортиқ бўлмаслиги керак. Кейинги культивациялар бир оз чуқурлатиб борилади. Масалан, қатор ораси 60 см экилган ғўзаларни четки ишчи органлари 8-10 см, ўртадагиси 12-14 см, қатор ораси 90 см бўлганда эса 8-10 см ва 14-16 см чуқурликда ўтказилади. Пахта бутун вегетация даврида 4-7 марта культивация қилинади. Далаларда ишлов сонини камайтириш мақсадида культивация билан бир вактда ўғитлаш, суғориш учун эгат очиш, механизация ёрдамида чеканка қилиш ва бошқа ишлар бир йўла қўшиб бажарилади. Эгатларнинг чуқурлиги эса 15-22 см бўлиши лозим.

Чигитни пуштага экиш. Бунинг учун кузда шудгор қилингач, ер текисланади. Сўнgra ГХ-4 агрегати ёрдамида пушта олинади. Далани текислашда ВП-8 агрегатидан фойдаланилади. Пушталар баландлиги 60 см қилиб экилган далаларда 16-18 см, 90 см қилиб экилган майдонларда 25-30 см бўлади. Пуштани баҳорда олса ҳам бўлади. Бу иш фақат

экишдан 20-25 кун илгари бажарилиши лозим. Агар табиий намлик ҳисобига чигит униб чиқишига ишонч ҳосил бўлмаса, у ҳолда экишдан 8-12 кун илгари пушталар суғорилади. Тупроқ етилгач, пушта юзаси юмшатилади ва бир йўла экиб кетилади. Ғўзани пуштага экишнинг афзаллиги шундаки, далалар экишга 4-6 кун илгари етилади. Ҳосил 6-8 кун илгари пишади. Умумий ҳосил эса ҳар гектарда 4-6 ц ошади.

Ўғитлаш. Ерларга навбатлаб ҳар 3-4 йилда гектарига 30-40 т дан органик (гўнг ҳисобида) ўғит солиб турилади. Бу иш шудгорлаш олдидан амалга оширилади. Гўнг, албатта, чириган бўлиши шарт. Органик ўғит солинган майдонларда микроэлементларнинг миқдори ҳам ошади. Пахта минерал ўғитлардан азот, фосфор ва калийга талабчан. Ғўза 1 т пахта ҳосили етиштириш учун 60 кг азот, 20 кг фосфор ва 50 кг калий элементи талаб қиласи. Ингичка толали ғўзалар эса яна 10-15 фоиз ошикроқ истеъмол қиласи.

Минерал ўғитлар билан озиқлантиришда унинг миқдори ҳосилдорликка қараб белгиланади. Масалан, пахтанинг ҳар гектаридан 15-20 ц ҳосил олиш учун 100 кг, 20-25 ц учун – 150 кг, 25-30 ц учун – 200 кг, 30-35 ц учун – 250 кг, 35-40 ц учун – 300 кг, 40-45 ц учун – 350 кг соғ азот берилади. Азотли ўғитлар ерга бўлиб-бўлиб солинади. Йиллик азот миқдорининг 25-30 фоизи экишдан олдин, ерни ишлаш пайтида, 8-10 фоиз чигит экиш билан бир вақтда, қолган қисми ғўзанинг вегетацияси даврида иккига бўлиб берилади. Охирги озиқлантириш 10 июлдан кечикмаслиги шарт. Акс ҳолда ўғитлар зое кетади ва пахтанинг пишиши кечикади.

Фосфор ва калий ўғитлари тупроқдаги табиий миқдорига қараб азотга нисбатан 1:0,8 ва азот калийга нисбатан 1:0,5 белгиланади. Ёки ҳар гектарга 200 кг азот бериш керак бўлса, фосфор ва калийнинг миқдори 160 ва 100 кг ни ташкил қиласи.

Фосфор ўғитининг 70 фоизи ва калийнинг 50 фоизи шудгорлашдан олдин берилади. Фосфорнинг қолган қисми чигит экиш ва биринчи озиқлантириш пайтида, калийнинг қолган қисми эса иккинчи озиқлантиришда ишлатилади.

Тупроқка таркибиға қараб микроўғитлар (мис, рух, темир, магний ва бошқалар) ҳам бериб турилса яхши бўлади.

Суғориши. Суғориш меъёри ва сони иқлим ҳамда тупроқнинг шароитига, ғўзанинг ривожланиш муддатларига қараб белгиланади. Масалан, механик таркиби енгил (қумли ва қумлоқ) тупроқларда ғўза гуллашга қадар гектарига $500-600 \text{ м}^3$, гуллаш-қўсак туғиши даврида $700-800 \text{ м}^3$, механик таркиби оғирроқларда $600-700 \text{ м}^3$ ва $800-900 \text{ м}^3$, сизот сувлари чукур жойлашган тупроқларда $700-800 \text{ м}^3$ ва $1000-1100 \text{ м}^3$, сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларда $700-900 \text{ м}^3$ сув сарфлаб суғорилади.

Вегетация даврида ғўза 3-12 марта суғорилади. Масалан, ер ости суви юза (80-120 см)да жойлашган бўлса, 3-4 марта суғориш кифоя. Агар у чукур (18-20 м) жойлашган бўлса, 9-12 марта суғорилади.

Тупроқнинг юза қатлами тош, шағал ва қум билан қопланган бўлса, тез-тез ва кўп марта сув берилади. Ғўзанинг мавсумий суғориш миқдори ҳар гектарга $288-11\,000 \text{ м}^3$ бўлади.

Пахта йиғим-терими. Йиғим-терим мавсуми бошланишдан 10 кун илгари йўллар, кўприклар, хирмонлар, бостирмалар таъмирланиши, тош-торозилар, этаклар ва бошқалар тайёр бўлиши шарт. Ўқариқлар кўмилади. Терим машиналарининг қайтиш майдонларидағи ғўзалар 8 м кенглигда ўриб четга чиқазилади ва ўрни НГ-40 грейдери ёки Д-606 бульдозерида текисланади.

Биринчи машина теримиға мавжуд кўсакларнинг камидаги 60 фоизи очилганда киришилади. Пахта ХВА - 1,2, ХВВБ – 1,8 ва ХНП – 1,8 маркали машиналарда териб олинади. Орадан 12-15 кун ўтгач иккинчи машина терими ўтказилади. Ундан сўнг эса УПХ-1,5 Б кусак чивиш машиналари юргизилиб дала тозаланади.

Ўзбекистон Республикаси ер юзида жойлашишига кўра, чўл минтақаси ҳамда тоғ олди ва тоғликлардан иборат бўлган чўл-дашт минтақасидан ташкил топган. Уларнинг иқлим шароити, рельеф тузилиши, ўсимликлар олами ва тупроқларининг тарқалиши маълум қонуниятларга асосланган. Шуни назарда тутган ҳолда республика ҳудуди шимолий, марказий ва жанубий тупроқ-иқлим минтақаларига ажратилган.

Булар марказий (Тошкент вилояти, Фарғона водийси) жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари) ва шимолий (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) минтақаларидир.

Кузги ишлар марказга нисбатан жанубда 15-20 кун кейин, шимолда 10-15 кун олдинроқ, баҳордаги ишлар эса аксинча жанубда 15-20 кун илгари ва шимолда 10-15 кун кейинроқ бошланишини ҳисобга олиш лозим. Ўсув даврида бажариладиган ишлар ҳам худди баҳордаги ишлар каби амалга оширилади.

13.1.1-Жадвал. Пахта етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режаси

Кузда бажариладиган ишлар

1	Ўқариқларни кўмиш	15.10-10.11		
2	Далани ғўзапоялардан тозалаш ва уни майдалаш	15.10-10.11		
3	Далани текислаш	16.10-11.11		
4	Далага органик ва минерал ўғитлар сепиши (ҳар гектарга 36-40 т гўнг, 100-120 кг фосфор ва 50-60 кг калий солинади).	17.10-12.11		
5	Кузги шудгорлаш (кўш қаватли плугларда 30-40 см чукурликда)	17..10-12.11		
6	Шудгор юзасини текислаш	13-20.11		
	Баҳорда бажариладиган ишлар ва экиш			

7	Нам түплаш мақсадида эрта баҳорда бороналаш	1-10.03		
8	Чигит экиш олдидан молалаш ва бороналаш	5-20.04		
9	Чигит экиш (хар гектарга 30 кг азот ва 30 кг фосфор ҳам солинади)	6-21.04		
	Үсиш даврида бажариладиган ишлар			
10	Тупроқ қатқалоғини юмшатиши			
11	Биринчи юзага культивация ўтказиш (6-8 см чуқурликда)	24.04-5.05		
12	Яганалаш	24.04-11.05		
13	Биринчи кетмөн чопиғи ва ўтоқ қилиш	11.05-24.05		
14	Иккинчи культивация (14-16 см чуқурликда) билан бирга биринчи озиқлантириш (хар гектарга 100-110 кг азот ва 80-100 кг фосфор солинади)	25.05-5.06		
15	Суғориш учун ўқариқ очиш	25.05-5.06		
16	Биринчи суғориш (хар гектарга 800-1000м ³ сув сарфланади)	25.05-6.06		
17	Учинчи культивация (16-18 см чуқурликда)	2-12.06		
18	Иккинчи кетмөн чопиғи ва ўтоқ қилиш	3-19.06		
19	Иккинчи озиқлантириш (хар гектарга 100-11 кг азот ва 50-60 кг калий солинади)	20-27.06		
20	Иккинчи суғориш (хар гектарга 800-900 м ³ сув сарфланади)	20-30.06		
21	Тұртінчи культивация (18-20см чуқурликда) ва суғориш учун эгат очиш	25.06-6.07		
22	Учинчи суғориш (хар гектарга 800-900м ³ сув сарфланади)	10-20.07		

23	Чеканка	15-25.07		
24	Бешинчи культивация (18-20 см чуқурликда)	Ва сүфориш учун эгат очиш		
25	Тўртинчи сүфориш (ҳар гектарга 900-1000м ³ сарфланади)	24.07-4.08		
26	Йирик бегона ўтларни йўқотиш	28.07-8.08		
27	Бешинчи сүфориш (ҳар гектарга 900-1000м ³ сув сарфланади)10-20.08	10-20.08		
28	Олтинчи сүфориш (ҳар гектарга 700-800 м ³ сув сарфланади)	30.08-10.09		

Пахта теримида бажариладиган ишлар

29	Ўқариқларини кўмиш	9-12.09		
30	Дефолиция килиш	10-15.09		
31	Дала четларини теримга тайёrlаш	25.09-6.10		
32	Биринчи машина терими	26.09-11.10		
33	Иккинчи машина терими	12-20.10		
34	Тўкилган пахталарни териш	12-30.10		

Кузда бажариладиган ишлар ва экши

1	Хосилдан бўшаган ерларни текислаш	25-30.09		
2	Сүфориш учун калта ўқариқлар очиш	1-10.10		
3	Ёппасига бостириб сүфориш (ҳар гектарга 700-800 м ³ сув сарфланади)	2-12.10		
4	Ўқариқларни кўмиш	7-17.10		
5	Органик ва минерал ўғитлар сепиш (ҳар гектарга 20-25 т гўнг, 80-90 кг фосфор, 50-60 кг калий солинади)	8-18.10		
6	Ер хайдаш (28-30 см чуқурликда)	9-19.10		
7	Молалаш ва бороналаш	10-20.10		

8	Экиш (экиш усули 15-18 см кенглиқда ёппасига бажарилади. Урұғ сарфлаш міндері ҳар гектарга 160-180 кг. Экиш билан бир вактда 90-120 см кенглиқда суғориш әгатлари очилади. Экиш чукурлиғи 4-5 см)	12-22.10		
9	Суғориш учун ўқариқлар очиш	12-22.10		
10	Биринчи суғориш (ҳар гектарга 700-900 м3 сув сарфланади)	12-22.10		
11	Күчатларнинг тўлиқлигини аниқлаш	1-10.11		
12	Кўчати кам майдонларга урұғ сепиш ва кўмиш	2-11.11		
	Ўсиш даврида бажариладиган ишлар			
13	Ўқариқларни кўмиш	18-27.02		
14	Биринчи озиқлантириш (ҳар гектарга 100-110 кг азот берилади) Бир вактда бороналааб ўғит кўмилади ҳамда бегона ўтлар йўқотилади	20-28		
15	Ўқариқларни очиш	22.02-1.03		
16	Иккинчи суғориш (ҳар гектарга 700-800 м3)			
17	Ўтоқ қилиш	5-17.03		
18	Иккинчи озиқлантириш (ҳар гектарга 60 кг азот солинади)	20-30.03		
19	Учинчи суғориш (ҳар гектарга 800-900 м3 сув сарфланади)	10-20.04		
20	Қийғос гуллаган пайтда отда юриб арқон тортиб қўшимча чанглатиш	20-30.04		
21	Тўртинчи суғориш (ҳар гектарга 700-800м3 сув сарфланади)	5-15.05		
	Хосилни йиғишириш			

22	Ўқориқларни кўмиш, далаларни комбайнларнинг ишилаши учун тайёрлаш	20.06-10-0.7		
23	Ҳосилни ўриб-йиғишириш	25.06-15.07		
24	Донни асфальт хирмонга ёйиб куритиш	25.06-20.07		
25	Сомонини даладан ташиб чиқариш	26.06-16.07		
26	Донни тозалаш	1-25.07		

13.2. Дон етишириш ва унинг агротехнологияси

Республика мустакил бўлган кундан бошлаб, хукуматимиз ахолини ижтимоий муҳофаза қилишга асосий эътиборни қаратди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш орқали ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш асосий йўналиш эканлиги белгилаб олинди. Бошокли дон етишириш учун маҳсус сұфориладиган экин майдонлари ажратилиб, юқори сифатли хорижий давлатлар уруғлари олиб келиниб расмийлаштирилди. Дон ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб, ахолини дон билан таъминлашга эришилди. Ҳеч қандай давлатдан дон олмасдан, балки, уни экспорт қилинмоқда. Республикада дон етишириш кўрсаткичларини қуидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

13.2.1-жадвал. Республикада дон етишириш кўрсаткичлари


1.	Дон экин майдони, минг га	1666,5	1616,1	1616,5	96,7
2.	Ҳосилдорлик, ц/га	35,4	40,3	41,9	118,4
3.	Ялпи ҳосил, т	6017,1	6540,9	6639,0	110,3

2004 йилда 1666,5 минг гектар ерга дон экилган бўлса, 2006 йилга келиб 1616,5 минг гектарга ёки 3,3 фоизга кам экилди. Лекин ҳосилдорлик 18,4 фоизга ортиши билан ялпи ҳосил 110,3 фоизга ошди.

Дон етишириш, асосан, фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермер хўжаликлари йил бошида тайёлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари асосида буғдой етишириб келишмоқда. Фермерлар асосий эътиборни ғалла агротехникасига қаратган. Ўз вақтида моддий ресурслар билан таъминлаб, сервис хизматларини белгиланган муддатларда ўтказмоқда. Дон етишириш бўйича тузилган шартномадан ортиқчаси фермер хўжалиги ихтиёрида колдирилиши ҳам маҳсулот ҳажмининг ортишига олиб келмоқда.

Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган дон микдори қуйидаги диаграммада ўз аксини топган.

1-расм. Фермер хўжаликларида дон етиштириш кўрсаткичлари



Диаграммадан маълумки, 2004-2006 йилларда дон етиштириш ҳажми 169,6 фоизга, ҳосилдорлик эса 7,7 центнерга ошган. Фермерлар сарф-харажатларни тежашга ҳамда кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилмоқда.

Буғдой асосий озиқ-овқат экини бўлиб, нонини жаҳондаги 70 фоиз аҳоли истеъмол қиласди. Буғдойдан ун, ёрма, макарон, кондитер маҳсулотлари, спирт ва бошқалар олинади. Дон чиқиндиларидан чорва учун маҳсулот тайёрланади.

Дони таркибида 13,9-16, % оқсил, 77,4-79,8% углеводлар, 2,0-2,1 % ёғ, 1,9% кул ва 2,3-2,4% тўқима бор. Буғдой сомонида 0,22 озуқа бирлиги мавжуд.

Жаҳонда буғдойнинг 24 та тури мавжуд бўлиб, улардан 2 тури экиласди:

- юмшоқ буғдой;
- қаттиқ буғдой.

Юмшоқ буғдой кузги ва баҳорги бўлади. Дони оқ ва қизил рангда, қаттиқ буғдой деярли баҳорги хисобланади. Оқ рангли бўлади.

Экин майдонларда юмшоқ буғдойнинг Санзар-4, Санзар-8, Ёнбош, Маржон, Унумли буғдой, Интенсив, Безостоя -1, Спартанка, Скифянка, Юна, қаттиқ буғдойнинг Александровка, Марварид, Бахт, Арпанинг Ойкор, Болғали, Зафар, Қарши навлари экиб келинмоқда.

Уларнинг қисқача тавсифи қуйидагича:

«Санзар-4» нави бўлган юмшоқ буғдой 1990 йилда республиканинг барча сугориладиган ерларига районлаштирилган. Бошогининг узунлиги 9-11 см қизил, қылтиқли, дони қизил, 1000 дона доннинг вазни 41-45 г. Ўсимликнинг бўйи 95-110 см бўлиб, ётиб қолишиликка чидамли. Эртапишар, ҳосилдорлиги гектаридан 50-60 центнер, дон сифати яхши.

Экиш муддати октябрнинг биринчи ўн кунлиги, экиш меъёри гектарига 4 млн. дона унувчи уруғ ҳисобига белгиланади. Нав совуққа чидамли бўлиб, эрта баҳорда экса ҳам ҳосил беради. Лекин кузда экилган майдонларда ҳосилдорлик юқори бўлади.

«Санзар-8» нави кузги юмшоқ буғдой. Бошоғи оқ, қилтиқли, дони оқ. Совуққа, қурғоқчиликка чидамли. Бу навни август ойининг охирида, чўл ҳудудларида сентябрь ойининг бошида экилса ҳам найчалаб қолмайди. Аксинча, ҳосилдорлиги юқори бўлади. Битта бошоқда 60 тадан 110 тагача дон бўлади. 1000 дона доннинг вазни 41-44 г. Дони таркибида оқсил 14-14 %, клейковина 29-32 %дан иборат. Суғориладиган ерларда ҳосилдорлиги гектаридан 60-75 центнер. Сувга, ўғитга талабчан. Экиш меъёри эрта экилганда гектарига 3,0-3,5 млн. дона, октябр ойида экилганда эса 4,0-4,5 млн. дона. Нав ноёб навлар рўйхатига киритилган.

«Интенсив» нави юмшоқ буғдой. Бу нав буҳорги бўлгани учун экилса, найчалаб ва бошоқлаб кетади. Бошоғи қилтиқли, қизил рангда. Дони қизил, тухумсимон. 1000 дона донининг вазни 40-43 г. Ўсимликнинг бўйи 100-115 см бўлиб, ётиб қолишга мойил. Сифат жихатдан қимматли буғдой турига мансуб. Экиш муддати октябрнинг иккинчи ўн кунлиги бўлиб, экиш меъёри гектарига 4 млн. дона.

«Безостоя-1» нави юмшоқ буғдой нави ҳисобланади. Унинг бошоғи оқ, қилтиқсиз. Дони қизил, ўртacha катталиқда, 1000 дона донининг оғирлиги 40-44 г. Экиш муддати август ойининг охиридан бошлаб, октябрнинг биринчи ўн кунлигигача, совуққа чидамли ва ётиб қолмайди. Ҳосилдорлиги гектаридан 50-60 ц, сифат жихатдан кучли буғдой турига мансуб.

«Ёнбош» нави юмшоқ кузги буғдой. Бошоғи қизил, қилтиқли, узунлиги 9-11 см 1000 дона доннинг оғирлиги 41-43 г, дони кўп тўкилмайди. Ўртапишар, совуққа ва кассалликларга чидамли. Ўсимликнинг бўйи 105-115 см, экиш меъёри кузги бўлганлиги учун август охири, сентябрда гектарига 3,0-3,5 млн. дона, сентябр охири октябрда 4,0-4,5 млн. дона.

«Маржон» кузги буғдой, бошоғининг узунлиги 9-10 см. Дони қизил ва йирик. 1000 донасининг оғирлиги 46-49 г. Ўртапишар, совуққа чидамли. Ўсимликнинг бўйи 115-120 см. Кассалликларга бардошли. Экиш муддати октябрнинг биринчи ўн кунлиги, ҳосилдорлиги гектаридан 65-70 ц.

Унумли буғдой биологик дуварак юмшоқ буғдой қимматбаҳо навлар турига киради. Қилтиғи узун. Бошоғи йирик. 1000 дона донининг оғирлиги 39-41 г. Ун-нон сифати яхши. Оқсил миқдори 12,4%. Хом клейковинаси 26,3%. Ўртапишар, қуруқлик ва кассалликларга чидамли. Юқори ҳосилли. Гектарига экиш меъёри 4-5 млн. дона. Оқилона экиш муддати октябр ойининг 2-декадаси (ўн кунлиги).

«Макуз-3» нави қаттиқ буғдой дуварак. Қилтиғининг узунлиги 10-12 см, тарвақайлаган. Дони йирик. 1000 донасининг оғирлиги 48-54 г. Дони таркибида 14-15,5% оқсил, 26-32% клейковина мавжуд. Ялтироқлиги 90% ўртапишар. Совуққа ва қурғоқчиликка чидамли. Ўсимликнинг бўйи 95-100 см. Ҳосилдорлиги гектаридан 55-60 ц, баҳоси юмшоқ буғдойга нисбатан 1,5-2 баробар юқори туради. Экиш муддати октябрь ойи.

Каттиқ буғдой Александровка дуварак нави – бошоғи оқ, тукли, дони йирик ва зич, тишчаси қилтиқли, 1000 та донининг оғирлиги 40-47 г, оқсил миқдори 13,0-13,9 %, хом клейковинаси 22-32 %, ялтироқлиги 75 %, ҳосилдорлиги гектарига 55-60 ц. ташкил этади. Экиш меъёри гектарига 4,5-5 млн. дона, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига экилади.

Каттик бүгдой – Бахт дуварак нави – бошоғи қилтиқли, дони оқ, донидаги оқсил 15,1%, хом клейковинаси 35,4%, ялтироқлиги 75-80%, ётиб қолишга чидамли, 1000 донасининг оғирлиги 47,1 г. юқори ҳосилли. Уруғни экиш мөйёри гектарига 4-5 млн. дона, экишнинг қулай муддати октябрь ойининг 10-20 кунлари ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг суғориладиган майдонларида Краснодар селекциясининг «Спартанка», «Скифянка» ва «Юна» сингари бүгдой навлари кенг тарқалмоқда.

Спартанка нави. Ўртапишар. Поясининг баландлиги 80-85 см.ни ташкил этади. Ётиб қолишга, бошоқ эгилишига ва кассалликларга чидамли, бошоғидаги донларнинг тўкилиши кам кузатилади. Спартанка нави кучли бүгдой сирасига кириб, дони йирик ва қизил, 1000 донасининг оғирлиги 39-41 г. сувга ва ўғитга ўта талабчан.

Скифянка нави. Бу нав Спартанка бүгдойидан якка-якка танлаш йўли билан яратилган. Ётиб қолишга чидамли, бошоқдаги донлар тўкилмайди. Пояси 80-90 см, ўртапишар. Мазкур нав бүгдойнинг кучли турига мансуб. Шу сабабли у нон ёпиш талабига яхши жавоб беради. 1000 дона доннинг оғирлиги 40-42 г. Ранги қизил. Сувга ва ўғитга талабчан. Кузги-қишки совуққа ва қурғоқчиликка шунингдек, кассалликларга нисбатан чидамли.

Юна нави биологик кузги. Бўйи 85-95 сантиметр, ўртапишар, серҳосил. Мазкур навнинг ун-нон ёпиш сифати яхши. У кучли бүгдойлар сирасига киритилган.

Республикамизнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида интенсив ва қаттиқ – «Спартанка», «Скифянка», «Юна», «Ёнбош», «Санзар - 8», «Маржон» сингари бүгдой навларини экиш тавсия этилади.

Сув танқис бўлган худудларда бүгдойнинг «Интесив», Санзар-4, Сете-Церрос 66, арпанинг Қарши, Болғали навларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Арпа навлари. Болғали дуварак арпа нави. 1996 йили суғориладиган майдонларга районлаштирилди. Дони ўртача катталикда, 1000 донасининг оғирлиги 45,0 г. Нав эртапишар, ётиб қолишга чидамли. Ҳосилдорлиги гектаридан 60-70 ц.ни ташкил этади.

«Зафар» биологик баҳор нави. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг суғориладиган майдонлари учун районлаштирилган. Ҳосилдорлиги гектаридан 55-60 ц. Дони йирик, 1000 донасининг оғирлиги 48-54 г. Эртапишар бўлганидан тақрорий экин сифатида экса бўлади.

«Қарши» - арпа нави. Суғориладиган ва шартли суғориладиган майдонларга районлаширилган. Нав биологик баҳорги, ҳосилдорлиги гектаридан 45-50 ц. Нав ўртапишар, қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли, аммо ётиб қолишга мойил, совуққа чидамсиз. Дони йирик, 1000 донасининг оғирлиги 50-55 г.

«Ойкор» арпа нави, суғориладиган майдонларга 1992 йилдан бошлаб районлаштирилган. Мазкур нав биологик баҳорги дуварак (ҳам баҳорда, ҳам кузда экиш мумкин) совуққа ва ётиб қолишга чидамли.

Бошоқли дон экинларининг ўсиши ва ривожланиши қўйидаги давларга бўлинади:

Униб чиқиши даври. Буғдой ва арпа уруғларининг биологик хусусиятлари, тупроқ ҳарорати, унумдорлиги, намлигига қараб униб чиқиши даври 6-15 кунни ташкил этади. Фалла экинлари униб чиқиши учун, энг кам ҳарорат 6^0 С бўлиши керак. Бундан юқори ҳароратда уларнинг униб чиқиши тезлашади. Самарали ҳарорат йигиндиси (10^0 С дан юқори), $150-160^0$

С ни ташкил этади. Бу даврда ҳар гектар ерга 200 m^3 сув талаб килинади. Униб чикиш даври, биринчи барг ҳосил бўлиши билан тугалланади.

Тўплаши даври. Бошоқли дон экинлари тўлиқ униб чикқанидан 8-10 кундан сўнг ер юзасидан 3 см чуқурликда илдиз бўғизи ҳосил бўлади ва ўша ердан чин томирлар ва ён шохчалар пайдо бўлади. Ён шохчалар эса тупроқ устига чиқиб, туплар ҳосил қиласи. Тупроқда ҳарорат, намлик ва озуқа моддалар қанчалик кўп бўлса, бошоқли дон экинларининг тўплаш даражаси шунчалик тезлашади. Тўплаш даврида бошоқли дон экинларининг вегетациясини ҳисоблаш ниҳоятда маъсулиятли. Чунки, бошоқларнинг сони айни шу даврда шакллана бошлайди. Бу даврда $250\text{-}300^\circ\text{C}$ самарали ҳарорат гектарига $600\text{-}700\text{ m}^3$ сув талаб қилинади.

Найчалаш. Бу босқичда поянинг энг пастки қисми бўртиб, шиш ҳосил бўлиши билан белгиланади. Бу шиш тупроқнинг устидан 3-5 см баландликда ривожланиб, ўсиш даври 12-15 кун давом этади. Биринчи бўғин ўсишдан тўхтагач, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ҳоказо бўғинлар пайдо бўлади. Тупроқда намлик, ҳарорат ва озуқа моддалари қанча етарли бўлса, найчалаш даври шунча тез ўтади. Поянинг ўсиши ғалла экинларининг гуллаш давригача, айrim навларда доннинг шаклланишигача давом этади. Бу даврда ғалла ўсимлиги гектарига 600 m^3 сув, 400°C самарали ҳарорат талаб қиласи.

Бошоқлаши. Бошоқли дон экинлари найчалаш даврига ўтгандан сўнг тезда поядаги охирги барг қинидан ташқарига бошоқ чиқара бошлайди. Шу пайтдан бошлаб, уларнинг бошоқлаш даври белгиланади.

Буғдой бошоғи бошоқ ўзагидан ва бошоқчалардан иборат бўлади. Ҳар бир бошоқча қобиғида гулдонлар жойлашган. Гулдон буғдойда 2-5 тани, арпада эса биттани ташкил этади. Кўпчилик ғалла экинлари бошоғидаги гулдон қилтиқлар билан тугайди. Бу даврда 320°C фойдали ҳарорат ва гектарига $800\text{-}900$ куб.м сув талаб этилади. Шу туфайли бу давр энг масъулиятли ҳосил тақдирини ҳал қиласиган давр ҳисобланади.

Гуллаши. Ғалла экинларида гуллаш бошоқ пайдо бўлгандан сўнг 2-3 кун ичидаги содир бўлади. Арпада бу давр гуллашдан 2-3 кун олдин рўй беради. Буғдой ва арпа ўз-ўзидан чангланувчи экин ҳисобланади. Қаттиқ буғдой бундан мустасно. Чунки қаттиқ буғдой очиқ гуллаганлигидан четдан ҳам чангланиши мумкин. Бу даврда 235°C фойдали ҳарорат ва гектарига 800 куб.м сув талаб қилинади.

Пишиши даври. Ғалла экинларида пишиш даври сут пишиши, мум пишиш ва тўла пишишдан иборатdir. Бу учала пишиш давридан ташқари, уруғлик дон учун физиологик пишиш даври ҳам мавжуд. Етилмаган уруғни экиш физиологик жиҳатдан тавсия этилмайди. Ғалла экинлари пишиш даврида 662°C фойдали ҳарорат, гектарига 900 куб.м сув талаб этилади. Бу даврда ўсимликни чанқатиб қўйиш ҳосилдорлигини $40\text{-}50\%$ га пасайишига олиб келади.

Буғдой ва арпа ўсимликлари пишиб этилиши учун $2340\text{-}2350^\circ\text{C}$ фойдали ҳарорат талаб этилади. Сув миқдори $40\text{-}45$ ц/га ҳосил учун гектарига $3800\text{-}4000\text{ m}^3$, $50\text{-}60$ ц ва ундан юқори ҳосилдорликка $4500\text{-}5000\text{ m}^3$ ташкил этиши керак.

Уруғлик сифати ва уни экишга тайёрлашда энг аввал уруғлик учун ажратилган ва маҳсус уруғлик технологиясига риоя қилиб ўстирилган далалардан уруғ олиш керак.

Фалла экинлари уруғи сифатини белгилашда уруғининг тозалиги, унувчанлиги, намлиги, 1000 донасининг оғирлиги ва бошқалар ҳисобга олинади. Давлат андазасига асосан, ғалла уруғи уч синфга бўлинади.

Фалла экинлари уруғининг сифат кўрсаткичлари.

Тайёрланган уруғлик давлат инспекцияси назоратидан ўтади, агар ўтмаса уруғни экиш қатъий ман этилади. Қора куя, занг ва ҳоказо касалликларга чалинмаслиги учун уруғни экишдан аввал кимёвий препаратлар билан мутахассислар ёрдамида дориланиши шарт.

Экиладиган уруғ кондицияга етказилган бўлиши, район уруғчилик инспекциясидан уруғ сифатини тасдиқловчи гувоҳнома, уруғлик майдонининг апробациясидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатга эга бўлиши зарур.

Фалла экинларини экишда, асосан, СЗ-3,6 сеялкаси ишлатилади. Сеялкани экиш меъёрига мослаш қўйидагича амалга оширилади. Сеялканинг ғилдираклари 7,3 марта айлантирилганда сеялка 100 m^2 ерга уруғ ташлаши ҳисобланади. Лекин сеялканинг икки томонини домкрат билан кўтариш бироз кийинроқ бўлганлиги учун сеялканинг бир томони домкрат билан кўтарилиб, ғилдиракнинг неча марта айланишини билиш учун белги қўйиб 14,6 марта айлантирилади. Шу вактда масалан, бункерга солинган уруғдан 2,5 кг тушса, гектарига 150 кг уруғ экилган ҳисобланади. Борди-ю экиш меъёри 200 кг бўлса, ғилдирак 14,6 марта айланганда уруғ 2,0 кг бўлиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда, сеялкани мослаш керак. Речаг ва ғилдиракни ҳаракат келтирувчи шестерналарни алмаштириш йўли билан амалга оширилади.

Ерни экишга тайёрлаш. Кузги ғалла экинлари бир картага икки йилдан ортиқ экилмайди. Бегона ўтлар билан қаттиқ ифлосланган ёки қоракуя касали тарқалган майдонларга ҳам иккинчи йили экилиши мумкин эмас. Ғаллани пахта, беда, озуқа, сабзавот экинлари ва картошкадан кейин экиш яхши натижа беради. Экинлар тузилмасида ғалла экинлари салмоғи ошганлиги туфайли, пахта-ғалла-беда алмашлаб экишнинг, пахта 40-50 %, ғалла 20-30 %, беда 15-20 % бўлиши зарур.

Кузги нам тўплаш. Кузги нам тўплаш биринчидан шудгорлаш, тупроққа экиш олдиндан ишлов бериш ва экиш сифатини яхшиласа, иккинчи томондан уруғликнинг бир текис ва тезда униб чиқишига имкон беради. Суғориб, сўнгра тупроққа ишлов берилган майдонларда ғалла уруғи қисқа муддатда тўлиқ униб чиқади, кузнинг илиқ ҳароратидан, тупроқдаги намлик ва озуқа моддалардан унумли фойдаланилади, тўлиқ тўплаш фазасини ўтайди.

Бу майдонларда уруғлик фақатгина суғоргандан сўнг ёки ёғин-сочин бўлгандан кейингина униб чиқа бошлайди.

Нам тўплаш учун катта миқдордаги сув билан қисқа ўқариқлар олинниб, бостирилиб суғорилиш талаб қилинади. Суғориш меъёри гектарига 350-400 кубометр.

Ўртача шўрланган майдонларга кузги ғалла экиладиган бўлса (Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси), шўр ювиш учун ерлар хайдалади, сўнгра ПР-0,5 русумли чек олиш механизми билан текис жойда 0,25 га, нишаброқ жойларда эса 0,10 га катталиқда чеклар олинади. Бундай чекларда тупроқ гектарига 1,5-1,8 минг кубометр сув сарфи билан ювилиши керак. Шўр ювилгандан сўнг, ер етилиши билан чеклар текислангач, ҳар гектарига 20-30 тоннадан гўнг, 300-400 кг. дан аммофос солиб, борона тиркалган чизел билов

берилади. Тупроғи кучли даражада шўрланган ерларда шўрни тўлиқ ювиш имконияти бўлмаганлиги сабабли ғалла экиш тавсия этилмайди.

Ерни текислаши. Пахта, беда, маккажўхори экилган ерлар текис бўлганлигидан, бу ерларни текислашда занжирли тракторларга ўрнатилган ГН-4 ёки ғилдиракли тракторга тиркаладиган ГН-2,8 русумли механизмлар билан иш олиб борилади. Бу тадбирлар кузги нам тўплаш учун сугорилгандан сўнг амалга оширилиши лозим.

Текисланган ерлар чимқирқарли плуглар билан 22-25 см чуқурликда ҳайдалиши лозим. Бунинг учун ПВР-3,5, ПВР-2,3 мосламали К-5-35 ва ПЛН-6-35 маркали иш унуми анча юқори бўлган билан, оғир механик таркибли, бегона ўт босган далаларни эса икки ярусли ПЯ-3-35 русумли плуглар билан 27-30 см чуқурликда ҳайдаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, баъзи қатор ораларига ишлов берилган ўтмишдош экинлар (пахта, маккажўхори, сабзавот ва бошқалар)дан сўнг тупроқнинг намлигига қараб, асосий ҳайдашни ЧКУ-4 КРХУ-4 пахта культиваторлари билан ёки оғир вазнли БДТ-3 дискали бороналар билан ўтказиш ҳам мумкин. Бунда иш унуми анча юқори бўллади, ғаллани мақбул муддатларда экишга имкон туғилади. Экиш олдидан ҳайдалган, ўғитланган очик майдонларга ЧКУ-4 маркали чизель культиватор, сўнгра мола билан икки йўналишда ишлов берилади.

Дон экишда тайёрланган майдон фосфорли ўғитлар билан ўғитланиб, сўнгра СЗ-3,6 маркали ғалла экиш селкаси билан бир томонлама сув йўналишига қараб экилади. Икки томонлама экиш яхши натижа бермайди. Экиб бўлинган майдонда ГХ-4 ёки КХУ –4 маркали жуяқ олувчи ва культиватор ёрдамида сугориш жуяклари олинади.

Нам етарли майдонларда экишнинг мақбул чуқурлиги 3-4 см, тупроғи енгил, кумок, намлик тезда сўрилиб қоладиган тупроқларда, айниқса чўл туманларда экиш чуқурлиги 4-5 см қилиб белгиланади.

Ўсиб турган ғўза қатори орасига кузги ғалла экиш технологияси бўйича ғўзапоядан тозалangan майдонларни ҳайдаб, текислаб ғалла 10-15 октябргача экилса, ҳосили мўлжалдаги гектаридан 50-60 ц ташкил қиласи.

Ўсиб турган қатор орасига ғалла экиш технологияси қуйидагича: ғўза қатор орасига ғалла экиладиган майдонлар аввалдан аниқланиб, бундай далаларга ғўзанинг эртапишар навларини экиш лозим, барча агротехник чора-тадбирлар (сугориш, озиқлантириш, дефолиация ва бошқалар) пахтанинг эртароқ пишиб етилиб, ҳосилни тезроқ йигиб олинишига қаратилиши лозим. Пахта октябрнинг биринчи ярмигача бўлган муддатда машина ёрдамида 2 марта териб олингандан кейин подбордан тозаланади, шундан сўнг ғўза қатор орасига экилади.

Ғўза қатор орасига ғалла экиш агрегати Т28x4 ёки МТЗ-80 тракторига тиркаладиган пахта культиватори (КРХ-4) устига ўрнатилган СЗ-3,6 маркали дон сеялкасининг уруғ ва ўғит соладиган қутисидан иборат. Бунда қатор оралиғига культиватор ишчи органлари (ККО ишчи органлар) ёрдамида тупроқ юмшатилиб, бир пайтнинг ўзида ғалла экинлари уруғи экиб борилади. Уруғни экиш чуқурлиги 3-4 см. экишдан кейин югуртириб сугорилади. Нам тупроқ қатлами 50-60 см гача етиши зарур.

Бошокли дон экинларидан гектарига 50-60 ц ҳосил етиштириш учун гектарига 25-30 тонна чириган гўнг, соф озуқа модда хисобида 160-180 кг азот, 90 кг фосфор, 60 кг калийли ўғитлар берилиши зарур. Маҳаллий, фосфорли ва калийли ўғитлар экин экиш олдидан

берилиши лозим. Кузда экиш олдидан ёки экиш билан бирга, тупроқ унумдорлигига қараб, 25-30 кг азотли (соф ҳолда) ўғитлар берилиши зарур. Экиш олдидан ишловларда аммофос ўғити ёки гўнг берилган далаларга кузда азотли ўғитлар солинмайди. Азотли ўғитларнинг қолган қисми (135-150 кг) баҳорда табақалаштирилган ҳолда гектарига 65-75 кг дан берилади. Биринчи азотли озиқлантириш ўсимликнинг қишини билан тўплаш даврида (феврал-март), иккинчи озиқлантириш бошоқли дон экинларнинг найчалаш даврида (март-апрель) ўтказилади. Тупроғи чиринди ва озуқа моддаларга бой бўлган ёки беда ва бошқа дуккакли дон экинларидан сўнг экилган ғалла майдонларни ўғитлашда юкорида кўрсатилган ўғитларнинг йиллик меъёри 10-15% га камайтирилиши мумкин. Аксинча, тупроғи унумсиз ва шўри ювилган ерларда бу кўрсаткичлар 15-20% оширилиши зарур. Шуни унутмаслик керакки, азотли ўғитларнинг меъёрдан ортиқ берилиши ғалла ўсимлигининг ҳаддан ташқари ғовлаб кетишига олиб келади. Бу ҳолатда ўсимликнинг ёппасига ётиб қолиши натижасида ҳосил камаяди.

13.3. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш

Республикада чорвачиликни ривожлантириш учун тупроқ, иқлим шароитлари, унумдор сугориладиган ерлар, бепоён қир-адирлар, дашт-чўл ва тоғ олди яйловлари мавжуддир. Сугориладиган ерларда асосан, қорамолчилик, чўчқачилик, паррандачилик, пиллачилик, асаларичилик, қўйчилик ва сув ҳавзаларида балиқчилик ривожланган.

Чорвачилик халқ истеъмол моллари тайёрлаб берувчи соҳа бўлиб, аҳоли учун юкори калорияли озиқ-овқат (сут-гўшт, ёғ, пишлок, в. б) етказиб беради. Инсоннинг яшаси учун зарур бўлган суткалик овқатнинг 30 %дан ортиғи ва озуқа ресурсларидағи оқсилиниң 60 %дан ортиғи чорва маҳсулотлари зиммасига тўғри келади.

Чорвачилик енгил ва озиқ-овқат саноатини хом ашё билан (жун, тери, гўшт, сут, ёғ, коракўл тери ва б.) таъминлаб келмоқда.

Республикада мулкчилик муносабатлари шаклланиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштиришнинг турли усуллари қўлланилмоқда. Айниқса, чорвачиликни фермер хўжаликлари асосида ривожлантириш ҳар томонлама ўз самарасини бермоқда. 2004 йилда республика бўйича йирик шохли қорамоллар сони 6232,6 минг бош, қўй ва эчкилар -10560,3, чўчқа -83,8 ва парранда 18726,9 минг бошни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан ўсанлигини кўрсатмоқда. Республика қишлоқ хўжаликларида мавжуд молларнинг сони ва унинг ўсиш динамикаси қуидаги жадвалда келтирилган.

13.3.1-жадвал. Барча мулк шакллари бўйича қорамол ва паррандалар, минг бош

Йирик шохли қорамол	5353,4	5416,1	5477,6	5878,8	6232	6534,8	122,1
Қўй ва эчкилар	85,8	81,6	75,4	89,9	83,8	112,8	131,5

Чүчқа	8932,5	9022,6	9233,9	9928,6	10560,3	87,6		98,1
Паррандалар	14510	14828,7	15354,9	17675,7	18726,9	20670,5		142,4

Таҳлиллардан маълумки, 2000-2005 йилларда йирик шохли қорамоллар сони-122,1 фоизга, қўй ва эчкилар 112,8 фоизга, парранда эса – 142,4 фоизга ошди. Чунки чорвачиликка берилган имкониятлар, хукуқий асослар ва давлат томонидан берилаётган имтиёзлар асосида шу соҳани ривожлантиришга асос солинмоқда. Айниқса, дехқон хўжалигининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Қишлоқ хўжаликларига берилаётган давлат эътибори чорвачиликни ривожлантиришга катта имконият туғдирмоқда.

13.3.2-жадвал. Барча хўжалик шакллари бўйича чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Ўл. бирлиги	2003				2005			
		Барча мулк шаклларида	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари	Барча мулк шаклларида	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари
Қорамол ва парранда	Минг.т	936,7	40,0	18,7	878,0	1060,4	21,0	22,6	1001,3
Сут	Минг.т	4031,1	81,9	83,5	3865,7	4554,7	50,3	94,8	4409,1
Тухум	Минг дона	1632,4	699,1	60,2	873,1	1966,4	729,3	71,5	1165,6
Жун	Минг т.	17,8	3,9	0,3	13,6	20,1	3,5	0,6	16,0
Қоракўл	Минг дона	690,8	401,9	14,3	247,6	675,2	259,9	24,8	390,5
Пилла	Т.	16,7	14,9	1,8	x	16,2	9,3	6,9	-

Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг чорвачиликдаги ҳиссаси ва маҳсулот етиштиришдаги улуши йилдан йилга ўзгариб, асосан дехқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми ортиб бормоқда. Асосан, дехқон хўжаликларида чорва бош сони ва ундан олинган маҳсулот ҳажми юқорилигини ҳисобга олиб, уларга барча шароитларни, аввало, моддий таъминот, сервис хизматлари, зооветеринария, наслчилик ва пул-кредит баҳо механизмларини соддалаштириб, уни ишлаб чиқаришга тезкор жорий қилишни таъминлашдан иборатdir.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий манбаи ем-ҳашак базасини яратишдан иборатdir. Ем-ҳашак экинлари майдони Республика жами қишлоқ хўжалик экинларининг 7,7 %ни ташкил этади. Бу ерларга беда, маккажӯхори, озуқабоб лавлаги экилади. Республика бўйича ҳар йили 10 млн.т. пичан ва силос тайёрланади. Ёғ-мой саноат корхоналаридан кунжара, шелуха, аралаш ем ишлаб чиқарилиб берилади. Чорвачиликда, асосан, дағал, ширали ва концентрат озуқалар ҳисобига чорвачилик ривожлантирилади. Ўзбекистон шароитида ушбу озуқа турлари мавжуд ва унинг тўйимлилик протейин микдори етарли даражада таъминланган. Бозор иктисодиёти шароитида чорва учун ем-ҳашак базасини яратиш, экин майдонларида ем-ҳашак берадиган экинлар ҳиссасини ошириш, ҳар бир гектар ердан олинадиган озуқа микдорини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, таннархини камайтириш, истрофарчилликни тежаб, етарли даражасида озуқа экинлар сифатли уруғини тайёрлаш, озуқа тўйимлилигини таъминлаб, улар таркибидаги моддалар ҳиссасини ошириш кўзда тутилади. Чорва молларини озуқа бўйича 1 кг озуқа бирлик қилиб шартли қорамоллар учун йил давомида 25-35 ц озуқа бирлиги ҳисобида боқиласди. Агар озуқа етарли бўлмаса, фермерлар иши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чорва моллари учун зарур экин сифатида маккажӯхори асосий ўринни эгаллаб, унинг озуқа бирлиги 1 кг арпага нисбатан 13,5% кўп бўлиб, 1,34 озуқа бирлигига teng. 1 кг кепак таркибида 0,35 - 0,4, лавлаги таркибида 0,26, сомонда 0,23, кўк бедада 0,17, пичанда 0,47, қизил себаргада 0,52 озуқа бирлиги бор.

Озуқа бирлиги асосида чорвани боқиши натижасида юқори маҳсулдорликка эришиш мумкин. Чорва моллари ем-ҳашагига ҳар хил моддалар қўшилиб ҳам маҳсулдорликни ошириш мумкин. Ем-ҳашакка қўшилган 1 тонна карбалит қўшимча 10 тонна сут, 500 кг гўшт беради ва 2,5 тонна табиий оқсили ўрнини қоплади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилинган “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтинослашган фермер хўжалигига камида 30 шартли бош чорва моллари, ҳар бир шартли қорамол ва отлар учун - 1,0, ёш қорамоллар учун 0,6, қўй-эчкilar учун 0,1, чўчқалар учун 0,3, парранда учун 0,025 гектар, фермер хўжаликларига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга камида 0,30-0,45 гектар, суғорилмайдиган намлик кам ерларда камида 2 гектарни ташкил этади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун иктисодий қонунлар қабул қилинишига, нодавлат секторини, мулқдорлар синфининг янада қўпайишига ва маҳсулот ҳажмининг ортишига эътибор қаратилмоқда. Чорвачилик тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш йўлида паст фоизли кредит бериш, чет эл инвестициясини киритиш, икки йилгача солиқ олмаслик каби чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, ҳайвонлар боғланиб ва боғланмай боқиласди.

Қорамолчилик асосий тармоқ бўлиб, ахолига гўшт, сут, ёғ, пишлок, қатик, сузма маҳсулотлари етказиб беради. Инсон нормал ривожланиши учун йилига 405 кг сут маҳсулотлари, шу жумладан 128 л. сут, 18 кг ёғи олинган сут, 9,1 кг сузма, 6,6 кг пишлок, 6,6 кг қаймоқ ва 5,5 кг сарёғ истеъмол қилиш керак. Жон бошига 82 кг гўшт, 36 кг мол гўшти истеъмол қилиниши лозим.

Бир қорамолдан 1 йилда 5-9 т. сут олиш мумкин. Ўртacha бир сигирдан суткасига 25-40 кг сут соғиб олиш мумкин. Чорвачиликдаги етиштириладиган гўштнинг 43 %и қорамол, сутнинг 98,5 %и қорамолдан олинади.

Чўчқачилик ахолига гўшт, ёғ, тери беради. Чўчқа сергўшт ҳайвон бўлиб, 9-10 ойда семиради. Чўчқа икки марта болалаб, 18-24 та бола бериши мумкин. Чўчқа 78 ой боқилганда, унинг оғирлиги 100-110 кг бўлади. Бир она чўчқа йил давомида 2-2,5 т тирик вазнда гўшт бериши мумкин. Қорамолнинг тирик вазнидан 55-65 кг гўшт чиқса, чўчқада 70-80% ташкил этади.

Республикада 120 та қоракўлчиликка ихтисосланган хўжалик бўлиб, 18 таси наслчилик заводлари, 9 таси наслчилик хўжаликлариидир. Наслчилик заводлари турли рангдаги қўйларни кўпайтириш ва қоракўл тери етиштиришни йўлга кўймоқда. Қўйларнинг гўштдор-сержун қўй зоти ярим майин жун ва гўшти учун боқилади.

Кўйчиликдан жун, тери, қоракўл тери олинади. Кўйнинг асосий маҳсулоти жундир. Шунинг учун жуннинг 98 %и қўйчиликка тўғри келади. Тивитли ва ярим тивитли қўй жуни енгил саноат учун энг қимматбаҳо хом ашёдир. Қоракўл терисидан энг қимматбаҳо пальто, пўстин ва бошқалар тайёрланади.

Паррандадан тухум ва гўшт олинади. Паррандачилик паридан ёстиқ ва кўрпа тайёрланади. Тухум энг каллорияли маҳсулот бўлиб, унинг таркибида оқсили, витамин, мойлар мавжуд. Парранда тез кўпаювчи бўлиб, 6-7 ойдан сўнг тухум бера бошлайди. Бир товукдан 1 йилда 300 та тухум олиш мумкин.

Пиллачиликдан қимматбаҳо ипак толаси олинади. Мустақилликдан кейин пилла етиштириш давлат буюртмасидан чиқарилиб, уни сотиш эркин келишилган нархларда олиб борилади. Ҳар йили 30 минг тонна атрофида пилла етиштирилади.

Балиқчилик билан сув ҳавзаларида шуғулланиб келинган. Республика кўл сувларида 62 хил балиқ тури яшайди. Ҳозир “Ўзбалик” корхонаси тизимида 8 бирлашма, 7 комбинат, 10 балиқчилик хўжалиги ва Чиноз балиқ аралаш ем ишлаб чиқиши корхонаси ва улгуржи савдо омборлари мавжуд.

Корпорация тизимидағи хўжаликларда 12 минг га сунъий кўл ва ҳовузлар бўлиб, уларда йилига 104 млн. дона балиқ совоқлари ва 22 минг т. балиқ маҳсулотлари етиштириш имкониятига эга.

Асаларичиликда, ассосан, қимматбаҳо асал, асалари мўми, прополис (асалари елими) асалари сути, захари олинади. Ўзбекистонда 48 асаларичилик хўжалиги мавжуд. “Асал” ишлаб чиқариш уюшмаси таркибида 22 асаларичилик хўжалиги (88 минг асалари оиласи) мавжуд. Республика бўйича 154 минг асалари оиласи (кутиси) бор. Асаларичилик билан 20-50 (90%), ёки 50-150 (10%) қути асалари бўлган хусусий асаларичилар ҳам шуғулланади. Асал 2 марта май-июн (баҳорги) ва август-сентябр (ёзги) ойларида олинади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳам ўсимликчилик маҳсулотларини етиштириш каби натурал ва пул кўринишидаги

кўрсаткичлардан иборатdir. Чорвачилик маҳсулотлари самарадорлиги асосан, пул кўринишида ҳисобланади.

Ялпи маҳсулот қиймати, ялпи даромад ва фойдани ишловчига 7 одам-соатига, 1 шартли қорамолга 100 сўм, асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбати билан; ишлаб чиқариш харажатларини 1 сўм маҳсулот баҳосига; рентабеллик даражаси; фойда.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш давомида унинг самарадорлигига баҳо бериш натурал кўрсаткичлар билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигидаги ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ялпи маҳсулот етиштириш натура ва пул кўринишида ҳисобланиб, улар ишловчига, одам-соатига ва бир бош қорамолга қараб, ишлаб чиқариш харажатлари суммасининг бир бош қорамолга, 1 ц. маҳсулотга, 1 сўм ялпи маҳсулотга, 1 ц маҳсулотнинг сотиш баҳоси фойданинг бир бош қорамолга, 1 ц маҳсулотта тўғри келади. Маҳсулот етиштириш рентабеллиги билан характерлаанади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва уни зооветеринария қоидалари асосида боқиши жараёнида қуидаги иқтисодий кўрсаткичлар аниқланади (поданинг насли, таркиби, типи, нормативи, овқатлантириш, рацион ва ҳ.к.). Қорамол маҳсулдорлиги ҳамма меҳнат унумдорлиги, бир бошга ишлаб чиқариш харажатлари, қўшимча харажатларни қоплаш, маҳсулот таннархи, фонд ва рентабеллик кўрсаткичларидир.

Қисқача хulosалар

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, аҳолини озиқ-овқат, саноатни хом ашё билан таъминлаб беради. Қишлоқ хўжалик таркибини ўсимликчилик ва чорвачилик ташкил этади. Ўсимликчилик таркибига паҳтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, шоличилик ва ҳоказолар кириб, чорвачиликка қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, пиллачиликлардан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида дехқончиликни ривожлантиришнинг илфор технологиялари амалиётга кириб келиб, кенг синовдан ўтмоқда. Истиқболли технологиялар товар ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан кенг қўлланилмоқда. Айниқса, янги тузилган фермер хўжаликлари учун дехқончилик тармоқларида экинларни парваришлиш технологияларини билиш зарур. Шу муносабат билан паҳта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш усуллари берилган бўлиб, ундан самарали фойдаланиш йўли билан юкори натижага эришиш мумкин.

Ҳазорат ва муҳокама учун саболлаф

1. *Ҳалқ хўжалигига кишилек хўжалигининг тутған ўғри?*
2. *Паҳтачилик технологияси деганда нимани тушунасиз?*
3. *Дон етиштиришининг зағурияти нимада?*

4. Бузгой етешитишида технологик картинаш ахалияти.
5. Чорбагашлик маҳсулотлағини етешитишидаги илөх шилад үшкәндең субъектлағыни айтинг?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари (“Ер кодекси”, “Ширкат хўжалиги”, “Фермер хўжалиги”, “Дехқон хўжалиги”, “Ер кадастри” тўғрисидаги қонунлар). –Т.: Адолат 1999. 446 б.
2. Каримов И. А. “Дехқончилик тараққиёт-фаровонлик манбаи”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутки. Т: “Ўзбекистон”, 1994 йил, 18 феврал, 23 б.
3. Рамазонов О., Юсупбеков О. “Тупроқшунослик ва дехқончилик”. –Т.: “Шарқ”, 2003, 270 б.
4. Атабаева Х. ва бошқалар. “Ўсимликшунослик”. –Т.: 2000.
5. Хушматов Н.С. “Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий усуҳлубий асослари”. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, 122 б.
6. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: “ТДИУ”, 2004.
7. “Ўзбекистон иқтисодиёти” журнали. 2005 йил 8 март.
8. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
9. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
10. <http://www.bookler.ru/bookisbn/5-7695-1158-3.shtml>

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий хужжатлар

1.1. Қонунлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 2 сентябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил 19 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. –Т.: “Шарқ”, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни, “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил, 30 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид қонун хужжатлари (“Ер кодекси”, “Ширкат хўжалиги”, “Фермер хўжалиги”, “Деҳқон хўжалиги”, “Ер кадастри” тўғрисидаги Қонунлар). –Т.: “Адолат” 1999. 446 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: 1999 йил 14 апрел.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Мехнат кодекси”. –Т.:”Шарқ” 1998.

1.2. Президент Фармонлари ва қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони. –Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 1998 йил, 10 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони, -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2003 йил, 25 март.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармони. 2003 йил 27 октябр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 2006 йил, 10 январ. 2-сон.

1.3. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш уларнинг хизматларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сонли Қарори. 1998 йил 10 март.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 63-сонли Қарори. 2001 йил 1 феврал.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли Қарори. 2003 йил 30 октябр.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли Қарори. 2004 йил 24 декабр.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тўғрисида”ги 607-сонли Қарори. –Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2004 йил, 24 декабр.

II. Махсус адабиётлар

2.1. И.А.Каримов асрлари.

17. Каримов И. А. “Дехқончилик тараққиёт-фаровонлик манбаи”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йигилишида сўзлаган нутқи. Т: “Ўзбекистон”, 1994 йил, 18 феврал, 23 б.
18. Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўллари”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 71 б.
19. Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.
20. Каримов И. А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
21. Каримов И. А. “Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи” газетаси. 2005 йил 29 январ.

2.2. Китоб ва туркум нашрлари

22. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: “ТДИУ”, 2004.
23. Атабаева Х. ва бошқалар. “Ўсимликшунослик”. –Т.: 2000.
24. Герчикова Н. И. “Менежмент”, Москва, 1995.
25. Дехқон ва фермер хўжаликлирида шартнома муносабатлари. –Т.: “Шарқ”, 2002, 47 б.
26. Дехқон ва фермер хўжаликлирида суғурта тизими. –Т.: “Шарқ”, 2002, 316 б.
27. Емельянов А. М. Экономика сельского хозяйства. Москва. 1982, 550 б.
28. Ишмуҳамедов А. Э., Аскарова М. Т. “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” (Ўқув қўлланма) -Т.: “ТДИУ”. 2004, 256 б.
29. Коваленко Я. Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва. ЭКСИМЭС, 1998.
30. Носиров П., Абдуллаева Ш. “Маркетинг – бозор иқтисодиёти асослари”, -Т.: “Ўзбекистон” 1994, 230 б.
31. Маркетинг. Под редакции Р. Романова (учебник). Москва: Прогресс, 1996.
32. “Маркетинг”. –Т.: “Ўқитувчи”, 1997, 167 б.
33. Олимжонов О. ва бошқалар. “Фермерлик фаолиятининг хуқуқий ва молиявий асослари”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 212 б.
34. Парпиев У., Саломов И. “Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. –Т.: “Шарқ”, 1996, 219 б.
35. Рамазонов О., Юсупбеков О. “Тупроқшунослик ва дехқончилик”. –Т.: “Шарқ”, 2003, 270 б.
36. Раҳимбоев Ф., Ҳамидов М. “Қишлоқ хўжалик мелиорацияси”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

37. Салимов Б. Т. ва бошқалар. “Фермер ва дехкон хўжаликлари иқтисоди”. -Т.: “ТДИУ”, 2004, 142 б.
38. Сельскохозяйственные рынки. Москва. 2000 й.
39. Султонов А.С. ва бошқалар. “Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси”. -Т.: “Мехнат”, 1999.
40. Тошбоев А. Ж. Повышение эффективности агрохимического обслуживания в хлопкосеющих хозяйствах. -Т.: “Мехнат”, 1991, 154 б.
41. Тошбоев А. Ж. “Тармоқ иқтисоди ва менежмент” фанидан амалий машғулотлар олиб бориш учун услубий кўлланма. -Т.: “ТИҚҲМИИ”, 2000.
42. Умурзоқов Ў. П., Тошбоев А. Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишнинг хуқуқий-иктисодий, ишлаб чиқариш асослари”. -Т.: “ТИҚҲМИИ”, 2004, 141 б.
43. Умурзоқов Ў.П., Султонов А.С., Тошбоев А.Ж. “Бизнес-режа” фанидан Бизнес-режани тузиш бўйича тавсиянома. -Т.: “ТИҚҲММИ”, 1999, 27 б.
44. Фармонов Т. Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”. -Т.: “Янги авлод”, 2004, 143 б.
45. Франк Хартманн ва бошқалар. “Фермер ва дехконларнинг хуқуқий алифбоси”. -Т.: “Мехнат”, 2003, 127 б.
46. Холтаев Х.Т., Жўраев А.М. ва бошқалар. “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари негизида фермер хўжаликлари барпо этиш бўйича услубий тавсиялар”. -Т.: 2002, 67 б.
47. Хусанов Р. X., Ҳамдамов А. Н., Рафиқов И. Э. “Қишлоқ хўжалигига сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш масалалари. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. 124 б.
48. Хушматов Н. С. “Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг иқтисодий услубий асослари”. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, 122 б.
49. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш асослари. -Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 318 б.
50. Гуломов С. С. “Менежмент асослари”, -Т.: 1997.
51. “Ўзбекистон иқтисодиёти” журнали. 2004-2006 йй.
52. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2002-2006 йй.

III. Ҳисоботлар ва статистик маълумотлар

53. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т.: 2004.
54. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари. 2002-2006 йй.
55. Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотлари. 1998-2006 йй.
56. Сурхондарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва унинг тизимидағи корхона ва ташкилотлар йиллик ҳисоботлари. 2000-2006 йй.

IV. Интернет сайтлари

57. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. [www.tsue.uz <http://www.tsue.uz/>](http://www.tsue.uz)

58. www.uhh.hawaii.edu University of Hawaii at Hilo - Agroecology and Environmental Qulaity Program.
59. www.ecfak.timacad.ru Московская сельскохозяйственная академия.
60. Мардонова А. Т., Исҳоқова С. А. Аграр соҳада мулкий муносабатларни рўёбга чиқаришнинг долзарб услублари. www.skiilm.uz <<http://www.skiilm.uz>>
61. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru <<http://www.tstu.ru>>
62. Rozvoj integrace a infrastruktura. www.deloitte.com
63. Ikkinchis asossiy faktor esa infrastruktura va soliq yuki. www.forum.uz
64. ЛБР-сельскохозяйственная техника, комбайны, косилки, сеялки, запчасти к сельхозтехнике www.lbr.ru
65. Radio Tashkent International. http://info.uzpak.uz/uzb/econom_uzb/
66. Recently Published Books. www.eastview.com
67. Московская сельскохозяйственная академия. www.ecfak.timacad.ru
68. Приамурский Институт Агроэкономики и Бизнеса www.admin.ru
69. Петранева Г. А. Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003. <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
70. Попов Н. А. «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М.: Тандем, 2002, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
71. Попов Н. А. Экономика отраслей АПК. Курс лекции, 2002, <http://family.taukitा.ру/item22219310.htm>
72. Коваленко Н. Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004 <http://shopper.h1.ru/books.shtml1?topic=935&page=1>
73. Королев Ю. Б. и др. Менеджмент в АПК, 2002, учебник, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.p1?page=4&book=88899>
74. Экономика и управление в сельском хозяйстве, 2003, <http://psbatishev.narod.ru/library/03762.htm>
75. <http://www.bookler.ru/bookisbn/5-7695-1158-3.shtml>

ИЛОВА

1-Илова

Фермер хўжалигининг намунавий низоми

Вазирлар Маҳкамасининг

2003 йил 30 октярдаги

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ НАМУНАВИЙ НИЗОМИ

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 476-сон қарорига 6-илова)

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Фермер хўжалиги ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс хуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект хисобланади.

2. Фермер хўжалиги туман (шаҳар) хокимлигига давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкий ва мулкий тусда бўлмаган хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, шунингдек банк муассасида ҳисоб рақами очиш, муҳр, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлиш хуқуқини олади, судда дъявогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. Фермер хўжалиги давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса фермер хўжалиги мажбуриятлари бўйича қонун хужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

4. Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фермер хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва унинг давлат органлар томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Уставда фермер хўжалигининг номи, жойлашган жойи ва ихтисослашуви, шунингдек хўжалик муассасасининг паспортига оид маълумотлар кўрсатилади.

6. Фермер хўжалигининг устави қонунда белгиланган тартибда ўзgartирилиши мумкин ҳамда тегишли ўзgartириш ва қўшимчалар билан туман (шаҳар) хокимлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Фермер хўжалигининг мақсади, вазифалари ва фаолияти

7. Товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжалигининг мақсади хисобланади.

8. Фермер хўжалигининг вазифалари кўйидагилардан иборат:

ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш; тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш;

мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек хизматлар кўрсатиш;

ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш.

9. Фермер хўжалигининг фаолият соҳаси қўйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек, бозорларда, шу жумладан ўз савдо шаҳобчалари орқали сотиш;

тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

Фермер хўжалигининг хуқуқ ва мажбуриятлари

10. Фермер хўжалиги юридик шахс сифатида мустақил хўжалик юритувчи субъектнинг барча хуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларидан бири бўлиб, ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Фермер хўжалиги хўжалик юритишининг бошқа шаклларидаги корхоналар билан тенг хуқуқларга эга.

11. Фермер хўжалиги қўйидаги хуқуқларга эга:

уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихтисослашувга мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиш;

етиширилган маҳсулотни сотиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларга мувофиқ хўжалик шартномаларини тузиш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

ўзи етиширган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан уни ўзи хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш;

етиширилаётган мақсулотга ва хизматларга шартнома шартларида мустақил равишда нарх белгилаш;

қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

тадбиркорлиқдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредит олиш учун ер участкасидан фойдаланишни ижарага бериш хуқуқини ва етиширилган маҳсулотни гаровга қўйиш;

ўрта, кичик ва хусусий корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ишга ёллаш (доимий ва вақтингчалик асосда) ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, изярага олиш бино ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек улардан мустақил фойдаланиш;

ихтиёрий равишда бирлашиш, шу жумладан улуш(пай) асосида бирлашиш, жамиятлар, иттифоклар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш;

ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз фаолиятининг ҳар қандай масаллалари бўйича судга мурожаат қилиш.

Фермер хўжалиги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хуқуқлардан ҳам фойдаланади.

12. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари:

ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

экология талабларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиш;

ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;

ер участкасидан, башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;

пахта ва ғаллани навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланиш;

хўжалик ички мелиорация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш;

сервитутларга риоя этиш;

фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўлиқ жавоб бериш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

етказиб берилган электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш;

қишлоқ хўжалик зааркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш;

Фермер хўжалиги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Фермер хўжалигининг устав фонди, мол-мулки ва уни шакллантириш манбалари

13. Уставда фермер хўжалигининг мол-мулки, пул маблағлари қимматли қофозлар ва бошқа мол-мулки ёки фермернинг мулкий ҳуқуқлари ҳисобига шакллантириладиган устав фонди миқдори кўрсатилади.

Агар фермер хўжалиги раҳбари фермер хўжалигининг устав фондини шакллантиришда унинг оиласининг умумий (улуси ёки биргаликдаги) мол-мулкини фермер хўжалигига берган тақдирда, ушбу мулк барча эгаларининг нотариал тасдиқланган розилигини олиш талаб қилинади.

14. Фермер хўжалиги:

ўзига қарашли хўжалик иморат, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва қўчатзорлари, довдараҳтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк обьектлари, шунингдек фермер хўжалиги балансида бўлган бошқа мол-мулкнинг:

ишлаб чиқариш фалияти натижасида етиширилган маҳсулотнинг:

олинган дарромад (фойда)нинг:

қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

15. Қуйидагилар фермер хўжалиги мол-мулкини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

фермернинг пул ва моддий маблағлари;

товарларни сотишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар қўрсатишдан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромад (фойда);

қимматли қофозлардан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг бегараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Фермер хўжалигининг мол-мулки фермерга тегишлидир, у қонунга мувофиқ ушбу мол-мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Фермер хўжалигини бошқариш

17. Фермер – фермер хўжалигининг муасиси фермер хўжалигининг раҳбари ҳисобланади, у ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигига тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

18. Фермер хўжалигининг раҳбари:

-фермер хўжалиги уставини қабул қиласи ва унга белгиланган тартибда ўзгартишилар киритади;

- фермер хўжалиги фаолиятининг бизнес режасини тасдиқлайди;

- фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қиласи;

- юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан иш кўради;

- ишончномалар беради, шартномалар тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди, шунингдек фермер хўжалиги ходимлари билан меҳнат шартномаларини имзолайди;

- фермер хўжалиги ходимлари ўртасидаги вазифаларни тақсимлайди;

- ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

- даромадни ўз хоҳишига кўра тасаррүф этади;
- ходимларнинг ҳавфсиз ҳамда унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиб беради;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари юритилишини ташкил этади, иши ҳақи тўлашини таъминлайди, меҳнатга ҳақ тўлаши миқдорини ва моддий раббатлантириши усуллари ва интизомий жазо чораларини белгилайди;
- фермер хўжалиги номидан ҳужжатларни имзолайди;
- фермер хўжалигини қайта ташкил этиши ва тугатиш масалаларини ҳал этади.

Фермер хўжалигига ердан ва сувдан фойдаланиш

19. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкасининг ижара муддати тамом бўлгандан кейин фермер хўжалиги ижара шартномасини янги муддатга узайтириш (муддатини чўзиш) хукукига эгадир.

Фермер хўжалиги раҳбари вафот этган тақдирда, ер участкасига ижара шартномасини янги муддатга узайтириш (муддатини чўзиш) хукуки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўйича ўтади.

20. Фермер хўжалигининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳукуки Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва бошқа конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ер участкаларининг ўлчами ва чегаралари ер ижараси шартномасига ўзгаришлар киритилганидан кейингина ўзгартирилиши мумкин.

Ер участкаси ижара шартномаси томонларнинг келишувига кўра, томонлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

22. Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлиш, гаров обьекти бўлиши, шунингдек иккиласми ижарага берилиши мумкин эмас.

23. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан шартномада назарда тутилган қишлоқ хўжалиги экинлари ўрнига бошқа экинлар экилиши ижара шартномасини қўпол равишда бузиш ҳисобланади, бу қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

24. Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага берувчига қайтарилади.

25. Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ягона ер солиги тариқасида ундирилади.

26. Фермер хўжаликларининг сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

27. Ер ресурсларини, фермер хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда ундан фойдаланиш, сув етказиб бериш хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек имтиёзлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига меҳнат

28. Фермер хўжалигининг фаолияти фермернинг ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишловчи шахсларнинг шахсий меҳнатига асосланади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш фермер хўжалиги раҳбари томонидан ташкил этилади.

30. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура тариқасида тўланади.

31. Фермер хўжалигида ишланган вақт меҳнат стажига қўшилади.

Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

32. Фермер хўжалигининг пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун хўжаликнинг ҳисоб рақамидан маблағларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш мумкин.

33. Қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан пахта ва ғалла ҳосили учун сарфланган барча харажатлар фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлари ҳисобига қопланади.

34. Фермер хўжаликлари электр энергияси ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берувчилар ва фермер хўжаликлари га хизматлар кўрсатувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва заарларни қоплаш тартиби

35. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқлар, йифимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан, электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади.

Фермер хўжалигига етказилган заарар унинг мол-мулки ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти

36. Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиш, шу жумладан улуш (пай) асосида бирлашиш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, вертеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсингдаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш хуқуқига эга.

Фермер хўжалиги фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш

37. Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Фермер хўжалиги текшириш ҳуқуқини берувчи тегишли хужжат кўрсатилишини талаб қилиш, текширувчиларнинг ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича талабларини бажармаслик ва уларни текшириш мавзусига тегишли бўлмаган материаллар билан таништирмасликка ҳақлидир.

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш

38.Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39.Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда:

- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;
- хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган меросхўр бўлмагандан;

- фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда, шу жумладан электр энергияси, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан мунтазам равишда камида уч йил ўз вақтида тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қилмагандан;

-ер участкасини давлат эҳтиёjlари ва бошқа жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйиш зарур бўлган ёхуд ер тўғрисидаги қонунлар фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан давлат эҳтиёjlари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган экинлар экилганда тугатилади.

Фермер хўжалиги:

-фермер хўжалиги раҳбари (фермер)нинг қарорига биноан;
-қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

40.Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-илова

Вазирлар Махкамасининг
2003 йил 30 октябрдаги
476-сон қарорига 11-илова

Моддий-техника ресурсларини етказиб беришга НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

№_____

(шартнома тузилган жой)
200___ й. «___» _____ асосида иш кўрувчи.
(фермер хўжалиги устави)
кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи _____
(фермер хўжалиги номи)
номидан фермер хўжалиги бошлиғи _____
(Ф.И.О.)
бир томондан, ва _____
(устав, қарор, ишончнома)
асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб
юритилувчи _____
(корхона, ташкилот номи)
номидан иш кўрувчи _____
(лавозими, исми-шарифи ва отасининг исми)
иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўрисида туздилар:

I. Шартнома мавзуси

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Етказиб берувчи»
«Хўжалик»ка _____

(кейинги ўринларда «Моддий-техника ресурслари» деб юритилади)
етказиб бериш, «Хўжалик» эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз
зиммасига олади.

«Моддий-техника ресурслари» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи,
шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган
иловада келтирилади.

II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. «Хўжалик» нинг хуқуқлари:
«Етказиб берувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат
стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш:

“Моддий техника ресурслари” “Хўжалик” нинг ҳисобига транспортда ташилганда “Етказиб берувчи” дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

“Етказиб берувчи” дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги “Моддий-техника ресурслари” етказиб беришини талаб қилиш;

- зарур сифатга эга бўлмаган “Моддий-техника ресурслари” шунга ўхшаш “Моддий-техника ресурслари” билан алмаштирилишини;

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Хўжалик” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

- мазкур шартнома шартлари бажарилганлиги ёки зарур даражада бажарилганлиги натижасида етказилган зарап қопланишини “Етказиб берувчи” дан талаб қилиш.

2.2. “Хўжалик” нинг мажбуриятлари:

- ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

- “Моддий-техника ресурслари” га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб ____ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. “Етказиб берувчи” қуидаги ҳукуқларга эга:

Етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Хўжалик” дан талаб қилиш;

- берилган буюртномага мувофиқ етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарап қопланишини “Хўжалик” дан талаб қилиш.

2.4. “Етказиб берувчи” қуидагиларга мажбур:

“Хўжалик” ка “Моддий-техника ресурслари”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Хўжалик” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

- агар “Моддий-техника ресурслари”ни етказиб бериш жараёнида “Етказиб берувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Хўжалик” нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ____ кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган “Моддий техника ресурслари”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Махсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни “Етказиб берувчи” кўтаради.

Махсулот “Хўжалик” нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда “Етказиб берувчи” транспортда ташиш харажатларини қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

3.3. “Хўжалик” етказиб бериладиган “Моддий-техника ресурслари” туркуми суммасининг _____ фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин _____ кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.4. Етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” туркуми суммасининг _____ фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” учун _____

(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. Шартноманинг бажарилиши

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Моддий-техника ресурслари» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана «Моддий-техника ресурслари» га ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Хўжалик» нинг розилиги билан «Моддий-техника ресурслари» муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Хўжалик» томонидан қабул қилинган «Моддий-техника ресурслари» учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган «Моддий-техника ресурслари» ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. «Хўжалик» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилиши ушбу ассортиментга киравчи бошқа номдаги етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилиши ушбу ассортиментга киравчи бошқа номдаги етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш «Хўжалик» нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар, бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» бевосита «Хўжалик» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик» нинг буюртманомасида кўрсатилган давр мобайнода амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Етказиб берувчи» «Хўжалик» ларнинг буюрманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома «Моддий-техника ресурслари» нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасига камидаги 5 кун олдин чопар, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар оқали қабул қилишда «Етказиб берувчи» нинг ходими «Хўжалик»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда, у қабул қилинганлиги түғрисида белги кўяди.

4.9. «Хўжалик» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Моддий-техника ресурслари» нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Етказиб берувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камидаги 1 кун олдин хабардор қиласи.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Етказиб берилаётган “Моддий-техника ресурслари” сифати, миқдори “Етказиб беувчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Етказиб берувчи” етказиб берилаётган “Моддий-техника ресурслари” нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласи ва ҳисоблаб чиқилган ушбу сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари”нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарти, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган “Моддий-техника ресурслари” қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.4. “Моддий-техника ресурслари” етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “Етказиб берувчи” “Хўжалик”ка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган “Моддий-техника ресурслари”нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Етказиб берувчи” “Хўжалик”ка “Моддий-техника ресурслари” етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. “Моддий-техника ресурслари”ни етказиб бериш кечикирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Хўжалик”ка кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган “Моддий-техника ресурслари” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “Моддий-техника ресурслари” етказиб

бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.

5.6. Етказиб берилган “Моддий-техника ресурслари” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Хўжалик” “Етказиб берувчи” га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлади, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. “Хўжалик” томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Хўжалик”ни жавобгарликга тортиши, шунингдек, унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) “Хўжалик” томонидан контрактацияси шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажармаслигига (зарур тарзда бажармаслигига) олиб келган “Етказиб берувчи” нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

“Етказиб берувчи”нинг айби билан контрактация шартномасининг “Хўжалик” томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда “Етказиб берувчи” томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштироқида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VIII. Шартноманинг амал қилиши

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қиласи.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгаририш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган шахслар (вакиллар) томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар иккаласи (ҳам қишлоқ ҳам сув хўжалиги бўлимлари) учун ҳар қайсисига уч нусхада тузилади.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (кўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:
“ХЎЖАЛИК” **“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”**

Солик тўловчининг идентифика-
ция рақами

Солик тўловчининг идентифика-
ция рақами

М. Ў. Фермер хўжалиги бошлиғи-
200 ____ й. “_____” да
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида
“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ”

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.
_____ рақами билан

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

Юристнинг хulosаси:

(имзо) _____ (Ф.И.О.)

3-Илова

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришда тавсия этилган меъёрлар

1. Қишлоқ хўжалигида уруғлик навлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 марта “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармонига асосан, Агротехнология мажмуя таркибида Пахтачилик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш, сабзавот-полиз, мева, узумчиликни ривожлантириш Кенгашлари ташкил этилди. Кенгаш ўз Низоми ва иш дастурлари асосида фаолият кўрсатади. Кенгаш фаолияти дастурларидан бири “Ўзбекистон Республикасида ғўза селекцияси ва уруғилигини ривожлантиришнинг 2004-2010 йилларга мўлжалланган Концепцияси” ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, районлаштирилган ва истиқболли тезпишар Оқдарё-6, Ан-Боёвут-2, С-4727, ўртапишар Бухоро-6, Оққўргон-2, С-2609, Хоразм-127, истиқболли Бухоро-7, Бухоро-8, Денов, Ан-512 каби навларни экиш кўзда тутилган.

1-жадвал. Жойлаштиришга рухсат этилган ғўза навлари истиқболлиги бўйича гурӯхлари

1-жадвал. Жойлаштиришга рухсат этилган ғўза навлари истиқболлиги бўйича гурӯхлари

I-гурӯҳ	Бухоро-6, Наманган-77, Термиз-31, С-6524
II-гурӯҳ	C-6530, С-4727, Тошкент-6, Юлдуз, Оқдарё-6, Оқдарё-5, Ан-Боёвут, Омад, 175-Ф, Шараф-75, Ан-Ўзбекистон-4, Ан-402, Оққўргон-2, Армугон, Хоразм-126, Қарши-8, Гулбаҳор, Фарғона-5, янги навлар
III-гурӯҳ	Фарғона-3, Чимбой-3010, С-9070

2. Органик ва минерал ўғитлар

Юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ўсимликларда барча озуқа моддалари бўлиши зарур. Улар тупроқ таркибида органик ва минерал бирикмалар шаклида бўлади. Улар парчаланиши (емирилиши) ва минераллашиши натижасида ўсимликлар ўзлаштирадиган ҳолатга айланади.

Ўғитлар органик ва минерал ҳолатда бўлади. Органик ўғитлар қадимдан қишлоқ хўжалигининг дехқончилик соҳасида қўлланилади. Органик ўғитларнинг асоси ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг қолдиқлари хисобланади. Улар тупроқка аралашгач микроорганизмлар иштирокида чирийди ва ўсимликлар учун зарур бўлган моддалар билан тупроқни бойитади.

Йирик шохли молдан бир кунда 20-30 кг, отдан 15-20 кг, кўйдан 1,5-2,5 кг гўнг йиғилади.

Маълумотларга қараганда, ҳар гектар далага солинган гўнг алмашлаб экиш таркибидаги ўсимликлар ҳосилдорлигини дон ҳисобига 1 центнерга оширади. 1 гектарга солинадиган гўнг миқдори 20-30 тонна бўлиб, кузги шудгор олдидан маҳсус мосламалар ёрдамида далага сепилади. Айрим хўжаликларда гўнг сувга аралаштирилиб “шарбат суви” сифатида ғўзанинг ривожланиш даврида берилади.

Компостларни (ҳар йил органик қолдиқлар аралашмаси) тайёрлашда фосфор ўғити ҳам қўшилади ва алоҳида жойга (чукур бўлмаган ўра, катта ҳажмдаги маҳсус мосламалар) йиғилиб устидан суюқ гўнг ёки сув қўйилиб бостириб қўйилади.

Минерал ўғитлар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган озуқа моддалар кимёвий усул билан яратилади. Минерал ўғит тупроқка солинганда шаклланиши мумкин бўлган муҳитга қараб қўйидагиларга бўлинади:

а) физиологик нордон ўғитлардан ўсимлик жадал суръатда катионни ўзлаштиради, анион эса тупроқ эритмасига ўтади (аммонийли сульфат, калийли хлорид, калийли сульфат, аммоний-азотли ўғит ва мочевина);

б) физиологик-ишқорий ўғитлардан ўсимлик анионни ўзлаштиради, катион эса йиғилиб тупроқ муҳитини ишқорийлаштиради (натрий нитрати, калий ва калций нитратлари);

в) физиологик нейтрал ўғитлар.

Таркибидаги озуқа моддаларнинг турига қараб минерал ўғитлар оддий ва мураккаб ўғитларга бўлинади. Оддий ўғитлар азотли, фосфорли, калий ва микроэлементларга бўлинади. Минерал ўғитлар қўйидаги меъёр асосида ишлатилади.

2-жадвал. Асосий қишлоқ хўжалик экинларига бериладиган маданий ўғитларнинг илмий асосланган ўртacha меъёрлари (кг/га, 100 фоиз соф модда ҳисобида)

Бошоқли дон экинлари:			
сугориладиган	150-200	100-120	50
лалми	50-60	40-50	-
Дон учун экилган:			
Маккажўхори	180-220	120-140	85-90
Шоли	200-220	140-145	150-180
Ғўза	215-240	145-165	95-100
Шу жумладан			
Ўртacha толали	215-240	145-165	95-100

Ингичка толали	230-250	155-165	100-110
Каноп	160-180	130-140	80-90
Тамаки	120-150	80-100	40-45
Картошка	120-150	85-100	60-75
Сабзавот	145-200	100-110	70-75
Полиз	50-75	100-110	45-50
Озуқабоп илдизмевали ўсимликлар	220	90	60
Силос учун экилган маккажүхори	200	90	60
Эски беда	100	90-100	50-60
Мева берувчи боғлар	120-130	85-90	65
Мева берувчи токзорлар	135-140	90-95	70
Тутзорлар	100	60	40

3-жадвал. Маданий ўғитларнинг йиллик меъёrlарини муддатлар бўйича тақсимланиши (йиллик меъёрга нисбатан фоиз ҳисобида)

1	2	3	4	5	6	7	8
Fўза	N	-	25	5	20	25	25
	P	60-70	-	15-20	-	-	15-20
	K	50	-	-	-	50 ⁴	-
Каноп	N	-	25	-	35	40	-
	P	50	-	-	-	50	-

⁴ Вилт касалликлари тарқалган Fўза майдонларига биринчи озиқлантиришда 1 гектарига 20 кг ва иккинчи озиқлантиришда – 30 кг калий берилади.

	K	50	-	-	-	50	-
Тамаки	N	-	-	-	3	35	30
	P	50	-	-	-	25	25
	K	50	-	-	25	25	-
Бошоқли дон экинлари	N	-	15	-	40	45	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Маккажүхори ва жўхори	N	-	30	-	35	35	-
	P	50	-	-	-	50	-
	K	50	-	-	50	-	-
Шоли	N	-	30	-	40	30	-
	P	-	70	-	-	30	-
	K	-	50	-	-	50	-
Силося экилган маккажүхори ва жўхори	N	-	30	-	35	35	-
	P	50	15	-	-	35	-
	K	60	-	-	50	-	-
Бир йиллик ўтлар	N	-	-	-	100	-	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Бошоқли дон билин экилган бедазорлар	N	50	-	50	-	-	-
	P	80	-	20	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Янги бедазорлар	N	-	-	-	-	-	-
	P	80	-	20	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-

Күп йиллик бедазорлар	N	-	-	-	100	-	-
	P	-	-	-	100	-	-
	K	-	-	-	100	-	-
Озукабоп илдиз мевали ўсимликлар	N	-	-	-	50	50	-
	P	75	-	-	-	25	-
	K	100	-	-	-	-	-
Сабзавотлар	N	-	30	-	35	35	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Помидор	N	-	15-20	-	45-40	40	-
	P	70-75	-	-	-	-	-
	K	50	-	-	25	25	-
Эрта ва кечки карамлар	N	-	15-20	-	45-40	40	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	50	-	-	25	25	-
Сабзи	N	-	-	-	50	50	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Пиёз	N	-	-	-	50	50	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Бодринг	N	-	15-20	-	35-30	25	25
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	50	-	-	-	-	50
Полиз	N	-	-	50	-	50	-

	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Картошка	N	-	-	20	30	50	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Мева берувчи боғлар	N	-	-	-	50	50	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Мева берувчи токзорлар	N	50	-	-	25	25	-
	P	50	-	-	25	25	-
	K	50	-	-	25	25	-
Тутзорлар	N	-	-	-	-	-	-
	P	80	-	-	20	-	-
	K	40	-	-	40	20	-
Мевага кирмаган боғлар токзорлар ва	N	-	-	-	50	50	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-

3. *Сугории меъёри* деб, бир марта сүғориш учун керак бўладиган сув миқдорига айтилади. *Мавсумий сугории* эса, маълум экинни ўсиб ривожланиши давомида сугориш учун сарфланадиган сув миқдорининг умумий йиғиндисидир. Сугориш меъёрини ҳисоблаш учун 3 та кўрсаткични билиш керак. Уларга дала нам сигими (ДНС), маълум экин учун тупроқдаги ўсимлик ўзлаштира оладиган намликтининг пастки чегараси ва сув билан тўйинтириладиган қатлам қалинлиги киради.

4. Алмашлаб экиш

Алмашлаб экиш – бу қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосда навбатлаб экишdir. Бунда алмашлаб экиш далаларидағи экинлар маълум даврда юқори агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўрин алмашлаб чиқилади.

Алмашлаб экиш схемаси деб, маълум гуруҳ экинларининг тартиб билан ўрин алмашишига айтилади.

Алмашлаб экиш ротацияси деб, экинларнинг белгиланган муддатда барча далаларда экилиб чиқишига айтилади.

Алмашлаб экиш схемалари:

1. Пахта-беда алмашлаб экиш 8 далали 3:5 (беда:пахта) ва 9 далали 3:6 схемалари кам ҳосилли, кучли, шўрланган, оч тусли ва типик бўз тупроқ, тақир тупроқларда ва чорвачилиги ривожланган хўжаликларда жорий этилади. 10 далали 3:7 схема унумдор, шўрланмаган, тўқ бўз тупроқ ва ўтлоқи бўз тупроқларда жорий қилинади.

2. Пахта-беда-буғдой (дон) схема: 3:4:3 (беда:пахта:буғдой).

3. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни таъминловчи алмашлаб экиш схемалари: 1:3:4 ва 1:3:5 (мелиоратив дала:беда:пахта).

4. Шолини алмашлаб экиш схемалари: 2:4 (дуккакли экинлар:шоли), 2:3:1:3 ва 2:4:1:3 (дуккакли экинлар:шоли:мелиоратив дала:шоли).

5. Лалмикор дехқончиликда алмашлаб экиш схемалари: 1:2 (шудгор:дон), 1:2:1:1 ва 1:2:1:2 (шудгор:дон:қатор ораси:ишланадиган экинлар:дон), 5:2:1:2 (беда:дон:шудгор:дон).

6. Озуқа экинларини алмашлаб экиш схемалари: 2:1:1:1:1:1:1 (беда:жавдар:бурчоқ билан қўшиб экилади ёки сорго силосга экилади: маккажўхори:дон:соя донга, уни йиғишириб олгач маккажўхори ва уни йиғишириб олгач оралиқ экинлар: маккажўхори донга, арпа донга, уни йиғишириб олгач оралиқ экинлар: лавлаги: маккажўхори силосга ва уни йиғишириб олгач оралиқ экинлар)

5. Ёқилғи ва мойлаш материаллари меъёрлари

Қишлоқ хўжалигига барча техникалар асосан, дизель ёқилғиси билан харакатланади. Дизель ёқилғисининг иш бирлигини аниқлашда ҳар бир экин тури бўйича тузилган технологик картадан фойдаланилади. Технологик картада ҳар бир иш жараёнида бажариладиган ишларнинг маълум микдорига ёқилғи меъёри берилган. Иш ҳажмини аниқлаб, меъёрга бўлиш йўли билан ёқилғи сарфи аниқланади.

Ёқилғи-мойлаш материалларига бўлган талаб, дизель ёқилғисига нисбатан фриз ҳисобида аниқланади. Дизель ёқилғисига нисбатан, автол-6,8%, солидол-0,5%, нигрол-1,4%, бензин билан ишлайдиган двигателларда – авто мой – 5,5 фоиз олинади.

Фермер хўжалигига зарур бўлган техникаларни 1000 гектар ҳисобига тўғри келидиган меъёрий кўрсаткичлар асосида олишлари мумкин. Тракторларга бўлган талаб қуйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал. Тракторларга бўлган талаб.

Хайдов тракторлари	1,2	2,8	-1,6	1653
Чопик тракторлари (3 ғилдиракли)	4,4	21,7	-17,3	23797
Чопик тракторлари (4 ғилдиракли)	2,5	12,0	-9,5	20362
Омочлар	0,8	3,4	-2,6	1984
Культиваторлар	1,6	16,9	-15,3	7220
Дон экиш сеялкалари	2,2	4,8	-2,6	4120
Чигит экиш сеялкалари	1,7	13,3	-11,6	6215
Дон ўриш комбайни	1,1	2,0	-0,9	630
Ерларни текислаш машинаси	0,1	5,6	-5,5	549
Трактор прицеплари	4,6	32,0	-27,4	40724

Ушбу техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалигидаги барча ишлар амалга оширилади. Агротехника тадбирларни бажаришда техникаларнинг йиллик ишлаш қуввати вақт меъёрида берилади. Фермер техникалардан фойдаланишда бир йилда қанча соат ишлаши керак бўлса, шунга амал қилган ҳолда, иш билан таъминлайди. Техникаларнинг 1 йилда бажарган иш ҳажми меъёри 2-жадвалда берилган.

**5-жадвал. Қишлоқ хўжалиги машиналарининг йиллик (мавсумий)
бажариладиган иш ҳажми ва вақт меъёрлари**

Трактор прицеплари:	3ПТС-12 Б,		
	1ПТС-9 Б	850	-
	2 ПТС-4-887А		
	2ПТС-4-793	420	-
Омочлар умумий мақсаддаги:			
8-9 корпусли осма ва ярим осма		230	454
5 корпусли осма		280	177

4 корпусли осма		280	120
3 корпусли		220	30
2 корпусли		205	20
Омочлар 2 ярусли:			
3-4 корпусли		400	150
Чизеллар:	ЧКУ-4А	200	210
Каток	ЭККШ-6	350	1120
Бароналар, дискасимон	БДТ-10, БДТ-7	160	330
	БДТ-3	320	310
Бороналар боғдорчилик учун дискасимон	БДН-3,5	210	187
Тишли бароналар	БЗТС-1,0	80	8,0
	БЗСС-1,0	80	8,0
Минерал ўғит солиш машинаси	РУМ-5	250	240
Органик ўғитларни ташиш ва солиш машинаси		175	208
Пуркагичлар	ОП-2000, ОП-1600	435	180
	ОБХ-28	285	240
Сеялкалар	С3-3,6, С3Т-3,6	135	210
Жатка (ўроқлар)	ЖНУ-6	200	90
Ғалла комбайнлар	СК-5М “НИВА”, Енисей-1200	160	270
Ғалла, шоли ўриш комбайни	Енисей- 1200Р	160	50
Макка сеялкалари	СУПН-8, СУПН-6	70	160
Культиватор – ўғитлагич	КРН-4,2	485	160
Картошка эккич	СК-4Б, СКС-4, КСМ-4	18	65

	САЯ-4	215	40
	КОН-2,8	505	32
	КНО-2,8	505	32
	КСТ-1,4	170	36
Картошка йиғгіч	ККУ-2 А	170	26
Сабзавот сеялкаси	СКО-4,2	125	130
	СКОН-4,2		
Пахта сеялкаси	СХУ-4	60	58
Культиватор	КХУ-4	1020	43
Күрак териш машинаси	СКО-2,4	140	77
	СКО-3,6	150	117
Күсак чувиш машинаси	УПХ-1,5В	525	160
Ғұзани юлгіч	КВ-3,6А	210	210
	КВ-4А	235	112
Күна олгіч	ГХ-4	160	125
Пахта териш машинаси	ХНП-1,8	235	33
	14XB-2,4А	230	43
Трактор ўргичлар	КС-2,1	590	150
	КСГ-2,1	590	135
	КРН-2,1	590	190
	КПП-3	590	-
Хаскашлар		490	195
Тойлаб зичлагіч	ПС-1,6	520	330
	ПСЕ-1,6Г		
Үргіч-майдалагіч	КУФ-1,8, КПИ-2,4	625	437

	КИР-1,5	340	170
--	---------	-----	-----

**Ўқтам Умурзоков
Абдураим Тошбоев
АЗИМ ТОШБОЕВ**

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ Ўқув қўлланма

Мухаррир

Л.Бахранов

Мусаҳҳих

Ҳ.Тешабоев

Саҳифаловчи

А.Рўзиев

Bosishga ruxsat berildi _____. Qog'oz bichimi _____. Hisob-nashr tabog'i __14__ b.t.
Adadi _____
Buyurtma № _____

"IQTISOD-MOLIYA" nashriyoti, 700084, Toshkent, H.Asomov ko'chasi, 7-uy.
Hisob shrtnoma _____